
О. Рамазонов, О. Юсупбеков

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Олий ўқув юртлари учун дарслик

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003

Ушбу дарсликда олий уқув юртларининг «Ер тузиш ва Ер кадастри», «Гидромелиорация», «Қишлоқ хужалигини механизациялаш», «Қишлоқ ва сув хужалиги энергетикаси», «Агроиктисодиёт ва менежмент» йўналишлари буйича бакалаврлар тайёрлашда утиладиган «Ландшафтшунослик», «Тупроқшунослик», «Деҳқончилик» ва «Ўсимликшунослик» фанларига оид асосий назарий тушунчалар, шунингдек, мавжуд методик қўлланмалар асосида лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш услублари ҳам баён этилган.

Дарслик олий уқув юртларининг мазкур йўналишлари буйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Ундан қишлоқ хужалиги соҳасида фаолият кўрсатадиган мутахассислар, шу соҳага қизиқувчи бошқа мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.



Рамазонов О., Юсупбеков О.

Тупроқшунослик ва деҳқончилик: Олий уқув юртлари учун дарслик.— Т.: «Шарқ», 2003.— 272 б.

ББК 40.3я73+
41.4я73

КИРИШ

Халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Миллатимизнинг «олтин» бойлиги ҳисобланган сугориладиган ва лалмикор ерлардан фойдаланишининг янги шакллари вужудга келди, деҳқончиликка оид замонавий технологиялар ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитларида синаб курилмоқда ва қўлланилмоқда. Кўпдан-кўп хорижий давлатлар инвестициялари ишлаб чиқаришнинг асосий ва ёрдамчи тармоқларига йўналтирилмоқда.

Республикадаги мавжуд табиий захиралардан, шу жумладан қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ердан фойдаланишни туғри ташкил қилиш, самарадор йўналишларни аниқлаш, агротехнологик тадбирлар таркиби ва меъёрини белгилаш ҳудуднинг ландшафт тўзилиши билан узвий боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатларида монандлиги мазкур ерларда етиштирилаётган экинлар ҳосилдорлиги, яъни деҳқончилик маданиятига боғлиқдир. Шуларни назарда тутган ҳолда ушбу дарсликда қишлоқ хўжалиги учун мутахассис-муҳандис тайёрлаш буйича бакалавриатуранинг ўқув режасида ажратилган соат ҳажмида ва қўйиладиган талаб доирасида ландшафтшунослик, тупроқшунослик, деҳқончилик ва ўсимликшуносликка оид назарий ва амалий тушунчалар баён қилинган.

I б о 6. ЛАНДШАФТШУНОСЛИК

1-§. ЛАНДШАФТЛАР ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Ер қобиги жуда мураккаб ва ўзаро боғлиқ бўлган *литосфера* (тош қобик, яъни Ер шарининг пўсти ва унинг остидаги қаттиқ қисми), *атмосфера* (ҳаво қобиги), *гидросфера* (сув қобиги) ва *биосфера* (хаёт қобиги)-дан иборат.

Биосфера Ер қобигининг таркибий ва тирик қисми бўлиб, асосан тирик организмлар (биомасса), уларнинг иштирокида ҳосил бўлган маҳсулотлар (кўумир, нефть, газ, торф, тупроқ гумуси, оҳак кабилар), тирик ва жонсиз табиатнинг ўзаро таъсирида ҳосил бўлган моддалар (чиқиндилар, тропосферанинг газ қисми)дан иборат. Биосфера — қадимий, жуда мураккаб, кўп компонентли, ўзини-ўзи бошқарувчи тирик ва жонсиз моддалар тизимирид.

Ўзаро боғланган ва бир-бирига таъсир этиб турадиган атмосферанинг қуи қисми, литосферанинг устки қисми, бутун гидросфера ва биосфера биргаликда географик қобиқни ташкил этади.

Ернинг географик қобиги атмосфера, гидросфера ва литосфера ички қатламларининг ҳар хиллиги ва жозибадорлиги билан ажralиб турди. Географик қобиқнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — у билан ташқи муҳит орасида мунтазам равишда модда ва энергия алмашиши билан бир вақтда унинг таркибий қисмлари орасида ўзаро таъсир мавжудлигидадир.

Географик қобиқни Ер шарининг қобиқларидан бири деб қараш мумкин, фақат унда ҳаёт мавжуд. Шу қобигда ҳаёт, хусусан инсон пайдо бўлган ва жамият шаклланган.

Географик қобиқ — география фаны ўрганадиган асосий ҳосила (манба) ҳамдир. Географик қобиқ:

а) литосфера, атмосфера, гидросфера ва биосфера орасида мавжуд бўлган хилма-хил муносабатларни, бунда физик, кимёвий ва биологик йўналишда содир бўладиган моддий тизимни;

б) давр ва ҳудудда вақти-вақти билан ва йуналтирилган ҳолда (эволюция) очиқ содир бўладиган ўзгарувчан тизимни;

в) ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароити ва бошқа курсаткичларга қараб ўзига хос табақалашган, таркибий қисмлари ҳар хил булишига қарамасдан, ўзаро чамбарчас боғланган мураккаб кенг қамровли тизими ташкил этади.

Географик қобиқнинг алоҳида шаклланган қисмлари *ландшафт* сифатида қаралади.

Ландшафт — геологик замини, рельефи, иқлими, тупроғи, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти сувлари режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва табиий чегараларга эга бўлган ҳудудdir.

Қуёш энергиясини Ерга таъсир этувчи ва Ер юзидағи ҳаётни шакллантируви ҳар хил энергияга айланиши натижасида *ландшафт* кўриниши ҳосил бўлади.

Ландшафтнинг табиий компонентларига *рельеф*, *тоғ жинслари*, *иқлим*, *сув*, *тупроқ*, *ўсимлик* ва *ҳайвонот дунёси* киради. Буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади ва битта мураккаб жараён сифатида табиий географиянинг алоҳида қисми *ландшафтшунослик* фанини вужудга келтирган.

Географик қобиқнинг литосфера, гидросфера ва атмосферанинг бевосита туташиб турган нисбатан юпқа марказий қисми *ландшафт қобигини* ташкил этади.

Ландшафтшунослик — Ернинг ландшафт қобигини ва уни ташкил этгай ландшафт комплекслари, бу комплексларнинг тузилиши, географик жойлашиши, ривожланиши, хўжаликда фойдаланишини ўрганувчи фандир.

Табиий географиянинг бир тармоги бўлган ландшафтшунослик барча табиий географик комплекслар-

ни — ландшафт қобиги ва географик минтақалардан тортиб энг кичик комплексларгача, яъни ландшафт жойларгача бўлган комплексларни урганади. Ландшафтшуносликнинг асосий тадқиқот услублари: бевосита жойда кузатиш, табиий комплексларни харитага туширишдан иборат. Ландшафтшунослик табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Ландшафт доирасини қўйидаги регионал геокомплексларга бўлиш мумкин: *материк, географик кенглиқ, мамлакат, минтақа, провинция, округ, туман ва микротуман*.

Табиий географик ландшафт ҳудуднинг генетик жиҳатдан нисбатан бир хил (рельефи, тупроқ-иқлим шароити, сув ва биоценез) бир-бири билан узвий bogliq бўлган ва маълум даражада инсон таъсири сезиладиган қисми деб қаралади.

Ландшафт доимий тузилишга эга бўлиб, давр, ҳудуд миқёсида ўзгариб туради. Бу ўзгариш уч хил бўлади:

1. *Даврий ўзгариш*. Ландшафт шаклланишида иштирок этувчи жараёнлар маълум бир хил даврда такрорланиб туради. Масалан, дарё ўзанларининг сув босиши.

2. *Қайтиш*. Мавжуд ландшафт тузилишига маълум давр ўтгандан сўнг қайтиш мумкин. Масалан, ўсимлик қоплами маълум давр ўтгандан сўнг яна тикланиши мумкин.

3. *Мутлоқ ўзгариш*. Ландшафт қуринишининг айрим компонентлари, морфологик (сой, қирғоқ ёнбагирликлари) белгилари кескин ўзгариши (сел келиши, сув эрозияси) мумкин.

Ландшафт-типологик комплекслар муқимлиги буйича *мунтазам муқим, нисбатан муқим* ва *ўзгарувчанг* бўлинади.

Мунтазам муқим. Ландшафт ривожланишида доимий тенглик бўлади, вақт ўтиши билан ландшафт кўриниши қайта тикланаверади.

Нисбатан муқим. Ландшафт ривожланишида (бўлиниши ва шаклларида) сезиларли ўзгаришлар содир булиб туради.

Ўзгарувчан. Ландшафтнинг ташқи кўриниши ва таркиби тез ўзгариб туради.

Ландшафтни шакллантирувчи табиий омиллар *минтақавий* ва *номинтақавий* бўлади. Иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси *минтақавий омилларни*, литосферанинг геологик тузилиши ва рельефи *номинтақавий омилларни* ташкил этади.

Ландшафтнинг ички тузилиши ва шаклланишида рельеф (геоморфологик), иқлим ва тупроқни ҳосил қилувчи омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Табиий ландшафтнинг геоморфологик асосида *рельефнинг* ҳар хил типи ва шакллари ётади. Ер шарининг рельефи асосан узоқ вақт давом этадиган ва бирбири билан узвий боғлиқ бўлган икки хил жараён — *экзоген* ва *эндоген* таъсирида шаклланади.

Эндоген жараёнлар — Ер шари ичидаги содир бўладиган физик ва кимёвий жараёнлардир (радиактив молдаларнинг парчаланиши, механик ҳаракатлар, зилзила, магматик жараёнлар, кимёвий реакциялар).

Экзоген жараёнлар — Ер шарининг устки қисмида Қуёш энергияси, огирилик кучи ва тирик организмларнинг ҳаёти натижасида вужудга келган рельеф ҳосиларири (емирилиш, эрозия, музликлар, ер ости сувлари таъсири).

Қуруқликнинг устки қисми экзоген жараёнлар таъсирида ҳосил бўлган ҳар хил катталик ва шаклдаги рельефлардан иборат.

Рельефни ҳосил қилувчи асосий омилларни назарда тутган ҳолда унинг типлари ажратилади. Улардан энг кўп тарқалган морфогенетик типи — рельеф шакли, ташқи кўриниши, тузилиши ва келиб чиқиши бирбирига ўхшаш мажмуалардир.

Тоғлик ва текисликларда энг кўп тарқалган морфогенетик типлардаги рельеф *эрозия* ва *аккумуляция* таъсирида шаклланади. Бунда эрозия натижасида емирил-

ган жинсларнинг бир ердан иккинчи ерга кучиши ва йигилиши асосий жараёнлардан ҳисобланади.

Эрозия — аккумуляция жараёнида рельеф шаклланишининг бир типи булган дарё ҳавзаси водийсида рельеф ҳосил бўлишидир. Бу типдаги рельефнинг асосий кўрсаткичлари — дарё узани, ёнбагирликлар ва асосий киргоқ.

Жарлик типидаги рельеф паст-баланд ҳудудларда тарқалган. Уларга нисбатан енгил ётқизиқларнинг ювилиши (емирилиши) натижасида шаклланган рельефлар киради.

Карст типидаги рельеф — тог жинслари таркибидаги ҳар хил кимёвий жараёнлар ва сув таъсирида шаклланади (оҳак, гипс, даломит, тош туз, мергелнинг ювилиши).

Тог жинслари таркибидаги майдада минерал ва эриган моддаларнинг шимилаётган сув таъсирида ювилиши натижасида суффозия типидаги рельеф шаклланади.

Тоғлардаги музликларнинг эриши натижасида уларнинг юқори қисмига хос рельеф шаклланади.

Шамол иштирокида (күм кучиши, йигилиши) зол типидаги рельеф ҳосил бўлади.

Инсон таъсирида, яъни хилма-хил хўжалик ишларини юритиш жараёнида *техноген* типдаги рельеф шаклланади. Масалан:

- ер ости бойликларини қазиш, карьерлар, тоғлардаги минерал ётқизиқларни ковлаб олиш, тог ёнбагирларини ўпириш, чукурликларни тўлдириш;

- саноат чиқиндиларини ташлаш, ташландиқ сувларни тиндириш;

- дехқончиликда нишабликларда экин учун майдон яратиш, сугориш шахобчалари, коллектор-зовурлар, сув омборлари қуриш.

Ландшафтларнинг шаклланишида *иқлимининг* таъсири жуда каттадир. Иқлимининг ландшафтга таъсири жуда кенг, минтақавий ва чекланган ҳудудда бўлиши мумкин.

Ландшафтнинг шаклланиши ва ривожланишида ер шарининг қуруқлик ва сув (океан) билан банд қисми орасида намлик ва иссиқлик алмашинуви катта аҳамиятга эга.

Иқлим шароити ер сатҳидан иқлимий ландшафт минтақаларини ажратишни тақозо этади. Иқлим минтақаларида (урмон, чўл, саҳро) атмосфера ва ер сатҳи, яъни ландшафтнинг шакли, таркиби ва хусусиятлари ажralиб туради. Ландшафтнинг айрим компонентлари таъсирида минтақавий иқлим — *мезоиқлим* ҳосил бўлади (чўл, тайга, саҳро иқлими). Алоҳида ҳудудларда *микроиқлим* шаклланади.

Макро, мезо ва микроиқлим шаклланишида *инсон фаолияти* муҳим аҳамиятга эга.

Тирик организмлар ва тог жинсларининг ўзаро таъсири, парчаланиши натижасида *тупроқ қатлами* ҳосил бўлади. Бу қатлам ер қобигининг устки қисми бўлиб, унда ландшафт компонентларининг барча куринишлари бир-бири билан боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг табиат компонентлари билан ўзаро таъсири натижасида ландшафт ойнаси — қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги маҳсулотларини чиқариш воситаси шаклланади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси Ер юзида модда ва энергиянинг айланишида, ландшафт ҳосил булишида муҳим аҳамиятга эга.

Биоценоз ёки экотизим ландшафтнинг органик қисми бўлиб, унинг ташқи куринишини белгилайди. Ландшафтдаги ҳаёт биологик модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлади, яъни фотосинтез жараёнида тирик организмлар оддий бирикмаларга парчаланади (CO_2 , сув). Ўсимлик ва ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади ва қайтадан мураккаб органик бирикмалар ҳосил қиласида. Бу жараённинг жадаллиги ландшафт ҳосил қилувчи компонентларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ бўлади.

Умуман, биоценоз табиий ландшафтнинг ўзини-ўзи бошқарувчи қисми бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси

орасидаги муносабат нисбатан бир хил даражада сақланиб туради.

Ландшафт захираларидан фойдаланиш режалаштирилганда табиатда содир бўладиган биогеокимёвий жараёнларнинг асосий кўрсаткичлари ва йўналишини инобатга олган ҳолда табиат-ландшафт тизимидағи тенгликни инсон таъсири натижасида бузилмаслигига эришиш назарда тутилиши керак.

Саволлар: 1. Ландшафт деганда нима тушунилади?

2. Ландшафтнинг табиий компонентларига нималар киради?
3. Ландшафтнинг ўзгариши неча хил бўлади?
4. Ландшафтни шакллантирувчи табиий омилларига нималар киради?
5. Ландшафтнинг ташқи кўринишини нималар белгилайди?

2-§. ЛАНДШАФТЛАР ТАСНИФИ

Типологик ландшафтлар. Типологик ландшафтлар морфологик кўрсаткичлари, улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ва бир-биридан фарқланувчи белгилари билан ажralиб туради.

Ландшафтларнинг энг оддий, кичик морфологик бирлиги фация дейилади.

Фация доирасида табиий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги деярли бир хил бўлади. Фация ҳудудида ернинг устки қатлами тузилиши, рельефнинг шакли, намланиши, микроқлими, тупроқ типи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси нисбатан бир хил булади. Фация сифатида тог ва адирлардаги жарликларнинг ёнбагирлали, дарё ўзанидаги чуқур бўлмаган пастликларни кўрсатиш мумкин.

Бир нечта фациялар биргаликда битта мезорельеф ҳудудида сойликни ҳосил қиласди.

Сойликларнинг ҳар бири барча ландшафт компонентларини ўз ичига олади. Ер тузиш ишларини амал-

га оширишда (лойиҳалашда) ҳар бир сой алоҳида табиий майдон (захира) ҳисобланади. Буларга дарё қиргогининг қуи қисмида жойлашган ерлар, дарё узани ёнидаги нисбатан баланд ерлар киради.

Ландшафт морфологик қисмлари, уларнинг миқдорий кўрсаткичлари асосида бир-биридан фарқланувчи *таснифи*, *урта ва юқори мажмуаларга*, яъни *ландшафт кўриниши, тип, типча, синф ва синфчаларга* булиниади.

Синфларга орографик ва геолого-геомарфологик хусусиятлари буйича нисбатан бир хил бўлган ҳудудлар киради (тогликлар, текисликлар).

Синфчаларга синфларга киравчи ҳудудларнинг айрим белгиларига қараб табақалашган майдонлар киради (тогнинг юқори қисмида, паст қисмида ва оралигига шаклланган ландшафтлар).

Ландшафт типига айрим тупроқ иқлим минтақасида шаклланган майдонлар киради (урмон-чўл, чўл минтақаси ва ҳ.к.).

Ландшафт типчасига минтақача ва провинциал хусусиятларга эга бўлган майдонлар киради. Масалан, текислик-чўл типидаги ҳудуд, шимолий текислик-чўл жанубий текислик-чўлдан ландшафтни изоҳловчи хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ландшафт кўринишига типча ҳудудидаги табиий мажмуалари бир хил таъсири этувчи, бир-бирига ўхшаш белгили рельефга эга бўлган майдонлар киради.

Антропоген ландшафтлар. Табиий ландшафтларнинг таркиби ва кўринишини инсон идроки ва меҳнати таъсири натижасида узгариши *антропоген ландшафтларнинг* шаклланишига олиб келади. Антропоген ландшафтлар ягона кўпкомпонентлик ҳосилалар ҳисобланади ва табиий қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқ булади. Инсон эътиборидан четда қолган антропоген ландшафтлар табиий ҳолатга қайтишга интилади.

Инсон таъсирида узгариш даражаси ва йуналишига қараб антропоген ландшафтлар тўртга бўлинади:

1. *Шартли ўзгармаган.*

2. Кам ўзгарган.
3. Кучли ўзгарган (бузилган).
4. Мақсадға мувофиқ ўзгартырған.

Атропоген ландшафтлар вақт ўтиши билан ўзгаришига қараб:

- узоқ мұддат ўзини-ўзи бошқарадыған, масалан, сув омборлари;
- күп иш давомида бошқарыладыған;
- қисман бошқарыладыған (ихота дарахтзорлари);
- қисқа мұддат бошқарыладыған (мевали дарахтзорлар)га булинади.

Типологик нұқтаи назардан антропоген ландшафтлар табиий ландшафтлар каби табиий омиллар асосида әмас, балки инсон таъсирида ифодаланған асосий омилларни инобатта олган ҳолда таснифланади.

Худуднинг ландшафт харитасини түзганды қуйидаги типологик бирликлар құлланилади: синф, тип, қуриниш. Бундай харита ташқи қуриниши буйича алоҳида белгиларга эга бўлган табиий чегараланған паст-баландликлар мажмуасидир.

Типологик ва антропоген ландшафтлар таснифини тузишда құлланиладыган таксономик тизимни қуйидаги қуринишда тасвирлаш мумкин:



Антропоген ландшафтлар икки синфга булинади: текислик ва тог ландшафтлари. Мазкур ландшафтлар таркиби узини-үзи бошқариш даражаси буйича бир-биридан фарқланиши сабабли, улар *дала-бог* (аралаш) ва *ўтлоқ-яйлов* синфчаларига булинади. Синфчалар минтақавий кенглик типларига бўлинади.

Ҳар бир минтақавий кенглик типлари ҳудудида ўзига хос тупроқлар, агроиклим захиралари мавжуд бўлиб, уларга мос келадиган агротехник табиатни муҳофаза қилиш чораларини қўллашни тақозо этади.

Ландшафтнинг *дала-бог* синфчаси ерни ҳайдаш, ўғит солиш, ўсимлик етиштириш натижасида шаклланади. Тупроқ дала ландшафтининг асоси ҳисобланади. Ўсимликлар эса унинг маданий биоценозидир. Куп йиллар давомида мазкур далада бир тизимдаги агротехник тадбирлар амалга оширилса, уларга мослашган бегона ўтлар ва тирик организмлар пайдо бўлади.

Ландшафтнинг *ўтлоқ-яйлов* синфчаси — Ер юзининг барча тупроқ иқлим минтақаларида мавжуд (тундрадан субтропикларгача). Унинг таркиби, ўзгариши мазкур майдонларда яйлов сифатида мол боқиш даражасига боғлиқ. Яйловлардан хотүгри фойдаланилганда (тупроқ зичлашади, айрим ўтлар камайиб кетади ва ҳ.к.) ландшафтлар маълум даражада ўзгаради.

Ландшафтнинг дала-бог синфчаси маданий ўрмон мажмуасига үхшаш бўлиб, қайта тикланиш даражаси нисбатан паст бўлади. Бог ва далаларда тупроқда антропоген ўзгаришлар содир бўлади (тупроққа ишлов бериш, ўғит солиш, сугориш ва ҳ.к.). Тупроқларнинг унумдорлиги мазкур минтақадаги тупроқларнинг табиий унумдорлигидан юқори бўлади.

Дала-бог ландшафтларининг рельефи жуда хилмажил бўлади (текислик, тог ёнбагирлари, адирлар ва ҳ.к.). Минтақавий дала-бог ландшафт типлари ҳудуднинг оро-геоморфологик ҳусусиятларига, тупроғига ва биоценозларига қараб ажратилади.

Антропоген ландшафтларнинг минтақавий кенглик қуринишларига водийлар ҳам киради. Бундай ландшафт-

лар яхши ўзлаштирилган, сугориладиган, дәхқончилик ривожланган адир миңтақада тарқалган. Водийларда ландшафтнинг табиий компонентлари кўп ҳолларларда инсон фаолияти таъсирида шаклланади. Водийларнинг микроиқлими, тупроғи, агробиологик, зооценоз хусусиятлари, уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳудуднинг рельефига, тупроғига, экинларнинг таркибига боғлик бўлади.

Водийларни изоҳлашда рельефнинг генетик тузилиши, тупроқ турлари, ер ости сувларининг чуқурлиги, агробиоценозлар таркиби ва хусусиятлари инобатга олинади. Шулар асосида Урта Осиёда дарё узани ёnlари, дарё узани, тоголди текислиги, адирлар орасида жойлашган ва бошқа кўринишдаги водий ландшафтлари шаклланган.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ҳудудларда шаклланувчи антропоген ландшафтлар инсон таъсирида қисқа даврда бошқариладиган ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, дала ландшафти экин турларининг ўзгариши (алмашлаб экиш) билан маълум даражада таркиби ва шаклини ўзgartиради.

Қишлоқ хўжалигига ландшафтларнинг ҳосил бўлиши, таркиби ва ривожланиши ижтимоий-иқтисодий шароитларга ҳам боғлиқ булади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда яқин ва узоқ келажак учун режа (башорат) тузиш, антропоген ландшафтларни башорат қилиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади, табиий ва қишлоқ хўжалик мажмуаларининг инсон таъсирида ўзгариши инобатга олинади.

Ер тузиш ишларини режалаштиришда, яъни хўжаликларнинг йўналишини, асосий экинларнинг турини, дәхқон, фермер хўжалиги, ширкатлар бирлашмаларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадор ва истиқболли шаклларини танлашда антропоген ландшафтларнинг инсон таъсирида ўзгариши инобатга олинади ва башорат қилинади.

Ер захираларидан яқин ва узоқ келажакда оқилона фойдаланишнинг асосий мезони текислик, тоголди ва

тогларда мавжуд ландшафтларни сақлаш, табиий тенгликни сақлаб қолишидир. Бу ута муҳим масаланинг ечи-ми, яъни ишлаб чиқариш ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни мақбул даражада бошқариш агросаноат мутахассисларининг (ер тузувчилар, гидротехниклар, агроинженерлар, иқтисодчилар, агроинженерлар, менежерлар ва бошқаларининг) билими ва иш юритишига боғлиқ.

- Саволлар:**
1. Ландшафтнинг морфологик кўрсаткичларини изохланг?
 2. Ландшафт типи деганда нима тушунилади?
 3. Антропоген ландшафтлар ўзгариш даражасига қараб қандай кўринишларда бўлади?
 4. Антропоген ландшафтлар қандай синфларга бўлинади?
 5. Ер тузиш ишларини режалаштиришда ландшафтнинг ўзгариши қандай инобатга олинади?

3-§. ЕР ЮЗИДА ЛАНДШАФТЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙЛИГИ

Ер юзида ландшафтлар иқлим компонентларининг экватордан қутбларга йуналиши бўйича табақалашган ҳолда шаклланган ва тарқалган. Бунинг асосида коинот ва Ер шари орасидаги ўзаро bogliklik натижасида кенгликлар бўйлаб иссиқлик ва намликнинг тақсимланиши ва нисбати ётади.

Ер юзида сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ривожланишининг минтақавий қонуниятлари таъсирида катта-катта майдонларда табиий тизимлар — ландшафт минтақалари ҳосил булади.

Кенгликлар бўйича иқлимининг ўзгариши (иқлим кенгликлари) натижасида мазкур шароитга мослашган биоценозни ҳосил қиласида. Табиий ландшафт шаклланишида асосий омил ҳисобланган хилма-хил ўсимлик дунёси вужудга келади. Шу сабабли Ер юзида ландшафт шаклланиши ётиқ ва баландлик иқлим минтақа қонуниятларига бўйсунади.

Географик нүқтаи-назардан ётиқ табий ландшафт деганда нисбатан катта майдонли асосли бир типдаги минтақа тушунилади (чұл, сахро, тропик минтақа ва ҳ.к.). Ландшафт типи табий минтақаларнинг ташқи күринишини белгилайди ҳамда чегарасини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Ландшафт минтақавийлиги билан бир вақтда Ер юзида номинтақавийлик қонунияти ҳам мавжуд. Номинтақавийлик қонунияти муреккаб табақалашған ландшафтлар тизимини вужудга келтиради: ландшафт минтақасыда даврий-иқлимий үзгаришлар таъсирида шаклланған компонентлар (океан қирғогидан материк ичкарисига қараб үзгариши, ҳудуднинг геоморфологик тузилиши, сатхнинг паст-баландлиги ва ҳ.к.).

Ётиқ табий минтақада аксарият күп ҳолларда номинтақавийлик рельефининг морфологик тузилиши, тог жинслари литологик тузилишига қараб намоён бұлади. Рельефга қараб мазкур ҳудуд ландшафттнинг тупроқ иқлим шароити, үсимлик дунёси хилма-хил бұлади.

Ландшафт минтақаси область ва провинциядан иборат булиб, улар табий районлаштиришнинг таксономик бирликлари ҳисобланади. Ландшафт минтақалари одатта геоботаник белгилар асосида ажратиласы. Чунки, үсимлик дунёси ландшафттнинг энг асосий ташқи белгиси ҳисобланади, табиатда содир бұлаёттан үзгаришлар үсимликларда аниқ акс этади.

МДХ ҳудудида қыйидаги табиат зоналари (ландшафтлар) мавжуд: арктика сахроси, тундра, ўрмон-тундра, тайга, аралаш ўрмонлар, кенг баргли ўрмонлар, ўрмонашт, дашт, чалачұл, чұл, дагал баргли доимий яшил ўрмонлар ва бутазорлар зоналари.

Тоғли ҳудудларда ётиқ көнгликларга қараганда рельеф билан bogliq бұлған ландшафтлар, уларнинг компонентлари мавжуд.

Тоғларнинг паст-баландлиги, ёнбагирларининг хилма-хиллиги натижасыда уларға тушаёттан Қүёш радиацияси ҳар хил даражада бұлади. Натижада тоғли ҳудудларда үзига хос иқлим, тупроқ, үсимлик дунёси ва

улар билан узвий bogлиқ булган табиий тик ландшафт минтақалари шаклланади.

Тоғли ҳудуд рельефи табиий ҳолда табақалашган хилма-хил, паст-баланд ландшафтлар ҳосил қиласи. Ҳар бир төг тизимининг тектоник ҳаракати, экзоген булинишлар натижасида ҳосил булган ташқи қиёфаси асосан паст, урта, баланд ва жуда баланд булиши мумкин. Тоғларнинг паст-баландлиги ва тик ландшафт минтақалари орасида узвий bogлиқлик мавжуд булиб, улар минтақалар сонини, мураккаб ландшафт таркибини белгилайди.

Тоғларнинг пастки қисми дастлабки тик ландшафт минтақаси ҳисобланади ва аста-секин тог атрофидаги текислик ландшафт минтақасига қўшилиб кетади (1-расм).


Тоғларнинг ўртача қисмида (баландлигига) минтақавийлик нисбатан мураккаб ва хилма-хил булиб, қиялийка қараб алмашиб туради. Тоғларнинг энг баланд қисмида иқлим шароити нисбатан бир хил булишига қарамасдан кенглик ва даврийлик таъсири сезилиб туради, уларда ўзига хос ландшафт кўриниши мавжуд.

Ҳар бир иқлим минтақада ўзига хос тик ландшафт минтақа типи шаклланган. Улар ҳудудида навбатманавбат жойлашган тик минтақалар мавжуд. Ўзбекистонда тоғликлар тизими умумлаштирилган ҳолда учта — чўл, чалачўл ва саҳро типидаги тик ландшафт минтақаларига булинади. Лекин бу минтақалар ичida ландшафт таркиби, компонентлари ниҳоятда хилма-хил булиб, тоғларнинг баландлигига, уларнинг кенглик минтақаларида жойлашишига, тог ёнбагирларининг шакли, нишаблиги, жойлашишига ва бошқаларга bogлиқ бўлади.

Тик ландшафт минтақалари, уларнинг тузилиши, таркиби, айрим компонентлари, хусусиятларини ҳар томонлама ва мукаммал ўрганиш асосида мавжуд табиий захиралардан самарали фойдаланиш мумкин.

Режалаштирилаётган тадбирлар, техник-иктисодий

ЛАНДШАФТШУНОСЛИК



1-р а с м. Йурта төг ўрмон ландшафти

ҳисоб-китоблар ва лойиҳалар тик ландшафт минтақаларида мавжуд ва содир булиши мумкин бўлган табиий, антропоген жараёнларни назарда тутган ҳолда амалга оширилиши зарур.

- Саволлар:**
1. Ландшафт табиий-иқлим компонентлари ер юзида қандай тарқалган?
 2. Ландшафтларнинг ер юзида тарқалиш минтақавийлиги нималарга боғлиқ?
 3. Ётиқ (горизонтал) табиий ландшафт деганда нима тушунилади?
 4. МДҲ ҳудудида қандай ландшафт минтақалари мавжуд?
 5. Тик (вертикал) ландшафт минтақалари деганда нима тушунилади?

4-§. ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА ЛАНДШАФТ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ

Ер захираларидан жадал фойдаланиш жараёнида ландшафт мувозанатини сунъий равишда сақлаш, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланишга мўлжалланган ерларда ер тузишни ташкил этиш ландшафт-экологик ёндашишни тақозо этади. Бунинг асосини мазкур ҳудуд ландшафтининг типологик (харитасини тузиш) ва регионал (районлаштириш) фарқлари, ички ва ташқи кўрсаткичлари (моддалар ва энергия мувозанати) ташкил этади.

Ландшафтдаги тупроқ типлари ва ер турларининг сифат ва миқдорий кўрсатгичлари асосида табиий жараёнларни мақбул даражада бошқаришни, ер ресурсларининг потенциалидан унумли фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишнинг самарали агротехник, агромелиоратив ва бошқа тадбирларни лойиҳалаш ва амалга ошириш мумкин.

Ландшафтнинг типологик таркиби унинг харитасини изоҳловчи маълумотлар асосида ўрганилади. Ер за-

хираларини фақат тупроқ харитаси асосида баҳолаш мүмкін әмас. Шу сабабли лойиҳалаш олдидан бажариладиган ишлар туман, хұжалик ҳудуди ландшафттіни үрганиш, ўрта ва катта масштабдаги хариталар түзишдан бошланади.

Ландшафттинг кичик ва ўрта масштабли харитаси түзишда асосан синф, синфча, тип, типча, ландшафт күриниши каби таксономик бирликлар құлланилади. Жамоа хұжалиги, ширкат хұжаликлари бирлашмасыннан ҳудудлари үрганилганда эңг кичик бирликлар — ландшафттинг морфологик қисмлари (паст-баландликтер мажмуаси) инобатта олинади. Паст-баландликтер типтик майдонларда үрганилади. Улар гурұхларга ёки типларға ажратилиб таснифланади.

Хұжалик ландшафттіни ҳар томонлама үрганишдан мақсад мазкур ҳудуддаги микроландшафтни, уларни харитага тушириш типиклігінін ва қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришининг ташкил этилишига яроқлилігіні аниқлашдан иборат.

Катта масштабли ландшафт харитасида ҳар хил табиий ҳосилаларнинг ҳудудда жойлашишини, уларнинг шаклини, өзгерасини күрсатиш (ажратиш) мүмкін. Харита изоҳида мазкур ҳудуд тупроқларини, ландшафттинг үзіга хос ҳусусиятларини ёритиш мүмкін.

Ер түзиш ишларининг барча турлари ва күринишлигини үтказышда ландшафт ва тупроқ харитаси асос қилиб олинади. Үмумий ландшафт харитасидан фойдаланылған ҳолда алоҳида зах қочириш, ўрмон-мелиорация, ирригация ва мелиоратив шахобчалар қуыш учун ландшафт хариталари тузилади.

Майда масштабли хариталарда (масштаби 1:1000000 дан майда) одатта катта-катта регион ёки алоҳида давлат ҳудуди тасвирланади. Уларни түзишда синф, синфча, тип ва ландшафт күринишини изоҳловчи бирликлар құлланилади.

Ўрта масштабли хариталарда (масштаби 1:1000000 дан 1:200000 гача) ландшафт күриниши, типология үхашаш паст-баландлик гурұхлари тасвирланади. Бундай харита-

лар асосида ер тузиш ишлари планини тузишда атроф-мухит ҳимоясига оид тадбирлар белгиланади.

Йирик масштабли хариталарда (1:200000 дан йирик) ландшафтнинг типологик мажмуалари микроландшафт даражасида тасвиrlанади. Улар асосида айrim хужаликда ер тузиш ишларини лойиҳалаш ва ташкил этиш, қурилиш, архитектура режалаштириш ишлари амалга оширилади.

Бирон бир ландшафтни үрганишдан олдин дастлабки тасаввур — харита тузилади. Унда мавжуд маълумотлар асосида үрганилаётган ландшафтнинг тахминий ҳолати, шакли ва чегаралари белгиланади. Сунгра дала текширувлари олиб бориладиган йұналиш, ландшафт таркибини, паст-баландликларини үрганиш учун типик майдонлар ажратилади. Танишиш йұналишлари буйлаб ландшафт ҳудуди юзасидан умумий маълумотлар олилади, тасаввур қилинган ҳолатнинг ҳақиқатта яқинлиги, ландшафт қуринишларида ердан фойдаланишнинг ахволи, типик майдонларнинг мазкур ҳудудға мослиги аниқланади. Ландшафтларни катта масштабда хариталашда асосий услуб-йұналиш майдон таркибида ландшафт структураларининг морфологиясини типик майдонларда үрганиш ҳисобланади.

Типик майдонларда тупроқ устки қопламининг ли-тологик (механик) таркиби, рельф шакли, намланиш шароити ва даражаси, тупроқ-ұсимлик қоплами, ландшафтни үзгаришига таъсир этувчи физик-географик жараёнлар аниқланади. Қишлоқ хужалик ишлаб чиқаришига салбий ёки ижобий таъсир этувчи табиий ҳодисалар ва ландшафт морфологик күрсаткичларига алоҳида эътибор берилади.

Ажратилган йұналишлар буйлаб типик майдонлар орасида ландшафтнинг таянч кесими қўйилади. Олингандан маълумотлар асосида табиий ландшафт ва типологик мажмуя компонентлари орасидаги үзаро боғлиқлик, уларнинг ҳар хил иқлим шароитида ҳудудда тарқалиши аниқланади, мазкур майдоннинг ландшафт характеристаси тузилади.

Худуд ландшафтини ўрганишда пастлик ёки баландлик (фация), кўрсаткичларининг таркибини изоҳловчи ахборот қуидагича тузилади:

- Пастлик (баландлик) фация № _____ сана_____ муаллиф_____.
- Мутлоқ баландлик, м.
- Пастлик (баландлик)нинг аҳамияти (роли), (асосий, ёрдамчиси).
- Микрорельеф, унинг мезорельефдаги ўрни.
- Устки қатламнинг литологик таркиби.
- Тош, шагал мавжудлиги.
- Тупроқ (тупроқ кесимининг изоҳи).
- Намланиш даражаси.
- Ер ости сувлари чуқурлиги, м.
- Ўсимлик ва дараҳтзорлар тури.
- Табиий географик жараёнлар, содир бўлиш дараҷаси.
- Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришига тўсқинлик қилаётган табиий омиллар.
- Табиий захираларни ўзлаштириш ва самарали фойдаланишга оид таклифлар.

Якунловчи ландшафт харитаси дала ишлари олдидан мавжуд маълумотларнинг таҳлили, мавжуд ҳудуд ландшафтти кўрсатгичларининг йўналиши, майдоннинг таянч кесимлари ва бошқа маълумотлар ҳар томонлама ўрганилгандан сўнг тузилади.

Ер тузиш ишларини режалаштириш ва ташкил этишда ҳудуд ландшафтининг хилма-хиллигини ўрганишда кўп қўлланиладиган услублардан бири дала ландшафт кесимларига ажратишидир. Ландшафтни ўрганиш ва майдонларни харитага туширишда, таянч майдонларида ландшафт ўзгаришларини кузатишда шу услубдан кенг фойдаланилади. Бу услубнинг афзаллиги шундаки, танланган кесимда компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ландшафт-типологик мажмуй морфологик қисмларининг такрорланиш қонуниятларини, тоб ёнбагирларида геотизмнинг минтақавий ўзгаришини аниқлаш мумкин. Бунга эришиш учун биринчи навбатда кесим

йўналиши тўгри олиниши, урганилаётган ҳудуднинг асосий ландшафт-морфологик мажмуалари, унинг айрим қисмлари кесимининг чизигига тушиши керак.

Иккинчидан, кесим йўналиши бўйича мавзули табиий харита, агрокосмик суратлар етарли бўлиши, у ҳудуднинг топографик асосига мос келиши зарур.

Танланган кесим йўналиши бўйича (таянч майдонлар) далада йигилган маълумотлар олдиндан тайёрлаб қўйилган қозоз шаклга ёзилади. Улар асосида ландшафт компонентлари чизма шаклида тасвирланади. Бунда кесим йўналишининг асосий чизиги ҳудуднинг паст-баландлиги берилган топографик харитада кўрсатилган гипсометрик нуқталар бўйлаб берилади. Ландшафтнинг барча компонентлари асосий чизиқ устига қабул қилинган шакллар, шартли белгилар ва ҳоказолар кўринишида тасвирланади.

Ер захиралари гуруҳига оид ландшафт хариталари ни тузишда қўйидаги тамойилларга аҳамият берилади:

- қишлоқ ҳўжалигига оид хариталар, космик суратлар ва бошқа маълумотлар асосида мазкур ҳудуднинг тупроқ-геоботаник ва ландшафт шароитлари тұғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилинади;

- харита ва уларнинг тушунтириш хатларида ҳудудни изохловчи барча маълумотлар, ер захираларининг сифати ва миқдорий кўрсаткичлари, уларни ўзлаштириш натижасида салбий ёки ижобий томонга ўзгариши тұлық ёритилиши зарур;

- космик суратларни таҳлил қилиш асосида мазкур ҳудуд ландшафтини ҳар томонлама ва тұлық ёритиш тамойили қабул қилинади;

- космик суратлар асосида ёритилган ландшафт харитаси ҳудуд бўйича мавжуд маълумотлар (хариталар, табиий компонентларнинг миқдорий кўрсаткичлари, тушунтириш хатлари) ёрдамида такомилаштирилади, аниқликлар киритилади ва ер тузиш ишларини ташкил этишда фойдаланилади.

Ер захираларини ландшафт асосида табиий районлаштириш ҳудуднинг табиий захиралари ҳақидаги маъ-

лумотлар мажмуасидир. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш, асосий йўналишларни аниқлашда табиий-илмий асос ҳисобланади.

Табиий районлаштириш тупроқ, геоботаник, агроклиматик районлаштиришдан тубдан фарқ қиласди ва ҳудуднинг табиий-икклим, геологик, морфологик, табиий географик, гидрологик, биоценоз ва ландшафтнинг бошқа курсаткичларини тулиқ изоҳлади.

Ҳудуд табиий районлаштирилганда унинг табиий шароитлари, ривожланиши, антропоген омиллар таъсирида ўзгариши акс эттирилиши билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишлари мазкур табиий-иклим шароитларига мос келишини, мавжуд захиралардан фойдаланиш даражасини ҳам ўз ичига олади.

Табиий районлаштириш асосида табиий-иклим шароитларини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалигиниг ихтисослиги ва йўналиши яқин ва узоқ келажакни, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши режалаштирилади ва амалга оширилади.

Йирик масштабда табиий районлаштиришнинг асосий бирлиги район ҳисобланади. Район алоҳида табиий-худудий мажмуя бўлиб, округнинг бир қисми ҳисобланади. Ландшафтни изоҳловчи асосий курсаткичлар билан ажралиб туради.

Районни ажратишда асосий курсаткич унинг ўзига хос шароитини белгиловчи геоморфологик омиллар, ишлаб чиқариш таркиби ва жадаллигини изоҳловчи экинлар тури ва майдоннинг бир-бирига нисбати, ишлаб чиқариш турларини мувофиқлаштириш ва чукурлаштириш ҳисобга олинади. Агар район ҳудудида пахта бўлса, у микрорайонларга ажратилади.

Районлаштириш икки хил кўринишда ўтказилиши мумкин. «Тепадан-пастга» — дастлаб йирик таксономик бирликлар, «пастдан-юқорига» — дастлаб типологик табиий мажмуалар кичик таксономик бирлик сифатида умумлаштирилади, сунгра йирик гурухларга бирлаштирилади.

- Саволлар:**
1. Ер тузиш ишларини лойиҳалашда ландшафтнинг қандай кўрсаткичлари инобатга олинади?
 2. Ер тузиш ишларини ўтказишда қандай масштабли хариталардан фойдаланилади?
 3. Худуд ландшафтини ўрганишда паст-баландликни изоҳловчи қандай кўрсаткичларга аҳамият берилади?
 4. Ер захираларига оид ландшафт хариталарини түшишда қандай тамойилларга эътибор берилади?
 5. Ер захираларини ландшафт асосида районлаштириш деганда нима тушунилади?

5-§. ЕР ТУЗИШ ИШЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШДА ЛАНДШАФТНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

Ер тузиш ишларини ташкил этиш, лойиҳалаш ва амалга ошириш табиий ва қишлоқ хўжалигига фойдаланаётган ҳудудларнинг ландшафтини мақсадга мувоғиқ йўналтирилган ҳолда давлат ер захираларининг ҳудудий функционал табиий ҳолатини ўзгаришига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мақбул ривожлантиришни ташкиллаштириш, этиштирилаётган экинлардан юқори ҳосил олиш учун ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароити, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш зарур. Булар асосида ҳудуднинг ландшафт-типологик ва минтақавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ер тузишни ташкил этишда антропоген ландшафтларнинг узоқ муддат кескин ўзгармаслигига, табиат мувозанатига, ва ниҳоят унинг комонентларини, умуман, ландшафтнинг сақланиб қолишига эришилади. Ҳудудни мақбул ташкил этишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ландшафтнинг юқори ҳосил берувчи, экология ва санитария-гигиена талабига жавоб берадиган шакли ҳисобланади.

Бунга эришиш учун ҳар бир иқлим шароитида маъмурий ҳудудда (республика, вилоят, туман) ер захира-

лари ландшафттининг хилма-хиллигини назарда тутган ҳолда ер тузиш, ўрмонзорларни янгилаш, мелиоратив ва бошқа лойиҳаларни тузиш ва амалга ошириш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер тузиш плани ва лойиҳаларни тузишда атроф-муҳит ландшафттининг экологик жараёнларини ўзлаштиришни башорат қилишда қўйидагиларга аҳамият берилади:

- ландшафт имкониятларини назарда тутган ҳолда ер тузишни ташкил этиш, фойдаланиладиган, вақтинча ишлатилмайдиган ва қайта тикланадиган майдонларнинг мақбул нисбатини аниқлаш;

- ишлаб чиқаришнинг йўналиши, агротехник, мелиоратив тадбирларнинг таркиби, турлари ва меъёри мазкур район ландшафттининг хилма-хиллиги, геокимёвий, биофизик жараёнларнинг ўзгариши ва йўналишини назарда тутган ҳолда аниқланади ва ривожлантирилади;

- ҳосил бўлаётган ландшафтлар табиатдаги қонуниятлар билан узвий bogланган ҳолда ишлайди ва ривожланади;

Табиий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқ булиб, ягона қишлоқ хўжалик ландшафтини тузишни тақозо этади. Бунда:

- ер захираларидан жадал фойдаланилганда салбий оқибатларни олдини олишга қаратилган тадбирларга алоҳида эътибор бериш;

- ер захиралари ландшафттининг хилма-хиллиги, кўп омилини ва қўп қиррали жараён шароитида таҳлил қилиниши зарур.

Ер захиралари ландшафттининг хилма-хиллиги ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланилганда узгаришини таҳлил қилиш мазкур ҳудудда тарқалган барча ландшафтлар майдонини аниқлаш асосида олиб борилади.

Ер тузиш ишларини ташкил этиш учун табиий иқлим шароитлари таҳлил қилинганда, ландшафтга ан-

тропоген таъсиридан ташқари, уларнинг табиий жараёнлар таъсирида ўзгариши ва ривожланиши ҳам инобатга олинади. Ландшафтдан самарали фойдаланиш деганда табиий захиралардан навбатма-навбат фойдаланиш, ландшафт захираларини кенг миқёсида қайта тиклаш (тупрок унумдорлигини, табиий ва маданий беоценозлар маҳсулотларини ошириш) тушунилади. Ландшафтнинг хилма-хиллиги ва ўзгаришининг таҳлили табиий компонентларнинг ҳар бирига алоҳида ва ландшафт мажмусига ҳар томонлама ёндашишни тақозо этади. Бу жараённи қўйидаги мисолда куришимиз мумкин.

Геолого-геоморфологик шароитлар. Ер тузиш ишларининг плани ва лойиҳасини асослашда ландшафт рельефи, геологик тузилиши, тўртламчи ётқизиқлар геоморфологик ва морфометрик хариталар таҳлил қилинади. Тўртламчи ётқизиқлар (аллювиал, қўл ётқизиқлари), уларнинг литологик (механик) таркиби (кум, лой) харитаси муҳим амалий аҳамиятга эга. Ер тузишнинг лойиҳасини тузишдан олдин утказиладиган кузатув вақтида ер сатҳининг гипсометрик ва геоморфологик хариталари ўрганилади. Улар асосида рельеф тузилишининг ҳусусиятлари аниқланади.

Гидрогеологик шароитлар. Тўртламчи ётқизиқларда жойлашган ер ости сувларининг манбалари, чукурлиги, оқими ва шурланиш даражаси рельефнинг морфологик типларига bogлиқ бўлиб, ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини белгилайди. Шуни назарда тутиб лойиҳанинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва аниқлашда ҳудуднинг гидрогеологик хариталари чукур ўрганилади (ер ости ва артизан сувларининг чукурлиги, шурланиш даражаси, қатламдаги сув захиралари, уларнинг кимёвий ва бактериологик таркиби).

Ҳудуднинг сув мувозанати (баланси). Ер тузиш ишлари плани ва лойиҳаларини асослашда мазкур майдонга йил ва кўп йиллар давомида келадиган сув, ёғингарчилик ва умумий буғланишга сарфланадиган сув миқдори, дарё ҳавзалари мисолида таҳлил қилиниши

ва инобатга олиниши зарур. Ундан ташқари, дарёлар узанидаги сув сатҳи, оқими, кимёвий таркиби, музлаш ва муз кӯчиш тартиби ўрганилади.

Иқлим шароити. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан узвий bogliq бўлган метериологик жараёнлар, яъни иссиқ даврнинг узун-қисқалиги, ёгин гарчиллик ва унинг йил давомида тақсимланиши, шамол эрозияси, қургоқчилик ва бошқалар мазкур ҳудудда жойлашган «Гидрометхизмат» ташкилот маълумотлари бўйича аниқланади.

Тупроқ ва геоботаник ҳолатни ўрганиш ҳудуднинг тупроқ-мелиоратив шароитлари, асосий тупроқ типлари, уларнинг майдони, унумдорлик даражаси, эрозияга учраганлик, шўрланиш, ботқоқланиш даражаси ва бошқа курсаткичлар асосида аниқланади. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ўрганилганда унумдорлик даражасига салбий таъсир курсатувчи табиий ва антропоген омиллар, уларнинг содир булиш сабаблари ўрганилади, одини олиш чоралари лойиҳада асосланади.

Ер тузиш ишларини лойиҳалашда яқин ва узоқ келажакда узлаштирилиши мумкин бўлган майдонлар, уларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун амалга оширилиши зарур бўлган мелиоратив тадбирлар, ерларни бошқа мақсадлар учун ажратиш (сув омборлари, саноат ташкилотлари, шаҳарлар) каби тадбирлар акс эттирилади. Ҳудуднинг геоботаник шароитлари ўрганилганда мазкур майдонлардаги ўсимлик дунёси ёритилган хариталардаги маълумотлар таҳлил қилинади. Табиий яловлар, пичанзорлар ва улардан фойдаланиш имкониятлари (майдони, олиниши мумкин бўлган озуқа миқдори ва ҳ.к.) инобатга олинади. Ёввойи ўсимликлар таркиби, қалинлиги ва улардан техник ёки доридармон сифатида фойдаланиш имкониятлари, кўп йиллик дараҳтлар (бутазорлар, ўрмонлар) таркиби, улар ландшафтнинг сув мувозонати, иқлим шароити, санитария ҳолатига таъсири таҳлил қилинади ва инобатга олинади.

Умуман, инсоннинг табиатга ёки уни ташкил этув-

чи айрим ландшафтларга таъсири асосан қаттиқ моддаларни механик (куч ёрдамида) бир жойдан иккинчи жойга күчириш, сув, иссиқлик тартибини ўзгартириш, биологик мувозонатни бузиш, кимёвий моддалар оқими ва йуналишини ўзгартиришдан иборат. Буларга ёнилғи ёкиш, кон қазиш ишлари, табиий ва антропоген омиллар таъсирида эрозия ва қайта шурланиш жараёнлари, сунъий сугориш натижасида содир буладиган ўзгаришлар, тропосфера (атмосферанинг пастки қисми), биоценоз ва бошқаларнинг ўзгариши киради. Ер юзасидаги ландшафтларнинг табиий захиралардан самарали фойдаланиш асосида инсон ва атроф-муҳит орасидаги мунособатлар натижасида вужудга келадиган ёки келиши мумкин бўлган жараёнлар ва бошқаларни инобатга олиш ва башорат қилиш ётади. Шуларни назарда тутган ҳолда ер тузиш ишларининг таркиби ва меъёрини белгилашда мазкур регионал ландшафтнинг экологик жиҳатдан башорати ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалигини ташкил этиш, ривожлантириш учун ер тузиш ишлари, плани, лойиҳасини албатта табиий захиралардан самарали фойдаланишга хизмат қиладиган даражада ташкил этиш зарур. Табиий захиралар ландшафтларининг барча компонентлари, таркиби ва микдорий кўрсаткичлари ишлаб чиқариш жараёнида ўзгариши инобатга олинниши керак. Акс ҳолда антропоген омиллар таъсирида регионал ёки минтақавий локал (айрим) ҳудудларда салбий ўзгаришлар содир бўлади.

Ер тузиш ва ердан фойдаланиш ишларини режалаштириш ва лойиҳалашда мазкур ҳудуднинг табиий ландшафти, унинг асосий компонентларига мос келадиган антропоген ва технологик жараёнлар таркиби ва меъёри танланиши зарур. Шундай қилинганда ландшафтларда самарадор ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бир қаторда, табиий мувозанат мақбул даражада сақлаб турилади, унинг айрим турлари мунтазам равишда қайта тикланади. Сўнгги йилларда Ер шарида табиий ландшафтларга антропоген омиллар таъси-

рининг кучайганлиги, аксарият кўп минтақаларда табиий мувозанатнинг бузилганлиги ва у билан bogлиқ бўлган экологомелиоратив шароитларнинг (айниқса Орол денгизи ҳавзасида) ёмонлашганлиги сабабли техник иқтисодий асосланаётган план, лойиҳалар «нисбатан чекланган» меъёрда амалга оширилиши зарур. Чунки, табиий захиралар Ер юзида истиқомат қилувчи инсоният ва уларнинг барча авлодлари учун хизмат қилиниши керак.

- Саволлар:**
1. Ландшафт-экологик жараёнларнинг ўзгаришини башорат қилишда нималарга этибор берилади?
 2. Ландшафт хилма-хиллиги ва ўзгаришини қайси кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади?
 3. Табиий ландшафтларни ўзлаштиришда «нисбатан чекланган» меъёрда лойиҳаларни амалга оширишнинг сабаби нимада?

6-§. ЛАНДШАФТ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА МУХОФАЗА ҚИЛИШ

Табиий захиралардан самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш учун уларнинг ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни тақозо этади.

Бунда табиатнинг инсон фаолияти таъсирида ўзгаришига алоҳида эътибор берилади ва қуидагилар иnobатга олинади:

- ландшафтнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва жамият ривожланишидаги талабларни қондириш даражаси;
- ландшафтнинг ҳар хил қўринишдаги таъсирларга чидамлилиги;
- антропоген омиллар таъсирида ландшафтларнинг ва улар компонентларининг узгариш турлари, жадаллиги ва даражаси;
- ландшафтга, унинг компонентларига табиий ва антропоген таъсирлар меъёри (миқдори, даражаси);
- ландшафтнинг антропоген омиллар таъсири нати-

жасида содир бүләдиган салбий жараёнларга қаршилик күрсатиши қылмысты;

Инсоннинг атроф-муҳитга таъсирини үрганиш ва аниқлаш билан ғөглийкүй болган күрсаткичлар турт гурухга бўлинади.

Биринчи гурухга — атроф-муҳит, ижтимоий ҳолат ва ишлаб чиқарманинг ҳозирги (келажакдаги) аҳволини изоҳловчи (ифодаловчи) курсаткичлар киради. Буларга жамият ўчун фойдали бўлган ландшафт куринишларининг антропоген таъсири натижасида узгаришлар киради. Улар кузатиш, башорат қилиш ва тажриба асосида аниқлашади.

Иккинчи гурухга — ландшафтдаги узгаришларни аниқлаш учун асос бўладиган дастлабки табиий-ижтимоий ҳолат киради. Одатда бошлангич ҳолат (куриниш) сифатида шартли (намунавий) ҳудудни узлаштиришдан олдинги ландшафт куриниши ёки меъёрий күрсаткичлар инобатга олинади. Меъёрий курсаткич деганда табиат захираларининг мақбул ривожланиши ва улардан самарали фойдаланиш тушунилади. Ҳозирги кунда уларнинг айрим куринишлари — қуриқхоналар, сув манбаларини муҳофаза қилиш, шаҳарлардаги кўкаламзорлар, дам олиш масканлари мазкур талабларга жавоб берали. Меъёрий курсаткичларнинг таркиби ва миқдорий мезонлари табиат захираларидан қишлоқ хўжалиги, овчилик, балиқчилик, ўрмон хўжалиги, сув таъминоти соҳалари учун маълум даражада аниқланади ва амалиётда қулланилади.

Учинчи гурух — ландшафт тизимининг узгариш тури ва даражаси. Бунга одатда тизимнинг ҳозирги ёки келажакда шаклланиши мумкин бўлган ҳолатининг намунавий ёки меъёрий күрсаткичлари билан таққослаш ва содир бўлган узгаришларни аниқлаш натижасида эришилади.

Тўртинчи гурух — ландшафтда содир бўладиган салбий узгаришларни (оқибатларни) ўз ичига олади. Атроф-муҳит захираларини узлаштириш ва фойдаланиш жараёнида табиий ва антропоген омиллар таъсирида

содир бұладиган үзгаришлар, албій оқибатлар ниҳоятда хилма-хил, ҳар хил **күриңілді**, йұналишда ва жадалликда намоён бұлади.

Табиий мұхиттінг, мұвозаңаттинг үзгаришини аниқлаш қүйидаги йұналишларда **амалға** оширилади:

1. Биоэкологик — атроф-мұхиттінг үзгариши генофондтінг (биоценознинг) сақланып қолиши (ривожланиши) учун нокулайлиги.

2. Диоэкологик — атроф-мұхиттінг инсон соғлиги ва яшаши учун нокулайлиги.

3. Ижтимоий — ижтимоий вазият ва ишлаб чиқаришни мақбул даражада сақлаб туриш учун амалға ошириладиган тәдбиrlарнинг, антропоген омыллар таъсирида келтирилған заарнинг қиймати.

4. Ижтимоий атроф-мұхиттінг үзгариши жамият тараққиеті, ишлаб чиқариш учун нокулайлиги (одатда балл, тоифа, даражада белгиланади).

Табиий мажмуалар таркибіда ер захиралари нисбатан тұлық тавсифға эга. Бунинг сабаби тупроқ, сув, үрмон захираларининг ҳолатига, уларни мұхофаза қилишга сұнгғи йилларда күпроқ ахамият берилмоқда. Ер захиралари ҳолатини ҳар томонлама үрганиш фақат ер тузишни ташкил этиш ва фойдаланиш учун әмас, балки яқын келажақда ишлаб чиқариш йұналишини, қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш ва таркибини тұғри ривожлантириш, амалиётта құллаш учун ҳам зарур.

Шуни назарда туттан ҳолда ер захираларининг кадастрини (хөзирғи даврдаги ақволини) келажакни мүлжаллаб бақолаш зарур. Бундай бақолашнинг энг мұхим күрсаткичи иқтисод нұқтаи назаридан бақолашдир. Кадастр иқтисодий бақолаш, биринчи навбатда, қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришида банд бұлған ерларни келажакни мүлжаллаб бақолаш, яқын ва узоқ даврда фойдаланиши мүмкін бұлған ерларни ҳам назарда тутади.

- Саволлар:**
1. Ландшафтдан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишда нималар инобатга олинади?
 2. Инсонни атроф-муҳитга таъсирини изоҳловчи кўрсаткичлар кандай гурухларга бўлинади?
 3. Табиий муҳитни, мувозанатни ўзгаришини аниқлаш қандай йуналишларда булади?

7-§. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ВА ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Давлат ер кадастри фойдаланилаётган ерларни ҳисобга олиш, майдони ва сифатини аниқлашни тақозо этиди. Халқ хужалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер тузиш ишларини лойиҳалаш ва ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, хўжалик ва молиявий кадастр маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ерларни ягона давлат фонди таркибида алоҳида қайд қилиш, уларни халқ хужалигининг айрим тармоқлари учун ажратиш, ердан жорий йилда ва келажакда фойдаланишни режалаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, эрозияга қарши кураш чораларини ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқни муҳофаза қилиш ва бошқа ташкилий тадбирларни назарий асослаш мазкур ҳудуд ёки минтақадаги ер захираларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишга оид маълумотлар ёрдамида амалга оширилади.

Ердан фойдаланишни қайд қилиш ер кадастрининг ҳуқуқий томонидир. У ер давлат мулки эканлигини, ер фондининг ягоналигини, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоа, фермер, дехқон хужаликларининг ҳуқуқлари ва жавобгарликларини мавжуд тартиблар асосида белгилайди. Ерни ҳисобга олиш ердан фойдаланишнинг давлат томонидан қайдномаси ҳисобланади, шу асосда ердан фойдаланувчиларга майдон ажратилади ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун расмий ҳуқуқ берилади.

Давлат ягона ер эгаси сифатида ажратилган майдонни қайд қилиш билан бирга ундан тўгри ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қиласи.

Ер захираларини аниқлаш давлат миқёсида амалга ошириладиган тадбир булиб, мавжуд ерларнинг таркиби, жойлашиши ва фойдаланилиши бир тизимга келтирган ҳолда таҳлил қилинади. Давлат ер ҳисоби уларнинг турларига қараб, ҳақиқий аҳволи, шарҳ-харитаси, жорий ўзгаришлар инобатта олинган маълумотлар асосида олиб борилади.

Ерларнинг тури ва майдонини аниқлаш даражаси улардан фойдаланиш усуллари ва имкониятларига қараб белгиланади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер турлари асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида батафсил ўрганилади ва аниқланилади.

Ерларнинг сифати тупроқ қоплами, уларнинг озиқ моддалар билан таъминланганлик даражаси, ўсимлик дунёси ва мелиоратив ҳолати буйича аниқланади. Ҳайдаладиган қуруқ ва бўз ерлар, дараҳтзорлар, пичанзорлар ва яйловлар сифати алоҳида-алоҳида ўрганилади. Ер сифатини аниқлаш учун маҳсус катта масштабда тупроқ, агрокимёвий, геоботаник ва мелиоратив дала кузатув-ўрганиш ишлари ўтказилади.

Тупроқларни ўрганишда унинг турлари, механик таркиби, физик ва кимёвий хоссалари, гумусли қатлам қалинлиги, гумус миқдори, сингдириш сифими ва бошқаларга аҳамият берилади. Тупроқ қоплами хилма-хил туманларда агроишлаб чиқариш гуруҳларига, қишлоқ хўжалиги учун яроқли тупроқ турларига ажратилади.

Агрокимёвий ўрганишда тупроқнинг асосий озуқа моддалари (N, P, K) билан кам, ўрта, юқори даражада таъминланганлиги курсатилади.

Геоботаник ўрганишда ўсимлик таркиби ва озуқа бериш қобилияти белгиланади.

Мелиоратив ўрганишда ер ости сувларининг чуқурлиги ва шўрланганлик даражаси, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва тури, эрозияга учраганлик даражаси, гидротехник, агромелиоратив, рекультивация, ўрмонтехник тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлган майдонлар аниқланади.

Тупроқ сифатини изоҳловчи асосий кўрсаткич унинг унумдорлиги. Ишлаб чиқаришни режалаштиришда, хўжаликлар самарадорлигини аниқлашда, маҳсулот таннархини белгилашда тупроқларнинг унумдорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ерлар сифатини аниқлашда табиий-иқлим шароитлар билан бирга, улардан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади. Шу мақсадда ҳудуд табиий-иқтисодий ёки кадастр жиҳатдан районлаштирилади. У бир хил табиий ва иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг йўналиши (иҳтисослашганлиги), етиширилаётган экинлари, ерларнинг таркиби, энергия, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган механизм, асбоб-ускуналар, минерал ва органик ўғитлар билан таъминланганлик даражаси, ҳосилдорлик, ялпи ва сотиладиган маҳсулотларнинг таннархи билан ажralиб туради. Кадастр районларининг чегараси жамоа хўжаликлари, ширкат уюшмалари бўлиб, Узбекистон Республикаси ҳудудини табиий қишлоқ хўжалик районлаштириш планига тўғри келади.

Кадастр районлар ҳудудда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлиги асосан тупроқ ҳоссалари ва унумдорлиги даражаси билан белгиланади. Унумдорлик даражаси тупроқларни бонитировка қилиш ва иқтисодий баҳолаш натижасида аниқланади. Бонитировка билан иқтисодий баҳолаш бир-бири билан узвий боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб, ердан фойдаланишни қайд қилиш, ернинг миқдори ва сифатини аниқлаш, тупроқларни урганиш, ишлаб чиқаришда ердан фойдаланишнинг миқдорий кўрсаткичлари (ҳосилдорлик, ҳосил таннархи ва ҳ.к.) ҳақидаги расмий маълумотларга асосланади.

Ерни иқтисодий баҳолашнинг асоси унинг иқтисодий унумдорлиги, яъни мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари шароитида жамият фойдалана-диган ҳосилдорлик ва маблағdir.

Иқтисодий баҳолашнинг мезони маълум майдон-

дан олинган ҳосилнинг қиймати (пул, маблағ) ва уни етиштириш учун сарфланган қиймат (пул, маблағ)нинг фарқи ҳисобланади.

Ерларнинг кадастри-иқтисодий баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми ҳисобланади ва қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- ўлка, вилоят, туман ҳудудида ер тузиш планини асослаш, ердан фойдаланувчи ташкилотларни шакллантириш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш;

- хўжалик ҳудудида ер тузиш ишлари лойиҳасини асослаш (алмашлаб экишни тупроқ ҳолатига қараб жойлаштириш, ер шўрларини ажратиш ва ҳ.к.);

- ер турларининг айrim қисмини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига боғлиқ бўлмаган мақсадларга, бино ва иншоотларни қуришга ажратиш;

- давлат миллӣй бойлиги таркибида ер турлари қийматини аниқлаш ва хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитларини такомиллаштириш;

Ерни иқтисодий баҳолашда ишлаб чиқаришнинг мақбул агротехник ва технологик жараённи қўллаш (материал-техник ресурслар) натижасида олинган ҳосилдорлик ва харажатлар инобатга олинади. Ҳосилдорлик ва унга сарфланган харажатлар орасидаги боғлиқлик гурухларга ажратиш усулида корреляция ва регрессия тартибда таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Келажакни мўлжаллаб қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ер турларини иқтисодий баҳолаш давлат ёки водий (воҳа, регион)да қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўлланилади.

Кадастр келажакни мўлжаллаб ерларни иқтисодий баҳолашдан ташқари, айrim хўжалик ҳудудида ер тузиш ишларини ташкил этишда айrim кўрсаткичлар бўйича баҳолашда ҳам қўлланилади. Буларга ҳосилдорлик, соғ фойда, қилинган харажатларнинг қопланиши киради ва заруратга қараб қўлланилади.

Ландшафт табиатининг кам ҳаракатланадиган, узгарувчан ва биотик элементлари мужассамлашган қури-

ниши бўлиб, ер сатҳини ифодалаш билан бирга ўзига хос ҳудудий компонентлардан иборат. Ландшафт куриниши ва таркибининг хилма-хиллиги уни ташкил этувчи компонентларнинг бир-биридан фарқланишини ифодалайди. В.М. Фридланд тупроқнинг ташқи куриниши бўйича хилма-хиллигини агроишлаб чиқариш гурӯхларига бирлаштириш орқали ифодалашни ва қуидаги тенглама ёрдамида аниқлашни таклиф этган:

$$K_{ar} = \frac{a(K_a + bK_b + cK_c + \dots)}{100} \%,$$

бунда, a , b , c ва ҳ.к. — тупроқлар қоплами таркибидаги айрим тупроқлар қисми, K_a , K_b , K_c ва ҳ.к. — айрим тупроқ куринишининг асосий тарқалган тупроқ ташқи куринишидан фарқи (ұхшашлигий).

Айрим ареал тупроқларининг мазкур ҳудуддаги сифат күрсаткичлари бўйича бир-бирига ұхшамаслик коэффиценти — K ни қуидаги тенглама ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$K = \frac{K_P (A - S_{max}) \times (aK_a + bK_b + cK_c + \dots)}{WOS}$$

Бунда:

K_P — тупроқ ареалини ўртача ажратиш коэффиценти;

WOS — ҳудуддаги тупроқ ареалининг ўртача каталиги (майдон);

S_{max} — энг катта тупроқ ареалининг майдони;

A — үрганилаётган ҳудуд майдони.

- Саволлар:**
1. Давлат ер кадастри нимани назарда тутади?
 2. Тупрок сифатини изоҳловчи асосий күрсаткич нима?
 3. Ерни иқтисодий баҳолаш қандай күрсаткич билан ифодаланади?
 4. Ерларни кадастр-иқтисодий баҳолаш қандай мақсадларда фойдаланилади?

8-§. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИХАЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Халқ хўжалигини жамият тараққиёти, ички ва ташқи бозор талабларига мос келадиган даражада ривожлантириш мавжуд ер захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан узвий боғлиқдир. Буни амалда қўллаш учун ердан фойдаланиш тизимиға риоя қилиш зарур. Яъни ердан фойдаланишни режалаштириш ҳар хил функционал ва ҳудудий кўринишда ечилиши мумкин (давлат, автоном республика, вилоят, туман, шаҳарлар ва ташкилотлар ер фонди).

Ердан фойдаланишни режалаштириш ва ташкил этиш тизими улардан самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳолатини яхшилаш ва қайта тиклашни тақозо этади. Ердан фойдаланишнинг бош чизмаси давлат бошқарув ташкилотлари томонидан тасдиқланган ва халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режасини белгиловчи курсатмалар (директивалар) ва дастурларни назарда тутган ҳолда тузилади. Унинг таркибий қисми:

- яқин келажакда ер захираларидан фойдаланиш тартиби ва башорати;
- халқ хўжалигини узоқ муддатга режалаштиришнинг илмий-техник, иқтисодий, табиий захиралари;
- давлат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини мавжуд шароитни ва келажакни назарда тутган ҳолда нисбатан жойлаштириш плани;
- ишлаб чиқариш кучларини яқин келажакда ҳудудда жойлаштириш ва ривожлантириш концепцияси.

Ер захираларидан фойдаланишнинг бош чизмаси (бош схемаси) умумийдан шахсийга тамойилида тузилади. Бунда умумий лойиҳа айрим курсаткичлар бўйича тулдирилади, халқ хўжалигини ривожлантиришни марказлаштирилган ва ҳудудий-тармоқлар шаклида ташкил этиш бўйича аниқликлар киритилади. Бош чизма икки қисмдан иборат:

- узоқ келажакда ердан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилишнинг илмий-техник концепцияси;
- ер захираларидан маълум даражада фойдаланишни ташкил этиш тартиби, шароитлари, усуллари, миқдорий кўрсаткичлари буйича тўлиқ маълумотларни ўз ичига олган таклифлар.

Ер захираларидан фойдаланишнинг бош чизмаси қўйидаги тамоийларни назарда тутади:

- халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва ҳар бир маъмурий-ҳудуднинг узвий болгланган ҳар томонлама ривожланишини ташкил этиш;
- ер захираларидан жадал фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлаш;
- биринчи навбатда яхши ерлардан фойдаланишни ва уларнинг унумдорлигини мунтазам ошириб бориш;
- халқнинг яшаши ва дам олиши учун қулай ташкилий-худудий шароит яратиш, қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжаликларни ташкил этиш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, антропоген ландшафтларни шакллантириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;
- ер захираларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ишлаб чиқаришга унумдорлиги паст ерларни ажратиш;
- ер захираларидан фойдаланишни режалаштириш, лойиҳалаш ва ташкил этишда келажакни ва минтақавий хусусиятларни инобатга олиш;
- ер захираларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни режалаштириш, лойиҳалашда ҳар томонлама асосланган, мақбул башорат асосида тузилган дастурларни қўллаш.

Ер захираларидан фойдаланишнинг бош чизмасини тузишда ерларни давлат ва кадастр қайдномаси (ҳисоби), давлат ҳисобот қўмитаси, маҳсус илмий-техшириш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-қидирув, вазирликлар ва бошқа ташкилотларнинг маълумотларидан фойдаланилади. Асосий план ёзма (тушунтириш

хати, ҳисоблаш натижалари, жадваллар) ва харита кўришидаги (ҳудудни урганиш жараёнидаги маълумотлар ва чизмалардан) қисмдан иборат бўлади.

Ер захираларини муҳофаза қилиш учун улардан илмий асосда мунтазам ва режали фойдаланиш билан бир қаторда, уларни ландшафт элементи сифатида сақлаш лозим.

Ҳудуднинг биологик маҳсулдорлиги, атроф-муҳитда мақбул сув ва ҳаво тартиби, табиий тозаланиш ва уни таъминлашни тақозо этади.

Ерларни муҳофаза қилишининг асосий кўриниши уни эъзозлаш, турларини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, эрозиядан ва ифлосланишдан сақлаш, ўзгарган ландшафтларни маданийлаштириш ёрдамида қайта тиклаш, қуриқоналар тизимини ташкил этишдан иборат. Ерлар ҳолатини яхшилашда мелиоратив тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Улар ёрдамида тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилиятини ифодаловчи унумдорлиги оширилади, физик ва қисман кимёвий хоссалари яхшиланади.

Мелиорация ташкилий-хўжалик ва техник тадбирлар тизими бўлиб, табиий шароитда вужудга келган гидрологик, агроқлим ва тупроқнинг салбий оқибатларини тубдан ўзгартириш имконини яратади. Бу тизим таркибига *агротехник, гидротехник, ўрмон-мелиоратив* тадбирлар киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг текислик қисмидаги олиб бориладиган мелиоратив тадбирлар шўрланган ёки шўрланишга мойил бўлган срларнинг сув-туз тартибини мақбул даражада бошқариш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қайта тиклашдан иборат. Шуни назарда тутган ҳолда ер захираларидан фойдаланишнинг асосий планида шўрланган ерлар мелиорациясига алоҳида эътибор берилади. Ундан ташқари, мавжуд сув захираларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишини техник иқтисодий асослаш, йирик ва мураккаб гидромелиоратив сув-хўжалик иншоатларини лойиҳалаш ва қуриш, барча ёки айрим ҳудудларда сув муво-

занатини (сув истеъмол қилиш ва чиқариб ташлаш) яқин ва узоқ келажакда сақлаб қолиш бош чизмада ўз ифодасини топиши шарт.

Тупрок емирилиши (эрозия)нинг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари ер захираларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг таркибий қисми булиб, емирилишга мойил ёки емирилган ерлар, сел олиб ўприлиб кетадиган ҳудуд ва ландшафтларни илмий-техник нуқтаи назардан ҳимоя қилишни кўзда тутади. Унинг асосий мақсади:

- ҳудуднинг эрозияга мойиллигини ифодаловчи ҳаритасини тузиш ва қарши кураш чоралари таркибини асослаш;
- сув йигиладиган ҳавзалар, шамол эрозияси содир буладиган ҳудудлар ҳаритасини тузиш, уларнинг олдини олиш чораларини асослаш;
- сел таъсирида емириладиган, ўприлиб кетадиган, музликлар қоплами мавжуд ёки бошқа табиий жараёнлар таъсирида ландшафтлар ўзгариши мумкин бўлган ҳудудлар ҳаритасини, уларга салбий таъсир этувчи омиллар, содир буладиган жойлар таснифини тузиш ва олдини олиш чораларини белгилаш;
- эрозияга қарши тадбирларнинг умумий ҳажми, қиймати ва амалга ошириш тартиби, зарур бўлган моддий-техник ва меҳнат ресурсларини аниқлаш;
- эрозияга қарши амалга ошириладиган тадбирларни лойиҳалаш учун лойиҳа-қидирув ишларининг таркиби, ҳажми ва қийматини аниқлаш;
- режалаштирилган тадбирларнинг иқтисодий санарадорлигини аниқлаш.

Ер ости фойдали қазилмаларини конлардан олиш, геологик-қидирув, курилиш ва бошқа ишларни олиб бориш, унумсиз ва деградация бўлган ерларни қайта тиклаш, уларнинг унумдорлигини ошириш учун рекультивация қилиш зарур. Унинг таркиби мелиоратив, гидротехник, агротехник, ўрмон-хўжалик каби тадбирлардан иборат бўлиб, тупроқ хусусиятини йўқотган ерларда тупроқ хоссаларини шакллантириш ва халқ

хўжалигида фойдаланиш имкониятини яратиш, бузилган, яроқсиз ҳолга келган ерларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини йўқотиш ёки кескин камайтиришга йўналтирилган бўлади.

Рекультивация техник ва биологик қисмдан иборат. Техник рекультивация жараёнида танланган ерларда тупроқ ковлаб олиш ва йигиш, геологик ётқизиқни хусусиятига мос келадиган шаклдаги баландлик (тепалик, отвал) карьеरларини яратиш, йигилган ётқизиқларни ўзидан-ўзи ёниб кетишдан асраш, устини текислаш, террассаларга ажратиш, нишабликнинг ўпирилиб кетишига йўл қўймаслик, транспорт ва бошқа механизмлар кириб-чиқиши учун йўл қуриш, гидротехник ва эрозияга қарши иншоотлар қуриш; рекультивация қилинадиган сатҳ устига келажақда унумдор бўлиши мумкин бўлган ётқизиқлар солиш, кимёвий зарарли кон ётқизиқлари бўлганда, уларга кимёвий усулда ишлов бериш, унумдор тупроқ солиш ва уни текислаш ишлари бажарилади.

Биологик рекультивация жараёнида бузилган тупроқлар унумдорлигини шакллантириш ва қайта тиклаш учун биологик усуллардан фойдаланилади, рекультивация қилинаётган ерларни ўзлаштириш учун яроқли ўсимликлар экиш, маҳсус агротехник тадбирларни қўллаш ёрдамида чидамли ва ҳосилдор биоценоzlар қоплами яратилади.

Ер ландшафтнинг ҳудудий асоси ҳисобланиб, унда яшаш (инсоният), хўжалик (жамиятнинг ижтимоий-иктисодий фаолияти) юритиш учун имконият мавжуд. Ландшафт компонентлари бир-бири билан узвий бօғлиқ бўлган ҳолда модда ва энергия сарфланиши уларнинг ҳосил бўлиши билан мувозанат (тeng бўлишига) сақлашга ҳаракат қиласи. Шу сабабли ландшафт табиий шароитда ўзини-ўзи бошқарib туради.

Антропоген ландшафтларни мақсадга мувофиқ шакллантириш, улардан хўжаликда фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, рекреция ва эстетик, табиий мувозанатни сақлаб туриш хоссалари, содир бўлган сал-

бий жараёнларни аниқлаш ва олдини олиш мақсадида қуриқхоналар чизмаси ташкил этилади.

Қуриқхоналар чизмаси халқ хұжалиги тармоқларининг ҳудудлар шароитларини инобатта олган ҳолда ри-вожланиши, ишлаб чиқариш күчларини жойлаштириш узок қелажакни назарда тутган илмий-техник ва ижти-моий-иктисодий дастурда режалаштирилған маълумот-ларга ассосяланади.

- Саволлар:**
1. Ердан фойдаланишнинг бош режаси чизмаси (схема) таркиби қандай қисмлардан иборат?
 2. Ер захираларидан фойдаланишнинг бош чизмасини тузишда қандай маълумотлардан фойдаланила-ди?
 3. Тупроқ емирилишини олдини олиш ва унга қарши кураш чораларини белгилашда нима мақсадлар кү-йилади?
 4. Рекультивация деганда нима тушунилади?

II б о 6. ТУПРОҚШУНОСЛИК

9-§. ТУПРОҚНИНГ ҲОСИЛ БҮЛИШ ЖАРАЁНИ. АСОСИЙ ОМИЛЛАР ВА ШАРОИТЛАР

Тупроқнинг ҳосил булиши ниҳоятда мураккаб био-физик-кимёвий жараёндир. Тупроқнинг ҳосил булиш жараёни деганда моддалар ва энергиянинг тупроқ қатламида ўзариши ва ҳаракати натижасида ҳосил бўлган моддалар йигиндиси тушунилади. Бу фақат тирик организмлар – юксак ўсимликлар ва микроорганизмларнинг ўзаро таъсири туфайли содир булади.

Тупроқ деб, ернинг устки қисмида жойлашган ва ўсимликларнинг ривожланиши учун шароит мавжуд бўлган **унумдор қатламига** айтилади.

Тупроқнинг ҳосил булишида бевосита қатнашувчи жараённинг материал ва энергетик асосларини яратувчи омилларга қўйидагилар киради:

1. **Тупроқ ҳосил қилувчи она жинс.** Тоғ жинслари, ҳар хил чукиндилар, табиий кучлар, ҳароратнинг ўзариши, атмосфера ёғинлари, шамол ва юксак ўсимликлар таъсирида емирилиши натижасида ҳар хил катталикдаги зич жойлашмаган, ўзининг петрографик ва минерал таркибини сақлаб қолган моддалар ҳосил бўлади.

Емирилиш физик (табиий куч, ҳарорат, шамол таъсирида), кимёвий (атмосфера таркибидаги ҳар хил газлар, бувлар иштирокида) ва биологик (ўсимлик ва организмлар ва уларнинг қолдиқлари таъсирида) кўринишда содир бўлади.

2. **Тирик организмлар** (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қолдиқлари). Тупроқ ҳосил булиши, унумдорликнинг шаклланиши, органик моддаларнинг ҳосил булиши асосан бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар, ҳайвонот дунёси қолдиқлари ҳисобига юзага келади.

3. Қүёш энергияси – табиатда содир буладиган барча жараёнларни иссиқлик ва ёргулик билан таъминловчи манбадир.

4. Атмосфера (ёгінлар, ҳарорат, ҳаво, ҳаво намлиги, шамол) тупроқ ҳосил бұлиш жараёнида содир буладиган физик, физик-кимёвий, биологик жараёнларнинг йұналиши ва миқдорий курсаткичларини белгилайди ва иштирок этади. Ҳаводаги кислород миқдорига үсімлик ва микроорганизмларнинг ҳаёти бевосита болғып бұлади. Табиий шароит атмосфера ёгінларининг миқдорига қараб нивал, гумид ва арид турларга булинади. Нивал минтақада ёгингарчылық қор сифатида ёғади, асосан музликлар бұлғанлиги сабабли унумсиз, кам ри-вожланган тупроқлар шаклланған. Гумид минтақада йил давомида ёғаёттан қор ва ёмғир миқдори умумий буғланишга сарфланаёттан сувдан бир неча баробар күп бұлғанлиги сабабли унумсиз, ювилған ва ботқоқ тупроқлар шаклланған.

Арид минтақада ёгингарчылық умумий буғланишга сарфланаёттан сувдан кам бұлғанлиги сабабли асосан қуриган тупроқлар тарқалған. Марказий Осиё давлатлари ҳудудининг күп қисми арид минтақада жойлашған.

5. Оқар (дарё) ва ер ости сувлари. Оқар сувлар тог жинсларининг емирилишида иштирок этади. Үсімлик ва бошқа организмлар яшаши учун асосий омил ҳисобланади. Сув таъсирида минераллашған органик ва кимёвий бирикмалар тупроқ қатламида ҳаракатланиб үсімлик танасига үтади. Тупроқнинг сув хоссалари, унинг үзгариши, уларни мақбул даражада бошқариш суғориладиган деңқончиликнинг асоси ҳисобланади.

Тупроқ ҳосил бұлиш жараёнини маълум давр ва ҳудуд миқёсида белгиловчи шароитларга қуйидагилар киради:

1. Ҳудуднинг географик жойлашиши. Ер шарининг шимолдан жанубға ёки текисликлардан төгларга қараб йұналишида иқлим шароитининг үзгариши натижасыда тупроқ ҳосил бұлиш жараёни ҳар хил жадалликда

утади. Шимолий қутбда ҳозирга қадар усимлик учун зарур хоссаларга эга бўлган тупроқлар шаклланмаган. Марказий Осиёning текислик қисмида шаклланган тупроқлар энг қадими тупроқлар ҳисобланади.

2. **Худуднинг паст-баландлиги** тупроқнинг шаклла-нишида муҳим аҳамиятга эга. Паст-баландлик асосан сув айиргичлар, нишабликлар ва водийлар тарзида шаклланади ва катталигига қараб **макро**, **мезо** ва **микро** паст-баландликларга бўлинади.

Макро — Ер шаридаги энг йирик паст-баландликлар (тоғлар, пасттекисликлар, адирлар); **мезо** — унча катта бўлмаган паст-баландликлар (сойлар, тепаликлар); **микро** — энг кичик шаклдаги паст-баландликлар (чукурлик, ариқ, дўнгликлар).

3. **Давр.** Ер юзида ҳаёт вужудга келиши билан бир вақтда бошланган тупроқ ҳосил булиш жараёни туган-мас жараён ҳисобланади. Шу сабабли тупроқ ёши **мутлоқ** ва **нисбий** булиши мумкин. **Мутлоқ ёш** мазкур тупроқнинг тулиқ шаклланиши (ҳозирги даврга қадар) учун ўтган вақт. **Нисбий ёш** тупроқ ҳосил булиш жараёни-нинг тезлиги бўлиб, у шароитлар билан боғлиқ. Айрим иқлим-шароитда тупроқ тез ҳосил булади ва ривожланади, бошқа шароитда нисбатан секин шаклланади ва ривожланади.

4. **Тупроқ ҳосил бўлишида инсон иштироки.** Инсон меҳнати ва фан-техника тараққиёти таъсирида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни, унинг хусусиятлари шаклланиши маълум даражада ўзгаради, тупроқ маданийлашади, яширин ва самарадор унумдорлик ортади.

Тупроқ ҳосил бўлиши юқорида айтилган омилларнинг мавжудлигига юз беради ва табиий шароитда со-дир бўладиган физик, физик-кимёвий, физик-биологик ва биологик жараён ва ҳодисаларнинг мажмуаси ҳисобланади. Бу жараённи қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

● ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқларининг минералла-шиши (парчаланиши) натижасида иккиламчи лойси-мон маъданларнинг ҳосил бўлиши;

- бирламчи алюмо ва ферросиликатларнинг парчаланиши ва темир оксиди, аллюминий ва кремнезем ҳосил булиши (латеризация);
- лойқа заррачаларнинг устки қатламдан пастга ювилиши (пессиваж);
- тупроқнинг маъдан қисми нордон моддалар таъсирида мутлоқ парчаланиши ва юқори қатламдан эриган модда ва лойқаларнинг ювилиши, (подзоллашиш);
- темир бирикмалари ва марганецнинг эритмага утиши ва тупроқ қатламида йигилиши (темирлашиши);
- тупроқнинг ўта намланиши, қайта тикланиш жараёнининг содир булиши (глейланыш белгилари);
- минерал моддаларнинг ўта намлик ва турғун халқоб сув йигилиш даврида анаэроб шароит натижасида парчаланиши ва ёпишқоқ модда сифатида қайта тикланиши (глейланиш);
- тупроқ қатламида эриган тузларнинг йигилиши, шурхоқларнинг ҳосил булиши (шүрланиши);
- тупроқ заррачаларининг таркибига натрий катионининг сингиши (шүртобланиш);
- шүртоб тупроқларда алюмосиликат ва кремнеземнинг мутлоқ парчаланиши (солодларнинг ҳосил булиши);
- ўсимлик, ҳайвон, микроорганизмлар қолдиқларининг чириши натижасида ҳар хил юқори молекулали органик моддалар (гумус) ҳосил булиши;
- тұла (мутлок) чиrimаган ўсимлик қолдиқлари тупроқнинг устки қатламида йигилиши (торф ҳосил булиши).

Юқорида күрсатылған тупроқ ҳосил булиш жараёнынининг айрим йұналишлари асосий омилларнинг иштирок этиш даражаси ва мазкур ҳудуднинг иқлим-шароитлари билан белгиланади.

Саволлар: 1. Тупроқ деганда нима тушунилади?

2. Тупроқ ҳосил булишда иштирок этувчи омилларга нималар киради?
3. Тупроқ ҳосил булишда қуёш энергиясининг ахамиятини изохланг.
4. Тупроқ ҳосил булиш шароитлари деганда нималар тушунилади?

10-§. ТУПРОҚНИНГ МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ. ТУЗИЛИШИ ВА МЕХАНИК ТАРКИБИ

Тупроқ морфологияси деганда, унинг ташқи кўрининшини изоҳловчи белгилар тушунилади. Уларга тупроқ қатламиning тузилиши ва намлиги, ранги, донадорлиги, жойлашиши, ҳар хил қўшилмалар ва янги ҳосил бўлган моддалар киради. Тупроқнинг морфологик белгилари асосан тупроқнинг ҳосил бўлиш, ривожланиш хоссаларини изоҳлайди.

Тупроқ қатлами бир-бири билан боғлиқ бўлган ва мунтазам равишда нисбатан ўзгарувчан генетик қисмлардан иборат. Тупроқнинг генетик қатламлари бир-биридан ранги, донадорлиги, жойлашиши, ҳар хил қўшимча ва янги ҳосил бўлган моддаларнинг миқдори билан фарқланади.

Тулиқ ривожланган тупроқ асосан қўйидаги генетик қатламлардан иборат:

А — гумусли-аккумулятив қатlam;

В — иллювиаль ёки уткинчи қатlam;

С — тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида кам ўзгарган она жинс;

Д — тупроқ қатлами остида жойлашган тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида ўзгармаган она жинс.

Тупроқнинг генетик қатламлари морфологик белгиларнинг миқдорий қўрсаткичлари ва бошқа хусусиятларига қараб қатламчаларга бўлинishi мумкин (A , A_0 , A_1 , A_2 ва ҳ.к.).

Тупроқнинг ранги асосий морфологик қўрсаткичлардан ҳисобланади. С.А. Захаров бўйича тупроқ қора, тўқ-каштан, каштан, оч-каштан, жигарранг, қизил, тўқ-қўнғир, оч-қўнғир, тук бўз, бўз, оч-бўз, сарик, оқиш ва оқ рангларга бўлинади.

Тупроқ донадорлиги деганда унинг қаттиқ қисмининг макроагрегат тузилиши тушунилади. Тупроқ агрегатлари майда заррачаларнинг бир-бири билан бирлашиши (ёпишиши) натижасида (1 мм дан 10 мм гача) донадорлик шаклланади.

Донадорлик макроагрегатларнинг катталиги ва шаклига қараб қўйидагиларга булинади:

микродонадорлик — заррачалар диаметри 0,25 мм дан кичик;

макродонадорлик — заррачалар диаметри 0,25 мм дан 10 мм гача;

мегадонадорлик — заррачалар диаметри 10 мм дан катта.

Тупроқ донадорлиги узгарувчан кўрсаткич булиб, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли утказиши, дехқончилик маданиятининг ҳолати билан чамбарчас боғлиқ булади.

Тупроқнинг жойлашиши — қатламдаги ғоваклик ва зичликнинг ташқи куринишини ифодалайди. Тупроқ қатлами жуда зич, зичланган, ғовакроқ, ғовак ва сочилма бўлади.

Тупроқ ҳосил булиш жараёнига алоқаси бўлмаган, сиртидан қушилиб қолган минерал, тог жинси парчаси, организм қолдиқлари ва бошқалар *тупроқнинг қўшилмаси* дейилади.

Ҳайвонларнинг суяги, ўсимликлар қолдиги *биологик қўшилма*, тош, шагал ва бошқалар *минерал қўшилма*, кўмир булаклари, уй ҳайвонлари суяги, уй-рўзгор асбобларининг синиги, инсон суяклари *археологик қўшилма* дейилади.

Тупроқ ҳосил булиш жараёнида вужудга келган, шакли ва таркиби ҳар хил бўлган турли ҳолатдаги моддага *янги яралма* дейилади. Қатламда тупланиб қолган кальций хлорид, магний сульфат, гипс ва оҳак сингари тузлар, темир, марганец ва кремний оксидлари бирикмалари кимёвий *янги яралмадир*. Ўсимликлар илдизларининг урни, жониворлар чиқарган моддалар *биологик яралма* дейилади.

Тупроқнинг механик таркиби деб, ҳар хил катталиктаги минерал зарраларнинг бир-бирига булган нисбатига айтилади. Тупроқ механик таркиби асосий қисмнинг 1 мм дан кичик заррачалари *тупроқнинг майдадарарлари* (мелкозем), 1 мм дан йирик зарралари *тупроқ скелети* дейилади.

Тупроқ заррачаларининг миқдорига қараб ажратиш **механик таркибига кўра таснифи** (классификацияси) дейилади. Бунда катталиги 0,01 мм бўлган заррачалар миқдори асосий мезон ҳисобланади. Одатда 0,01 мм дан кичик бўлган заррачалар **лойқа**, 0,01 мм дан йирик бўлган заррачалар қум деб юритилади (1- жадвал).

I-жадвал

Механик таркибига кўра чўл ва саҳро тупроқлари таснифи

Механик таркибига кўра тупроқ номи	Лойқа (0,01 мм дан майда) миқдори, %	Кум (0,01 мм дан йирик) миқдори, %
Сочилма қум	0—5	95—100
Ёпишқоқ қум тупроқ	5—10	90—95
Қумлоқ тупроқ	10—20	80—90
Енгил қумоқ тупроқ	20—30	70—80
Ўрта қумоқ тупроқ	30—45	55—70
Оғир қумоқ тупроқ	45—60	40—55
Енгил соз тупроқ	60—70	30—40
Ўрта соз тупроқ	70—80	20—30
Оғир соз тупроқ	80 дан кўп	20 дан оз

Тупроқ механик элементларининг таркибига кўра қуидагиларга бўлинади:

Заррачалар номи

Тош

Йирик шагал

Майда шагал

Йирик қум

Ўрта қум

Майда қум

Чангсимон қум

Нозик қум

Ўрта чанг

Майда чанг

Лойқа

Заррачалар диаметри, мм

10 дан йирик

5—105

3—5

1—3

0,5—1

0,25—0,5

0,05—0,25

0,01—0,05

0,005—0,01

0,001—0,005

0,001 дан майда

- Саволлар:**
1. Тупроқ морфологияси деганда нима тушунилади?
 2. Тупроқ қатлами қандай генетик қисмлардан иборат?
 3. Тупроқларни механик таркибига кўра ажратишида асосий кўрсаткич нима?
 4. Тупроқ донадорлиги бўйича қандай кўринишларда бўлади?
 5. Тупроқ ранги нималарга боғлиқ?

11-§. ТУПРОҚНИНГ УМУМФИЗИК ВА ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИ

Табиий шароитда она жинс парчаланиши натижасида ҳар хил катталиқдаги заррачалар ҳосил булади. Асосий омиллар ва шароитларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ва мунтазам таъсири натижасида ҳосил бўлган тупроқда ўзига хос физик ва физик-механик хусусиятлар шаклланади.

Тупроқнинг умумфизик хоссаларига унинг зичлиги (табиий ва қаттиқ қисми), говаклиги, сув, ҳаво, иссиқлик, электр ва радиоактив хоссалари киради.

Тупроқ зичлиги табиий ҳолатда шаклланган тупроқ қатлами ҳажмининг огирилгини билдиради. У тупроқ заррачаларининг бир-бирига нисбатан жойлашишини, уларнинг катта-кичиклиги ва зичлигини изоҳлайди. Тупроқ қатламининг зичлиги унинг механик ва минералогик таркибига, донадорлигига ва органик моддалар миқдорига боғлиқ. Тупроқ зичлиги $\text{г}/\text{см}^3$ бирлиги билан ифодаланади.

Тупроқ қатламининг зичлиги $1 \text{ г}/\text{см}^3$ дан $1,81 \text{ г}/\text{см}^3$ гача булиши мумкин. Таркибида гумус моддаси кўп бўлган тупроқлар зичлиги $1-1,2 \text{ г}/\text{см}^3$, гумуси кам бўлган тупроқлар зичлиги $1,3-1,5 \text{ г}/\text{см}^3$ булади. Ўзбекистоннинг сугориладиган, деҳқончилик ривожланган ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг зичлиги $1,3-1,52 \text{ г}/\text{см}^3$ атрофида бўлади.

Тупроқ говаклиги табиий ҳолатда жойлашган қатлам ҳажмига барча бушлиқларнинг нисбатини ифода-

лайди. Говаклик тупроқ қатламида сув ва ҳавонинг булиши ва ҳаракатини таъминлайди, микроорганизмларнинг яшашига шароит яратади.

Говаклик қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{ym} = 1 \frac{dv}{d} ,$$

бунда: P_{ym} — умумий говаклик (тупроқ ҳажми ҳисобида), %;

dv — тупроқ зичлиги, г/см³;

d — тупроқ қаттиқ қисмининг зичлиги, г/см³.

Одатда тупроқ заррачалари қанча йирик ва бир хилда бўлса, умумий говаклик шунчалик кам бўлади. Тупроқнинг механик таркибини назарда тутган ҳолда умумий говаклик қўйидагича булиши мумкин:

Қум тупроқлар — 30—40%;

Қумлоқ тупроқлар — 40—45%;

Қумоқ тупроқлар — 45—50%;

Соз тупроқлар — 50—60%.

Тупроқ қатламидаги бўшлиқларнинг катта-кичиклигига қараб *капилляр* ва *нокапилляр* говакликка ажralади. Одатда нокапилляр бўшлиқларда сув капилляр кучи таъсирида ушлаб туролмайди ва ўз оғирлиги таъсирида пастга шимилиб кетади, бўшлиқлар ҳаво билан тўлади.

Говаклик икки турга булинади: *агрегатлар орасидаги* ва *агрегатлар ичидағи говаклик*. Агрегатлар ичидағи говаклик одатда тупроқ доналари — микро ва макроагрегатлар ичизда шаклланади ва тупроқнинг сув ушлаб туриш қобилиятини ифодалайди.

Тупроқ говаклиги ва зичлиги ўзгарувчан кўрсаткич булиб, тупроқ қатламининг зичлигига ва заррачаларнинг тупроққа ишлов берилганда майдаланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг физик-механик хоссалари деганда, унинг ташки ёки ички куч таъсирида ўзгариши тушунилади. Уларга тупроқнинг бўкиши, чўкиши, пластиклиги, ёпишқоқлиги, боғлиқлиги ва қаттиқлиги киради. Бунда: *тупроқнинг бўкиши* — тупроқ ҳажмининг намлан-

ганда ортиши, *тупроқнинг чўкиши* — тупроқ қуриганда ҳажмининг камайиши, *тупроқ пластиклиги* — маълум даражада намланганда унга берилган шаклни сақлаб туриши, *тупроқ ёпишқоқлиги* — нам тупроқ заррачалининг бирон жисм ёки ишлов бериш қуролларига ёпишиши, *тупроқ боғлиқлиги* — тупроқ заррачаларининг ўзаро илашувчанлиги ёки бир-бирига тортилиши, *тупроқ қаттиқлиги* — тупроқнинг қаттиқ жисм таъсирiga қаршилик кўрсатиши.

Тупроқ қаттиқлиги одатда юмшоқ, юмшоқроқ, зичлашган, қаттиқ ва жуда қаттиқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Тупроққа ишлов берилганда у ҳар хил катталиқдаги булакчаларга (заррачаларга) майдаланади. Бу жараён тупроқ донадорлигига, тузилишига ва намлигига боғлиқ булиб, унинг ишлов беришга етилганлигини изоҳлайди. Тупроқ етилганда ишлов берилса, қуролларга (плуг, культиватор, юмшатгич ва ҳ.к.) қаршилик кўрсатиш даражаси нисбатан кам бўлади, яъни тупроққа ишлов беришнинг мақбул даврини кўрсатади. Ўзбекистоннинг сугориладиган деҳқончилик минтақасида тупроққа ишлов беришнинг мақбул вақти унинг таркибидағи намлик дала нам сифимининг 40% ини ташкил этганда содир бўлади.

Қумоқ ва соз тупроқлар намланганда (сув берилганда, ёмгир ёққандা) уларнинг устки қисмида қатқалоқ ҳосил бўлади. Одатда бу жараён тупроқ таркибида майда чанг ($0,001$ — $0,005$ мм) ёки лойқа ($0,001$ мм дан майда) 25% дан кўпроқ бўлганда вужудга келади. Ундан ташқари, ерни доимо бир хил чуқурликда ҳайдаш натижасида ҳайдалма қатламнинг остида зичлашган қатлам шаклланади. Бундай қатламнинг сув ўтказувчаник даражаси ниҳоятда паст булиб, ўсимлик илдизи яхши ривожланмайди, иссиқлик, ҳаво ва бошқа хоссалари нисбатан ёмон бўлади.

Саволлар: 1. Тупроқнинг умумфизик хоссаларига нималар киради?
2. Тупроқ зичлиги деганда нима тушунилади?

3. Тупроқнинг физик-механик хоссаларига нималар киради?
4. Тупроқ қаттиклиги деганда нима тушунилади?
5. Тупроқнинг физик-механик хоссаларини билиш нима учун зарур?

12-§. ТУПРОҚ КОЛЛОИДЛАРИ. ТУПРОҚНИНГ СИНГДИРИШ ҚОБИЛИЯТИ

Ҳар хил минераллар, тог жинслари ва органик қолдиқларнинг тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида майдалаши ва парчаланиши натижасида майда заррачалар аралашмаси — **дисперс тизим** ҳосил бўлади. Тизим таркибидаги дағалроқ заррачалар (суспензиялар) физик-кимёвий хоссаларига кўра майда зарралардан (чанг, қум) фарқ қилмайди, жуда майда зарралар (коллоидлар) ўз хоссалари билан фарқ қиласи.

Дисперс тизим зарраларнинг катталигига қараб 3 гурухга бўлинади:

- **дағал дисперсия** — зарраларнинг диаметри 0,1 микрондан катта (микрон — миллиметрнинг мингдан бир қисми);
- **коллоид дисперсия** — зарраларнинг диаметри 1 миллимикрондан 0,1 микронгача;
- **максимал ёки молекуляр дисперсия** — зарраларнинг диаметри 1 миллимикрондан кичик.

Рус олимни К.К.Гедройц фикрича тупроқ коллоидлари минерал жисмларнинг кимёвий нураш жараёнида пайдо булган ҳар хил оксидлардан (Al_2O_3 ; Fe_2O_3 ; SiO_2 ва бошқалардан) иборат. Коллоид заррачалар (минерал ёки органик) бир-бири билан бирикади, яъни синтезланиш жараёни содир бўлади. Коллоид зарраларнинг кўпчилиги кристалл тузилишига эга ва 3 қаватдан — ядро, ички ва сиртқи қаватдан иборат. Бундай мураккаб тузилган коллоид заррача **мицелла** дейилади.

Коллоид зарра икки ҳолатда — золь ва гель ҳолда бўлиши мумкин. Золь ҳолдаги коллоид суюқ мухитда

эриган ва тарқоқ ҳолатда булиб тұхтосиз ҳаракат қылади. Гель ҳолатдаги коллоид бир неча зарралар йиғиндинисидан иборат ёпишқоқ қуйқа ҳолида булиб, суюқ мұхитда осонлик билан чүкади. Табиий омиллар таъсирида золь ҳолдаги коллоид гельга утади. Золь ҳолдаги коллоидларнинг тұпланиб чүкма ҳосил қилишга, яъни гель пайдо булишга **коагулация**, гель ҳолдаги коллоиднинг яна қайтадан тарқалиб золь ҳосил булишига **пептизация жараёни** дейилади.

Тупроқ коллоидлари кимёвий таркибига кура 3 гурхұга бўлинади:

1. *Минерал коллоидлар* физик-кимёвий ва биологик нураш жараёнида пайдо булади ($\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaO} \cdot \text{H}_2\text{O}$);

2. *Органик коллоидлар* — бу үсимлик ва ҳайвон қодикларининг чириши, яъни гумификация жараёни натижасида пайдо бўлган органик кислота ва гумматлардан иборат;

3. *Органо-минерал коллоидлар* минерал ва органик коллоидларнинг бирикиши натижасида вужудга келади.


Тупроқ пайдо бўлиши ва унинг ривожланишида мұхим аҳамиятга эга бўлган тупроқ сингдириш қобилиятининг турлари қолдиқларга боғлиқ булади. Тупроқ қатламидан утаётган сувдаги эриган моддаларнинг, газлар ва микроорганизмларнинг тупроқда ушланиб сингиб қолиши унинг **сингдириш қобилияти** дейилади. Улар қуйидаги кўринишларда булади.

Механик сингдириш — тупроқ қатламида юқоридан пастга ҳаракат этаётган сувдаги лойқа ҳолда зарраларнинг қатламлар орасида ушланиб қолиши. Бу кўрсаткич тупроқнинг механик таркиби, донадорлиги, қатлам зичлиги ва говаклигига боғлиқ булади.


Физик сингдириш — тупроқ зарраларининг устки энергияси таъсирида сувда эриган моддаларнинг ушланиб қолиши. Физик сингдириш жараёнида коллоид зарра юзасига сингган модда молекула ҳолида булади. Шунинг учун бу **молекуляр сингдириш** деб айтилади.

Физик-кимёвий сингдириш. Тупроқ эритмасидаги ҳар

хил тузлар ва кислоталар молекуласи сувли мұхитда катион ва анионларға ажралади. Улар үзиге хос электр заряды булади. Бу ионлар билан тупроқ коллоидлари орасидаги үзаро тәсір натижасыда катионлар тупроққа сингади. Коллоид зарралар юзасыга ионларнинг сингиши ва улар үрнига зарралардан эквивалент мөкторда ионларнинг ажралиб чиқыш жараёнига **физик-кимёвий сингдириш** ёки **үрин алмашиш адсорбцияси** дейилади. Бу жараён қуйидагича содир булади:



Кимёвий сингдириш. Эритмадаги моддалар билан тупроқдаги ҳар хил бирикмалар орасыда кимёвий реакция натижасыда сувда жуда қийин эрийдиган ёки эримайдын модда ҳосил булади ва қатлам орасыда ушланиб қолади. Бу ҳодиса **кимёвий сингдириш** дейилади. Масалан:



Биологик сингдириш. Тупроқдаги микроорганизм ва үсимликларнинг ҳаёти туфайли ҳар хил озиқ моддаларнинг ушланиб қолышыга **биологик сингдириш** дейилади.

Тупроқнинг коллоид зарралар түпламидан ташкил топған ва катионларни сингдириш ва алмаштириш қобилиятында эга бўлган қисмига **сингдирувчи комплекс** дейилади. Тупроқнинг бу қисмидаги ҳар хил минерал ва органик бирикмалар булиб, улардаги сингдирилган катионлар алмашиб туради. Катионлар алмашиниш жараёнида фақат тупроқнинг коллоид қисми иштирок этади. Сингдирувчи комплекснинг ҳажми тупроқнинг механик таркиби, органик мөдданинг мөкдори ва таркибига боғлиқ булади. Қумоқ, соз ва сергумус тупроқларда куроқ, оз гумусли ёки қумлок тупроқларда нисбатан камроқ булади.

Сингдирувчи комплексдаги сингдирилган катионларнинг умумий мөкдорига **сингдириши сифими** дейилади. Бу мөкдорни кўпинча кальций (Ca) катионига нисбатан эквивалент ҳисобида ифода этилади. Масалан,

тупроқдаги сингдирилган водороднинг миқдори 0,02% булган тақдирда, унинг кальций катионига нисбатан эквивалент миқдори $0,02 \times 20 = 0,4$ Са булади (бунда 20 — кальцийнинг 1-водороднинг эквивалент оғирлиги). Демак 0,02% водород 0,4 кальцийга эквивалент экан. Одатда сингдирилган катионларнинг миқдори 100 г тупроққа нисбатан миллиэквивалент (м-экв) ҳисобида ифода этилади. Бунинг учун 100 грамм тупроқдан ажратиб олинган катион миқдори 1000 га күпайтирилади ва бир валентли катион бўлганда эквивалент оғирлигига, икки валентли бўлганда атом оғирлигига тақсим қилинади. Масалан, 100 г тупроқдан 0,360 г кальций ажратиб олинган бўлса, қуйидагича булади:

$$\frac{0,360 \times 1000}{20} = 18 \text{ м-экв Ca.}$$

Сингдириш энергияси жиҳатидан икки валентли Ca^{++} , Mg^{++} сингари катионлар бир валентли катионлар Na^+ , K^+ , NH_4^+ сингариларга қараганда кучлироқ булади. Аммо бир валентли H^+ ионнинг сингдириш энергияси икки валентли катионларга нисбатан кучли бўлади.

- Саволлар:**
1. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида қандай дисперс тизим ҳосил бўлади?
 2. Тупроқ коллоидлари ҳақида тушунча беринг?
 3. Тупроқнинг сингдириш қобилияти деганда нималар тушунилади?
 4. Тупроқ сингдириш қобилиятининг қандай турлари мавжуд?
 5. Тупроқнинг сингдирувчи комплекси деганда нима тушунилади?

13-§. ТУПРОҚНИНГ ОРГАНИК ҚИСМИ. ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ

Тупроқ қатламида ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар қолдигидан иборат органик моддалар учрайди. Биокимёвий жараёнлар таъсирида органик моддалар чирийди ва мураккаб органик бирикма — гумус (чиринди) ҳосил булади.

Тупроқ таркибида органик модданинг миқдори мазкур ҳудуддаги ўсимлик турига, қалинлигига, иқлим шароитига боғлиқ булади. Тупроқниң органик қисми 4 та кимёвий элементдан — *азот, углерод, кислород* ва *водороддан* иборат. Бу элементлар асосан қўйидаги органик бирикмалар таркибини ташкил этади: *углеводлар, лигнинлар, оқсил (протеин), ёғлар, елим ва ошлов моддалари, кул элементлари*. Бунда:

- **углеводлар** (моно, ди, полисахаридлар) ҳужайра, целлюза таркибида бўлиб, хашакларда 40%, дарахт поясида 60% ни ташкил этади;
- **лигнинлар** ўсимлик қолдиги, ўсимлик турига қараб 30—40% гача булади;
- **оқсил моддалар** (оқсил, протеин) ҳужайранинг асосий қисмида бўлиб, 10—14% ни ташкил этади ва аминокислоталарга парчаланади;
- **ёғлар** ҳужайра ядроси ва уругида 5—6% булади;
- **кул моддалар** — ишқорий моддалар: магний, кальций, калий, фосфор, цинк, кобалт, рух, темир ва ҳ.к.

Тупроқ қатламида органик моддалар сув ва ҳаво таъсирида маълум шароитда икки хил ўзгаришга учрайди. Дастребли ўзгариш натижасида CO_2 , H_2O , NH_3 сингари минерал бирикмалар пайдо булади, бунга минерализация дейилади. Кейинчалик эса гумификация жараёни натижасида мураккаб органик модда — гумус вужудга келади. Бу жараёнларда ўсимлик таркибида бўлган оксидловчи энзим — суюқлик хам иштирок этади. *Тупроқ унумдорлиги* ўсимликни етарли миқдорда сув ва озиқ моддалар, зарур шароитлар билан таъмин этиш хусусиятини ифодалайди.

Тупроқ унумдорлиги унинг асосий курсаткичи бўлиб, мазкур тупроқнинг дехқончилик учун яроқлигини изоҳловчи асосий мезон ҳисобланади. Тупроқ унумдорлиги З хил кўринишида бўлади.

1. *Табиий унумдорлик* тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида табиий шароитда шаклланган унумдорлик ҳисобланади. У табиий шароитларга ва тупроқ пайдо бўлиш жараёнида иштирок этувчи факторларга боғлик бўлиб, баъзан паст, баъзан юқори бўлади. Табиий пичанзорлар, яйловлар қўриқхоналардаги унумдорлик шулар қаторига киради.

2. *Сунъий ёки самарадор унумдорлик* инсон меҳнати ва фан-техника ютуқларини мунтазам ва сифатли равишда амалга ошириш натижасида шаклланади. Самарадор унумдорликка эга бўлган тупроқларда маълум даражада табиий унумдорлик ҳам мавжуд бўлади.

3. *Потенциал ёки яширип унумдорлик* тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшилангандан сўнг шаклланади. Шурланган, ботқоқланган ёки бутазор, тош босган ерларда мелиоратив тадбирларни (шўр ювиш, қуритиш, буталарни йўқотиш, тошларни йигиб ташлаш) амалга оширгандан сўнг бирон бир маданий экин экиш учун шароит яратилади.

- Саволлар:**
1. Тупроқнинг органик қисми нималар ҳисобига шаклланади?
 2. Тупроқнинг органик қисми қандай бирикмалардан иборат?
 3. Тупроқ унумдорлиги деганда нима тушунилади?
 4. Тупроқда самарадор унумдорлик қандай шаклланади?
 5. Тупроқ унумдорлигининг аҳамиятини изоҳланг?

14-§. ТУПРОҚ ЭРИТМАСИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА РЕАКЦИЯСИ

Тупроқ эритмаси – унинг суюқ қисми бўлиб, ёгин гарчилик ва экинларга берилган сув ҳисобига шаклланади. Тупроқ таркибидаги ҳар хил тузлар ва минерал-

лашган органик бирикмалар сувда эрийди ва унинг концентрациясини оширади. Тупроқ эритмаси унинг энг ҳаракатчан ва фаол қисми ҳисобланиб, содир булаётган биокимёвий, физик-кимёвий жараёнларнинг жадаллиги, йўналиши, ўсимликларнинг озиқланишида муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқ эритмасининг реакцияси шу эритмадаги водород ионининг концентрациясига боғлиқ. Водород иони тупроқ эритмасида икки хил жараён натижасида пайдо бўлади. Кучли ва кучсиз минерал кислоталарнинг ҳамда органик кислоталарнинг диссоциацияси қонунига мувофиқ ионларга ажралиши ёки сингдирилган ионларнинг ажралиб чиқиши туфайли тупроқ эритмасида водород иони кўпаяди ва мувозанат (нейтрал) ҳолат бузилади.


Водород (Н) иони концентрацияси гидроксил (ОН) иони концентрацияси билан баравар бўлганида нейтрал, ундан ортиқ бўлганида кислотали, кам бўлганида ишқорли реакция (муҳит) бўлади. Тупроқ эритмасининг муҳити pH — водород ионининг манфий 10.000 лагорифм қиймати билан ифодаланади.

Кислотали (нордон) муҳит актуал (актив) ва потенциал (яширин) бўлади. Актуал кислоталик тупроқ эритмаси таркибида эркин ҳолдаги водород ионларининг түпланиши сабабли вужудга келади. Бу ҳолат гумификация жараёнида пайдо бўлган сувда эрийдиган органик кислоталар ва карбон кислотаси таъсирида шакланади. Алюминий ва темир элементларининг баъзи турлари (AlCl_3 , FeCl_3) таъсирида ҳам актив кислота ҳосил бўлиши мумкин. Актив кислоталик ҳолати тупроқ сингдирувчи комплекси асослар билан тўйинмаган шароитда бўлиши мумкин.

Потенциал кислоталик тупроқ эритмаси ва сингдирувчи комплекснинг ўзаро таъсири ва алмашиниш реакцияси натижасида ҳосил бўлади.

Масалан:






pH курсаткичи катта ёки кичикилигига қараб тупроқ эритмасининг кислоталик даражаси қўйидагича булади:

pH = 3—4,5 — кучли кислотали;

pH = 4,5—5,5 — ўрта кислотали;

pH = 5,5—6,5 — кам кислотали.

Ишқорий мұхит бирикмалари тупроқ эритмасида эриб, унинг таркибидаги гидроксил ионларни оширганида вужудга келади. Актуал ишқорий мұхит эритмада Na_2CO_3 , NaHCO_3 , $\text{Ca}(\text{HCO})_2$ ва бошқа бирикмаларнинг эриши ҳисобига, потенциал ишқорийлик эса тупроқ сингдирувчи комплексида Na иони мавжуд бўлиши ҳисобига ҳосил булади:



бунда TCK — тупроқ сингдирувчи комплекси.

pH курсаткичи бўйича қўйидаги ишқорийлик даражалари ажратилади:

pH = 7—7,5 — кам ишқорийлик;

pH = 7,5—8,5 — ўртача ишқорийлик;

pH = 8,5 ва ундан юқори — кучли ишқорийлик.

Ўсимликларнинг аксарияти pH курсаткич 3,5 дан паст ва 9 дан юқори бўлганда ўсмайди. Ўсимликларнинг яхши ривожланиши учун тупроқ эритмасининг pH курсаткичи 5,5—6,5 дан 7—7,5 гача бўлиши мақсаддага мувофиқ.

Тупроқ реакцияси ўз ҳолатини сақлаш ва ташқи мұхитдан таъсир этувчи актуал реакцияларга қарши туриш қобилиятига эга. Тупроқнинг кислотали ёки ишқорли актуал реакция таъсирига қарши турға олиш хусусияти *тупроқ буферлиги* дейилади. Буферлик тупроқда нисбатан ўзгармас мұхит яратиш имконини яратади. Бу курсаткич тупроқнинг кимёвий таркибиغا, коллоид қисмига ва механик таркибиға bogliq булади.

Механик таркиби соз, гумусли тупроқлар катта буферликка, құмлоқ, құмли ва гумуси оз тупроқлар кам буферликка эга бұлади.

- Саволлар:**
1. Тупроқ әрітмаси деганда нима тушунилади?
 2. Эритманинг реакцияси қандай шароитда нордон бўлади?
 3. Эритманинг реакцияси қандай шароитда ишқорий бўлади?
 4. Маданий ўсимликлар эритманинг рН кўрсаткичи қандай бўлганда яхши ривожланади?
 5. Тупроқ буферлиги деганда нима тушунилади?

15-§. ТУПРОҚНИНГ ИССИҚЛИК ВА ҲАВО ХОССАЛАРИ. УЛАРНИ БОШҚАРИШ

Тупроқ таркибидә содир бўладиган физик, физик-кимёвий ва биологик жараёнларнинг йұналиши ва жадаллиги тупроқ қатламидаги ҳароратга боғлиқ бўлади. Ҳарорат кутарилиши натижасида тузларнинг эрувчанлик даражаси ортади, кимёвий реакция тезлашади, она жинснинг емирилиши жадаллашади, тупроқ қатламида намлик ва ҳавонинг ҳаракати, йұналиши ўзгаради, микроорганизмларнинг ривожланиши, биокимёвий жараёнлар ва органик моддаларнинг парчаланиши тезлашади.

Ўсимликлар турининг ботаник хусусиятлари, ўсиш даврларига қараб иссиқликка бўлган талаби ҳар хил бўлади. Масалан, 0 – 10 см чуқурликка экилган айрим ўсимликлар уруги қуйидаги ҳароратда унади:

Фуза – +12–14°C; Кунгабоқар – +5– 6°C;
Маккажүхори – +8–10°C; Картошка – +5 – 6°C .

Купчилик микроорганизмлар тупроқ устки қатламида ҳарорат +25–30°C бўлганда яхши ривожланади. Ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши ёз давридаги уртacha ҳароратга боғлиқ бўлади.

Асосий иссиқлик манбаи Қуёш радиациясидир. Унинг фойдаланадиган тупроқ юзасида йиғилиши

худуднинг географик жойлашишига, кун ва йил даврига, ер юзасининг паст-баландлигига боғлиқ бўлади. *Фойдаланилдиган тупроқ юзаси* деганда 1 см^2 майдонга 1 минутда 2 калория иссиқлик йиғилиши тушунилади.

Тупроқнинг иссиқлик билан таъминланганлиги маълум қатламдаги иссиқлик мувозанатини таққослаш билан аниқланади. Мувозанатлик қуйидаги tenglama ёрдамида ечилади.

$$C = R - LE + B + P,$$

бунда: C — маълум ҳажмдаги тупроқда иссиқлик миқдорини ўзгариши; R — Қуёш радиациясининг тенглиги; L — буғланиш ҳисобига ҳосил бўладиган иссиқлик; B — мувозанатлиги аниқланаётган ва унинг остидаги қатламлар орасидаги иссиқлик алмашиниши; P — атмосфера билан тупроқ орасидаги иссиқлик алмашиниши.

Юқоридаги тенглама асосида тупроқ юзасидан умумий буғланишга сарфланаётган иссиқлик миқдорини аниқлаш мумкин:

$$E = \frac{I}{L} (R + B + P - C).$$

Тупроқ ҳарорати унинг *иссиқлик сигими* ва *иссиқлик ўтказувчанлиги* билан ифодаланади.

Иссиқлик сигими деганда $1 \text{ г ёки } 1 \text{ см}^3$ тупроқни 1°C га иситиш учун сарфланаётган иссиқлик миқдори тушунилади ва *кал/g x град* бирлиги билан ўлчанади. Тупроқнинг иссиқлик сигими унинг таркибига, қаттиқ, суюқ ва газсимон қисмининг нисбатига, органик мoddанинг миқдорига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг иссиқлик ўтказувчанлиги деганда 1 см қалинликда ҳарорат 1°C ошганда 1 см^2 майдондан 1 секундда ўтадиган иссиқлик тушунилади ва *кал/см² x с x град* бирлиги билан ўлчанади. Иссиқлик ўтказувчанлик қуруқ тупроқлар намланганда ошади. Тупроқ намлиги юқори булганда нисбатан секинлашади. Қум ва қумлоқ тупроқларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги

юқори, лекин иссиқлик сифими нисбатан кам булади. Қумоқ ва соз тупроқларда эса аксинча бўлади.

Тупроқнинг иссиқлик тартиби деганда маълум қатламга иссиқликнинг йигилиши, сарфланиши ва ҳаралтланиши тушунилади. Ҳарорат 0°C дан пасайгандага тупроқ музлайди. Нам, соз тупроқлар, қумлоқ ва қумоқ тупроқларга нисбатан кам чуқурлиkkача музлайди. Иссиқлик таъсирида қумлок ва қумоқ тупроқлар соз тупроқларга нисбатан тез қизийди.

Тупроқнинг иссиқлик тартиби унга ишлов бериш, тупроқ устини ёпиш (қипик, гүнг, плёнка билан), махсус иссиқ хоналар қуриш орқали бошқарилади.

Ҳар бир тупроқда маълум миқдорда ҳаво бўлади. Ҳаво тупроқ бушлиқларига атмосферадан киради, қисман тупроқдаги биокимевий жараёнлар натижасида пайдо бўлади. Ҳаво ўсимликлар ва тупроқдаги микроорганизмлар ҳаёти учун катта аҳамиятга эга. Тупроқда ҳаво бўлмагандага аэроб бактериялар ҳаёт кечира олмайди, органик моддалар чиримайди, азотли озиқ моддалар пайдо бўлмайди. Ҳаво бўлмаган тупроқда ўсимликка зарарли бўлган кимевий бирикмалар вужудга келади. Тупроқдаги ҳаво ўсимлик илдизларининг нафас олишини таъминлайди.

Тупроқдаги ҳавонинг миқдори қатламлар орасидаги бушлиқ ва намлик даражасига bogлиқ бўлади. Тупроқдаги бушлиқ қанчалик кўп ва улар сув билан оз ишғол этилган бўлса, ҳаво шунчалик кўп (35—40%) бўлади. Ҳавонинг миқдори тупроқ тури, донадорлиги, қўшилмалари, намлиги ва тупроқса ишлов бериш даражаси ва сифатига қараб ўзгариб туради. Тупроқ ҳавосида 20% дан ортиқроқ кислород ва 0,15—0,65% карбонат ангидрид бўлади. Қолган қисми азот (78—80%), аммиак (NH_3), метан (CH_4), водород сульфид (H_2S), водород (H) дан иборат. Тупроқ ҳавосида ҳамма вақт маълум миқдорда сув буги бўлади.

Ҳавонинг тупроқдаги ҳаракати ва таркибининг ўзгариши *тупроқнинг ҳаво тартиби* дейилади. Ҳаво режимининг ўзгаришида тупроқдаги биокимевий жараён-

лар ва атмосфера ҳавоси билан тұхтосиз алмашиниб туриши мұхим ақамиятта эга. Ҳаво алмашиниши натижасыда тупроққа кислород киради. Натижада уруг унади, күкаради, үсимлик илдизи нафас олади ва бактериялар ҳәёти жадаллашади. Үсимлик, ҳайвон ва бактериялар қолдиқларининг чириши натижасыда ҳосил бұлған карбонат ангидрид атмосферага чиқади. Ҳарорат күтарилиганды тупроққа киради. Шу тартибда кун ва йил давомида тупроқда мунтазам рawiшда ҳаво алмашиниб туради, яъни тупроқ «нафас олади».

Тупроқда ҳаво алмашиниши умуман икки хил бұлади. *Актив* — тупроқ ҳавосининг босими, қулоқлиги ва ҳароратининг үзгариши натижасыда ва *пассив* — тупроқ намлиги, ер ости сувларининг сатқи үзгарғанда содир бўлади.

Тупроқ ҳавоси унда содир бўлаётган оксидланиш—қайта тикланиш жараёнининг асоси ҳисбаланади. Бу жараённинг жадаллиги ва йұналиши **милливольт** (мВ) бирлигига ифодаланди. **Милливольт** — платина ёки бошқа индифферект электроднинг нам тупроқда қайтиш потенциали.

Оксидланиш жараёни тупроқда кислород бўлганида содир бўлади. *Қайтмас оксидланиш жараёни* органик моддаларнинг парчаланишида (аминокислоталар, оқсил, шакар, елимсимон ва ишқорий моддаларнинг оксидланиши) содир бўлади. Қайта тикланадиган оксидланиш жараёни темир, марганец, олтингугуртнинг оксидланиши ва қайта тикланишида вужудга келади.

Донадор, аэрацияси яхши, таркибида кислород кўп тупроқларда оксидланиш — қайта тикланиш жараёни 300—600 мВ, ботқоқ ва сернам тупроқларда 200 мВ миқдорда бўлади. Оксидланиш — қайта тикланиш жараёни кўрсаткичи тупроқ эритмасининг pH га пропорционал нисбатда бўлади.

Оксидланиш жараёни жадал содир бўлганда (500 мВ дан юқори) органик моддалар тўлиқ парчаланади. Натижада тупроқда гумус йигилмайди, таркибида минерал тузлар кўп бўлған оч тусли тупроқлар шаклланади.

ди. Бу жараён чүл минтақасида, қуруқ иқлим шароитида содир бўлади (масалан, бўз тупроқлар минтақаси).

Қайта тикланиш жараёни жадал содир бўлганда (200 мВ дан кам) органик моддалар секин парчаланади (торф ҳосил бўлиши). Натижада тупроқда ўсимлик учун зарур бўлган озуқа моддалар кам йигилади. Тупроқда ўсимлик учун заҳарли бирикмалар ҳосил бўлади.

Тупроқнинг сув—ҳаво режими мақбул бўлган шароитда оксидланиш—қайта тикланиш кўрсаткичи 350—500 мВ атрофида бўлади, гумус микдори кўп, физик, кимёвий хоссалари яхши бўлган тупроқлар (қора тупроқ) шаклланади. Оксидланиш — қайта тикланиш жараёнининг жадаллиги ва йўналиши тупроқ ҳосил бўлишини изоҳловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Саволлар: 1. Тупроқнинг иссиқлик сифими деганда нима тушунилади?

2. Тупроқнинг иссиқлик ўтказувчанлиги деганда нима тушунилади?

3. Тупроқнинг иссиқлик режими қандай бошқарилади?

4. Тупроқ ҳавосининг таркиби нималардан иборат?

5. Тупроқда ҳаво нима учун зарур?

16-§. ТУПРОҚНИНГ СУВ ХОССАЛАРИ ВА СУВ ТАРТИБИ

Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида содир бўладиган биокимёвий ўзгаришлар сув иштирокида амалга ошади. Ундан ташқари, ўсимликларнинг озиқланиши ва ривожланиши тупроқнинг сув билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Тупроқда сув қуйидаги ҳолатларда бўлади:

Бұғсімон сув — тупроқ қатламидаги бўшлиқларда эркин ҳаракат қиласи. Бұг сернам жойдан нами оз томонга, юқори ҳароратли қатламдан паст ҳароратли қатламга, босими кўп жойдан кам босимли жойга эркин ҳаракат қиласи. Бұғсімон сувни ўсимлик ўзлаш-

тирмайди. Аммо қуюқлашиб суюқ ҳолга утгандан (ҳароратнинг пасайиши натижасида конденсация ҳисобига) сўнг ўсимликка сингади. Бундай сув дехқончиликда аҳамиятта эга эмас.

Гигроскопик сув — кучли босим натижасида тупроқ заррачалари юзасига сингдирилган сув. Унинг миқдори тупроқнинг механик таркибига, органик модданинг миқдорига, намлик ва иссиқлик даражасига боғлиқ. Гигроскопик сув тупроқ заррачалари юзасидан жуда маҳкам ушлаб турилганлиги сабабли, уни ажратиб олиш учун тупроқни $105\text{--}110^{\circ}\text{C}$ га қиздириш керак. Тупроқдаги сувнинг миқдори максимал гигроскопик сувга нисбатан икки марта кўп бўлса, ўсимлик сўлий бошлади. Ҳар бир тупроқдаги максимал гигроскопик сувнинг икки ҳиссасига тенг бўлган намлик ўсимликнинг сўлиш коэффициенти дейилади. Бу миқдордаги сув ўсимлик учун фойдасиз.

Парда сув. Тупроқ зарраси юзасидаги гигроскопик сувнинг кўпайиши натижасида пайдо бўлган юпқа сув қатламига *парда сув* дейилади. Бу хилдаги сув ҳам зарра юзасига жуда синган булиб, зарранинг марказга тортиш кучига буйсинади. Баъзида парда сувни *гидратацион* ёки *осмотик* сув ҳам дейилади. Парда сув ўсимликка қисман сингади, лекин унинг талабини қондиромайди.

Капилляр сув — майда зарралар орасидаги бўшлиқни эгаллаган нозик қилсимон говакларда пастдан юқорига эркин ҳаракат этадиган сув. Капилляр сувнинг ҳаракат тезлиги зарраларнинг йириклигига боғлиқ. Зарралар қанча майда бўлса, гарчи секин ҳаракат қилса ҳам, капилляр сув шунча юқори кўтарилади. Қум тупроқларда $30\text{--}60$ см, қумоқ ва соз тупроқларда $3\text{--}4$ м ва ундан ҳам юқорироқ кўтарилиши мумкин. Капилляр сув ўсимлик учун энг фойдали сувdir.

Гравитацион сув — тупроқ қатламлари орқали юқоридан пастга ҳаракат этадиган сув, ўсимликка жуда осон сингади. Гравитацион сув ёғиндан ёки ўсимлик сугорилгандан сўнг кўпаяди.

Тупроқда капилляр ва гравитацион сув миқдори қатламнинг зичлик даражасига, қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Тупроқ қатламлари орасида ушланиб қолган сув миқдорига *тупроқнинг нам сифими* дейилади. Тупроқ ушлаб қолган сув миқдори ва ҳолатига кўра нам сифими тўлиқ капилляр ва максимал молекуляр бўлади. Тупроқдаги ҳамма бўшлиқлар сув билан тамомила тўйинган намликка *тўлиқ нам сифими* дейилади. Тупроқнинг фақат капилляр бўшлиқлари сув билан ишғол бўлса *капилляр нам сифими* ёки *нисбий нам сифим* дейилади. Капилляр сув ўсимликни сув ва озиқ моддалар билан таъминлашда асосий манба ҳисобланади. Тупроқ қатламида фақат парда сув бўлса, *максимал молекуляр нам сифими* дейилади.

Тупроқ нам сифимининг меъёри унинг механик ва органик таркибига, донадорлигига боғлиқ. Сергумус, соз ва донадор тупроқларда нам сифим катта, қумлоқ ва оз гумусли тупроқларда кичик бўлади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги деганда, қатламнинг устки қисмидан пастки қисмiga маълум миқдордаги сувни ўтказиш хусусияти тушунилади.

Тупроқнинг капиллярлик ёки сув кўтариш қобилияти — капилляр йўллар орқали сувни пастки қатламдан юқорига кўтарилишидир. Сувнинг капилляр орқали юқорига кўтарилиш тезлиги ва баландлиги тупроқнинг механик таркибига, донадорлигига ва қатлам зичлигига боғлиқ бўлади.

Тупроқнинг гигроскопиклиги деганда унинг ҳаводаги сув бугларини сингдириб олиш хусусияти тушунилади. Тупроқнинг гигроскопиклиги гумус, лойқа ва коллоид заррачаларининг миқдори ва хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Табиий шароитда атмосферадан тушадиган қор ва ёмғир сувлари, қатламлар орасидаги сув бугларининг қуюқланиши натижасига пайдо бўлган сувлар, сугориш сувларининг бир қисми тупроққа шимилади, қолган қисми ҳудуднинг нишаб томонига қараб оқиб ке-

тади. Маълум вақтда тупроқ таркибидаги намликнинг ўзгариши *тупроқнинг сув тартиби* дейилади. Тупроқнинг сув тартиби унинг намланиш коэффициенти орқали изоҳланади. *Тупроқнинг намланиш коэффициенти* деганда маълум вақт ичидаги мазкур майдонга келаётган сув миқдорининг (кор, ёмғир) шу майдондан бугланиш ва транспирацияга сарфланадиган сув миқдорига бўлган нисбати тушунилади.

Тупроқнинг намланиш коэффициенти қўйидаги формула асосида аниқланади:

$$K = \frac{O_c}{E_0},$$

бунда: O_c – ўртача йиллик ёгин миқдори, мм; E_0 – ўртача йиллик умумий бугланишга сарфланадиган сув миқдори, мм.

Намланиш коэффициентининг курсаткичи асосида тупроқнинг қўйидаги сув режими турлари шаклланади:

1. *Музланган сув режими* – торфли-глейли тупроқлар.
2. *Ювиладиган сув режими* – намланиш коэффициенти 1,3 дан катта бўлган субтропик минтақалардаги қизил, сариқ тупроқлар.
3. *Вақти-вақти билан ювиладиган сув режими* – намланиш коэффициенти тахминан 1 га тенг бўлган ўрмон-чўл минтақасидаги бўз тусли ўрмон тупроқлари.
4. *Ювилмайдиган сув режими* – намланиш коэффициенти 1–0,7 га тенг бўлган каштан, қора тупроқлар.
5. *Терлама сув режими* – намланиш коэффициенти тахминан 0,7 га тенг бўлган чўл минтақалардаги қунгир, бўз тупроқлар.
6. *Дарё ўзани сув режими* – дарёлар вақти-вақти билан тошганда сув. босадиган ерлардаги аллювиал ўтлоқ, ботқоқ тупроқлар.

Ўзбекистон худудининг текислик қисмида ювилмайдиган сув тартиби бўлганлиги сабабли етишириллади-

ган ўсимликларнинг аксарияти сунъий сугориш ёрдамида мўлжалдаги ҳосилни беради.

Тупроқнинг маълум вактдаги сув режимини тенглик асосида баҳолаш мумкин. *Тупроқдаги сув тенглиги қуидаги тенглама ёрдамида аниқланади:*

$$\Delta W = K - \chi,$$

бунда: K – тенгликнинг кирим қисми; χ – тенгликнинг чиқим қисми.

« K » қуидаги тенглама асосида ҳисобланади:

$$K = M + A_k + K_w + (W_b - W_0),$$

бунда: M – сугориш меъёри, m^3/ga ; A_k – атмосфера ёгинлари ва ундан фойдаланиш коэффициенти, m^3/ga ; K_w – капилляр найчалар орқали кутариладиган сув, m^3/ga ; W_b – бошлангич даврдаги намлик, m^3/ga ; W_0 – охирги даврдаги намлик, m^3/ga ;

« χ » қуидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$\chi = (B + T) + (W_0 - W_b),$$

бунда: B – тупроқнинг устки қисмидан бугланиш, m^3/ga ; T – ўсимликлар орқали транспирация, m^3/ga ; W_0 – охирги даврдаги намлик, m^3/ga ; W_b – бошлангич даврдаги намлик, m^3/ga .

Саволлар: 1. Тупроқда сув нима учун зарур?

2. Тупроқда сув қандай шаклларда бўлади?

3. Тупроқнинг сув хоссаларини изоҳланг?

4. Тупроқнинг намланиш коэффициенти деганда нима тушунилади?

5. Тупроқнинг қандай сув тартиблари мавжуд?

17-§. ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЕР ЮЗИДА ТАРКАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Ер шарининг иқлим шароити ҳар хил бўлганлиги сабабли тупроқ қоплами ҳам бир-биридан фарқ қилаади. Тупроқ ва ўсимликларнинг Ер юзида тарқалиши

ўзига хос қонуниятларга бўйсинади. Мазкур қонуниятларни билиш тупроқ ва ўсимлик захираларини кенг миқёсда ва чуқур ўрганиш, уларнинг хоссаларини яхшилаш, самарали фойдаланиш усувларини қўллаш ва муҳофаза қилиш имконини яратади. Бу ишлар асосида тупроқларни районлаштириш ётади.

Худудларни тупроқ-географик районлаштиришда Ер юзида тупроқларни минтақавий тарқалиши инобатга олинади. *Минтақавийлик* тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этувчи омиллар ва шароитлар худуднинг географик жойлашишига боғлиқлигини назарда тутади.

Тупроқ минтақаси деганда айрим тупроқ типи ва ўсимликлар нисбатан кўп тарқалган худуд тушунилади. Ер шарида иқлим шароити ва ўсимлик дунёси кенгликлар бўйича ўзгаради. Шу сабабли тупроқ қопламининг кенгликлар бўйича ўзгариши мавжуд. Тупроқларнинг бу тартибда тарқалиши *горизонтал минтақавийлиги* дейилади.

Тоғли ёки тоғ олди худудларида иқлим шароити, ўсимлик дунёси ва тупроқ қоплами баландлиқдан посттекисликка қараб ўзгаради. Тупроқларнинг бу тартибда тарқалиши *вертикаль минтақавийлик* дейилади.

Тупроқни географик районлаштиришда бир нечта таксономик бирликлардан фойдаланилади. Уларнинг энг каттаси *тупроқ биоиқлим минтақалари* бўлиб, Ер шарининг қуруқ қисмида жойлашган бир хил ёруғлик ва иссиқлик билан таъминланган, тупроқ ҳосил бўлиш жараёни ва ўсимлик дунёсининг шаклланишига бир хил таъсир этадиган худудларни ўз ичига олади.

Ер шарида қўйидаги тупроқ биоиқлим минтақалари мавжуд:

- қутбий совуқ;
- бореаль-муътадил совуқ;
- суббореаль-муътадил;
- субтропик-муқобил иссиқ;
- тропик иссиқ.

Тупроқ биоиқлим минтақалари ичida тупроқ биоиқлим областлар иқлими ва ёғингарчилик миқдори ҳар

хил булған ҳудудлар мавжуд. Улар нам (экстрагумид ва гумид), үткінчи (субгумид ва субарид) ва қурук (арид ва экстраарид) областлардан иборат. Пасттекисликлар, тоғлар үз навбатида тупроқ минтақалари, минтақачалари, провинциялари, округлари ва районларига булинади.

Тупроқ минтақаси текис ҳудудлардаги муайян тупроқ типларини, баъзан интразонал тупроқларни үз ичига оладиган тупроқ биоиклем областларнинг бир қисмидир.

Тупроқ минтақачаси тупроқ минтақасининг бир қисми бўлиб, минтақа тупроқлар орасида маълум тупроқ минтақасининг бир қисми ҳисобланади.

Текисликлардаги тупроқ провинциялари деб, маҳаллий тупроқ ҳосил булиш хусусиятлари билан фарқланадиган тупроқ минтақаси ёки минтақачасининг бир қисмига айтилади.

Тупроқ округи тупроқ провинциясининг бир қисми бўлиб, тупроқ пайдо бўлишига таъсир этувчи: жойнинг рельефи, иқлими, ўсимликлар таркиби, гидрогое-логик шароитларнинг үзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Тупроқ райони тупроқ округининг бир қисми бўлиб, тупроқ қопламининг аксарият кўп қисми бир хил, са-марадорлик ва унумдорликни оширишга қаратилған тадбирлар таркиби ва меъёри ҳам нисбатан бир хил бўлади.

Пасттекисликларни тупроқ-географик районлаштиришда асосий бирлик сифатида минтақа қабул қилинади. Минтақада олиб бориладиган деҳқончилик тизими, тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилишга оид агротехник, агромелиоратив ва биологик тадбирлар нисбатан бир хил тартибда ва меъёрда амалга оширилади.

МДҲ ҳудудида қуйидаги тупроқ минтақалари мавжуд:

- арктика ва субарктика минтақаси (тундра тупроқлари);

- тайга-ўрмон минтақаси (подзол, ботқоқ, музлаган, ўтлоқи-ўрмон, ўрмон тупроқлари);
- кенг барғли ўрмон минтақаси (құнғир ўрмон тупроқлари);
- ўрмон-дашт минтақаси (бұз рангли ўрмон тупроқлари);
- дашт минтақаси (қора тупроқлар);
- қуруқ дашт минтақаси (каштан рангли тупроқлар);
- чүл-дашт минтақаси (құнғир рангли ва бұз тупроқлар);
- чүл минтақаси (бұз — құнғир рангли тупроқлар, тақырлар);
- нам субтропик минтақа (сарық рангли тупроқлар, тақырлар).

Агротупроқ районлаштириш тупроқ-географик районлаштириш асосида үтказилади. Лекин бунда тупроқ нинг агрономик күрсаткышлари, жойнинг табиий, ишлаб чиқариш шароитларига алоҳида эътибор берилади ва батафсил үрганилади. Хұжалик ҳудудида тарқалған ва асосий агрономик хоссалари (механик таркиби, гумус миқдори, озуқа моддалари, сув-ҳаво хоссалари ва ҳ.к.) яқын бұлған тупроқлар агроишлаб чиқариш гурӯхларига бирлаштириләди ва алоҳида картограмма тарзидә тузиб чиқылади. Агроишлаб чиқариш гурӯхлари изохланыётганда тупроқлар ва алоҳида далаларнинг салбий хоссаларига алоҳида эътибор берилади. Шулар асосида ерларни тубдан яхшилаш учун зарур бұлған мелиоратив тадбирлар амалға ошириләди.

- Саволлар:**
1. Ер юзидан қандай тупроқ биоиктим минтақалари ва областлари мавжуд?
 2. МДХ ҳудудида қандай тупроқ минтақалари мавжуд?
 3. Тупроқ ва ўсимликларнинг ер юзида горизонтал тарқалиши деганда нима тушунилади?
 4. Тупроқ ва ўсимликларнинг ер юзида вертикаль тарқалиши деганда нима тушунилади?
 5. Тупроқларни географик ва агротупроқ районлаштириш хакида тушунчада беринг?

18-§. ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ, УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАСНИФИ ВА ТАРҶАЛИШИ

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди икки хил географик минтақа (зона)да жойлашган. Бу минтақалардаги иқлим шароити, рельеф тузилиши, ўсимликлар олами ва тупроқларнинг тарқалиши маълум қонуниятларга асосланган.

Биринчи географик ҳудуд – бу қуруқ иқлимли, асосан пасттекисликлардан иборат чўл минтақаси. Бу ҳудуд умумий майдоннинг 71,7% ини ташкил этади.

Иккинчи географик ҳудуд – иқлим шароити юмшоқроқ ва намли, тог олди ва тогликлардан иборат чўл-дашт минтақаси бўлиб, умумий майдоннинг 28,3% ини ташкил этади.

Тупроқни географик районлаштириш – бу ҳар бир ҳудуднинг жойланиши, рельеф тузилиши, иқлим шароити ва тупроқларига илмий асосда таъриф беришdir.

Районлаштириш маълум тартиб, яъни тупроқларнинг текислик ва баландлиқдаги ўзгариши минтақавийлик (зоналлик) ва провинцияллик қонунлари асосида ўтказилади.

Ўзбекистон ҳудуди Турон тупроқ иқлим провинциясига қарашли бўлиб, умумий ўзгарувчанлик (ёгин гарчилик, ўсимликларнинг таркиби ва қалинлиги, сувнинг бугланиш микдори ва ҳ.к.) шимолдан жанубга ва гардан шарққа қараб сезиларли даражада ўзгаради.

Тупроқ иқлим провинцияси бир-биридан ер юзасининг орографик белгилари (тог чўққилари, сув айиргичлар) билан чегараланади.

Провинция ичидағи округлар бир-биридан иқлим шароити, геологик тузилиши, рельефи, тупроқ ҳосил қилувчи ётқизиқлар ва тупроқлари билан фарқланувчи водий ва дарё воҳаларидир. Бундай округлардан Ўзбекистонда 8 тадир:

1. **Устюрт округи** – шимоли-гарбда жойлашган, чўл минтақасининг шимолий қисми. Устюрт округи

асосан яйлов сифатида чорвачиликда кенг фойдаланилади. Ўзлаштириш учун ер кўп бўлишига қарамай сув етишмасилиги туфайли дехқончилик олиб бориш жуда ҳам қийин.

2. *Қуий Амударё округи* – Қорақалпогистон Республикасининг бир қисми ва Хоразм вилояти ҳудуди. Дехқончиликда кенг фойдаланилади. Гўза, беда, маккажӯхори, шоли ва бошқа экинлар етиштирилади. Агро ва гидромелиоратив тадбирларни амалга ошириш лозим, ер резервлари кўп.

3. *Қизилқум округи* – Қорақалпогистон ҳудудининг катта қисми, Бухоро, Самарқанд вилоятлари, Мирзачўл, Далварзин даштлари, Нурота, Туркистон тоғларининг шимолий ёнбағридаги Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қарашли ерлар. Сугориладиган дехқончилик округнинг шимолий қисмida жойлашган Мирзачўл ва Далварзин даштларида олиб борилади. Тоғ олди қисмida баҳорикор дон экинлари экилади. Чорвачилик (қорақулчилик) кенг ривожланган.

4. *Чирчиқ–Оҳангарон округи* – Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг воҳаси. Сирдарёнинг урта оқими, Тошкент вилоятига қарашли Тяньшан тоғ тизмасининг гарбий қисмидаги тоғ олди ва тогли қисмларни ташкил этади. Сугориладиган ва баҳорикор дехқончилик, ўрмон хўжалиги ва яйлов чорвачилиги кенг ривожланган. Мелиоратив тадбирлар ўтказиш зарурати йўқ.

5. *Фарғона округи* – шимоли-шарқдан Чотқол ва Фарғона, жанубдан Олтой ва Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган (Андижон, Наманганд вилоятлари ҳудуди). Дехқончилик асосан мелиоратив тадбирлар билан бирга олиб борилади. Янги сугориладиган ерлар фақат Марказий Фарғонани ўзлаштириш ҳисобига купайиб бормоқда.

6. *Зарафшон округи* – Зарафшон дарёсининг воҳасида жойлашган (Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳудуди). Сугориладиган, баҳорикор дехқончилик, чорвачилик ривожланган. Чўл тупроқлар минтақасида мелиоратив тадбирларни амалга ошириш зарур.

7. Қашқадарё округи – Қашқадарё вилояти ҳудуди. Округ шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан Зарабон ва Хисор төг тизмалари билан уралган. Сугориладиган, баҳорикор деҳқончилик, ўрмон ҳўжалиги ва чорвачилиги ривожланган. Оқругнинг чўл қисмида сўнгти йилларда сугориладиган деҳқончилик мелиоратив тадбирлар билан биргаликда амалга оширилди.

8. Сурхондарё округи – Сурхондарё вилояти ҳудуди. Шимоли-ғарб ва шимоли-шарқдан Хисор тоғлари билан уралган. Сугориладиган, баҳорикор деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. Чўл минтақасида сўнгти йилларда сугориладиган деҳқончилик мелиоратив тадбирлар асосида амалга оширилмоқда.

Юқорида кўрсатилган округларнинг иқлим шароитига оид маълумотлар, асосий тарқалган тупроқлар қўйидаги жадвалда келтирилган (жадвал 2).

2-жадвал

**Ўзбекистон ҳудудида тупроқларнинг тарқалишига оид
айrim маълумотлар**

Округлар	Ўртacha йиллик ҳарорат, С°	Ҳарорат +10°C дан ортиқ бўлган кунлар	+10°C дан юқори бўлган ҳарорат йигиндиси	Тарқалган тупроқлар
1	2	3	4	5
Устюрт	8,6—10	178—186	1950	Сур-қунгир, шўрхоксимон, тақирсимон, такир
Кўйи Амударё	10—12,4	188—200	2000—2300	Утлоқи, аллювиал, айрим ҳолларда шўрхоклар
Қизилқум	13,3—15,0	207—224	2400—2800	Текисликларда оч тусли шурланган буз тупроқлар. Тог олди ва тогларда тўқ тусли буз тупроқлар, жигарранг тупроқлар
Чирчиқ- Оҳангарон	12,5—13,6	211—217	2150—2138	Буз тупроқлар, утлоқ ва ботқоқ утлоқ тупроқлар

1	2	3	4	5
Фарғона	12,7—13,6	212—233	2200	Чул тупроқлари (Марказий Фарғона), тог ёнбагирларида буз тупроқлар, дарё воҳасида ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ, аллювиал тупроқлар
Зарафшон	11,5—15,1	200—225	Буз туп. минт. 2040— 2330, чўл туп. минт. 2530—2840	Чул, буз, ўтлоқ ва ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар
Қашқадарё	14,8	242	2533—2939	Чул, оч тусли буз тупроқлар, ўтлоқ ва ботқоқ ўтлоқ тупроқлар.
Сурхондарё	14—17	242—260	2533—3100	Чул, буз ва жигарранг тупроқлар. Тог қисмida оч-қунгир, ўтлоқ-дашт тупроқлар.

Тупроқларнинг муҳим ва асосий хусусиятларига қараб ажратилиши *тупроқ таснифи* дейилади. Тупроқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўз ичига олган гуруҳларга ажратиш *генетик тасниф* (классификацияси) дейилади.

Тупроқлар таснифини тузишда қўйидаги таксономик бирикмалардан фойдаланилади:

Тупроқ типи — бир хил шароитда ҳосил бўлган, тузилишга ва хусусиятга эга бўлган тупроқлар (буз тупроқ, қора тупроқ, шўрҳок тупроқ).

Тупроқ типчаси — бир хил типдаги, лекин ҳосил бўлишда асосий ва қўшимча хусусиятлар билан фарқланади (оддий, тўқ тусли ёки оч тусли бўз тупроқ).

Тупроқ авлоди — тупроқ ҳосил бўлиш жараённада она жинс ёки гидрологик шароитларга боғлиқ бўлган

белгилар билан ажралиб туради (шұртоблар, шұрхоклар).

Тупроқ тури – тупроқ ҳосил бұлишидаги асосий жараён билан белгиланади (кам гумусли, үртача шұрланған типик бұз тупроқлар).

Тупроқ хили – механик таркиби билан белгиланади (кумлоқ, құмок, соз тупроқлар).

Тупроқ разряди – бир хилга эга бұлған, лекин ҳар хил она жинс асосида ҳосил бұлған тупроқлар (ләсс ётқизиқларида ҳосил бұлған соз тупроқлар).

Узбекистон ҳудудида тарқалған тупроқлар ер ости сувларининг паст-баландлыги, уларнинг ҳосил бұлиш жараёнида иштирок этиши ва бошқаларни назарда тутған ҳолда қуидагиларга бұлинади.

1. **Автоморф тупроқлар** – ер ости сувлари 5 метрдан чуқурда жойлашған бұлиб, тупроқ хоссаларининг шаклланишида сезиларлы даражада иштирок этмайды. Буларга тақирлар ва тақирсимон, бұз-құнғир тусли, чүлкүм, оч тусли, типик ва тұқ тусли бұз, чүл-бұз тусли тупроқлар киради.

2. **Ярим гидроморф тупроқлар** – ер ости сувлари 2–5 метр чуқурлиқда жойлашған бұлиб тупроқ хоссаларининг шаклланишида қисман иштирок этади. Буларга үтлоқи-бұз ва үтлоқи-чүл (ер ости сувлари 3–5 м чуқурлиқда), бұз-үтлоқи ва чүл-үтлоқи (ер ости сувлари 2–3 м чуқурлиқда) тупроқлар киради.

3. **Гидроморф тупроқлар** – ер ости сувлари тупроқ хоссаларини шаклланишда иштирок этади. Буларга үтлоқи (ер ости сувлари 1–2 м чуқурлиқда), ботқоқ-үтлоқи (ер ости сувлари 0,5–1,0 м чуқурлиқда), үтлоқи-ботқоқ ва ботқоқ (ер ости сувлари 0,5 м дан юқори) тупроқлар киради.

4. **Шұрхоклар** – ер ости сувлари 0,5 м га яқин ва 5–20 м чуқурлиқда жойлашған. Олдиндан мавжуд шұрхоклар, шұрхок тақирлар (ер ости сувлари 5 м дан чуқурда жойлашған), типик шұрхоклар, шұрхок, тақирсимон тупроқлар (ер ости сувлари 2–5 м чуқурлиқда), үтлоқи-шұрхоклар (ер ости сувлари 1–2 м чу-

қурлиқда), ўтлоқи-ботқоқ шурхоклар (ер ости сувлари 0,5—1 м чукурликда) ўтлоқи ва ботқоқ шүрхоклар (ер ости сувлари 0,5 м дан кам).

5. *Сугориладиган тупроқлар* – янгидан сугориладиган, сугориладиган ва қадимдан сугориладиган тупроқлар.

- Саволлар:**
1. Ўзбекистонда нечта тупроқ-иклим округлари мавжуд?
 2. Тупроқ-иклим округлари қандай кўрсаткичлар асосида ажратилган?
 3. Тупроқлар таснифи деганда нима тушунилади?
 4. Тупроқлар таснифи қандай таксономик бирликлар асосида тузилади?
 5. Ер ости сувларининг чукурлигига қараб қандай тупроқлар ажратилади?

19-§. ШҮРЛАНГАН ТУПРОҚЛАР, УЛАРНИНГ ПАЙДО БҮЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ

Шурланган тупроқлар деганда таркибида 0,25—0,30% дан кўп тузлар бўлган тупроқлар тушунилади. Шурланган тупроқлар асосан чалачўл ва чўллар минтақасида, дарёларнинг қуи оқимида жойлашган аллювиал тескисларда тарқалган. Орол денгизи ҳавзасида тарқалган шурланган тупроқлар асосан Cl^- , SO_4^{2-} , CO_3^{2-} , HCO_3^- анионлар ва Ca^{++} , Mg^{++} , Na^+ катионларнинг ўзаро эквивалент миқдорда реакцияга кириши натижасида ҳосил бўлган тузлар асосида шаклланган. Уларга қуйидагилар киради:

CaCl_2	MgCl_2	NaCl
CaSO_4	MgSO_4	Na_2SO_4
CaCO_3	MgCO_3	Na_2CO_3
$\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$	$\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$	NaHCO_3

Бу тузларнинг ўсимликка заарли таъсири уларнинг сувда эрувчанлик даражасига боғлиқ. Шуни назарда

тутган ҳолда энг заарли тузларга NaCl (ош тузи), CaCl_2 (хлорли кальций) ва MgCl_2 (хлорли магний) киритилган. Кам заарли тузларга MgSO_4 (тажир туз), $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (гипс) мансубдир.

Шўрланган тупроқлар қўйидаги сабабларга кўра пайдо бўлади:

1. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида вулканлар отилиши, тоғ жинсларининг емирилиши натижасида уларнинг таркибидаги бирламчи минераллар парчаланади. Ҳосил бўлган иккиласмачи минераллар мұхитнинг таъсири ва ўзгариши натижасида узаро реакцияга кириб, бир, икки ва кўпвалентли тузлар ҳосил қиласди.

2. Сугориладиган майдонларга берилаётган сув таркибида маълум микдорда тузлар бўлиб, вақт ўтиши билан улар тупроқнинг устки қисмida йигилади.

3. Ҳар хил даражада шўрланган ер ости сувларининг капилляр найчалар орқали тупроқнинг устки қатламига кўтарилиши ва бугланиши натижасида уларнинг таркибидаги тузлар ўсимлик илдизи тарқалган қатламда йигилади.

4. Қуриб қолган кўл ва сув ҳавзаларида тузлар шамол таъсирида атрофдаги ҳудудларга тарқалади, тупроқнинг устки қатламини шўрлайди.

5. Тузга чидамли ўсимликларнинг вегетация даври тутагач, унинг қолдиқлари (пояси, барги, илдизи) чириши натижасида уларнинг таркибидаги туз тупроқнинг устки қатламида йигилади.

Тупроқ таркибидаги тузлар ўсимликларнинг ривожланишига таъсири қўйидагилардан иборат:

а) тупроқ таркибидаги тузлар тупроқ эритмасининг концентрациясини (қуюклигини) оширади. Натижада эритма таркибидаги ўсимлик учун зарур бўлган макро ва микроэлементлар илдиз орқали ўсимлик танасига ўтолмайди, унинг ривожланиши сусаяди, ҳосилдорлик пасаяди.

б) сувда эрийдиган тузлар, уларнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи айрим анионлар (Cl^- , OH^- ва ҳ.к.) жуда ҳаракатчан ва заҳарли бўлиб, улар нисбатан

эритмада кўпайиб кетганда муҳит ўзгаради, илдиз пустини заҳарлайди (куйдиради).

в) сувда кам эрийдиган айрим тузлар (гипс ёки унинг карбонат тузлари билан аралашмаси) тупроқ қатламида ўта зичлик ҳосил қиласди. Натижада ўсимлик илдизи яхши ривожланмайди, биологик ва физиологик жараёнларнинг ўтиши секинлашади, ҳосилдорлик камаяди.

Тупроқнинг шўрланиши икки кўринишда бўлади: *бирламчи (дастлабки)* ва *қайта шўрланиши*.

Дастлабки шўрланиши — табиий шароитда шўрланган ер ости сувларининг умумий бугланишга сарфланиши, шамол, биологик жараёнлар ёки вулканлар отилиши натижасида тупроқда ва ҳосил қилувчи мадалар таркибида туз ҳосил бўлади ёки йигилади.

Қайта шўрланиши — тупроқнинг сув режими сунъий сугориш натижасида ўзгариши сабабли ҳосил бўлади.

Шўрланиш *вақти-вақти билан* у ёки бу жойда, *доғсимон* ва *ёппасига* бўлиши мумкин.

Вақти-вақти билан шўрланиши одатда ўсимликлар ўсиб ривожланиши даврида содир бўлади. Умумий бугланишга сарфланаётган сув микдори экинларни сугоришга берилаётган сувдан ортиқ бўлиши натижасида ер ости сувлари ва тупроқнинг пастки қатламидаги тузлар капиллярлар орқали устки қатламга кутарилади.

Доғсимон шўрланиши даланинг баландлик (микро баландлик) жойларида шаклланади.

Ёппасига шўрланиши — бу даланинг ҳамма ёғи шўрланганлигидир. Одатда бундай ҳолат шўрланган ер ости сувлари тупроқ сатҳига яқин жойлашганда содир бўлади.

Тупроқдаги тузларнинг таркибига қараб шўрланиш турлари ҳар хил бўлиши мумкин. Шўрланиш тури одатда хлор ионининг сульфат ионига, яъни $\frac{\text{Cl}^-}{\text{SO}_4^-}$ нисбатига қараб ажратилади.

Агар бу нисбат:

- 2 дан катта бўлса — *хлорли шўрланиши*;

- 1—2 бұлса — *сульфатли-хлорлы шүрланиш*;
- 0,2—1 бұлса — *хлорлы сульфатлы шүрланиш*;
- 0,2 дан кичик бұлса — *сульфатлы шүрланиш* дейилади.

Тупроқ таркибидаги тузни камайтиришга оид табиғи мөндер мөндеринің шүрланиш даражасы ассоциациясы. Тупроқтарни шүрланиш даражасы қараб гурухтарға ажратып *шүрланиш тасиғи* (классификациясы) дейилади. Узбекистон ҳудудида тарқалған тупроқтар шүрланиш даражасы қараб қуйидайларға бүлинади (3-жадвал):

3-жадвал

Шүрланиш даражасы бүйічка тупроқтар тасиғи

Шүрланиш даражасы	Сульфатлы-хлорлы шүрләнгән тупроқ		Хлорлы-сульфатлы шүрләнгән тупроқ	
	Хлор-ион	Жами тузлар	Хлор-ион	Жами тузлар
Шүрләнмаган	0,01 дан кам	0,25 дан кам	0,01 дан кам	0,3 дан кам
Кам шүрләнгән	0,01—0,04	0,25—0,050	0,01—0,04	0,30—1,0
Уртача шүрләнгән	0,04—0,20	0,50—1,0	0,04—0,20	1,0—2,0
Күчли шүрләнгән ва шүрхок	0,20 дан күп	1,0 дан күп	0,20 дан күп	2,0 дан күп

Шүрләнгән тупроқтар унұмдорлигини ошириш үсімдік илдизи тарқалған қатламда заарарлы тузлар миқдорининг мақбул даражага камайтиришдан иборат. Бунда Эришиш учун қуйидаги табиғи тарқалған амалға оширилади:

а) *гидротехник табиғи тарқалған зовурлар* ер ости сувлари сатқини мақбул чуқурлукда бошқариш. Зовурлар тузилиши бүйічка ётиқ ва тик типда бўлиб, уларнинг чуқурлиги, ораларидаги ма-софа тупроқ қатламиның механик таркиби, ҳудудининг геологик, гидрогеологик шароитлари ва бошқаларига боғлиқ бўлади. Ер ости сувлари сатқини зовурлар

ёрдамида бошқариш ҳисобига тупроқ қатламидаги тузларнинг илдиз тарқалган қатламига күтарилиши кескин камаяди.

б) *агромелиоратив тадбирлар кузда ёки эрта ба-хорда амалга ошириладиган шўр ювиш*. Шўр ювишдан олдин далалар шудгор қилинади, майдони 0,02—0,03 га тенг бўлган полларга ажратилади ва сув бостирилади. Сув тупроқ қатламидан шимилиб ўтганда унинг таркибидаги тузларни юваби пастки қатламга олиб тушади ва ер ости сувлари таркибида зовурларга йигилали ва даладан ташқарига чиқарип ташланади. Агромелиоратив тадбирларга тупроққа мелиоратив ишлов бериш турлари ҳам киради. Мелиоратив ишлов беришдан мақсад тупроқ қатламининг говаклигини оширишдан иборат. Бу тадбирлар маҳсус плуглар, мосламалар, юмшатгичлар ёрдамида амалга оширилади. Механик таркиби оғир (соз) шўрланган, гипслашган, тақир, «шўх» қатламли тупроқларда шўр ювиш учун берилган сув жуда ҳам секин шимилади, илдиз тарқалган қатламдаги тузларнинг ювилиш даражаси ниҳоятда паст бўлади. Натижада шўр ювиш самарадорлиги паст бўлади. Бундай далаларга шўр ювишдан олдин мелиоратив ишлов берилса тузларнинг ювилиши тезлашади. Шўрланган ёки шўрланишга мойил бўлган (уртача, кам шўрланган) далаларда ўсимлик талабига нисбатан 10—30% ортиқча сув бераб сугориш ҳам яхши натижа беради. Ортиқча берилган сув илдиз тарқалган қатламдан пастга шимилиши натижасида сугоришлар орасидаги даврда юқори қатламга йигилган тузлар ювилиб кетади.

Агромелиоратив тадбирлар қаторига тупроққа ишлов бериш (кузги шудгор, экишдан олдин тупроққа ишлов бериш, қатор ораларини юмшатиш), экинларни ўз вақтида ва керакли меъёрда сугориш ҳам киради. Улар ўз вақтида ва сифатли ўtkазилса, пастки қатламдан, ер ости сувлари таркибида капилияр бўшликлар орқали тупроқ юзасига тузларнинг күтарилиши кескин камаяди.

в) *биологик тадбирлар* — шўрланган ёки шўрланишга мойил бўлган далаларда (уртача ва кам шўрланган)

2—3 йил давомида кўп йиллик ўтлар (беда, судан ўти ва бошқалар) экиласди. Даланинг устки ўсимлик билан қопланган тупроғида буғланиш кескин камаяди ва устки қатламда туз йигилмайди. Ундан ташқари, кўп йиллик ўтлар илдизи яхши ривожланганлиги сабабли ер ости сувларини истеъмол қилиши ҳисобига улар тупроқ сатҳига нисбатан кўтарилмайди, тупроқнинг шўрланиш даражаси сусаяди. Шўрланган ерларда солодка ўсимлиги етиштирилганда ҳам тузлар тупроқнинг устки қатламида йигилиши сезиларли даражада камаяди.

- Саволлар:**
1. Тупроқ таркибидаги тузларнинг ўсимликларга зарарли таъсирини изоҳланг.
 2. Шўрланган тупроқлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари нималар?
 3. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва таснифи деганда нима тушунилади?
 4. Тупроқларнинг шўрланиш тури қандай аниқланади?
 5. Тупроқ шўрини йўқотиш учун қандай тадбирлар қўлланилади?

20-§. ҚИЙИН ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАР, УЛАРНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Қийин узлаштириладиган тупроқларга сув — физик хоссалари ёмон бўлган зич, гипсли, «шух» қатлами, тақирли, қатқалоқ ёки шўртоб қатламли тупроқлар киради. Бундай тупроқларда сув шимилиши қийин бўлганлиги сабабли шур ювилганда заҳарли тузлар илдиз тарқалган қатламдан кам ювилади, ўсимликларнинг озиқланиши ва ўсиб ривожланиши қийинлашади. Қийин узлаштириладиган тупроқларга қуйидагилар киради:

- Мирзачўлнинг жанубий-шарқий қисмида тарқалган, илдиз тарқалган қатламда гипсли, ҳар хил механик таркибли, кучли шўрланган ўтлоқи бўз тупроқлар;
- Марказий Фарғонада тарқалган, ҳар хил механик таркибли, зич, карбонат тузлар кўп («шух»), кучли шўрланган ва шўрхок ўтлоқи турпоқлар;
- Бухоро чулида, Амударёнинг қуий оқимида тар-

қалган кучли шурланган тақир, тақирсимон-ұтлоқи тупроқлар;

- Жиззах чұлида тарқалған шұртоб тупроқлар.

Кучли шурланған ва шұрхок тупроқлар тузларининг тупроқ қатламида жойлашишига қараб қийидагиларга бўлинади:

- тупроқнинг устки қатлами шурланған — 0—30 см чуқурликда;
- шұрхок — 30—60 см чуқурликда;
- илдиз тарқалған қатlam шұрхок — 60—100 см чуқурликда;
- тупроқнинг пастки қатлами шұрхок — 100—200 см чуқурликда;
- тупроқнинг остки қатлами шурланған — 200 см дан ортиқ чуқурликда.

Илдиз тарқалған қатламдаги гипс ($\text{CaSO}_4 + 2\text{H}_2\text{O}$) нинг микдорига қараб, қийин ўзлаштириладиган тупроқлар қийидагиларга бўлинади:

- кам гипслашған турпоқлар — 10—25%;
- ўртача гипслашған тупроқлар — 25—50%;
- кучли гипслашған тупроқлар — 50% дан ортиқ.

Таркибида карбонат тузлари кўп бўлган («шух») зич тупроқлар қийидагиларга бўлинади:

	CaCO_3	MgCO_3
Шухлар —	30—60%;	3% дан кам;
Кучли шух —	60% дан кўп;	3%дан кам;
Магнийли шух —	25% дан кам;	3%—6%;
Кучли магнийли шух —	25% дан кам;	6% дан кўп.

Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар табиий унумдорлиги жуда паст, таркибида органик моддалар, озуқа элементлар кам. Бундай тупроқлар тарқалған ҳудудларда қадимдан сугориладиган тупроқларда амалга ошириладиган агротехник ва агромелиоратив тадбирлар кутилган натижани бермайди. Бунинг асосий сабабларини қийидагича изоҳлаш мумкин:

- қийин ўзлаштириладиган тупроқларнинг сув-физик хоссалари ёмон бўлганлиги сабабли сугориш ёки шур ювишда далага берилаётган сув тупроққа жуда

секин, нисбатан кам шимилади. Натижада тупроқ таркибидаги тузларнинг ювилиш даражаси ниҳоятда паст, илдиз тарқалган қатламдаги үсимлик учун зарарли тузлар миқдорини мақбул даражага камайтириш учун нисбатан кўп сув сарфланади, шур ювиш узоқ вақт давом этади. Далага берилаётган сувдан унумли фойдаланиш даражаси қадимдан сугориладиган тупроқларга нисбатан 3—4 маротаба паст бўлади;

• үсимлик илдизи тарқалган қатламда тупроқнинг зич бўлиши, гипс, карбонатли тузларнинг кўплиги, шўртобли бўлиши илдизнинг ривожланишига ҳалақит беради. Тупроқнинг ҳаво, иссиқлик, озуқа ва сув режими мақбул бўлмаганлиги сабабли етиштирилаётган үсимлик яхши ривожланмайди, асосий ўсиш даврларининг утиши ўзгаради, ҳосилдорлик паст бўлади.

Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар тарқалган ерларда етиштирилаётган экинларга агротехник ва агромелиоратив тадбирларни амалга оширишда сарфланадиган меҳнат ва хомашё, техник сарф-харажатларининг нисбатан кўп бўлиши ҳисобига олинаётган таннархи юқори бўлади.

Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш учун аввало уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш зарур. Бунга эришиш учун қуйидаги агромелиоратив тадбирлар амалга оширилади.

1. *Тупроқка мелиоратив ишлов бериш.* Махсус мослама ва механизмлар ёрдамида тупроқ қатлами 60—80 см чуқурликка юмшатилади. Натижада зич қаттиқ қатламларда говаклик нисбатан кўпаяди. Далага берилаётган сувнинг шимилиши, тупроқнинг сув сигими ва сув ўtkазувчанлиги ошади.

2. *Тупроқка органик ва табиий кимёвий бирикмалар солиш.* Тупроқ чуқур юмшатилгандан сўнг далага гўнг (30 тонна/га), лигнин (40 тонна/га) ёки майдаланганд үсимлик қолдиқлари солинади ва ҳайдалади. Бу моддалар тупроқ таркибидаги органик молда — гумус (гунг, майдаланганд үсимлик қолдиқлари) миқдорини кўпайтиради, тупроқ эритмасининг муҳитини яхшилайди, илдиз тарқалган қатламдаги заҳарли тузларнинг эрув-

чанлигини оширади ва ювилиш жараёнини жадаллаштиради.

3. Шур ювишдан олдин мавжуд чуқур тик ёки ётиқ зовурларга қушимча вақтингча ишлайдиган чуқур бўлмаган (80—100 см чуқурликда) **зовурлар қазилади**. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган қийин ўзлаштириладиган тупроқли далаларда вақтингча зовурлар орасидаги масофа 25—40 м бўлганда тупроқ таркибида тусларнинг ювилиши тезлашади.

4. **Қийин ўзлаштириладиган ерларда шур ювиш ишларини амалга ошириш.** Бу ишлар алоҳида лойиҳа асосида амалга оширилади. Шур ювиш вақти, бериладиган сув меъёри тупроқнинг шўрланиш даражасини, меҳаник таркиби ва бошқа хоссаларини назарда тутган ҳолда табақалаштирилади ва амалга оширилади.

Сув-физик хоссалари оғир, зич ва кучли ўйланган тупроқлар унумдорлигини, юқорида кўрсатилган тадбирлар самарадорлигини сақлаб қолиш ва ошириш учун 3—4 йил давомида мазкур далаларда бир йиллик ва кўп йиллик тузга чидамли экинлар экилади (арпа, оқжӯхори, кунгабоқар, тариқ, судан ўти, беда ва бошқалар). Агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилганда экинлар шур ювиш — сугориш тартибида сугорилганда илдиз тарқалган қатламда мақбул сув туз режими шаклланади.

- Саволлар:**
1. Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар Ўзбекистоннинг қаерларида тарқалган?
 2. Қийин ўзлаштириладиган тупроқларнинг хоссаларини изоҳланг.
 3. Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш учун қандай табдирлар амалга оширилади?

21-§. ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ. ҲОСИЛ БЎЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Эрозия деганда тоф жинслари ва тупроқнинг сув ва шамол таъсирида емирилиши тушунилади. Ер юзида емирилиш доимо йигилиш (аккумуляция) билан болжик бўлади. Одатда емирилиш ва йигилиш иклимга,

тупроқ ва она жинс хоссаларига, ер юзининг нишаблигига, ўсимлик дунёсининг таркибига, ердан фойдаланиш тартиби ва усуулларига боғлиқ бўлади.

Эрозия икки хил бўлади: сув ва *шамол эрозияси*.

Сув эрозиясини – *тупроқ эрозияси*, *шамол эрозияси* – *дефляция* деб аталади. Эрозия ва дефляция инсон иштирокисиз содир бўлса, «*табиий*» ёки «*геологик*» *эрозия* дейилади. Инсон таъсири натижасида (ерга нотўгри ишлов бериш, сугориш ва бошқалар) содир буладиган эрозия «*антропоген*» *эрозия* дейилади.

Сув эрозиясининг асосий моҳияти маълум сатҳга келаётган (ёмгир сугориш) сув миқдорининг шимилаётган сувдан ортиқ булишидир. Натижада сув нишаблик бўйича ҳаракатланади ва тупроқ заррачаларини бир ердан иккинчи ерга кўчиради. Сув ҳаракати одатда нишаблик 1⁰ дан ортиқ бўлган майдонларда бошланади. Сув эрозиясининг жадаллиги рельефга, иқлимга, тупроқ ва жинсларнинг таркиби ва тузилишга, ўсимликларнинг таркиби ва қалинлигига боғлиқ бўлади. Сугориладиган дехқончилик минтақасида сув эрозияси инсон фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Сув эрозиясининг шаклланишида юза оқими мавжуд булиши шарт. Сув эрозиясида юза оқимининг 3 тури – ёмгир суви оқими, эриган қор суви оқими, сугорища бериладиган сув оқими иштирок этади. Шунга қараб ёмгир эрозияси, қор эриган вақтдаги эрозия ва сугориш (ирригация) эрозияси содир бўлади.

Шамол кучи таъсирида тупроқ заррачаларининг кўчиши натижасида *шамол эрозияси* – *дефляция* юз беради. У ташқи кўринишга қараб кундалик дефляция ва чанг тўзонли бўронга ажралади. Кундалик дефляция барча ҳайдаладиган тупроқларда тарқалган. Чанг тўзонли бўрон шамолнинг тезлиги ва йўналишига боғлиқ бўлади.

Эрозия жараёнининг содир булиши асосан иқлимага, ёгингарчиликнинг умумий миқдорига, турига, давомийлигига, жадаллигига боғлиқ бўлади.

Эрозия ёки дефляция жараёнлари таъсирида қисман ёки бутунлай емирилиб кетган тупроқлар устки

қатламининг йўқ булиб кетиш даражасига қараб қуйидагиларга бўлинади: а) эрозияга учрамаган тупроқлар; б) эрозияга кам учраган тупроқлар; в) эрозияга кўп учраган тупроқлар; г) тўлиқ емирилган тупроқлар.

Сув эрозиясига учраган тупроқлар қатламининг ювилишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- кам ювилган (А қатламнинг ярми ювилган);
- уртача ювилган (А қатламнинг ярмидан кўпни ювилган);
- кучли ювилган (А қатлам тулиқ, В қатлам қисман ювилган);

Сув эрозияси таъсирида лойқа босган тупроқлар қуйидагиларга бўлинади:

- кам лойқа босган (бойка ҳайдалма қатламнинг 1/4 қисмини ташкил этади);
- юпқа лойқа босган (бойка ҳайдалма қатламнинг 1/2 қисмини ташкил этади);
- қалин лойқа босган (бойка ҳайдалма қатламдан кўп);

Шамол эрозияси таъсирида емирилган тупроқлар (заррачалар шамол таъсирида кўчган майдон) умумий майдонга нисбатан фоиз (%) ҳисобида аниқланади. Тупроқ эрозиясига қарши чоралар олдини олиш ва актив усулда амалга оширилади.

Эрозиянинг олдини олиш чораларига қуйидагилар киради:

- далаларни эрозия содир бўлмайдиган тартибда ташкил этиш;
- ердан фойдаланиш тартиби ва шаклларини асослаш;
- ердан фойдаланишни тўгри ташкил этиш;
- экинларнинг таркиби буйича далаларда жойлаштиришни мақбуллаштириш.

Тупроқ эрозиясига қарши қўлланиладиган актив чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

1. Сув эрозиясига қарши:

- далаларда эгатлар очиш ва сунъий микрорельеф ҳосил қилиш (эриган қор ва ёмғир сувларини йигиш);
- дала сатхининг тузилишига қараб ҳайдаш;

- тупроқ қатламини ағдармасдан ҳайдаш;
- ҳар хил түсиқлар (пол, ариқ, махсус иншоотлар) қуриш;
- далаларни үсимлик билан банд қилиш;
- такомиллаштирилган, ҳозирги замон талабига жа-воб берадиган сув тежайдиган сугориш техникаси ва технологиясини құлаш (ёмғирлатиб, томчилатиб, тупроқ остидан сугориш ва ҳ.к.);
- тупроқни емирилишдан сақловчи деңқончилік тизимини амалға ошириш.

2. Шамол эрозиясига қарши:

- чанг-тұзон (заррачаларнинг күчиши) күтарилиши мүмкін бўлган далалар харитасини тузиш, лойиҳа ва технологик жараёнларни асослаш;
- тупроқни муҳофаза қилишни ташкил этиш (дефляция содир бўлиши мүмкін бўлган майдонларни ҳайдамаслик, тупроққа ишлов беришни камайтириш);
- тупроқнинг устки қатламида намликтин ошириш (алмашлаб экишни жорий қилиш, ерни ағдармасдан ҳайдаш);
- тупроқ донадорлигини ошириш (органик ўғит со-лиш, алмашлаб экиш, тупроқнинг ҳайдалма қатламида микроструктура ҳосил қилиш);
- тупроқнинг устки қатламини сақлаб қолиш (зичлаш, полимер моддаларни ишлишиш, кольматация қилиш, мульча солиш);
- эгатлар очиш, валиклар (түсиқлар) олиш;
- ихота дараҳтлари, ҳар хил күп йиллик тез үсадидиган үсимликлар экиш.

Ҳозирги вақтда тупроқ эрозияси муаммосига оид күп масалалар етарли даражада үрганилган. Узбекистон ҳудудида эрозия ва дефляцияга учраган тупроқларнинг тарқалиш қонуниятлари, уларнинг унумдорлик даражаси, емирилишга қарши туриш қобилияти ҳақида-ги маълумотлар етарли даражада йигилган. Юқорида кўрсатилган тадбирларни табақалаштирилган ҳолда амалға ошириш ҳисобига эрозия ва дефляция жараёнларини тупроқ унумдорлиги ва асосий экинлар ҳосилдорлигига таъсири сезиларли даражада камайтирилмоқда.

Шу билан бирга сұнгги йилларда үзлаштирилган Мирзачұл, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод чүллари, Амударёning қуи оқимида йүл қуйилған хатоликлар, сув танқислиги, агротехник тадбирларни үз вактида ва сифатли үтказилмаслиги оқибатида эрозия ва дефляция жараёнлари қишлоқ хұжалигига зарап келтирмоқда. Үндан ташқари, Орол денгизининг қуриши, қуриган узанидан туз ва чанг-тузоннинг шамол таъсирида атрофға тарқалиши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

- Саволлар:**
1. Тупроқ эрозияси деганда нима тушунилади?
 2. Сув эрозияси вужудға келишининг асосий сабаби нима?
 3. Шамол эрозияси нимага содир бўлади?
 4. Сув эрозиясини олдини олиш учун қандай тадбирлар амалга оширилади?
 5. Шамол эрозиясининг олдини олиш учун қандай тадбирлар қўлланилади?

22-§. ТУПРОҚНИНГ СИФАТИ ВА ҚИЙМАТИНИ БАХОЛАШ

Тупроқнинг барча хусусиятлари унинг унумдорлиги билан ифодаланади. **Бонитировка** деганда тупроқни унумдорлигига қараб баҳолаш тушунилади ва балл тизимида аниқланади. Тупроқ бонитировкасининг усулни, балл курсыткичлари ҳар хил бўлади ва баҳолаш мезонлари билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг сугориладиган дәхқончилик минтақасида тупроқ сифатини аниқлашда қуидаги курсаткичлар инобатга олинади: суориш даври, тупроқнинг маданийлашганлиги, ҳудуднинг минтақавий жойлашиши, механик таркиби, эрозияга учраганлиги ва шўрланиш даражаси, она жинснинг хоссалари, табиий ёки сунъий зовурларнинг мавжудлиги.

Тупроқ бонитировкаси алмашлаб экиш таркибидаги асосий экин турини назарда тутган ҳолда үтказилади. Дәхқончилик олиб бориладиган барча тупроқлар бонитировка қилинади. Таққослаш учун асосий мезон

сифатида энг яхши унумдор тупроқ олинади ва 100 бали тизимда баҳоланади. Тупроқлар бонитировка қилинганда асосий экинлар ҳосилдорлигидан ташқари, даланинг катта-кичиликни, шакли, нишаблиги, иқлим кўрсаткичлари ҳам инобатга олинади. Балл кўрсаткичлари буйича тупроқлар қўйидагиларга бўлинади:

Балл кўрсаткичи	Тупроқ сифати
81—100	энг яхши
61—80	яхши
41—60	ўртача
21—40	ўртадан паст
0—20	ёмон

Тупроқнинг бонитировка баллари унинг алоҳида хусусиятлари ва белгиларини изоҳловчи баллар йигиндисидан иборат. Тупроқнинг ҳар бир баҳоланаётган белгиси (хусусияти) қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$B = \frac{A_{\phi} - 100}{A_m},$$

бунда, B — баҳолаш бали; A_{ϕ} — баҳоланаётган тупроқ белгиси (гумус, азот, фосфор ва бошқа озуқа элементларнинг захираси ҳамда бошқа хусусиятлари) кўрсатгичи; A_m — тупроқ белгиси (хусусиятлари)нинг этalon (андоза) кўрсаткичи (баҳоланаётган белгининг мақбул кўрсаткичи). Масалан, оддий қора тупроқларнинг 1 гектарида ўртача 450 тонна гумус булади ($A_m = 100$ балл эталон). Текширилаётган дала тупроқларида гумус миқдори 1 гектарда 405 тоннани ташкил этади. Бунда тупроқнинг шу белгисига кўра бали қўйидагича бўлади:

$$B = \frac{405 \times 100}{450} = 90 \text{ балл.}$$

Ўзбекистонда сугориладиган тупроқлар деҳқончилик қилиш муддатига қараб З гурӯҳга бўлинади:

а) **қадимдан сугориладиган тупроқлар** одатда зарарли тузлардан ювилган, тупроқ сатҳи текис, устки

қатлами ҳар хил даражада лойқа босган, тупроқнинг устки қатлами нисбатан бир хил механик таркибга эга. Озиқ элементлар тахминан бир хил тарқалган;

б) **янги сугориладиган тупроқлар** – сугориш таъсирида кам ўзгарган (асосан 0—30 см қатлам). Ҳайдалма қатлам асосан бир хил механик таркибга эга. Тупроқнинг устки қатлами яхши текисланмаган.

в) **янги ўзлаштирилган тупроқлар** – қишлоқ хўжалигидаги 10 йилдан кам фойдаланиладиган қуруқ ва бўз тупроқлар, фойдаланиш даврида асосий хоссалари кам ўзгарган. Тупроқ қатламида озуқа моддалар нисбатан кам. Тупроқ сатҳи етарли даражада текисланмаган. Сугориш натижасида тупроқ чўкади.

Маданийлашганлик даражасига қараб Ўзбекистондаги сугориладиган тупроқлар 3 хил бўлади:

а) **кам маданийлашган тупроқлар** – тупроқ таркибида озуқа моддалари, гумус микдори кам, биологик жараёнлар нисбатан секин ўтади (ҳосилдорлик 10—14 ц/га);

б) **ўртача маданийлашган тупроқлар** – асосий курсаткичлар буйича ўртача хусусиятга эга. Одатда деҳқончилик маданияти (янги ва қадимдан сугориладиган тупроқлар) нисбатан паст (ҳосилдорлик 20—26 ц/га);

в) **юқори маданийлашган тупроқлар** – агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказиладиган тупроқлар (ҳосилдорлик 30—40 ц/га);

Тупроқ унумдорлигига, экинлар ҳосилдорлигига иқлим шароити, тупроқнинг механик таркиби, тош ва бутазор, шўрланиш даражаси, ботқоқлашганлиги ва ҳоказолар таъсир этади. Тупроқ бонитировкаси ўтказилганда мазкур курсаткичлар инобатга олинади, уларнинг мавжудлиги ва тарқалганлик даражасига қараб, тупроқ унумдорлигини аниқ изоҳловчи коэффициентлар қўлланилади. Шурланган ёки шўрланишга мойил бўлган ерларда тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб қўйидаги коэффициентлар қўлланилади:

Кам шўрланган тупроқлар – 0,75

Ўртача шўрланган тупроқлар – 0,70

Кучли шўрланган тупроқлар – 0,60

Тупроқни иқтисодий баҳолаш асосида унинг унумдорлиги, етиштирилаётган ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ётади. *Тупроқ баҳоси* маълум майдондан, тупроқ хоссаларини назарда тутган ҳолда олинган маҳсулотни сотиш натижасида олинган даромад билан аниқланади.

Тупроқни иқтисодий баҳолаш икки йўналишда утказилади:

1. *Тупроқни умумий баҳолаш* ердан фойдаланишининг асосий турлари бўйича утказилади (ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва ҳ.к.). Тупроқни умумий баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлар назарда тутилади:

а) умумий олинган маҳсулотнинг (ҳосилнинг) қиймати, сўм/га;

б) сарфланган харажатларнинг қопланиши, яъни харажат ҳисобига олинган маҳсулот (сўм);

в) табақалашгандаромад, яъни тупроқ унумдорлиги ва сифатининг яхшилиги, даланинг йўлга, бозорга яқинлиги ва бошқа қуликлар ҳисобига олинадиган қўшимча даромад, сўм/га.

2. *Тупроқни алоҳида баҳолаш* қишлоқ хўжалигининг алоҳида йўналишлари бўйича самараదорлиги асосида олиб борилади. Тупроқни алоҳида баҳолаш қўйидаги кўрсаткичларга асосланади:

а) ҳосилдорлик, ц/га;

б) сарфланган харажатларни қоплаш, сўм;

в) табақалаштирилган даромад, сўм/га.

- Саволлар:**
1. Тупроқ сифатини изоҳловчи асосий кўрсаткич нима?
 2. Тупроқ бонитировкаси нима?
 3. Дехқончилик қилиш муддатига қараб сугориладиган тупроқлар қандай гурухларга ажратилади?
 4. Сугориладиган тупроқлар маданийлашганлик даражасига қараб қандай гурухларга бўлинади?
 5. Тупроқларни иқтисодий баҳолашнинг қандай йўналишлари мавжуд?

23-§. ТУПРОҚ КАРТАЛАРИ ВА КАРТОГРАММАЛАРИ

Тупроқ картаси – маълум ҳудуд (хужалик, туман, вилоят) тупроқ қопламининг маълум масштабда кичрайтирилган ҳолда қоғоздаги акс эттирилган тасвиридир. Тупроқ картаси тупроқларнинг тарқалиш хусусиятлари, мазкур майдондаги тупроқ типлари ва уларни изоҳловчи барча кўрсаткичларни акс эттиради. Картада келтирилган барча маълумотларнинг қисқача мазмуни, экспликацияда қишлоқ ҳужалигига фойдаланиладиган барча тупроқларнинг майдони кўрсатилган бўлади. Тупроқ картасига илова қилинадиган тушунтириш хатида ҳудуднинг табиий шароитлари, тупроқларнинг тарқалиш қонуниятлари, улардан мақбул фойдаланиш, тупроқ ҳолатини яхшилаш учун амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар ёритилади.

Картага туширилаётган тупроқларнинг аниқлик даржаси текширишларнинг масштабига боғлиқ бўлиб, унинг катталигига қўйилган мақсад ва вазифалар ҳужаликнинг ихтисосига, табиий шароитларга қараб белгиланади. Ҳудуднинг рельефи, ўсимлик қоплами қанча хилма-хил бўлса, тупроқлари ҳам шунчалик хилма-хил бўлади. Уларни текшириш шунчалик катта масштабда олиб борилади. Тупроқ карталари қўйидаги хилларга ажralади:

1. Муқаммал карталар, масштаби — 1:200 дан 1:5000 гача;
2. Йирик масштабли карталар, масштаби — 1:10000 дан 1:50000 гача;
3. Ўрта масштабли карталар, масштаби — 1:100000 дан 1:300000 гача;
4. Майда масштабли карталар, масштаби — 1:300000 дан кичик.

Муқаммал (батафсил) карталар илмий тадқиқот ишларини ўтказишда қўлланилади. Улар асосида ҳужаликнинг айрим далаларида зах қочириш ва сугориш, ҳар хил экин майдонлари барпо этиш, тажриба ва нав синаш майдонларини ташкил этиш кабилар лойиҳаланади.

Йирик масштабли карталар ширкатлар уюшмаси, фермер ҳужаликлари ва бошқа ишлаб чиқариш шакл-

лари учун тузилади. Бундай масштаб танлаш (1:10000—1:50000) ўрганилаётган (текширилаётган) ҳудуднинг рельефи, тупроқ қопламининг мураккаблиги ва хўжаликнинг йўналишига бοглиқ. Республика ҳудудида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ташкил этиш, қайта тиклаш ва экин турларини жойлаштириш аксарият қўп ҳолда 1:10000 (1 см 100 метрни кўрсатади) масштабли тупроқ картаси асосида олиб борилади.

Ўрта масштабли карталар асосан ахборот тарзида тузилади ва ҳудуд тупроқларининг агрономик нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги учун яроқлилигини аниқлаш учун тузилади. Бундай карталар қишлоқ хўжалигининг ривожланишини, такомиллаштириш йўлларини режалаштиришда қўлланилади.

Майда масштабли карталарда вилоят, ўлка, республика (мамлакат) тупроқларининг қоплами акс эттирилган булади. Улардан мавжуд ер захираларини ҳисобга олиб бориш (тупроқ-географик районлаштириш ва ҳ.к.) учун фойдаланилади.

Тупроқ картограммаси — далаларни тупроқ картаси масштабида чизилган тасвиридир. Улар тупроқнинг айрим хоссаларини аниқроқ изоҳлаш (гумусли қатламнинг қалинлиги, механик таркиби, емирилганлик ва шурланиш даражаси ва ҳ.к.), тупроқдан фойдаланишга оид тавсияларни аниқлаш, экинларини жойлаштиришда ишлатилади. Тупроқ картограммалари тупроқ таркибидаги азот, фосфор, калий ва бошқа моддаларнинг миқдорини ҳам тасвирлайди (агрокимёвий картограммалар).

Картограммалар умумий ва регионал хилларда тузилади. Умумий картограммалар барча минтақа ва регионаларда тузилиши шарт. Регионал картограммалар табиий шароитнинг ўзига хос хусусиятларига, тупроқ қопламига, хўжаликнинг ихтисосига қараб бир ёки бир неча табиий минтақалар ёки алоҳида хўжаликлар учун тузилади. Ҳар бир картограммага тушунтириш хати иловава қилинади. Умумий картограммалар асосида тупроқларни агрономик хусусиятларига қараб (экинларни экиш учун) гурухларга ажратилади. *Агрономик гуруҳ* де-

ганда тупроқларнинг тузилиши, хоссалари, фойдаланиш мумкинлиги ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар буйича бир-бирига яқин булган тупроқларни умумлаштириш тушунилади.

Агрономик гурӯҳ 2 га бўлинади:

1. Тупроқнинг алоҳида агрономик гуруҳини тузища мазкур майдонга экиладиган асосий ёки бир неча экинларнинг тупроққа бўлган талаби эътиборга олинади.

2. Умумий агрономик гуруҳни тузища фақат тупроқнинг хусусиятлари назарда тутилади. Буларга тупроқнинг механик таркиби, гумусли қатламнинг қалинлиги (1 гурӯҳ); озуқа моддаларнинг миқдори ва таъминланганлик даражаси (2 гурӯҳ); тупроқнинг физик-механик хоссалари (3 гурӯҳ); мелиоратив тадбирларга бўлган эҳтиёж (4 гурӯҳ); тупроқнинг шўрланиш дарajasи ва тури (5 гурӯҳ); тупроқнинг емирилганлик даражаси ва тури (6 гурӯҳ) ва ҳоказолар киради.

Тупроқ карталари ва картограммалари ерга ишлов беришда, экинларни жойлаштиришда, ўғит тизимини такомиллаштиришда, мелиоратив тадбирларнинг таркиби ва меъёрини белгилашда, бонитировкалашда ишлатилади. Тупроқ карталари ва картограммалари асосида ёрдамчи йўналишлар белгиланади, ердан фойдаланишнинг самарали усуллари ва технологияси лойиҳалаштирилади. Тупроқ картаси ва картограммалари асосида далалар ишлаб чиқариш шаклларига – фермер, дехқон хўжалиги, ширкатларга бўлинади, қурилиш мақсадлари учун, зовурлар, йўллар, ёрдамчи ишлаб чиқариш шаҳобчалари учун ер ажратилади.

Ер тузиш ишларини түгри ташкил қилиш, тупроқнинг хусусиятлари ва унумдорлик даражасини назарда тутган ҳолда техник ва ишчи лойиҳалар тузиш асосида тупроқ картаси ва картограммаси ётади.

Саволлар: 1. Тупроқ картаси нимани ифодалайди?

2. Тупроқ картасининг қандай хиллари мавжуд?
3. Тупроқ картограммаси нимани ифодалайди?
4. Тупроқ картаси ва картограммаларидан қандай мақсадда фойдаланилади?
5. Ер тузиш ишлари қандай карталар асосида лойиҳаланади ва ташкил этилади?

III б о 6. ДЕХҚОНЧИЛИК

24-§. ДЕХҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЛАРИ

Деҳқончилик тизими деганда бир-бири билан узаро боғлиқ бўлган, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш, ердан оқилона фойдаланишни таъминловчи агротехник, мелиоратив ва ташкилий тадбирлар мажмуси тушунилади. Жадаллик даражасига қараб деҳқончилик содда (қолоқ), экстенсив ва жадал тизимларга бўлинади.

«*Қолоқ*» деҳқончилик тизимида ҳудуднинг кам қисми (25% ёки ундан кам қисми) ҳайдалади ва экин экилади. Тупроқ унумдорлиги табиий жараёнлар иштирокида шакланади. Бу тизимга ерлардан узоқ муддатдан сўнг (30—40 йилдан сўнг) ва нисбатан қисқа муддат (10—15 йилдан сўнг) ўтгандан кейин қайта фойдаланиш киради.

Экстенсив деҳқончилик тизимида ҳайдаш мумкин бўлган майдонлар унумдорлигини тиклаш, бегона ўтларни йўқотиш учун гўнг солинади, ҳайдалади, маҳсус мосламаларда юмшатилиади. Бундай далалар «*тоза шудгор*» дейилади, тупроқ унумдорлиги табиий омиллар ва инсон таъсирида шакланади. Ҳайдалган, юмшатилган тупроқда озуқа моддалари, намлик йигилади, иссиқлик, ҳаво хоссалари яхшиланади. Лалмикор ҳудудларда «*тоза шудгор*» деҳқончилик тизими «*қолоқ*» деҳқончилик тизимидан аста-секин жадал деҳқончилик тизими қиёфасига айланади.

Етиштирилаётган экинларга ўгит солиш, бегона ўтларни йўқотиш, тупроққа ҳар хил механизм ва мосламалар билан ишлов бериш ҳисобига тупроқ унумдорлиги қайта тикланади ва ортиб боради.

Жадал деҳқончилик тизимида ҳайдаладиган ерларнинг аксарият кўп қисми қатор ораларига ишлов берилади.

ладиган ва ёппасига экиладиган экинлар билан банд булади. Ёзда иссиқ ва куннинг ёрг қисми кўп булиши ҳисобига даладан олинаётган маҳсулот кўп булади. Тупроқ унумдорлигини оширишда унга ишлов бериш, ўғит солиш (минерал, органик), агротехник ва агромелиоратив тадбирларни мақбул даврда ва меъёрда ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Умумлаштирилган ҳолда деҳқончилик тизимларининг таснифи қуйидагича:

Деҳқончилик тизимлари таснифи

Деҳқончилик тизими	Ердан фойдаланиши усуллари	Тупроқ унумдорлигини ошириш усуллари
«Қолоқ» тизим	Ҳайдаладиган ерларнинг оз қисмiga ишлов берилади. Асосан донли экинлар экилади.	Табиий шароитда
Экстенсив тизим	Ҳайдаладиган ерларнинг барчасига ишлов берилади, аммо уларнинг ярмига ва ундан күпрогига экин экилади. Қатор ораларига ишлов бериладиган экинлар майдони жуда кам.	Инсон меҳнати иштирокида табиий омиллар таъсирида.
Жадал тизим	Барча ҳайдаладиган ерлар экинлар билан банд. Экинлар майдони ҳайдалган ерлардан ортиқ (такрорий, оралиқ экинлар ҳисобига). Қатор ораларига ишлов бериладиган ва ёппасига экиладиган экинлар этиштирилади.	Фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда инсон меҳнати билан.

Қишлоқ хужалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб боришда деҳқончилик тизими муҳим аҳамиятга эга булиб, унинг таркиби, моҳияти мазкур ҳудуднинг табиий-иқлим, иқтисодий, экологик шароитлари билан белгиланади. Шу билан бирга унинг асосий қисмлари деҳқончилик олиб бориладиган ёки олиб бори-

лиши мумкин булган барча минтақалар учун умумлаштирилган ҳолда қуидагилардан иборат:

1. Ерлардан оқилона фойдаланишни таъминловчи экинлар майдони ва етиштириладиган экинлар;

2. Экин майдонларини тұғри ташкил этиш, етиштирилаётган асосий оралиқ экинларни навбатма-навбат әкилишини, тупроқ унумдорлыгини қайта тиклаш ва ишлаб чиқариш қобилиятыни таъминловчи алмашлаб әкиш;

3. Тупроқ хоссаларини мақбул шароитда бошқариши таъминловчи ишлов бериш усуллари;

4. Экинларнинг биологик талабини ва тупроқ-икәлим шароитларини назарда туттан, атроф-мухитни ифлос-ламайдиган үгит тизими;

5. Үсимликларни касаллик ва зааркунандалардан ҳимоя қыладиган агротехник ва кимёвий тадбирлар;

6. Районлаштирилган юқори сифатли уруғ етиштириш;

7. Сув ва шамол әрозияси олдини олиш, уларга қарши агротехник тадбирлар;

8. Адирлар, сув ҳавзалари ва далаларни ҳимоя қилувчи ихота дарахтзорларини яратиш;

9. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратылған (тошини териб ташлаш, бутазорларни тозалаш, зах қочириш, шүрини камайтириш) агромелиоратив, гидромелиоратив, биологик ва бошқа тадбирлар;

Юқорида күрсатылған деҳқончилик тизимларини құллаш ҳар бир тупроқ-икәлим минтақанынг табиий шароитларига, ер захираларининг ҳолати, мавжудлигига, техника ва меңнатта яроқлы күч билан таъминланған-лик даражасига, олинаётган ялпи маҳсулотнинг сифати ва қиймати бүйича рақобатдошлиги, иқтисодий ва ижтимоий йұналишига bogлиқ.

Деҳқончилик тизимининг қайси турини құллащдан қаттый назар, амалға оширилаётган тадбирлар мазкур үсимлик учун барча шароитларнинг мақбул бұлишини тақозо этади.

Үсимликнинг яшаш шароитларини бир-бири билан

узвий bogлиқлиги ўзига хос қоунуниятларни шакллантиради. Буларга қуйидагилар киради:

- яшаш шароитларининг ўсимлик учун бир хил аҳамиятга эгалиги ва бирининг ўрнини иккинчиси болсомаслиги;
- минимум қонуни;
- максимум қонуни;
- яшаш шароитлари ўсимлик учун бир-бири билан bogлиқ ҳолда зарурлиги.

Ҳар бир ўсимлик барча яшаш шароитларнинг мавжудлигига ўсиб ривожланади. Агар улардан биронтаси етарли даражада бўлмаса ўсимлик яхши ўсмайди, ҳосил бермайди. Яшаш шароитларининг барчаси ўзига хос моҳият ва аҳамиятга эга. Уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўсимликнинг турига, ўсиш даврларига ва бошқаларга bogлиқ бўлади. Маданий (бир йиллик, кўп йиллик) ўсимликлар этиштириш жараёни, амалга ошириладиган агротехник ва агромелиоратив тадбирлар меъёри, ўтказиш даври юқорида қайд қилинган қонунларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Уларни мақбул меъёрда бошқариш юқори ва сифатли ҳосил гаровидир. Сугориладиган дехқончилик минтақасида ўсимликнинг яшаш шароитларини яратишда (айниқса, тупроқ хоссалари, унумдорлиги) яна бир мезон — алмашлаб экиш қонуни муҳим аҳамиятга эга.

- Саволлар:**
1. Дехқончилик тизими деганда нима тушунилади?
 2. Дехқончилик тизимининг қандай турлари мавжуд?
 3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда дехқончилик тизимининг аҳамиятини изоҳланг.
 4. Дехқончиликнинг қандай қонунлари мавжуд?
 5. Дехқончилик қонунлари нималарга асосланади?

25-§. ОРГАНИК ВА МИНЕРАЛ ЎТИЛЛАР

Юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ўсимликларда барча озуқа моддалари булиши зарур. Улар тупроқ таркибида органик ва минерал бирикмалар шаклида бўлади. Уларнинг парчаланиши (емирилиши) ва минерал-

лашиши натижасида ўсимликлар үзлаштирадиган ҳолатта айланади. Азотни — ўсимликлар аммоний (NH_4^+) катиони, азот аниони ёки азотли кислота (NO), фосфорни — фосфатлар, олтингутуртни — сульфатлар шаклида үзлаштиради. Калий, кальций, магний, кремний ўсимлик илдизига ион шаклида, темир — ион ёки мураккаб бирикма (хелатлар), марганец, мис, рух — катионлар, молибден ва бор — анионлар (молибдат ва борат) шаклида тупроқдан утади.

Озуқа моддаларининг миқдори тупроқнинг сув ва ҳаво режими билан узвий боғлиқ бўлади. Тупроқ эритмасидаги ионларнинг миқдори намлика боғлиқ, тупроқ қатламидаги кислород илдиз орқали нафас олишини ва озуқа моддаларнинг үзлаштиришини таъминлайди. Бу жараёнларнинг йуналиши ва жадаллиги иқлим шароитига ҳам боғлиқ бўлади.

Үгитлар органик ва минерал ҳолатда бўлади. *Органик үгитлар* қадимдан қишлоқ хўжалигининг дәҳқончилик соҳасида қулланилди. Органик үгитларнинг асоси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг қолдиқлари ҳисобланади. Улар тупроққа аралашгач микроорганизмлар иштирокида чирийди ва ўсимликлар учун зарур бўлган моддалар билан тупроқни бойитади. Маълумки, ўсимлик аъзоларида 85 дан ортиқ макро ва микроэлементлар мавжуд. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қолдиқлари таркибида ҳам мазкур моддалар маълум даражада булади. Органик үгитларга қуйидагилар киради: гўнг — ҳайвонот дунёсининг чиқиндилари. Унинг таркибида ўсимлик учун зарур бўлган барча озуқа моддалар мавжуд. Гўнгнинг чириши натижасида ҳосил бўлган органик модда таъсирида тупроқнинг сув-физик хоссалари (сув ўтказувчанлиги, сув сигими, иссиқлик сигими, зичлиги), биологик хусусиятлари яхшиланади. Органик модда парчалангандан ажralаётган кўмир кислотаси таъсирида қийин үзлаштириладиган бирикмалар ҳараткан ҳолатга келади.

Ундан ташқари, тупроқ сатҳидаги ҳавонинг карбонат ангидрид гази билан бойиши натижасида ўсимликларда фотосинтез жараёни жадаллашади. Гўнг билан

бирга тупроққа жуда күп микроорганизмлар тушади, улар иштирокида озуқа моддаларини үсимлик үзлаштириши жадаллашади.

Гүнгнинг йигилиши, миқдори ва сифати (таркиби) моллар парваришига, берилаётган ем-хашакнинг сифати ва таркибиغا, молларнинг тури ва ёшига bogлиқ бўлади. Йирик шохли молдан бир кунда 20–30 кг, отдан 15–20 кг, қўйдан 1,5–2,5 кг гўнг йигилади. Молхоналарда йигилган гўнг тупроққа солишдан олдин маҳсус жойларда маълум муддатда сақланиши лозим. Шундай қилинса гўнг таркибидаги органик модда парчаланади, юқумли касаллик тарқатувчи микроблар ўлади, бегона ўтлар уругининг униш даражаси кескин пасаяди.

Маълумотларга қараганда, ҳар гектар далага солинган гўнг алмашлаб экиш таркибидаги үсимликлар ҳосилдорлигини дон ҳисобига 1 центнерга оширади. 1 гектар ерга солинадиган гўнг миқдори 20–30 тонна бўлиб, кузги шудгор олдидан маҳсус мосламалар ёрдамида далага сепилади. Айрим хўжаликларда гўнг сувга аралаштирилиб «шарбат суви» сифатида гўзанинг ривожланниш даврида берилади.

Компостларни (ҳар хил органик қолдиқлар аралашмаси) тайёрлашда фосфор ўғити ҳам қўшилади ва алоҳида жойга (чуқур бўлмаган ўра, катта ҳажмдаги маҳсус мосламалар) йигилиб устидан суюқ гўнг ёки сув куйилиб бостириб қўйилади.

Торфни (тўлик чиримаган, ботқоқликда ўсадиган үсимликлар қолдиги) одатда гўнгга қўшиб далага сепиш (шудгордан олдин) фойдалидир.

Кушлар ахлати таркибida озуқа моддалар гўнгга нисбатан кўп. Аммо таркибидаги азот тез учеб кетади. Шунинг учун уни қуруқ жойда устига тупроқ ёки торф ёпиб сақлаш керак. Далага ҳар бир гектарга 2–4 тонна солиш мумкин.

Кўк ўтлар (сидератлар) етиштирилаётган дала үсимлик (нўхот, шабдар ва бошқалар) яхши ривожлангандан сўнг ҳайдалади. Натижада тупроқ органик моддага бойийди.

Ташландиқ сувлар қолдигидан (канализация ва ҳ.к.) маҳсус усуlda қуритилгач ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат чиққиндилигини ҳам ўғит сифатида ишлатиш мумкин.

Чорвачилик фермаларида йигилаётган суюқ гўнг юқори сифатли ва тез таъсир этувчи органик ўғит қаторига киради. Унинг таркибида 0,3—0,4% азот, 0,3—0,6% калий бўлади. Суюқ гўнг ўсимлик ривожланаётган даврда озиқлантириш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Сабзавот ўсимликлар экиладиган ерларга гунг шудгордан олдин солингани маъкул.

Минерал ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган озуқа моддалар кимёвий усул билан яратилади. Минерал ўғитлар тупроққа солингандан шаклланиши мумкин бўлган муҳитга қараб қўйидагиларга бўлинади:

а) физиологик нордон ўғитлардан ўсимлик жадал суратда катионни ўзлаштиради, анион эса тупроқ эритмасига ўтади (аммонийли сульфат, калийли хлорид, калийли сульфат, аммоний-азотли ўғит ва мочевина);

б) физиологик-ишқорий ўғитлардан ўсимлик анионни ўзлаштиради, катион эса йигилиб тупроқ муҳитини ишқорийлаштиради (натрий нитрати, калий ва кальций нитратлари);

в) физиологик нейтрал ўғитлар.

Ўғитларнинг юқорида кўрсатилган хусусиятлари тупроқ хоссалари ва ҳолатини назарда тутган ҳолда ишлатища инобатга олинади. Масалан, хлорли шўрланган тупроқларда таркибида хлор-ион бўлмаган ўғитлар (сульфатли калий), сульфатли шўрланган тупроқларга хлорли калий солиниши зарур.

Таркибидаги озуқа моддаларнинг турига қараб минерал ўғитлар оддий ва мураккаб ўғитларга бўлинади. Оддий ўғитлар азотли, фосфорли, калий ва микроэлементлиларга бўлинади. Азотли ўғитлар: амиак селитраси таркибида 34—35% азот нитрат ёки амиак шаклида бўлади. Сувда яхши эрийди, нам тортади. Қуруқ ерда (бинода) саклаш керак. Аммоний сульфати тарки-

біда 21—22% азот бұлади. *Донадор карбамид* (мочевина) таркибида 45—46% азот бұлади. *Нитрофос* — мураккаб азотли-фосфорлы үгіт, таркибида 23—24% азот ва 14—17% фосфор бұлади. *Аммиакли сув* таркибида 16—20% азот мавжуд.

Фосфорлы үгітларга аммофос, мураккаб фосфорли-азотли, аммонийли суперфосфат, оддий суперфосфат ва бошқалар киради. *Аммофос* ва *мураккаб фосфорли-азотли үгітлар* донадор бұліб, таркибида 43—46% фосфор ва 11% азот мавжуд. *Аммонийли суперфосфат* донадор, таркибида 14—16% фосфор ва 1,5—2,0% азот бұлади, *оддий суперфосфат* — кукунсимон ва донадор, таркибида 14—20% үзлаштириладиган фосфор бұлади. *2-хиссали суперфосфат* донадор, унинг таркибида 45% гача үзлаштириладиган фосфор бұлади.

Калийлы үгітлар: *хлорлы калий* — майда кристалл, кукунсимон шаклида, таркибида 58—60% калий бұлади. Асосий калийлы үгіт ҳисобланади. *Калий тузи* — майда кристалл күринишда, таркибида 40% калий бұлади. *Нитрофос* — таркибида асосий озуқа моддалари (азот — 12%, фосфор — 12%, калий — 12%) мавжуд. *Аммофос* — таркибида 50% фосфор, 10—12% азот, 1,2—1,4% мис ва рух бұлади. *Нитроаммофос* — таркибида 16—17% дан азот, фосфор ва калий бұлади. *Аммоний полифосфаты* — донадор шаклда, таркибида 10—12% азот ва 62—64% фосфор бұлади. *Суюқ аралашмали үгіт* таркибида 10% азот, 34% фосфор бұліб самарадорлиги кукунсимон ёки донадор қуруқ ҳолатдаги үгітлардан қолишимайды.

Минерал үгітлар самарадорлиги уларни мақбул муддатда, меъёрда ва вактида ишла одатда экинларни экишдан олдин лаёттандыра үсіб ривожланиши да ли. Күп ийллик тажрибаларга кү олдин далага 20—30 тонна/га гүн ийллик мөйөрнинг 70—80% ини, эса 50% ини солингани мақсаддага үларнинг 25—30% ини гүза уругига солинса, униб чиққан ниҳол ж

6.
роф.
ланмас.
зарур.

Гузанинг ўсиб-ривожланиш даврида минерал ўгитлар (асосан азотли ва калийли, қисман фосфорли) далаға ўсимликни озиқлантириш учун солинади. Бунда қуидагилар инобатта олиниши зарур:

- ўсимликларнинг асосий ўсиш даврларида озуқа моддаларга бўлган биологик талаби;
- ўсимлик илдизининг ривожланиш тартиби;
- ўгитларнинг тупроқдаги ҳолати;

Ғўза мисолида ўсимликни озиқлантириш учун минерал ўгитлар қуидаги тартибда тупроққа солингани маъқул:

- ниҳол 2–4 та ҳақиқий барг чиқарганида кўчатдан 15–18 см;
- шоналаш даврида кўчатдан 20–22 см;
- гуллаш ва ҳосил пайдо бўлиш даврида кўчатдан 30–35 см узоқлиқда ва эгат тубидан 3–5 см чуқурликка солинади.

Сўнгги йилларда минерал ўгитларнинг янги турлари яратилмоқда, хорижий давлатлардан келтирилмоқда. Улардан фойдаланиш ҳар бир тупроқ-иқлим шароитида ўзига хос табақалаштирилган ёндашишни талаб қиласи. Минерал ўгитларни қишлоқ хўжалигида ишлатишнинг муҳим талабларидан бири, улар ўсимлик талабини етарли даражада қондириши билан бир қаторда тупроқ, оқар ва ер ости сувларининг сифатини бузмаслиги (ифлосламаслиги) керак. Минерал ўгитларнинг аксарият кўпчилиги сувда тез эрувчан ва ҳаракатчан бўлгаилиги сабабли, улар таркибидаги моддаларнинг маълум қисми оқава, ер ости сувларини ифлослайди. Ундан ташқари, айниқса азотли ўгитлар, ўсимликнинг биологик талабидан кўп тупроққа солинса етиштирилган ҳосил (полиз экинлари, хўл мевалар) таркибida азот моддасининг микдори кўпайиб кетади. Уни иске мөнгөн мөнгөн инсон организми заҳарланади. Шунинг учун минерал ўгитларни кенг миқёсда ишлатиш билан ҳар вақтда инсон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ва атмұхит (оқар ва ер ости сувлари, тупроқ) ифлослиги асосий мезон сифатида инобатта олиниши

Минерал ўгитларни ишлатиш тупроқнинг унумдорлик даражасига, ўсимликларнинг турига, мўлжалланган ҳосил миқдорига ҳам боғлик бўлади. Узбекистоннинг ҳар хил миңтақаларида ўтказилган тажрибаларга қараганда гузага минерал ўгит қўйидаги тартибда берилгандага мақсадга мувофиқ.

Азотли ўғитлар — мақбул меъёрининг 25—30% уругни экишдан олдин, 5—10% уруг экилаётганда, қолган қисми 2—3 маротаба ўсимликларнинг ўсиб ривожланиш даврида (охирги озиқлантириш 10—15 июлдан кечга қолмаслиги маъқул).

Фосфорли ўғитлар — мақбул меъёрининг 70—80% кузги шудгордан олдин (шўрланган ерларда уруг экишдан олдин тупроққа ишлов берилганда), қолган қисми уруг экиш вақтида ва гўзанинг гуллаш даврида (азотли ўгитга қўшиб берилади).

Калийли ўғитлар мақбул меъёрининг 50% далани шудгор қилишдан олдин, 50% гўзанинг шоналаш-гунчалаш даврида (азотли ўгитга қўшиб берилади).

Бошоқли экинлар экилган далаларга мақбул меъёрининг фосфорли ва калийли ўгитларнинг 100%, азот ўгитларнинг 30% ини ерни ҳайдашдан олдин, қолган қисмини тенг миқдорда эрта баҳорда ва поялаш даври бошланишида озуқа сифатида берилади.

- Саволлар:**
1. Тупроққа ўғит нима учун солинади?
 2. Органик ўғитларга нималар киради?
 3. Минерал ўғитлар деганда нима тушунилади?
 4. Физиологик нордон ва нейтрал ўғитлар ҳақида тушунча беринг.
 5. Минерал ўғитларни тупроққа солишда нималар инобатга олинади?

26-§. БЕГОНА ЎТЛАР ТАВСИФИ, ТАСНИФИ ВА КУРАШ ЧОРАЛАРИ

Бегона ўтлар деганда инсон етиштирмайдиган, лекин маданий ўсимликлар орасида тарқалган ва уларнинг яхши ўсиб-ривожланишига ҳалақит берадиган

ўсимликлар тушунилади. Улар маданий ўсимликларнинг яшаш шароитлари ҳисобига яшайди, ҳосилдорлигини камайтиради, сифатини пасайтиради, қуритади (2-расм).



2-расм. Бегона ўтлар:
1—гумай; 2—ажирик; 3—курмак; 4—печак.

Далаларга бегона ўтларнинг тарқалиши ва кўпайишининг асосий сабаблари қўйидагилар:

- а) кўпчилик бегона ўтлар тез кўпаядиган, уруглари кенг тарқаладиган бўлади;
- б) атроф-муҳитга тез мослашиб кетади;
- в) уругдан ва ўсиш аъзоларидан кўпаяди;
- г) уругларнинг униб чиқиши қобилияти нисбатан юқори ва узоқ муддат сақланади;
- д) экиладиган маданий ўсимлик ургининг яхши тозаланмаслиги;
- ж) экинларни алмашлаб экишни қўлламаслик;
- з) агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қўлламаслик;
- с) бегона ўтлар ургининг шамол ва сув билан осон тарқалиши;
- л) уругларнинг ҳайвонлар ва тупроққа ишлов бериладиган механизмлар ёрдамида тарқалиши;
- м) далага мунтазам равишда гўнг солиниши.

МДҲ давлатлари худудида 1500 турдаги бегона ўтлар мавжуд. Бегона ўтларга қарши курашиш чоралирининг меъёри ва усусларини танлашда уларнинг биологик хусусиятларини билиш зарур.

Бегона ўтлар озиқланиш таркибига кўра **яшил** (мустақил яшовчи) ва **паразит ўсимликларга бўлинади**.

Мустақил яшайдиган, илдизи, пояси мавжуд, барги орқали фотосинтез жараёни содир буладиган ўтлар **яшил бегона ўтлар** ҳисобланади. Улар бир, икки ва кўп йилликларга бўлинади.

Бир йиллик бегона ўтларга илдизи яхши ривожланмаган, йил давомида умрини тутатадиган ва бир йиллик маданий ўсимликларга мослашган ўтлар киради. Уларнинг 200 дан ортиқ тури маълум бўлиб, 154 таси гўза етишириладиган далаларда учрайди. Буларга курмак, итқулоқ, олабўта, гултоҷихуроз, қўйтикан, итузум, қоракўза ва бошқалар киради. Бир йиллик бегона ўтлар эфемер (лолақизғалдок, мокрица), баҳорги (ёввойи сули, олабўта, шамак, девкурмак, итқулоқ, итузум, бургак), қишлоғчичи (бутакўз, мойчечак) ва кузги (метла, ялтирибош) ўтларга бўлинади.

Икки йиллик бегона ўтлар иккинчи йили ҳосил беради. Буларга қашқарбеда, қушқунмас, мингдевона, қизил бурганлар киради.

Күп йиллик бегона ўтлар ҳаёти даврида жуда күп ҳосил қиласы. Улар асосан илдизпоядан, илдиздан ва уругидан күпаяди (қоқиұт, изен, шұрак, гумай, ажриқ, саломалайкүм, қамиш, какра, бұзтикон, қүйпечак, қизилмия, янтоқ ва бошқалар).

Паразит бегона ўтлар ҳақиқий ва ярим паразитларға булинади. Ҳақиқий паразитлар бир йиллик, баргсиз ва поясиз булиб мустақил ҳаёт кечира олмайдилар. Улар поя (зарпек, девпек) ва илдиз (шүнгия) паразитларға булинади. Ярим паразит бегона ўтлар Үзбекистонда тарқалмаган.

Бегона ўтларға қарши кураш чоралари қуйидагиларға булинади:

1. *Агротехник чоралар* – тупроққа ҳар хил ишлов бериш, экинларни парвариш қилиш, банд бұлған ва тоза шудгор ташкил этиш, алмашлаб әкишни құллаш, барча агротехник жараёнларни меъёрида, үз вақтида ва сифатли үтказиш.

Агротехник чоралар *олдини оловчи* ва *қиурувчиларға* булинади.

Олдини оловчи чоралар: әкіладиган уругни бегона ўтлар уругидан тозалаш (1 класс даражасига келтириш), йирик ва унұвчанлиги юқори уругларни әкиш, гүңг билан далага бегона ўтлар уругини келишига йүл қүймаслик, дала атрофида, йұллар чеккаси ва сугориши шаҳобчалари қирғогида үсган бегона ўтларни уруглагунча үриб ташлаш, комбайнлар билан ҳосил йигилгандан пастдан үриш, сугоришига берилаёттан сувни бегона ўт уругидан тозалаш, бегона ўтларға қарши карантин (тәъқиқлаш) ишларини тұғри ташкил этиш.

2. *Биологик кураш* – айрим замбуруғ ва ҳашораттардан фойдаланыб бегона ўтларнинг ривожланишига йүл қүймаслик.

3. *Кимёвий кураш*. Бегона ўтларни йұқотиши учун маҳсус кимёвий бирикмалар – *гербицидлар* құлланылади. Гербицид лотинча «герба» үсімлик, «цидо» үлди-

риш демақдир. Гербицидлар кимёвий таркибига кура органик ва неорганик булади. Үсимликка таъсир этишига қараб гербицидлар ёппасига қиравчи ва танлаб таъсир қилувчиларга бўлинади.

Ёппасига қиравчи гербицидлар (фенорун, монурон, диурон ва бошқалар) маданий ва ёввойи үсимликларни бараварига ўлдиради. Бундай гербицидлар маданий экинлар билан банд бўлмаган шудгорларда, йўл ва ариқ буйларида қулланилади.

Танлаб таъсир қилувчи гербицидлар (2,4-Д, 2М-4х, днок, которан, прометрин, атрозин, симазин) айрим үсимликларни ўлдириб, бошқаларга таъсир қилмайди. Сугориладиган дэҳқончилик минтақаси тажрибалари га мувофиқ 1 гектар ерга гербицидларни сепиш меъёри — 1,5–2 кг соғ модда.

Гербицидларнинг кўпчилиги заҳарли. Шуни назарда тутган ҳолда улар билан ишлаганда албатта эҳтиётлик чораларини кўриш зарур. Буларга қўйидагилар киради:

- гербицид билан ишлаётган одам ўзини заҳарламаслиги учун маҳсус ҳимоя кийимлари ва мосламалар (комбинезон, қўлқоп, респиратор, кўзойнак ва ҳоказо) билан таъминланиши шарт;

- үсмиrlар, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг гербицидлар билан ишлаши қатъиян ман этилади;

- гербицидлар билан ишлаётганда чекиш, сув ичиш, овқатланиш, меваларни истеъмол қилиш мумкин эмас;

- гербицид ишлатиб бўлингач, эритма тайёрланган жойнинг устини тупроқ билан яхшилаб кўмиб қўйиш керак;

- гербицид ишлатилган жойда ёки унинг яқин атрофида молларни боғлаш, бегона ўтларни йигиб уларга бериш мумкин эмас;

- гербицид ва унинг эритмасини далада қолдириш мумкин эмас.

Юқорида қайд қилинган тадбирларни амалга оширилмаса, уларга риоя қилинмаса, гербицид билан ишлаган одам, мазкур ҷала атрофида боқилган моллар заҳарланиши мумкин.

4. *Махсус кураш чоралари*. Бунга махсус олов ёки иссиқлик таъсирида ўтларни күйдириш киради. Бу тадбир махсус механизм (оловли культиватор) ёки мосламалар билан амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бегона ўтларга юқорида кўрсатилган чораларни бир-бири билан узаро боғланган ҳолда амалга ошириш зарур. Акс ҳолда улар мўлжалланган натижани бермайди.

Саволлар: 1. Бегона ўтлар деганда нима тушунилади?

2. Далаларда бегона ўтлар тарқалишнинг асосий сабабларини изоҳланг.
3. Озиқланиш тартибига кўра бегона ўтлар қандай кўринишда бўлади?
4. Бегона ўтларга қарши қандай чоралар қўлланилади?
5. Бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилганда қандай эҳтиётлик чоралари амалга оширилади?

27-§. ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ

Тупроққа ишлов бериш деганда қишлоқ хужалик машиналари, ҳар хил мосламалар ёрдамида тупроққа таъсир этиб, экинлар учун қулай шароитни яратиш тушунилади. Тупроққа ишлов беришдан мақсад:

- тупроқнинг физик-механик хоссаларини бошқариш;
- озуқа элементларининг биологик айланиб туришини жадаллаштириш;
- тупроқ, ўсимликларини касаллик ва зааркунандалардан муҳофаза қилиш;
- тупроққа озуқа элементларининг ўтишини қулайлаштириш;
- ургуни сифатли экиш, ўсимликларни парвариш қилиш ва ҳосилни йигиштириб олиш учун қулай шароит яратиш;

Тупроққа ишлов беришда қуйидаги технологик жараёнлар амалга оширилади: агдариш, юмшатиш, аралаштириш, қотириш (зичлаш), бегона ўтларни кесиш, тупроқ сатҳига маълум шакл бериш.

Юмшатиш тупроқни ишлашдаги бош мезон ҳисобланади. Юмшатиш тупроқ қатламини үзгартыради, ғоваклигини күпайтиради, аэрацияни (хаво алмашинувины) яхшилайди. Натижада микробиологик жараёнлар жадаллашади. Тупроққа ишлов беришда құлланыла-
диган барча мослама ва механизмлар тупроқни юмшатади.

Тупроққа асосий ишлов бериш унга биринчи ва чуқур ишлов бериш — шудгор қилиш киради. Шудгор эса плутлар ёрдамида амалға оширилади. Шудгорнинг сифати плутта, отвалнинг шаклига bogliq. Отвал (ағдаргич) винтли, ярим винтли, цилиндрическимон ва маданий бұлади. Тупроқнинг яхшилаб ағдарилиши, қориширилиши ва аралаштирилиши учун плутларга құшимчы чимқирқар үрнатиласы. Чимқирқар плутнинг кичрайтирилген нұсқасы булыб, у тупроқнинг усткі 10—12 см қатламини (илдиз күп) қирқиб, уни ҳайдалма қатламининг тагига ташлайди. Бундан ташқари, ботқоқ ерларни ҳайдаш учун махсус ботқоқ плутлар, тошли ерларни ҳайдаш учун дискали плутлар, токзорлар ва боғларни ҳайдаш учун плантаж плутлардан фойдаланылади.

Тупроққа асосий ишлов беришнинг эң мұхим күрсаткичи унинг чуқурулгидир. Тупроқ чуқур ҳайдалғанда озиқ элементларнинг биологик айланиши кучаяди, илдизнинг ривожланиши учун қулай шароит яратылади, заараркунанда ва бегона үтлар камаяди, тупроқда нам яхши сақланади. Қишлоқ хужалиги амалиётида тупроқни 20 см гача ҳайдашни — саёз, 20—22 см гача ҳайдашни оддий (нормал) ва 20 см ортиқ ҳайдашни чуқур дейилади. Дәхқончилік билан машғул бўлган минтақаларда ерни ҳайдаш, чуқурулгини үзгартыриб туриш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳайдашнинг асосан икки усули мавжуд — узунасига ва қайрилиб ҳайдаш. Қайрилиб ҳайдашда даланинг чеккасида плутнинг иши тұхтатылмайды. Бундай усулда дала сифатли ҳайдалмайды: ҳайдалмай қолган ерлар қолади, ҳайдаш чуқурулғы бир текис бўлмайди. Энг яхши усул далани **узунасига** булиб-булиб ҳайдашдир. Бунда даланинг узунаси бўйлаб икки чеккасида плут

кутарилади ва тупроқни ҳайдамайди, марза ҳосил бўлалиди. Бу ҳайдашнинг камчилиги даланинг ажратилган қисмлари ўртасида ариқлар пайдо бўлади ва трактор даланинг икки четида бекор айланади. Лекин шунга қарамай, бу усул афзал ҳисобланади.

Тупроққа чуқур ишлов беришнинг яна бир тури Малцев таклиф этган усул. Бунда 4—5 йил орасида тупроқ бир маротаба ағдармасдан чуқур ҳайдалади. Кеининг йилларда махсус механизмлар (лушильниклар) ёрдамида юза юмшатиб турилади. Бу усулда тупроққа ишлов бериш шамол эрозияси кучли бўлган ҳудудларда яхши натижа беради. Лекин бегона ўтлар ва зараркунандалар кам нобуд бўлади. Тупроққа юза ишлов беришга культивация, бороналаш, каток босиш ва молалаш киради. Бунда тупроқнинг устки қисми юмшатилади, текисланади ва бегона ўтлар йўқотилади, уругни сифатли экишга шароит яратилади.

Кўп йиллик (беда ва ҳ.к.) экилган далаларда илдиз микдори кўп бўлади, ҳайдалма қатлам зичлашган бўлади. Кўп йиллик бегона ўтлар кўпайган бўлиб, баъзан уларнинг фаолияти давом эта бошлайди. Шунинг учун кўп йиллик ўтлардан сўнг тупроққа ишлов берилганда қўйидаги вазифалар бажарилиши зарур:

1. Кўп йиллик ўсимлик ҳаётини тұхтатиб, чимнинг чириши учун қулай шароит яратиш.

2. Намликини ва зарур микробиологик жараёнларни мақбул шароитда утиши учун қулай ҳайдалма қатлам яратиш.

3. Бегона ўтларни нобуд қилиш.

Бу вазифаларни бажариш учун тупроқ махсус чимқирқар плуг билан ҳайдалади. Чимқирқар ёрдамида беданинг илдиз бўйни тула кесилганда ҳайдалган бедапоядан янги ниҳол ўсмайди. Дала кучли чимли ва бегона ўтлар жуда кўп бўлса, даставвал дискаланади (узунасига ва кўндалангига). Ўзбекистон шароитида бедапоялар 4—5-уримлардан сўнг ҳайдалади.

Баҳорда экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг асосий мақсадлари қўйидагилар: намликини саклаш, ернинг устки қатламида мақбул шароит яратиш,

кукариб турган бегона ўтларни йўқотиш, ўгит солиш, экишга ерни сифатли тайёрлаш. Булар бороналаш (ҳайдаш йұналишига күндалангига), юза ҳайдаш, чизеллаш, культивация ва ҳ.к. ёрдамида амалга оширилади.

Ёппасига экиладиган галла экинлари кукариб чиққандан сұнг борона қилинади. Натижада қатқалоқ бузилади, тупроқда ҳаво яхши алмашинади, бегона ўтлар нобуд булади. Маккажухори, кунгабоқар экилған дала-ларда ҳам борона юритилса (ниҳол плазмолиз ҳолатда бұлғанда) яхши натижага эришилади.

Кузги ғалла экинлари – бұғдой, жавдар, арпа, сулиларни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш шудгорнинг ҳолатига болғық. Шудгор икки хил – тоза ва банд қилинган шудгорға булинади. Тоза шудгор тупроққа ишлов бериш даврига қараб қора шудгор ва эртанги шудгорға булинади. Агар тоза шудгорға күздан бошлаб ишлов берилса уни қора шудгор дейилади. Қора шудгорни ишлаш күзги, баҳорғи ва ёзги булади. Қора шудгордаги бегона ўтларни йўқотиш учун күзда ва баҳорда 10–12 см чуқурликда ишлов берилади. Эртанги шудгор баҳорда чуқур ҳайдалади. Сұнгра бегона ўтларни йўқотиш учун бир неча марта культивация қилинади.

Банд қилинган – эрта йигиширилиб олинадиган экинлар билан банд бұлған шудгорға ишлов беришда асосий экин учун қулай шароит яратиш назарда тутилади. Бундай шудгорнинг мұхим турларидан бири сидерал шудгор бұлып, айрим дуккакли, бошоқли экинлар экилади ва күк ўгит сифатида ҳайдаб юборилади. Сидерал экинларни ҳайдашдан олдин үриб ташланади. Ҳайдашдан сұнг 2–3 ҳафта үтказиб, дала дискаланади. Натижада үсимликлар майдаланади, чириши тезлашади.

Сув эрозияси содир бұладиган майдонларда ерни нишабликка күндаланғ йұналишда ҳайдалади. Айрим ҳолларда далани узунаси ва күндалангига культивация қилинганда тупроқда намлиқ күп сақланади, сув нисбатан кам оқади.

Тупроққа ишлов бериш усуллари, механизм ва мосламалар табақалаштирилған ҳолда, мақбул вақт (давр) ва меъёрида амалга оширилса тупроқ хоссалари, сув—

озуқа режими яхшиланади, бегона ўтлар камаяди, экинларнинг ҳосилдорлиги ошади.

- Саволлар:**
1. Тупроққа ишлов беришнинг аҳамияти нимада?
 2. Тупроққа ишлов беришнинг қандай турлари мавжуд?
 3. Тупроққа асосий ишлов беришда асосий кўрсаткич нима?
 4. Баҳорда экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг моҳиятини изоҳланг?
 5. Эрозияга учрайдиган ерларда тупроққа ишлов беришнинг қандай технологиялари қўлланилади?

28-§. УРУФ ВА УНИ ЭКИШ

Етиштирилаётган экинларнинг ҳосилдорлиги ургининг сифатига ҳам боғлиқ. Уругга қўйиладиган биологик ва агротехник талаблар қўйидагилар:

1. Биологик ва агротехник талабларга жавоб берадиган, маҳаллий иқлим-шароитга мослаштирилган-районлаштирилган навлар оддий уругларга нисбатан 15—30% юқори ҳосил беради.

2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили қанча юқори бўлса, унинг уруғи шунча сифатли бўлади. Шуннинг учун уруғ этиштириладиган далаларда тупроқнинг унумдор бўлишини таъминлаш, озиқ моддаларнинг етарли бўлишига эришиш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни тўғри амалга ошириш зарур. Тупроқ хоссалари мақбул даражада бўлгани маъқул.

3. Ургунинг тозалиги тўлиқ ниҳол чиқиши, далада ўсимлик тури тўлиқ бўлишини таъминлайди. Ургунинг тозалиги қабул қилинган мезон (стандарт) бўйича 3 та синфга бўлинади ва қўйидаги талабларга жавоб бериси керак:

Экинлар	Синф	Асосий экин уруғи, %	Чиқинди ва аралашма, %	Унувчанилиги, %
Кузги бугдой	1	99	1	95
	2	98,5	1,5	90
	3	97	3	90

Маккажұхори	1	99,8	0,2	95
	2	99,5	0,5	90
	3	99	1	85

4. Экиладиган уруглар намлиги 14—15% дан ошмаслиги керак. Агар намлик ундан күп ёки кам бұлса, уругнинг сифати пасаяди. Намлик жуда юқори бұлса, уруғда содир бұладиган биокимёвий жараёнлар жадаллашади, ундағы моддалар миқдори камайиб унувчанлиги пасаяди. Уруғ жуда қуруқ бұлса, униб чиқиши қийинлашади.

5. Уруғ йирик ва бир хил бұлганда куртакнинг ривожланиши учун зарур бұлган озиқ модда күп бұлади, ниҳол тез ва бир текис униб чиқади. Уругнинг катталығи 1000 дона уругнинг массасини тарозида тортиш орқали аниқланади.

6. Уруг соғлом ва шикастланмаган бұлиши шарт. Бунга эришиш учун экинни үриб-йигиштириб олиш ва янчиш вақтида механизм ва комбайнларнинг донни үтказувчи қисмларини тұғри үрнатиш ва бошқариш зарур. Акс ҳолда уругнинг куртаги шикастланади, сифати пасаяди. Уруғлар касаллуклар билан ҳам зарапланмаган бұлиши керак.

7. Экилаёттан уругнинг унувчанлиги юқори бұлиши керак. Унувчанлик деганда униб чиққан уруг миқдорини экилған уруг миқдорига бұлган фоиз нисбатига айтлади. Уруғ унувчанлигига асосланиб экиш мейері ва мақбул түп сони режалаشتырилади.

8. Уругнинг униш энергияси — унинг маълум муддатда униб чиқиши. Уруғ қанчалик тез ва қисқа муддатда униб чиқса, шунчалик ниҳолларнинг үсиши ва ривожланиши бир текис бұлади, ҳосилнинг бир пайтада пишиши таъминланади.

9. Уругнинг экишга яроқлилиги тозалиғи ва унувчанлиғи билан бөглиқ бўлиб, ниҳол пайдо бўлиши билан изоҳланади. Буни аниқлаш учун тозалиғи билан (99%) унувчанлиғи (90%) кўпайтирилиб 100 га бўлинади.

$$\text{Ургнинг яроқлилиги} = \frac{99 \times 90}{100} = 89,1\%$$

Ургни экишдан олдин тозаланади, қиздирилади (очик ҳавода бироз қуритилади), магнит таъсирида ишланади, айрим озуқа моддалар билан бойитилади (аукцин, витамин, органик кислоталар ва ҳ.к.) ёки усти қопланади, туклардан (ғўза) тозаланади.

Экинларнинг экиш муддатини түгри белгилашда ўсимликнинг биологик хусусиятлари, иссиқлика, ёргуларнинг совуққа чидамлилиги, ўсиш даврининг узун-қисқалиги инобатга олинади. Булар эса энг аввало ўсимликнинг турига боғлиқ. Узбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитларини назарда тутган ҳолда етиширилаётган экинларнинг қуйидаги экиш муддатлари мавжуд:

Кузги, эрта баҳорги, кеч баҳорги ва ёзги муддатлар.

Ургнинг экиш муддати унинг униши учун зарур бўлган мақбул ҳароратининг тупроқ таъминланиши билан боғлиқ. Кузда 1-гурухга кирувчи галла, дуккаклидонли экинлар экилади. Кузда асосан узун кун ўсимликлари экилади. Баҳорда эса уларнинг баҳорги навлари (лавлаги, картошка, сули, бугдой ва бошқалар) экилади.

Кеч баҳорда ва ёзда асосан қисқа кун ўсимликлари ҳисобланадиган 2-гурух галла экинлари, сабзавот ва полиз экинлари, ғўза, кунгабоқар ва бошқа экинлар экилади.

Ўсимликларнинг ўсиб ривожланишида, бегона ўтларга қарши курашишда ургни экиш усули муҳим аҳамиятга эга. Ург экишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- тор қаторлаб экиш — қатор оралиғи 7—8 см;
- узунасига, кўндалангига, диагоналига экиш;
- ёпласига сочиб экиш;
- кенг қаторлаб экиш — қатор оралиғи 60—90 см;
- эгат пуштасига экиш (ғўза);
- эгат олиб экиш.

Ургнинг экиш чуқурлиги унинг йирик-майдалигига, экиннинг тури, тупроқнинг намлиги ва ҳароратига

боглиқ бұлади. Экиш чуқурлигининг асосий мезони уруг учун тупроқда мақбул шароитнинг мавжудлиги.

Тажрибалар асосида айрим экинлар учун қуйидаги мақбул уруг экиш чуқурлиги аниқланган:

гұза — 3—4 см;	беда — 1,5—2 см;
бүгдой — 4—5 см;	шоли — 1,5—2 см;
маккажұхори — 6—8 см;	картошка — 8—10 см.

Уруг экиш меъёри — 1 гектар майдонга экиладиган ва мүлжалдаги үсимлик тупи сонини таъминлайдыгын, 100% униб чиқиши қобилиятига эга бұлған уруг миқдори тушунилади. Уруг экиш меъёри унинг йириклигига, экишга яроқлығына болғынан қандай мемлекеттік мүмкіншіліктерге сәйкес келеді. Уруг экиш меъёри түрлеріндең біріндең маккажұхори маккажұхори — 6—8 см; беда — 1,5—2 см; шоли — 1,5—2 см; картошка — 8—10 см.

$$X = \frac{A \times 100}{B},$$

бунда: X — уруг экиш меъёри, кг/га; A — 100% экиштегі яроқлы уруг экиш меъёри; B — уругнинг ҳақиқий экиштегі яроқлығы.

Уруг экиш меъёри тупроқ-икәлим шароитларига ҳам болғынан өткізу мүмкін. Урага қанчалық мақбул бұлса 1 гектар ерга қадалаёттан уруг миқдори шунча кам булади. Уруг экиш үсүлигіндең біріндең маккажұхори маккажұхори — 6—8 см; беда — 1,5—2 см; шоли — 1,5—2 см; картошка — 8—10 см.

Күп йиллик тажрибаларнинг күрсатишича, уругнине жағдайда, унгандан сұнг тупроқ үтируған (чукмагани) маъқул. Шундай қилинса, янги ҳосил бұлған илдиз узилмайды, уруг тупроққа зич тегиб туради, ниҳолнинг озиқланиши яхшиланади.

Юқори ҳосил олишнинг мұхим омилларидан бири күчат тупи сонидир. Унумдор тупроқтарда үсимлик жағынан ривожланғанлығы, бақувват бұлғанлығы сабабли туп сони нисбатан кам, унумдорлығы пастроқ тупроқ-

ларда ўсимлик нисбатан нимжон ва кичикроқ бўлганлиги учун туп сони кўпроқ бўлади.

Узбекистон тупроқ-иқлим шароитида етиштирилайдиган экинларнинг мақбул туп сони қўйидагича:

гўза	100—120 минг/га;
шоли	2500—3500 минг/га;
маккажўхори (дона)	30—40 минг/га;
картошка	40—60 минг/га;
беда	3000 минг/га;
полиз экинлари	15—25 минг/та.

Экин экиладиган майдонларда юқорида кўрсатилган туп сони айрим ҳолларда иқлим-шароит, уруг сифати, экиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар сабабли мўлжалдаги миқдорда бўлмайди. Шу сабабли хато чиққан ерларга қайтадан уруг экилади. Бу тадбир асосан донли экинлар (буғдој, арпа, сули, нұхот ва ҳ.к.) етиштирилаётган далаларда амалга оширилади. Уругнинг хато чиққани 1 м² майдонда кўчат сони 25—30 (текисликда), 30—50 (адирда), 50—60 (тог ёнбагирларида) туп бўлганда қайта экилади. Хато чиққан далаларда тупроқ етилиши билан қайта уруг экилади. Бунда уруг ўсимлик экилган қаторнинг қаторлаб бороналашдан сўнг сеялка ёки дискали уруг сочадиган механизм билан экилади.

- Саволлар:**
1. Уруққа қандай биологик ва агротехник талаблар қўйилади?
 2. Уругни экишга яроқлилиги қандай аниқланади?
 3. Уруг экиш меъёри қандай аниқланади?
 4. Уруг экишининг қандай усууллари мавжуд?
 5. Ўзбекистонда етиштириладиган асосий экинлар уруғи қандай чукурликка экилади?

29-§. АЛМАШЛАБ ЭКИШ. ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Алмашлаб экиш деганда экинларни айрим далаларда йиллар давомида навбатма-навбат экилиб турилишига айтилади. Алмашлаб экиш асосини, танланган

экинларнинг алмашиниб туриши ва ҳайдаладиган ерга нисбатан фоиз ҳисобида экиладиган экинларнинг ўзаро нисбати ташкил этади.

Алмашлаб экиш фермер, жамоа хўжалигининг ихтинослиги ва йўналишига боғлиқ.

Алмашлаб экиш экинлардан мўл ҳосил олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, бегона ўтларни кескин камайтириш, касалликлар ва зааркунандаларни йўқотиш, кўпгина кимёвий моддаларнинг қўлланишига барҳам бериш, дехқонларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш учун муҳим тадбирий чора ҳисобланади. Алмашлаб экишни амалга ошириш учун майдон алоҳида далаларга бўлинади. Ҳар бир дала учун алоҳида экиш мўлжалланади.

Далаларда экинларнинг бир мартадан, навбатманавбат экилиши учун кетган вақтга *алмашлаб экиш даври* дейилади. Алмашлаб экиш даври далалар сонига тенг булади. Агар далалар сони 5 та бўлса, ҳар бир экиннинг бир мартадан навбатма-навбат экилиши учун 5 йил керак.

Алмашлаб экиш даврининг навбатма-навбат туриши *алмашлаб экиш ротацияси* дейилади. Ҳар бир давр навбатдаги ротацияни белгилайди. У экинларнинг нечанчи марта алмашлаб экилаётганини ифодалайди. Алмашлаб экишга киритилган экинлар рўйхати ва уларнинг ўзаро нисбатига *алмашлаб экиш плани (схемаси)* дейилади (3:7:1; 2:1:2).

Алмашлаб экишда экинларни алмаштириб туришнинг кимёвий, физикавий, биологик ва иқтисодий асослари мавжуд. Экин алмаштиришнинг кимёвий асоси уларнинг биологияси, тупроқдаги озуқа моддалардан ҳар хил фойдаланишдир.

Экинларни алмаштириб туришнинг биологик асоси — кўпгина экинларнинг узлуксиз такрорий экилиши натижасида даланинг бегона ўтлар билан ифлосланishi, касаллик ва зааркунандалар билан заарланиши ва биологик таъсирнинг намоён булишидир. Экинларни алмаштириб туришнинг иқтисодий асоси мазкур экинни етиштириш, ҳосилни йигиштириб олиш ва

уни маҳсулот сифатида сотишда олинадиган даромад ҳисобланади.

Алмашлаб экишнинг жадал дәҳқончиликда асосий аҳамияти шу экин экиладиган туман ҳудудида ўсимлик учун қайси шароит минимум ҳолатда бўлса шу шароитни оптималь ҳолатда таъминлаш ҳисобланади.

Алмашлаб экиш таркибида асосий экиндан илгари экилиб ҳосили йиғиштириб олинган экинга **олд экин** деб айтилади. Олд экинлар қуйидаги гурӯхлардан иборат:

1. Куп йиллик ўтлар.
2. Донли дуккаклилар.
3. Қатор оралари ишланадиган экинлар.
4. Қатор оралари ишланмайдиган техник экинлар.
5. Кузги донли экинлар.
6. Баҳорги донли экинлар.
7. Бир йиллик ўтлар.

Узбекистоннинг сугориладиган дәҳқончилик минтақасида кўп йиллик ўтлар гўза, шоли ва қўргина экинлар учун энг яхши олд экин ҳисобланади. Донли дуккаклилардан сўнг экилган донли экинлар яхши ҳосил беради.

Қатор ораларига ишлов берадиган экинлар – соя, картошка, маккажӯҳори, лавлаги экилганда дала бегона ўтлардан тозаланади, тупроқдаги микробиологик жараёнлар яхшиланади. Қатор ораларига ишлов берилмайдиган техник экинлар (зигир, кунжут, наша) тупроқда кам органик қолдиқ тўплайди. Шу сабабли уларни бир ерда 2 йилдан ортиқ экиш тавсия этилмайди. Кузги донли экинлар баҳорги донли ва дуккакли донлилар учун энг яхши олд экин ҳисобланади. Баҳорги экинлар барча экинлар учун ўртача аҳамиятга эга бўлган олд экин ҳисобланади.

Ҳайдаладиган ерлардан унумли фойдаланиш учун ёз даврида уни маданий экинлар билан банд қилиш зарур. Бунинг учун алмашлаб экишга киритилган асосий экинга қадар далани қушимча, яъни оралиқ экинлар билан банд қилиш зарур. Экиш даври ва усулига қараб оралиқ экинлар қуйидаги гурӯхларга бўлинади:

1. Асосий экин йигиштирилгандан сўнг экилиб шу иили ҳосили олинадиган экинлар.

2. Асосий экинлар билан кўшиб экилиб ҳосили шу иили кузда йигиштириб олинадиган экинлар.

3. Асосий экиндан сўнг экилиб ҳосили янги йилнинг баҳорида йигиштириб олинадиган экинлар.

Оралиқ экинлар қушимча ҳосил – кўк ут, сомон, силос, пичан олиш имконини беради.

Алмашлаб экиш моҳияти, йўналиши ва экинларнинг таркибига кура: *дала*, *ем-хашак* ва *маҳсус алмашлаб экишга булинади*.

Дала алмашлаб экиш таркибида 50% ва ундан ортиқ майдонини донли, қатор ораларига ишлов бериладиган асосий экинлар эгаллайди.

Ем-хашак алмашлаб экиш (ферма олди, яйлов ва пичанзор) чорвачилик билан шугулланадиган фермер, жамоа хужаликларида қўлланилади.

Маҳсус алмашлаб экишда маҳсус агротехника талаб қилинадиган экинлар назарда тутилади, сугориладиган, нам етарли минақаларда қўлланилади. Унинг сабзавот ва полиз, каноп, гуза-беда, тамаки, шоли алмашлаб экиш турлари мавжуд.

Алмашлаб экишни лойиҳалаш хўжаликнинг маҳсулот етишириш режаси тупроқ-икълим шароитини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Хўжалик ҳудудидаги ерларнинг карталари, агрокимё картограммалари асосида агроишлаб чиқариш гурӯҳларига ажратилади ва баҳоланади. Амалга оширилиши лозим бўлган мелиоратив тадбирлар, тупроқни эрозиядан, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш, табиий яйловлар ҳисобга олинган ҳолда экин майдонларнинг таркиби аниқланади. Алмашлаб экиш таркибига кирган экинларни алоҳида далаларга жойлаштириш, уларнинг навбатма-навбат экилишини белгилашда илмий-текшириш, тажриба муассасаларнинг мазкур минақа тупроқ-икълим шароитига ишлаб чиқсан хulosалари ва тавсияларидан фойдаланилади. Ҳар бир экиндан мулжалдаги ҳосилни олиш учун амалга оширилиши зарур бўлган агротехник тадбирлар белгиланади.

Алмашлаб экиш лойиҳаси фермер хўжалиги аъзолари, жамоа хўжалиги мутахассислари томонидан муҳокама қилингач ҳар бир дала ва алмашлаб экишнинг чегараси кўрсатилади. Шундан сўнг ҳар бир алмашлаб экиш бўйича ўтиш даврига мулжалланган ротация жадвали тузилади, экинларнинг улар учун белгиланган далаларда экилиши назорат қилинади.

Алмашлаб экиш самарадорлиги бир алмашлаб экишдан олинган айрим экинлар ҳосилдорлиги, ялпи маҳсулот шу алмашлаб экишга ўхшаши билан таққослаш асосида баҳоланади. Масалан, гўза—беда—буғдой алмашлаб экишнинг бир плани (3:1:2), иккинчи плани (3:1:4) билан таққосланади.

Алмашлаб экишни баҳолашнинг иккинчи кўрсатгичи — маҳсулотнинг қиймати, таннархи, харажатлар миқдори, соф даромад ва бошқалардан иборат. Бундан ташқари, алмашлаб экишнинг тупроқ эрозиясига ва унумдорлигига таъсири кўп йиллик агрокимё картограммаларини (алмашлаб экишдан олдин ва кейин) солиштириш, ҳосилдорликни йилдан-йилга ортиб боришга асосланиб амалга оширилади.

Саволлар: 1. Алмашлаб экиш деганда нима тушунилади?

2. Алмашлаб экиш ротацияси ва схемаси ҳақида тушунча беринг.
3. Алмашлаб экишда экинларни алмаштиришнинг на зарий асослари нималар?
4. Алмашлаб экиш таркибидаги олд экинлар қандай гурӯхлардан иборат?
5. Алмашлаб экишнинг қандай турлари мавжуд?

30-§. ЎСИМЛИКЛАРНИ СУФОРИШ

Ўсимликлардан юқори ҳосил олиш уларни яшаш шароитларининг етарли ва мақбул бўлишини тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг аксарият кўп қисми адир минтақасида жойлашган бўлиб, етиштирилаётган маданий ўсимликларнинг ривожланиши мазкур ҳудуднинг сув билан таъминланганлик даражасига бөглиқ.

Ўсимлик сувни асосан тупроқдан олади. Республика-нинг текислик ва тог олди ҳудудларида тупроқдаги намлик сунъий сугориш ёрдамида яратилади.

Сунъий сугориш ҳудуд иклим-шароитига боғлиқ бўлади. Ўзбекистоннинг чўл қисмида йил давомида 100—150 мм ёгингарчилик ёгади. Йил давомида умумий булганишга 1300—1700 мм сув сарфланади. Тупроқнинг сув билан таъминлаш ва у билан боғлиқ бўлган озуқа ва туз режими далада етиштирилаётган ўсимлик учун зарур бўлган миқдорда сув бериш орқали бошқарилади. Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби унинг турига, илдизнинг ривожланганлик даражасига, ўсиш даврига ва бошқаларга боғлиқ. Шу сабабли ўсимликнинг ўсиш даврида сувга бўлган эҳтиёжи — тупроқ таркибидағи сувнинг миқдори ўзгариб туради.

Ўсимлик тупроқдан сувни илдизи орқали олиб барг сатҳидан мунтазам равишда буғлатиб туради. Бу жараён *транспирация* деб аталади.

Гўза ўсиш даврида (1 туп ўсимлик) 100—150 кг сув буғлатади. Барглар орқали сув булганиши маҳсус биологик мослама — устица орқали содир бўлади. Буғланиш иссиқликка, ёругликка, ҳавонинг намлигига, шамолнинг йўналиши ва тезлигига, тупроқнинг капилляр хоссаларига боғлиқ бўлади.

Сувнинг *тупроқ-ўсимлик-ҳаво (атмосфера)* тизимидағи ҳаракати тупроқ, ўсимлик танаси ва атмосферада ҳосил бўладиган молекуляр, капилляр ва гравитацион кучлар таъсирида вужудга келади. Бу кучлар тупроқ, ўсимлик ҳужайрасидаги эритмада босим ҳосил қиласи. Босим юқори жойдан босим паст жойга ҳаракат бошланади. Натижада жуда майданайтимон бушликлар орқали сув тупроқдан ўсимлик танасига утади, барглари орқали буғланади.

Сувнинг тупроқдан ўсимликка ўтиши *осмотик кучлар* орқали бошқарилади. Осмотик босим ҳужайра эритмасидаги сув молекуласининг кўп қисми эриган модда ва ионлар билан боғлиқ ҳолда гидратлар ҳосил қилганилиги, эркин сув молекуласи миқдори эса тупроқ эрит-

масидагига нисбатан кам булғанлиги сабабли ҳосил бўлади.

Диффузия таъсирида ҳужайрага ўтаётган сув унинг ички ҳажмини кенгайтиради ва осмотик босим ҳосил қилиб, ҳужайранинг плазматик ва ташқи қобигига таъсир этади. Ҳужайра қобиги бу босимга қарама-қарши тургор босим ҳосил қиласди. Осмотик ва тургор босим орасидаги фарқ ҳужайранинг сув тортиш кучини белгилайди ва қуидаги тенглама билан ифодаланади:

$$S = P - T,$$

бунда: S – ҳужайранинг сув тортиш кучи, атм; P – осмотик босим, атм; T – тургор босим, атм.

Барг орқали сувнинг бугланиши сув молекулаларининг барг сатҳидан ажralиши ва кенгайиши бўлиб, буглатадиган иссиқликка боғлиқ бўлади. Натижада маълум оғирликдаги сув газсимон шаклга – бугга айланади. Иссиқлик пасайгач буг қайта сувга айланади (конденсация).

Бугланиш – сув сатҳидан маълум вақтда ажralаётган, газсимон шаклга айланган сувдир. Ўлчов бирлиги мм (қалинлик) ёки m^3 (ҳажм). Ўзбекистоннинг текислик қисмида йил давомида сув сатҳидан бугланишга сарфланаётган сув миқдори 1800–2000 мм ни ташкил этади.

Ўсимликларнинг сув истеъмоли асосан илдизлар ёрдамида тупроқдан олаётган намлик билан барглар орқали бугланаётган сувдан иборат. Улардан ташқари, тупроқдан бугланаётган, оқовага сарфланаётган, илдиз тарқалган қатламдан пастга шимилаётган сувлар ўсимлик учун умумий сув сарфининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ўсимликларнинг сугориш тартиби деганда мазкур далага бериладиган сув миқдори, унинг ўсиш даврларидаги талабига қараб тақсимланиши тушунилади.

Экинларнинг сугориш тартиби қуидагиларга боғлиқ:

1. Икким-шароит (ҳарорат, ёгингарчилик миқдори ва унинг фаслларига қараб тақсимланиши, ҳаво нам-

лиги, бугланиш жадаллиги, шамол, унинг тезлиги ва йўналиши).

2. Тупроқ ҳолати (механик таркиби, тузилиши, сув-физик хоссалари, шурланиш даражаси).

3. Гидрологик шароитлар (ер ости сувларининг чуқурлиги, шўрланганлик даражаси ва ҳ.к.).

4. Хўжалик-иқтисодий шароитлар (қўлланилаётган агротехника таркиби ва сифати, тупроқ унумдорлиги, режалаштирилган ҳосилдорлик ва ҳ.к.).

Экинларнинг ўсиб-ривожланиш даврида берилган сув миқдори мавсумий, бир маротаба бериладиган сув миқдори сугориш меъёри дейилади. Мавсумий сугориш меъёри ҳар гал сугоришда далага бериладиган сув миқдорининг йигиндисига teng бўлади:

$$M = m_1 + m_2 + m_3 + \dots m_n,$$

бунда: M — мавсумий сугориш меъёри, $m^3/га$; m_1 , m_2 , m_3 , ... m_n — ҳар галги сугориш меъёрлари, $m^3/га$.

Мавсумий сугориш меъёри ўсимликнинг ривожланиш давларига ва гидромодуль райондаги сугориш тартибига қараб тақсимланади. Ҳар бир гидромодуль районда ҳар қайси экин учун алоҳида сугориш тартиби белгиланади. Масалан, бу тартиб гўза учун 2—4—1 шаклда бўлса, демак, шу гидромодуль районда мавсумда гўза 7 марта сугорилади. Бунда гўза гуллагунча икки маротаба, гуллаш-кўсак ҳосил бўлиш даврида 4 маротаба ва етилиш даврида 1 маротаба сугорилади. Мавсумий сугориш меъёри гўзанинг ривожланиш давларига қараб гуллашгача 15—20%, гуллаш-кўсак ҳосил бўлиш даврида 60—70% ва етилиш даврида 15—20% миқдорда тақсимланади.

Экинларни мақбул сугориш меъерини белгилаш учун: а) тупроқ қатламининг намиқиш чуқурлигини; б) тупроқ қатламининг энг кўп нам сигимини; в) тупроқ қатламининг сугоришдан олдинги намлигини; г) сугориш усусларини (бостириб, тахталарга бўлиб, жўяк олиб, эгат олиб, ёмгирлатиб ва ҳ.к.) билиш зарур.

Экинларни сугориш тартибини белгилашда тупроқ қатламидаги намликнинг сугориш олди мақбул миқдо-

рини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Гўза учун бу намлик миқдори 3 даврда: гуллашгача, гуллаш-кўсак ҳосил бўлиш ва етилишда аниқланади. Кўп йиллик тажрибалар асосида Узбекистоннинг сугориладиган деҳқончилик минтақасида гўза мажмуасига кирувчи ўсимликлар учун сугориш олди мақбул намлик дала нам сигимининг ўртача 70% ини ташкил этади.

М.П.Меднис маълумотларига қараганда гўзанинг тезпишар навларининг сувга талаби нисбатан юқори. Тезпишар навлар далада тупроқдаги намлик дала нам сигимининг 75% ини ташкил этганда сугорилгани маъқул. Кечпишар навлар экилган далада бу кўрсаткич тупроқ дала нам сигимининг 65% ини ташкил этганда сув берилса бўлади. Шурланишга мойил бўлган тупроқларда сугоришдан олдинги намлик дала нам сигимининг 75% ини (айрим ҳолларда 80% ини) ташкил этиши керак.

Мавсумий ва ҳар гал сугориш меъёри ва вақтини белгилаш намиқиши зарур бўлган тупроқ қатламининг қалинлиги билан bogлиқ. Гўза мисолида ўсимликнинг ривожланиш даврида ҳар галги сугориш меъёрини аниқлашда тупроқ қатламининг қалинлиги: шоналашгача – 0,5 м, шоналаш даврида – 0,7 м, гуллаш ва кўсак ҳосил бўлиш даврида – 1 м ва етилиш даврида 0,7 м бўлгани маъқул.

Шурланган ва ер ости сувлари чуқур бўлмаган далаларда сугоришга берилаётган сув миқдори ўсимлик талабига нисбатан 10–30% ортиқ бўлиши керак. Ортиқча сув тупроқнинг илдиз тарқалган қатламида йигилган тузларни ювади, ер ости сувларининг устки қисмида чучук сув йигилиб, тузларнинг капилляр бўшликлар орқали пастдан юқорига ҳаракати кескин камаяди.

Ўсимликларни сугориш вақтини баргнинг сўриш кучи асосида ҳам белгилаш мумкин. С.А. Гилдиев маълумотларига қараганда баргнинг сўриш кучи гўзанинг гуллаш давригача – 12 атм, гуллаш-кўсак бўлиш даврида – 14 атм ва етилиш даврида – 16 атм бўлганда сугориш зарур.

Мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланиш асосида экинларни суғориш учун далага бериладиган сув миқдори — меъёрини тұгри аниклаш ётади. Бүнинг учун тупроқнинг дала нам сиғими, мазкур ўсимлик учун тупроқда намликтин кам миқдори ва намиқиши зарур бўлган тупроқ қатламининг қалинлигини билиш зарур. Шу кўрсаткичларнинг миқдорини қуидаги тенгламага қуйиб ўсимликни суғориш меъёри аникланади:

$$W = (A - B) \times h + K,$$


бунда: W — суғориш меъёри, m^3/ga ; A — қатламдаги ўртача дала нам сиғими, %; B — суғорищдан олдин қатламдаги ўртача намлик (A — қатламдагига нисбатан %); h — қатлам қалинлиги, см; K — суғориш даврида бугланишга сарфланадиган сув миқдори (W нинг 5—10% ини ташкил этади), m^3/ga .

- Саволлар:*
1. Ўзбекистонда етиштириладиган экинлар нима учун суғорилади?
 2. Тупроқдан ўсимликка илдиз орқали сув ўтиш механизми нимадан иборат?
 3. Ўсимликларнинг суғориш меъёри қандай аникланади?
 4. Ўсимликларни суғориш тартиби деганда нима тушиналади?
 5. Ўсимликларни тупроқдаги суғориш олди намлиги (ғўза мисолида) неча фоизни ташкил этади?

IV б о б. ҮСИМЛИКШУНОСЛИК

31-§. ҮСИМЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Үсимлик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, бир-бирига мувофиқ хизмат қилувчи аъзолар — илдиз, поя, барг, гул ва мевалардан тузилган. *Илдиз, поя, барг ўсиш (вегетатив)*, гул ва мева — *кўпайшиш (генератив)* аъзоларидир. Үсимликнинг ҳамма аъзолари ҳужайралардан таркиб топган бўлиб, улар үсимлик ҳаётида ўзига хос функцияларни (вазифаларни) бажарувчи *тўқималарга* бирлашган бўлади. *Тўқималар қопловчи, ассимиляцияловчи, ўтказувчи, механик жамғарувчи, ўсувчи* ва бошқаларга бўлинади.



3-р а с м. Үсимликлар илдизининг тузилиши:

- I. Икки паллалиарнинг ўқ иллизи (утлоқи беда): 1—илдиз бўғизи; 2—асосий ўқ илдиз; 3—ён илдизлари; 4—майда илдизчалар ва унданаги туганаклар. II. Бир паллали үсимликларнинг попук илдизи: 1—туплаш бўғини; 2, 3—поя илдизлар; 4—поя илдизларнинг майда илдизчалари. III. Маккажӯхорининг илдизи. IV. Бегония баргининг илдизи. V. Картошкагулнинг тугунағи: 1—эски оналик тугунақ; 2—ёш тугунақлар; 3—илдиз бўғизи.

Илдиз ўсимликни тупроқда маҳкам ушлаб туриши, сувни ва ундан эриган минерал ва органик моддаларни сўриб олиши учун хизмат қилади. Кўп йиллик ўсимликларнинг илдизида озуқа моддалар йигилади. Илдиз икки турдаги тизимга бўлинади: ўқ *илдиз* ва *попук илдиз*. Ундан ташқари, *инсимон*, *патсимон* ва *бурама* шаклдаги илдизлар ҳам учраши мумкин (3-расм).

Ўқ илдиз асоси яхши ривожланган бўлади, ундан ён илдизлар ўсиб чиқади. Шакланиши бўйича ўқ илдиз асосий ҳисобланади ва у уруғ *ўсимтасидан* бошлигади.

Попук илдизда асосий илдиз бўлмайди. Попук илдиз жуда кўп бир хил йўғонликдаги илдизлардан иборат. Илдизнинг ёш, ўсуви қисмини унинг *ўсиш нуқтаси* деб аталади. Унинг учи *илдиз халтаси* билан қопланган бўлиб, у илдизни тупроқнинг қаттиқ заррачалари томонидан шикастланишдан сақладайди. Етилган илдизнинг кўндаланг кесими *пўстдан* ва *марказий цилиндрдан* ташкил топган бўлади. Пўсти *эпидермисдан* (ташқи ҳужайралар ва илдиз туклари), *экзодермадан* (Эпидермис ҳалок бўлгандан сўнг пўкакка айланадиган 3—6 қатор ҳужайралардан), илдиз паренхимасидан (озиқ моддали ҳужайралар) ва *эндодермадан* (пўстга маҳкамлик берувчи механик тўқима) ташкил топган.

Марказий цилиндрдан бирламчи ёғоч ва бирламчи луб, улар орасида эса асосий паренхима — озиқ моддали тўқима ўтади. Ёғоч тўқималар (ёғоч қисми) орқали илдиз сўриб олинган озуқа моддаларни сув ёрдамида ўсимликнинг барча аъзоларига етказиб беради. Луб тўқималар орқали сув фотосинтез жараёнида баргларда ҳосил бўлган моддалар билан бирга ҳаракатланади.

Поя. Ўсимлик шохларининг ўқ қисми **поя** деб аталади. Поя тупни ушлаб туришга, моддаларнинг ҳаракатланишига ва баъзан ўсимликни вегетатив кўпайишига хизмат қилади. Поя озиқланишнинг асосий аъзолари бўлган илдиз ва баргларни ўзаро боғлаб туради. Поя *тўғри турувчи, ўрмаловчи, чирмашувчи* ва *ётиб ўсуви* турларга бўлинади.

Поя кесими уч қатламдан иборат. Ташқи юпқароқ

қатlam — бу *пүст*. Пүст тагида энг күп бўлган зич қатlam — *ёғоч*. Поянинг марказида ўзак ёки бўшлиқ (асосан бошоқлиларда) бўлади.

Пүст ва ёғоч орасида камбий ўтади. У янги ҳужайралар ҳосил қилувчи *түқима* ҳисобланади (поянинг бўйига ва энига ўсишини таъминлайди). Ёғочдан таркибида эриган моддалар бўлган сувни ўтказувчи *найчалар* ўтади. Ўзакда озиқ моддалар захираси ҳосил бўлади.

Барг. Үсимликда фотосинтез жараёни барг орқали содир бўлади, у сувни транспирация (буғланишини) бўлишини таъминлайди. Барглар *оддий* ва *мураккаб* бўлади. Барг бандида битта япроқ жойлашган бўлса *оддий*, бир нечта япроқ жойлашган бўлса *мураккаб барг* дейилади (4-расм).



4-р а с м. Мураккаб барглар:

1—патсимон кертикли барг; 2—панжасимон кертикли барг; 3—патсимон бўлинган барг; 4—кўп марта бўлинган барг; 5—жуфт япроқли жингалакли барг; 6—панжасимон бўлинган барг; 7—тоқ япроқли мураккаб барг; 8—уч япроқли мураккаб барг; 9—кушалоқ патсимон мураккаб барг.

Барг юзаси *юпқа пүст* (*эпидермис*) билан қопланган бўлиб, ундан ёруғлик bemalol ўтади. Эпидермис юзасида мумсимон моддадан иборат парда қатlam бўлади. У рангиз, нурни қисман қайтаришга хизмат қила-

ди, баргни бўкишидан ва ортиқча сув парлатиб юбо-ришдан сақлайди. Эпидермис тагида *устунсимон тўқима* жойлашган. Унинг ҳужайралари бир-бирига нисбатан зич жойлашади ва устунсимон ҳолда барг юзасига тортилади. Ундан кейин *ғовак тўқима* ётади, унинг ҳужайралари бўшроқ жойлашган бўлади ва улар орасида ҳаво бўшлиқлари ҳосил бўлади. Буни *ҳужайралараро бўшлиқлар* дейилади. Устунсимон, ғовак тўқималар ҳужайралари ўзида хлорофилл сақлайди, шунинг учун улар *ассимиляция тўқималари* ҳисобланади.

Барг томирлари икки томонидан (юзасидан) эпидермис билан қопланган. Унинг остида механик тўқима паренхима жойлашган. Томирнинг марказий қисми асосий паренхима билан тўлган бўлади. Унда битта йирик найча толасимон боғ жойлашган бўлиб, ундан луб ва ёғоч найчалар ўтади.

Устица — барг юзасидаги тешиклардир. Улар жуфт, тирик, ўзида хлорофилл сақловчи ҳужайраларда ҳосил бўлади. Улар орқали ўсимликда ҳаво алмашинуви ва сув транспирацияси содир бўлади.

- Саволлар:**
1. Ўсимлик танаси қандай органлардан иборат?
 2. Ўсимлик илдизи қандай вазифани бажаради?
 3. Ўсимлик пояси қандай вазифани бажаради?
 4. Фотосинтез жараёнида баргнинг аҳамиятини изоҳланг?
 5. Ўсимликнинг ўсиш (вегетатив) органларига нималар киради?


32-Ҷ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТЛАРИ

Ўсимликларнинг яшаш шароитларига *ёруғлик, иссиқлик, сув, ҳаво ва озуқа моддалари* киради. Ёруғлик, иссиқлик, ҳаво космик (коинот) омиллар ҳисобланади ва нисбатан инсон томонидан бошқарилади. Сув ва озуқа моддалари ўсимликка тупроқ орқали ўтади ва инсон меҳнати ва билими билан тўлиқ бошқарилади. Ўсимлик ривожланишига тупроқнинг тузилиши, биологик хусусиятлари, органик моддаларнинг парчаланиши ҳам таъсир этади. Ўсимликларнинг ривожлани-

шига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга ҳар хил зараркунанда, ҳашаротлар ва касалликлар киради. Ўсимлик яшаш шароитларининг асосий вазифаси ва моҳияти қуидиа келтирилади.

Ёруғлик. Ўсимлик танасида ва унинг иштирокида ҳосил бўлаётган органик моддалар — углевод, ёғ, оқсили, фермент ва бошқалар қўёш энергиясининг мұжассамлашган йиғиндисидир. Органик моддаларнинг парчаланиши натижасида иссиқлик ҳосил бўлади. Бунинг асосий манбай қуёшдан келаётган ёруғлик бўлиб, барча организмлар органик моддаларни истеъмол қилади, парчалайди ва уларнинг таркибидаги кўзга кўринмайдиган қўёш нури энергиясини шакллантиради. Натижада ўсимлик ўсади ва ривожланади.

Ўсимлик ҳаётида ёруғликнинг моҳиятини дастлаб К.А.Тимириязев очиб берган. Қўёш нури таъсирида ўсимлик баргларида яшил пигментлар — хлорофил доначалари ҳосил бўлади. Хлорофил доначалари неорганик моддалар — сув ва карбонат ангидрит газидан органик модда ҳосил қиласи. Бу жараённи *фотосинтез* дейилади ва қуидаги шаклда ифодаланади:



Фотосинтез жараёни натижасида қўёш энергияси органик моддалар шаклида сақланиб қолади. Шундай қилиб, ўсимлик қолдиқлари ва мевалари инсон учун қўёш энергиясининг ўзгарган шаклидир. Шулар қаторига ер ости бойликлари — нефть, газ, торф, сланцлар ҳам киради.

Ер сатҳига тушаётган ёруғлик сифатидаги қўёш энергияси таркибига кўра 3 қисмдан иборат: *ультрафиолет нурлар, кўзга кўринадиган ёруғлик ва инфрақизил нурлар*. Буларнинг ичидаги энг муҳими қўзга кўринадиган нур бўлиб, уни физиологик радиация ёки актив фотосинтетик нурланиши дейилади. Ўсимлик танасида содир бўладиган барча физиологик жараёнлар шу нур таъсирида содир бўлади.

Ёруғлик етарли бўлган тақдирда ўсимлик яхши ўсади, ривожланади ва ҳосил беради. Ёруғлик бўлмагандан

ўсимлик баргларида хлорофилл доначалари ҳосил бўлмайди, ўсимлик нимжон бўлади, ҳосил бермайди.

Куёшнинг инфрақизил нурлари таъсирида баргнинг иссиқлик режими ва физиологик жараёнларнинг жадаллиги ўзгаради. Ўсимлик ривожланишида кун давомида ёргулкнинг миқдори муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик ривожланиш даврида ёруғлик даврини ўтмасдан гуллаш ва ҳосил қилиш даврига ўтолмайди. Айрим ўсимликлар учун ёруғлик даври кун давомида қўйидагича бўлиши зарур:

ғўза, бодринг, помидор, гармдори учун — 8—12 соат; буғдой, сули, редиска, кўкатлар учун — 14—17 соат.

Куёш ёруғлигидан фойдаланиш коэффициенти ўсимлик баргининг сатҳига боғлиқ. Бу кўрсаткичнинг энг кўп миқдори ўсимликларнинг гуллаш ва мева ҳосил қилиш даврига тўғри келади.

Иссиқлик. Ўсимлик ривожланиши жараёнида содир бўладиган асосий жараёнлар — *фотосинтез, нафас олиши* ва *транспирация* (ўсимлик барги ва танасидан сув буғланиши) атроф-муҳитдаги ҳароратга боғлиқ. Ўсимлик ривожланиши учун мақбул ҳарорат биокимёвий жараёнлар энг ривожланган даврдаги иссиқлик ҳисобланади. Ўсимлик учун асосий иссиқлик манбаи қўёш радиациясидир. Ўсимлик ривожланиши даврида зарур бўлган умумий иссиқлик миқдори мазкур ўсимликнинг ривожланиш (вегетация) даври ва кун давомида у сарфлайдиган мақбул иссиқлик миқдори билан белгиланади. Шу билан бирга ўсимлик навига, озиқланиш тартибига, метеорологик шароитларга, ривожланиш даврининг узун-қисқалигига, ер сатҳининг паст-баландлигига боғлиқ бўлади. Айрим ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосил бериши учун қўйидаги миқдорда кундаги ўртача ҳарорат зарур: ғўза учун — 3500—5000°С; картошка учун — 1300—3000°С.


Тупроққа экилган уруғ маълум даражада иссиқлик бўлмаса кўкармайди, ундаги ферментатив жараёнлар ривожланмайди. Ўсимликлар уруғи тупроқда ҳарорат қўйидаги даражада бўлганда унади:

Ғұза — 12—14°С; бүгдой — 1—2°С; лавлаги — 3—4°С; маккажүхори — 8—10°С; кунгабоқар — 5—6°С; соя — 8—10°С.

Хар бир ўсимликтің ривожланиш даврида иссиқ-ликка бўлган талаби ҳар хил. Масалан, картошка ҳарорат жуда иссиқ бўлса «болаламайди», ғұза кўсаги энг юқори ҳароратда (+36°С) кўп ва сифатли тола беради. Шуларни назарда тутган ҳолда маданий ўсимликлар худуднинг тупроқ-икълим шароитларини назарда тутган ҳолда районлаштирилади.

Ҳаво. Ҳаво ўсимликтин, тупроқдаги микроорганизмларни, нафас олиши учун кислород, фотосинтез жараёнида карбонат ангидрид билан таъминлаш учун асосий манба ҳисобланади. Ҳавонинг таркибида ўсимликтин жуда зарур бўлган *азот, амиак ва фосфор оксиди* мавжуд.

Ўсимлика кислород органик моддалар ҳосил қилиш, нафас олиш учун зарур. Ўсимликтин нафас олиши, қанд моддалари ва ёғларнинг оксидланиш жараёни қўйидаги тарзда содир бўлади:



Нафас олиш натижасида *карбонат ангидрид гази, сув ва ўсимлик* учун зарур бўлган *иссиқлик энергияси* ҳосил бўлади. Ўсимлик ҳавони атмосферадан олади. Айрим ўсимликлар (шоли, ботқоқда ўсадиган ўсимликлар)нинг илдизлари поя билан бирлашган бўлиб зарур кислородни ҳаводан олади.

Тупроқ қатламининг бўшлиқлари асосан ҳаво ва сув билан банд бўлади. Бўшлиқларда сув қанча кўп бўлса, ҳаво шунча кам бўлади. Тупроққа ишлов бериш орқали унинг донадорлиги оширилганда унинг таркибидаги ҳаво миқдори ортади, ўсимликтин мақбул шароит яратилади.

Сув. Сув — ўсимлик ўсиб-ривожланишида энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўсимлик танасида 75—90%, айрим қисмларда 98% гача сув бўлади. Сув ҳужайра протоплазмасида ва ядроисида бўлади. Сув ўсимликтин барча ривожланиш даврларида зарур. Ўсимлик

уруғи маълум қисм намликни шимиб олгандан сўнг кўкара бошлайди. Масалан, айрим ўсимликлар уруғи сув қўйидаги миқдорда бўлганда унади (тупроқ оғирлигига нисбатан фоиз ҳисобида): ғўза — 90%, буғдой — 48—57%, маккажўхори — 40%, беда — 140%, нўхот — 114%.

Сув кимёвий модда сифатида ўсимлик танасида органик моддаларни ҳосил бўлиши учун зарур. Унинг иштироқида биокимёвий жараёнлар содир бўлади. Сув ҳисобига ҳужайра ва ўсимлик танасида тургор ҳолати сақланиб туради. Ҳужайраларнинг бўлининиши (кўпайиши), фотосинтез жараёни, ўсимликнинг нафас олиши тургор ҳолатда содир бўлади. Фотосинтез жараёни устицаларнинг очилиши билан бирга баргдаги сувнинг миқдорига ҳам bogлиқ бўлади. Ўсимлик танасида сув камайиши натижасида унинг нафас олиши жадаллашади, фотосинтез жараёни секинлашади, углеводлар камаяди, ўсимлик қурий бошлайди. Ўсимликда сув буғланганда иссиқлик сарфланади, натижада унинг танасида ҳарорат пасаяди ва иссиқликнинг салбий таъсирдан ҳимояланади. Ўсимликлар сувга бўлган талабига қараб: *ксерофитларга* — кургоқчиликка чидамли (саксовул, янтоф); *гидрофитларга* — сув кўп талаб қиласидан (қамич, сув ўтлари, шоли); ва *мезофитларга* — сувни нисбатан кам талаб қиласиданларга бўлинади. Мезофитлар асосан ўртача иқлим шароитда тарқалган бўлиб, айримлари сувни кўпроқ, айримлари камроқ истеъмол қиласиди: ғўза — 6500—8000 м³/га; буғдой — 2000—2500 м³/га; беда — 8000—10000 м³/га; маккажўхори — 5000—6500 м³/га, қанд лавлаги — 3000—3500 м³/га.

Ўсимликнинг сувга бўлган талаби транспирация (сув буғлатиш) коэффициенти билан белгиланади. Транспирация коэффициенти деганда бир ўлчамдаги куруқ ўсимлик молдасини ҳосил қилишга сарфланадиган сув миқдори тушунилади. Бу кўрсаткич буғдойда — 513, ғўзада — 646, бедада — 831, маккажўхорида — 368 га тенг. С.Н.Рижов маълумотларига қараганда ўсимликларнинг транспирация коэффициенти тупроқ унумдор-

лигига боғлиқ бўлади. Унумдорлик юқори бўлса тупроқ эритмасида озуқа моддалари кўп бўлади, ўсимлик транспирация коэффициенти нисбатан паст бўлади. Масалан, унумдор ерларда юқори ҳосил олингандага (40—50 ц/га) ва талабга мувофиқ сув берилгандага фўзанинг транспирация коэффициенти 400—500 га, унумсиз ерларда кам ҳосил олингандага 800—1000 га тенг бўлади.

Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби ўсиш даврида ҳар хил бўлади. Сувга энг кўп талаб айrim ўсимликлар учун қуидаги даврларга тўғри келади:

фўза — гуллаш, ҳосил шаклланиш даври;
буғдой — поялаш, бошоқлаш даври;
маккажӯхори — гуллаш, сутсимон пишиш даври;
оқжӯхори — бошоқлаш, дон шаклланиш даври;
тариқ — бошоқлаш, дон шаклланиш даври.

Ўзбекистоннинг текислик қисмida ўсимликнинг сувга бўлган талаби, уни бошқариш сунъий суфориш ёрдамида амалга оширилади.

Озуқа моддалар. Ўсимлик ўсиши даврида ҳаво, тупроқдан ҳар хил кимёвий ва микроорганизмлар ҳосил қилган моддаларни истеъмол қиласди. Ўсимлик таркибида 85 та кимёвий модда мавжуд бўлиб, уларнинг биронтаси етишмаса ҳосил камаяди ёки у қуриб қолади. Ўсимликлар истеъмол қиладиган кимёвий моддалар З гурӯхга бўлинади:

макроэлементлар — азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт, темир, ўсимлик таркибида уларнинг миқдори 0,02% дан ортиқ;

микроэлементлар — бор, марганец, рух, мис, цинк, молибден, йод, кобалт, ўсимлик таркибида уларнинг миқдори 0,02%;

ультрамикроэлементлар — йод, стронций, ванадий, кумуш, титан, уран, ўсимлик таркибида уларнинг миқдори 0,01%.

Юқорида кўрсатилган кимёвий моддаларнинг ўсимлик учун моҳияти қуида келтирилади.

Азот. Ўсимлик таркибида бу модда органик бирик-

малар шаклида бўлиб оқсил, нуклеин кислота, хлорофилл, липид ва ферментларни асоси ҳисобланади. Азот етарли бўлмаса фотосинтез жараёни сустлашади, ўсимлик барги яхши ривожланмайди. Азот ортиқча бўлса ўсимлик жадал ўсади, лекин кам ҳосил беради. Ўсимлик танасида азот жуда ҳам ҳаракатчан бўлади, танаси қариганда уруғга, ёш навдаларга ўтади.

Фосфор. Ўсимлик таркибида ноорганик фосфатлар, фитин кислотаси ёки нисбатан кўп миқдорда нуклеотидлар шаклида бўлади. Тирик ҳужайрада модда алмашиниши (энергия ажралиши) ва полисахаридлар ҳосил бўлиши фосфор кислотаси иштирокида бўлади. Ўсимликни фосфор билан етарли озиқлантирилса гўза ургида ёғнинг миқдори ошади.

Олтингугурт оқсил таркибига киради. Фотосинтез жараёни олтингугурт етарли бўлганда яхши ўтади, етишмаганда баргда хлорофилл доначалари камаяди. Ўсимлик олтингугуртни оксидланган (SO_4) шаклда истеъмол қиласи. Унинг етишмаслиги натижасида ўсимликнинг нафас олиши сусаяди, ҳосилдорлиги камаяди.

Калий ўсимлик танасида минерал тузлар ва органик кислоталар тузи шаклида бўлади. Калий таъсирида ўсимликнинг танасида озуқа моддаларнинг ўзлаштирилиши, ҳаракати таъминланади, модда алмашиниши жадаллашади.

Темир ўсимлик танасида оксидланиш—қайта тикланиш жараёнларнинг йўналишини таъминлайди, хлорофилл доналари нитратлар ҳосил бўлишида иштирок этади. Темир етишмаса ўсимлик барглари саргаяди, рангсиз бўлади, хлороз касалига йўлиқади.

Марганец ўсимлик нафас олишида иштирок этади, нитратлар ва фосфор алмашинувида иштирок этади.

Мис оқсилнинг ҳосил бўлишида иштирок этади, барг хлоропластиди, ферментлари таркибида бўлади, нитратлар ҳосил бўлишида қатнашади.

Бор ҳужайра деворларида йигилади. Органик бирикмалар таркибида глюкоза, фруктоза, глицерин, вино кислотаси ва бошқалар ҳосил бўлишида иштирок этади. Бор етарли бўлганда ўсимлик танасида углеводлар

ва оқсиллар алмашинуви, ўсиши, мева ҳосил бўлиши жадаллашади.

М.В.Каталимов маълумотига кўра, ёш ўсимлик та-насида қуидаги кимёвий моддалар (қуруқ модда миқдорига нисбатан % ҳисобида) мавжуд: углерод — 42,1; кислород — 37,9; водород — 5,5; азот — 4,2; олтингурт — 0,3; фосфор — 0,1; магний — 0,3; калий — 5,5; кальций — 0,6; темир — 0,03; марганец — 0,01; бор — 0,001; мис — 0,001; руҳ — 0,002; молибден — 0,0002.

Етиштирилаётган ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун зарур бўлган кимёвий моддаларни минерал ўғит сифатида тупроққа солиш деҳқончилик маданиятининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Ҳар бир ўсимлик барча яшаш шароитларнинг мавжудлигига ўсиб ривожланади. Агар улардан биронтаси етарли даражада бўлмаса, ўсимлик яхши ўсмайди, ҳосил бермайди. Яшаш шароитларнинг барчаси ўзига хос моҳият ва аҳамиятга эга. Уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўсимликнинг турига, ўсиш даврларининг ўтишига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

- Саволлар:**
1. Ўсимликларнинг яшаш шароитлари деганда нималар тушунилади?
 2. Ўсимлик ривожланишида ёруғликнинг аҳамиятини изоҳланг?
 3. Ўсимлик ривожланишида иссиқликнинг аҳамияти нимада?
 4. Ўсимликка ҳаво нима учун зарур?
 5. Ўсимлик ривожланишида сув қандай вазифаларни бажаради?

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКИЛАДИГАН АСОСИЙ ЎСИМЛИКЛАР БИОЛОГИЯСИ ВА АГРОТЕХНИКАСИ

33-§. ҒҮЗА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Ғўза (пахта) экини Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги экинлари ичидаги энг асосийи ҳисобланади. У жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Ундан жуда кўп истеъмол моллари тайёрланади. Шунинг учун ҳам харид қилувчи хорижий мамлакатлар кўпдир. Улар билан савдо-сотиқни ривожлантиришда, мол айирбошлишда катта аҳамиятга эга.

Ғўза асосан толаси учун экилади. Лекин ундан 150 хилдан ошиқроқ маҳсулот олинади. Айниқса, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатига хомашё, чорва молларига озуқа беради. 1 тонна пахтадан 320—380 кг тола, 10—14 кг момик, 10—12 кг улоқ ва 600—640 кг чигит олинади. Чигитдан эса инсон истеъмол қиласидиган 100—120 кг ёғ, 210—230 кг кунжара, 170—180 кг шелуха чиқади. Толасидан эса 300 м мато, 8000 м полотно, 1200 м чит, 2000 м батист ёки 140000 тагача галтак ип олиш мумкин. Бундан ташқари совун, спирт, маргарин, глицерин, мой маҳсулотлари, лимон ва олма кислоталари, атир-упалар, целлюлоза, целофан, картон, қофоз, глюкоза, лак, бўёқ, алиф, доривор препаратлар, оқсил, ачитқи ва бошқа нарсалар тайёрланади. 1 т шелухадан 85 л спирт, 20 кг карбон кислота, 20 кг сирка кислота, 3—4 кг елим, 55 кг хамиртуруш олиш мумкин.

Ғўза экини тўплаган органик модданинг 33 фоизи пахта ҳосили, 24 фоизи поя, 22 фоизи барг, 12 фоизи чаноқ ва 9 фоизи илдиздан ташкил топган.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Ғўза Госсипиум авлодига, гулхайрисимонлар оиласига мансубдир. Унинг 35 тури маълум, шундан 5 тури, бизнинг мамлакатимизда эса 2 тури экилади:

1. Госсипиум хирзутум — ўрта толали оддий ғўза.
2. Госсипиум барбадензе — ингичка толали Перу ғўзаси.

Пахта толасидан 15—30 минг йиллар илгари фойдаланилганлиги таҳмин қилинади. Лекин 5 минг йиллар олдин экилгани аниқланган. Унинг ватани Африка ва Ҳиндистон ҳисобланиб, у ерларда ёввойи ҳолда учрайди. Кўп йиллик дараҳт шаклида ўсади. Бўйи 6—12 м ташкил қиласи. Бизда асосан бир йилликка айлантирилган турлари мавжуд.

Ғўза жаҳоннинг 83 мамлакатида экиласи.

Морфологияси. Илдизи бақувват ўқ илдиз бўлиб 2,4—2,6 м чуқурликка кетади. Асосий қисми эса 0,5 м жойлашади. Илдизининг диаметри 1—3 см келади. Ён илдизлари ҳам жуда ривожланган. Пояси тик ўсади. Оддий ғўзанинг бўйи 70—140 см, ингичка толалиники эса 120—200 см етади. Поянинг диаметри 1—2 см. Ғўзада икки хил шох бўлади. Биринчи — моноподиал (ўсув шохи), иккинчisi — симподиал (мева шохи). Булар асосий поядаги барглар қўлтиғида пайдо бўлади. Асосий поядан 20—25 тагача барг чиқади. Моноподиал шоҳлар иккинчи ёки учинчи барг қўлтиғидан пайдо бўлиши мумкин. Уларнинг сони битта ўсимликда 2—3 та бўлади. Моноподиал шоҳлар асосий пояга ўткир бурчак ҳосил қилиб бақувват ўсади. Улар ҳосил бермаслиги мумкин. Асосий поя шикастланса, синиб нобуд бўлса, шундагина ривожланиб, улар ҳам ҳосил беришга қарашади (5-расм).



5-расм. Ғўза ўсимлигининг умумий кўриниши:

1—асосий поя; 2—мева; 3—мева шоҳлари;
4—ўсув шохи.

Поясининг 4—6-барглари қўлтиғидан симподиал шохлар пайдо бўлади. Уларнинг сони 15—20 та бўлиши мумкин. Симподиал шохлар 4 типга бўлинади. Бунда ҳосил шоҳдаги бўғимларнинг узунлиги ҳисобга олинади: I тип — 2—5 см, II тип — 5—10 см, III тип — 10—15 см ва IV тип — 15—20 см бўлиши лозим.

Ғўзанинг барги навбат билан жойлашади. У оч яшил ёки тўқ яшил бўлади. Шакли ҳам ҳар хил. Асосан, кенг учбурчаксимон бўлиб, 3—7 бўлимдан иборат.

Ғўзанинг гули икки жинслидир. У йирик бўлади. Гул мева банди, 3 та гул ён баргчаси, гулкосача, гултож, чанг устунчаси ва уруғчасидан иборат. Гул тўкилгач, 20—25 кунда кўсак етилади.

Кўсак 4—5 чаноқли бўлиб, ундаги пахтанинг вазни 2—12 г келади. Битта кўсакда 25—35 та чигит мавжуд бўлади.

Чигит тухумсимон ёки ноксимон шаклда бўлиб, узунлиги 0,6—1,5 см, диаметри 0,5—0,8 см келади. Чигитнинг 1000 та донаси вазни 80—160 г, унинг мағзида 22—29 фоиз ёғ, 20—22 фоиз оқсил бор. Пахта толасининг узунлиги 40—41 мм бўлса — I типга, 38—39 мм бўлса — II типга, 37—38 бўлса — III типга, 35—36 мм бўлса — IV типга, 33—34 мм бўлса — V типга, 32—33 бўлса — VI типга мансуб бўлади. Ингичка толали пахталар — III типга, оддий пахта толалари эса — IV, V, VI типларга киради.

Чигитли пахтада толанинг миқдори 20—43% ни ташкил қиласи.

Биологияси. Чигитнинг ердан кўкариб чиқиши учун тупроқнинг 10 см қатламида ҳарорат $14-16^{\circ}\text{C}$ бўлиши лозим. Агар у 12°C да экилса — 16 кунда, 18°C да экилса — 10 кунда, 25°C да экилса — 5 кунда униб чиқади. Ғўзанинг яхши ўсиб ривожланиши учун $25-36^{\circ}\text{C}$ ҳарорат зарур. Агар ҳарорат $17-20^{\circ}\text{C}$ дан пасайиб ёки $38-40^{\circ}\text{C}$ дан кўтарилиб кетса, унга ёмон таъсир қиласи. Ҳарорат 0°C дан пасайиб кетса ўсимлик нобуд бўлади.

Ғўза экилгандан токи пишиб етилгунча $1700-2000^{\circ}\text{C}$ фойдали ҳарорат талаб қиласи. Бу қуйидагича тақсим-

ланади: чигит экилгандан униб чиққунча 84°C , шоналагунча 500°C , гуллагунча 950°C ва пишгунча 680°C .

Ғұза 5 та ривожланиш даврини ўтади ва ҳар бир даврни ўтиш учун қүйидаги күн талаб қиласы:

1. Униб чиқиш учун — 8—12 күн.
2. Биринчи қақиқиң барг күрсатиш учун — 8—12 күн.
3. Шоналаш учун — 25—30 күн.
4. Пишиб етилиш, яғни құсакнинг очилиши учун 50—60 күн.

Пахтанинг вегетация даври қүйидагида бўлади:

1. Ўрта толали оддий пахта навлари учун 125 — 150 күн.
2. Ингичка толали пахта навлари учун 145—150 күн.

Ғұза қуёшли ёруғ кунларни ёқтиради. Шундай бўлганда фотосинтез яхши ўтади. Ёки 1 соатда 1 m^2 барг юзасида 1,46 г қуруқ модда ҳосил қиласы. Ҳаво булат бўлганда эса ассимиляция маҳсул жуда камайиб 0,0073 г ни ташкил қиласы. Шунинг учун ғұза қалинлиги меъёрида бўлиши, бегона ўтлардан холи ва салқинда қолмаслик керак.

Ғұза қурғоқчиликка анча чидамли, аммо сувни ёқтиради. Транспирация коэффициенти 600—1400 га тўғри келади. У транспирацияга биринчи қақиқиң барг күрсатиш даврида бир кечай кундузда ҳар гектарга 10—12 m^3 , шоналашда 30—35 m^3 , гуллаш ва пишиш олдидан (июль—август) 80—120 m^3 ва пишиш даврида 30—40 m^3 сув сарфлайди. Ҳамма вегетация даврида эса ўртача 5—6 минг m^3 сув сарфлайди. Серсувлук ёки сувсизлик пахтага ёмон таъсир кўрсатади. Пахтанинг озуқа элементларига талаби катта.

Ғұза денгиз сатҳидан 1200—1300 м баланд бўлган ҳамма тупроқларда ҳам ўсоверади. Лекин ўта шўрланган, ер ости суви ниҳоятда юза ($0,40$ — $0,50$ м), қум шағал ва тош қатлами юза (15—25 см) бўлган тупроқларни ёқтирамайди. Гумус моддасига бой, структураси донадор бўлган тупроқларда юқори ҳосил олиш мумкин.

Пахтанинг навлари:

149-Ф;	175-Ф;	Тошкент-1;
Оқ олтин;	C-6524;	Тошкент-2;
108-Ф;	138-Ф;	Термиз-16;
C-4727;	Юлдуз;	Чимбай-3013.

- Саволлар:** 1. Фўзанинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг.
 2. Фўза морфологияси деганда нима тушунилади?
 3. Фўза уруги — чигит тупроқ неча градусга кизиганда кўкариб чикади?
 4. Фўзанинг ривожланиш даври неча қисмдан иборат?
 5. Фўзанинг қандай навлари мавжуд?

34-§. ПАХТАНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Пахта етиштириш технологияси илмий жиҳатдан анча мукаммал ишланган.

Тупроқни ишлаш. Пахта экиладиган майдонлар албатта кузги шудгор қилинади. Бу катта самара беради. Кузги шудгор қилиш билан сугориш, ўгитлаш, тупроқ шўрини ювиш, бегона ўтлар, касаллик ва зааркунандаларни йўқотишга қулай имконият яратилади. Пахта ҳосилдорлиги 10—20 фоиз ошади, бегона ўтлар эса 50—60 фоиз камаяди.

Шудгорлашнинг муддати октябрь—ноябрь ойларига тўғри келади. Шудгорлашдан олдин фўзапоя (агар вилт билан касалланган бўлса) КВ—3,6 ёки КВ—4,0 агрегати ёрдамида юлиб олинади ва дала ташқарисига чиқариб ташланади. Вилт билан касалланмаган бўлса, у ҳолда поялар майдаланиб ерга ҳайдаб ташланади.

Шудгорлашдан олдин далалар бегона ўтлардан тозаланади, гўнг сепилади, фосфорли ва калийли ўғитлар солинади.

Ер ҳайдаш ПЯ—3—35 та ПД—3—35 қўш қаватли плугларда бажарилади. Унинг чукурлиги тупроқ қатламига қараб 30—40 см бўлиши лозим.

Бедали ерни бузганда, аввало юза қисми 6—7 см чукурликда ҳайдалиб, унинг илдиз бўтизлари қирқила-

ди. Ундан 8—10 кун ўтгач эса асосий чуқур (35—40 см) ҳайдов ўтказилади. Шудгор юзаси кузнинг ўзидаёқ ГН—4 ёки ГН—2,8 агрегатлари билан текисланиб қўйилади.

Экиш олдидан тупроқни ишлаш ҳар хил бўлади. Агар тупроқ шўрланмаган, зичлашмаган ва бегона ўтлардан холи бўлса, ернинг нами қочмаслик мақсадида бороналаб қўйилади. Бу иш эрта баҳорда шудгор юзаси қуриганда, занжирли тракторлар кириш мумкин бўлганда бажарилади. Ёки февралнинг охири ва мартнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бундай майдонларда чигит экиб ўз намига ундириб олиш мумкин.

Экиш олдидан тупроқ қайта ишланади. Бунда борона ва мола юргизилади. Сўнг тезлик билан экиш ишлари бажарилади. Акс ҳолда ернинг нами қочиши ва бегона ўтлар кўкариб кетиши мумкин. Бороналаш ва молалашда ПР—5 ва ВП—8 текислагич агрегатларидан фойдаланилади.

Агар тупроқ зичлашган, бегона ўтлар ўсган бўлса, у ҳолда ЧКУ—4 культиватори ёки КФГ—3,6 фрезаси юргизилгани маъқул. Кетидан бороналанади ва молаланиб экиласди.

Уруғлик сифати. Юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда чигитнинг сифатига алоҳида эътибор берилиши, у сараланган бўлиши зарур. Бунинг учун уруғлик алоҳида элита хўжаликларда етиштириллади. Уруғлик пахта унумдор майдонларга экилиб, ниҳоятда юқори агротехника қўлланилади. Йиғиштириш вақтида энг сифатли чигитлар олиш учун 3—8-чаноқларидағи пахтлар териб олинади.

Уруғлик пахтани терганда, унинг намлиги 9—10 фоиздан ошмаслиги лозим.

Ажратиб олинган чигитлар маҳсус машиналарда калибрланади (сараланади). Бундай чигитлар экилганда бақувват, бир текис кўчатлар олинади. Шунда улар авж олиб ўсади, ривожланади ва юқори ҳосил беради.

Чигит экиши. Чигитни экишдан олдин офтобга ёйиб 5—6 кун қиздириллади. Касаллик ва зааркунандаларга қарши дориланади. Бунда «фентиурам» препаратидан

фойдаланилади. Тукли чигитни экиш олдидан намланади. Бунинг учун 1 т чигитта биринчи намланганда 300 л, кейинги иккинчи ва учинчи намлашларда эса 600 л дан сув сарфланади. Экишнинг даслабки даврларида 12 соат, кейинчалик эса 18 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар қуруқлигича экилади.

Тезда ва бир текис кўчат ундириб олиш учун «мивал» биостимулятори ишлатилади. Бунда 5 л сувга 1 г препарат кўшиш кифоя. Туксизлантирилган чигитнинг 1 тоннасига 30—40 л, тукли чигит учун эса 500—600 л сув сарфланади.

Чигитни экиш вақтида тупроқда етарли намлик бўлиши, ҳарорат эса 12°С дан паст бўлмаслиги лозим. Бундай муддат жанубий вилоятларда 20—25 март, марказий вилоятларда 5—10 апрель ва шимолий вилоятларда 20—25 апрелга тўғри келади.

Энг аввало тукли, кейин эса туксиз чигитларни экиш тавсия қилинади.

Пахта асосан икки хил усуlda, қатор ораси 60 ва 90 см кенгликада экилади. Уларга белгиланган миқдорда чигит ташланади.

Чигит экиш миқдори туксизлантирилган бўлса ҳар гектарга 25—30 кг, тукли бўлса 60—70 кг белгилана-ди.

Чигитнинг экиш чуқурлиги 4—6 см бўлиши кифоя-дир.

Ягана қилингандан кейин ҳар гектарга ўрта толали пахта навларидан 110—170 минг туп кўчат қолдирила-ди. Фўза 1—2 чин барг чиқаргунга қадар яганани тугал-лаш лозим.

Фўза парвариши. Агар чигит экилгандан кейин қат-қалоқ пайдо бўлса, уни йўқотиш учун тишли борона-лар юргазилади. Ниҳоллар униб қолган бўлса, МВХ-5,4 ва МВ-2,8 маркали мотига ёки РОР ва УРОР ротация юлдузчали культиваторлар ишлатилади. Юмшатиш чуқурлиги 3—5 см бўлиши кифоя.

Фўзанинг ўсиш даврида унинг қатор оралари юмшатиб турилади. Биринчи культивация юзароқ ўткази-лади. Ишчи органларининг ўрнатиш чуқурлиги четки-

ларида 6—8 см, ўртадагисида эса 10—12 см ни ташкил қылади. Бунда ҳимоя зонаси 10—12 см дан ортиқ бўлмаслиги керак. Кейинги культивациялар бир оз чукурлатиб борилади. Масалан, қатор ораси 60 см экилган фўзаларни четки ишчи органлари 8—10 см, ўртадагиси 12—14 см, қатор ораси 90 см бўлганда эса 8—10 см ва 14—16 см чукурликда ўтказилади. Пахта бутун вегетация даврида 4—7 марта культивация қилинади. Далалярда ишлов сонини камайтириш мақсадида культивация билан бир вақтда ўғитлаш, суфориш учун эгат очиш, механизация ёрдамида чеканка қилиш ва бошқа ишлар бир йўла қўшиб бажарилади. Эгатларнинг чукурлиги эса 15—22 см бўлиши лозим.

Чигитни пуштага экиш. Бунинг учун кузда шудгор қилингач ер текисланади. Сўнгра ГХ-4 агрегати ёрдамида пушта олинади. Далани текислашда ВП-8 агрегатидан фойдаланилади. Пушталар баландлиги 60 см қилиб экилган далаларда 16—18 см, 90 см қилиб экилган майдонларда 25—30 см бўлади. Пуштани баҳорда ҳам олса бўлади. Бу иш фақат экишдан 20—25 кун илгари бажарилиши лозим. Агар табиий намлик ҳисобига чигит униб чиқишига ишонч ҳосил бўлмаса, у ҳолда экишдан 8—12 кун илгари пушталар суфорилади. Тупроқ етилгач, пушта юзаси юмшатилади ва бир йўла экиб кетилади. Фўзанинг пуштага экишнинг афзаллиги шундаки, далалар экишга 4—6 кун илгари етилади. Ҳосил 6—8 кун илгари пишади. Умумий ҳосил эса ҳар гектарда 4—6 ц ошади.

Ўғитлаш. Ерларга навбатлаб ҳар 3—4 йилда гектарига 30—40 т дан органик (гўнг ҳисобида) ўғит солиб турилади. Бу иш шудгорлаш олдидан амалга оширилади. Гўнг албатта чириган бўлиши шарт. Органик ўғит солинган майдонларда микроэлементларнинг миқдори ҳам ошади. Пахта минерал ўғитлардан азот, фосфор ва калийга талабчан. Фўза 1 т пахта ҳосили етиштириш учун 60 кг азот, 20 кг фосфор ва 50 кг калий элементи талаб қилади. Ингичка толали фўзалар эса яна 10—15 фоиз ошиқроқ истеъмол қилади.

Минерал ўғитлар билан озиқлантиришда унинг миқ-

дори ҳосилдорликка қараб белгиланади. Масалан, пахтанинг ҳар гектаридан 15—20 ц ҳосил олиш учун 100 кг, 20—25 ц учун — 150 кг, 25—30 ц учун — 200 кг, 30—35 ц учун — 250 кг, 35—40 ц учун — 300 кг, 40—45 ц учун — 350 кг соф азот берилади. Азотли ўғитлар ерга бўлиб-бўлиб солинади. Йиллик азот миқдорининг 25—30 фоизи экишдан олдин ерни ишлаш пайтида, 8—10 фоиз чигит экиш билан бир вақтда, қолган қисми ғўзанинг вегетация даврида иккига бўлиб берилади. Охирги озиқлантириш 10 июлдан кечикмаслиги шарт. Акс ҳолда ўғитлар зое кетади ва пахтанинг пишиши кечикади.

Фосфор ва калий ўғитлари тупроқдаги табиий миқдорига қараб азотга нисбатан 1:0,8 ва азот калийга нисбатан 1:0,5 белгиланади. Ёки ҳар гектарга 200 кг азот бериш керак бўлса, фосфор ва калийнинг миқдори 160 ва 100 кг ни ташкил қиласди.

Фосфор ўғитининг 70 фоизи ва калийнинг 50 фоизи шудгорлашдан олдин берилади. Фосфорнинг қолган қисми чигит экиш ва биринчи озиқлантириш пайтида, калийнинг қолган қисми эса иккинчи озиқлантиришда ишлатилади.

Тупроқ таркибиغا қараб микроўғитлар (мис, рух, темир, магний ва бошқалар) ҳам бериб турилса яхши бўлади.

Суғориш. Суғориш меъёри ва сони иқлим ва тупроқнинг шароитига, ғўзанинг ривожланиш муддатларига қараб белгиланади. Масалан, механик таркиби енгил (кумли ва кумлок) тупроқларда ғўза гуллагунга қадар гектарига 500—600 м³, гуллаш-кўсак тугиш даврида 700—800 м³, механик таркиби оғирроқларда 600—700 м³ ва 800—900 м³, сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда 700—800 м³ ва 1000—1100 м³, сизот сувлари яқин жойлашган тупроқларда 700—900 м³ сув сарфлаб суғорилади.

Вегетация даврида ғўза 3—12 марта суғорилади. Масалан, ер ости суви юза (80—120 см) жойлашган бўлса 3—4 марта суғориш кифоя. Агар у чуқур (18—20 м) жойлашган бўлса, 9—12 марта суғорилади.

Тупроқнинг юза қатлами тош, шағал ва қум билан қопланган бўлса тез-тез ва кўп марта сув берилади. Ёзанинг мавсумий сугориш миқдори ҳар гектарга 2800—11000 м³ бўлади.

Пахта йигим-терими. Йигим-терим мавсуми бошлинишдан 10 кун илгари йўллар, кўприклар, хирмонлар, бостирмалар таъмирланиши, тошторозилар, этаклар ва бошқалар тайёр бўлиши шарт. Ўқариқлар кўмилади. Терим машиналарининг қайтиш майдонларидағи ёзалар 8 м кенглиқда ўриб четга чиқазилади ва ўрни НГ-40 грейдери ёки Д-606 бульдозерида текисланади.

Биринчи машина теримига мавжуд кўсакларнинг камидаги 60 фоизи очилганда киришилади. Пахта ХВА-1,2, ХВВБ-1,8 ва ХНП-1,8 маркали машиналарда терим олинади. Орадан 12—15 кун ўтгач иккинчи машина терими ўтказилади. Ундан сўнг эса УПХ-1,5Б кўсак чивиш машиналари юргизилиб дала тозаланади.

Саволлар: 1. Пахта етиширишда тупроққа қандай ишлов берилади?

2. Уруғлар сифатига қандай талаблар кўйилади?
3. Чигит қандай чуқурликка ва меъёрда экилади?
4. Тупроққа ўғит солиш тартиби ва меъёри қандай?
5. Ёзани сугориш тартиби ва меъёри қандай?

35-§. ПЛЁНКА ОСТИГА ЧИГИТ ЭКИШ

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, эрта пишишни таъминлаш, тола чиқишини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, умуман технология жараёнларини тубдан ўзгартириб ва пахта таннархини арzonлаштириш борасида олимлар ва мутахассислар тинмай изланиш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш институтининг 1987—1991 йилларда Андижон вилоятида олиб борган тажрибалари оддий ва қўёш нуридан парчаланувчи плёнкалар остига чигит экиш мазкур усульнинг бир қатор афзалликларини аниqlаб берди.

Плёнка остига чигит экилганда ўсимлик оддий усулга нисбатан кунига 3—4 даражада иссиқлик ва ёруғликни кўп олади.

Баравар ривожланиб толанинг пишиши, чигитнинг тўлиши яхшиланади, натижада ҳосил эртанги бўлади. Шунингдек, оддий усулга нисбатан плёнка остига чигит экилганда супориш ва қатор ораларига ишлов бериш 50 фоизга камайиб, пахта таннархи бирмунча арzonлашади.

Плёнка остига чигит экиш учун биринчи навбатда ерларни танлай билиш керак. Бунинг учун унумдор, сизот сувлари яқин бўлмаган, қучли шўрланмаган тошшағалли бўлмаган, тупроқнинг механик таркиби ўртacha далалар танлаб олиниши лозим. Танлаб олинган далалар кузда икки қатламли плуг ёрдамида 35—40 см чуқурликда текис қилиб сифатли шудгорланиши керак. Ҳайдаш олдидан фосфорли, калийли ўғитлар йиллик меъёрининг камидаги 50 фоизини ва гектарига 30—35 тоннадан чириган маҳаллий ўғит солиниши мақсадга мувофиқдир.

Плёнканинг қалинлиги 6—8 микрон бўлганлиги боис у тешилиб, йиртилиб кетмаслиги учун ҳайдалган ерлар ғўзапоя қолдиқлари ва кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизларидан тўла тозаланиши шарт. Сўнгра далаларни «зиг-заг» бороналари билан бороналаб, ер текислагич механизмлар ёрдамида четларини сифатли текислаш лозим.

Баҳорда ер текислашда яхши етилган оби-тобига келган далаларга техника қўйилиши керак. Бунда ерлар яхши текисланиши, ҳаттоқи ёнгоқдек ҳам кесак бўлмаслигига эришиш зарур. Агар ерни тайёрлашда у етилмасдан эрта бошланса ер зичланиб, кеч бошланса сер кесак бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Янги усулнинг қуайлиги шундаки, тупроқнинг 10 см қатламида ҳарорат $8-10^{\circ}\text{C}$ даражада уруг экиш мумкин. Чунки, плёнка қўёшнинг таъсирида тупроқдаги ҳароратни 3—4 даражада оширади, чигит тўла ва текис униб чиқади, тез илдиз отади.

Плёнка остига экилган далаларда ҳар қандай об-

ұаво шароитида ҳам қатқалоқ бұлмайды. Тупроқ доимо майин ва юмшоқ ҳолатда сақланади. Плёнка туфайли олинаётган құшимча ҳарорат тупроқнинг пастки қатламидаги намликтин буғлатиб тепа қисмiga құтаради.

Намлик плёнкага етгач, яна куйига тушади. Тушганда ҳам намликтин асосий қисми чигит экилган жойга тушади. Натижада тупроқда нам етарли бұлиб чигит тұла униб чиқишига имконият яратиласы.

Уруғлик тайёрлаш. Плёнка остига экиладиган чигиттинг ўта сифатли тайёрланиши жуда муҳимдир. Тайёрланған уруғлик чигит биринчи тоифа сифатига әга бўлиши, қолдиқ тук миқдори 0,03 фоиздан, механик шикастланиши 6 фоиздан ортасынан лозим. Илдиз чириш ва гоммоз касаллуклари бўлмасликлари учун чигит сифатли дориланған бўлиши шарт.

Чигит экиш. Чигит 90 см схемада құш қаторлаб экилғанда эгаттинг кенглиги 60 см, құш қаторнинг оралиғи 30 см ва құчкатларнинг оралиғи 12 см бўлади. Шунда ҳар гектар ерга 180 минг туп күчат жойлаштиришга эришилади. Махсус келтириладиган плёнканинг эни 55—60 см кенгликда бўлади. Унинг ҳар бир фалтаги 12—15 кг ни ташкил этади. 8 микронли қалинликдаги плёнкадан ҳар гектарга 55—60 кг сарфланади. Плёнка ер юзасига 40—45 см кенгликда ёйилади, икки ёнидан 5 см дан тупроққа кўмилади. Чигит махсус сеялкада плёнка остига 3 см чуқурликда экилади.

Унинг устига диск ёрдамида тупроқ ташланиб, бу тупроқ резина плёнкалар билан 1 см қалинликда ошмаган ҳолда ёйиб кетилади. Агар плёнка устига тушадиган тупроқ белгиланған қалинликдан ортиб кетса, ёғингарчиликда қатқалоқ бўлиши мумкин. Шунга эришиш керакки, плёнканинг юзаси 2—5 см кенгликда очиқ туриши шарт. Экиш сеялкаси орқасидан албатта ҳар бир қаторда назоратчи бўлиши керак. Сабаби сеялка барабанида 12 та чигит тушадиган муштук бўлиб, уларга кесак ёки тупроқ тиқилиб қолса, чигит тушмай қолади. Барабанга 10 кг чигит сигади, лекин 7—8 кг дан солиш керак. Чунки чигит тұла солинса, айланма муштукларга тушмаслиги мумкин. Ҳар бир уяга 4—5

тадан чигит экилиш керак. Ана шунда ҳар гектарига ўртача 90—200 кг уруғлик кетади. Якка қаторлаб чигит 90x15—1 схемада экилса, ҳар бир гектарида ўртача 148 минг туп кўчат сақланади. Бу усулда чигит пуштага экилади. Пушталар имконияти борича эрта баҳорда олиниши лозим. Сабаби баҳорда пушта олиш билан биргаликда азотли ўғит нормасининг 50 фоизини пуштанинг ўртасига бериш имкони бўлади.

Ўғитлаш. Фосфорли ва калийли ўғитлар йиллик меъёрининг 50 фоизини кузда ҳайдов олдидан далага солиниши керак. Шунинг учун фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёрини 50 фоизини экиш жараёнда бериш тавсия этилади. Ўғитлаш меъёри асосан агрокимёвий картограммага қараб белгиланади.

Ўғитларнинг қолган миқдори фўза гуллаш даврида эгатнинг ўртасига 12—15 см чуқурликда культиватор ёрдамида берилади. Шуни таъкидлаш лозимки, фўза туп сонининг жорий усулга нисбатан кўплиги, пахтани эрта пишириш, бажарилаётган агротехник тадбирларнинг самарали бўлиши учун озиқлантиришни 20 июнгача тугатиш керак.

Плёнка остига чигит экилган майдонлардан гектарига камида 40—45 ц дан ҳосил олиш учун йиллик меъёри: азот — 250, фосфор — 175, калий — 125 кг/га. Бу тавсия жойларда тупроқ шароитига ва ҳосилдорликка қараб ўзгариши мумкин.

Ғўзани сугориш. Чигит плёнка остига экилган майдонларда сугориш тартиби ва меъёрини белгилаш мусайян хўжалик жойлашган тупроқ ва иқлим шароитига мос равишда олиб борилади. Сугориш сони оддий усулда тупроқ иқлим шароитига қараб вегетация давомида 6—7 марта ўтказиладиган бўлса, бу усулда 3—4 марта ўтказилади ёки сугориш давридаги сув сарфи жорий усулга нисбатан 2—3 марта сугориш кам бўлади.

Ғўзага биринчи сувни бериш фўза ривожи ва ҳолатига қараб белгиланади. Ғўзани биринчи сугориш миқдори 600—700 м³, кейинфи сугоришда 700—900 м³ дан ошмаслиги керак. Ғўзани сугоришда эгатларнинг бошланиши, ўртаси ва охирини бир хилда намлаш катта

аҳамиятга эга бўлиб, ўта захлатиб суфориш тавсия этилмайди. Акс ҳолда гўза туб сонининг кўплиги, плёнка остида ўғитни ва намликни етарли бўлиши сабабли гўза говлаб кетиши ҳамда ҳосилдорлик пасайиши мумкин. Шу сабали эгатларни узунлиги ернинг нишаблигига қараб қўш қаторли экилганда 50—60 м, якка қаторли экилганда 60—70 м бўлиши мақсадга мувофикадир. Шуни таъкидлаш лозимки, қўш қатор экилганда барча сувлар якка эгатлаб суфорилади. Якка қатор экилганда эса қўш эгатлаб суфориш мумкин.

Қатор ораларига ишлов бериш. Чигит плёнка остига экилган майдонларга ҳам гўза қатор ораларини культивация қилишда жорий усуlda фойдаланилаётган культиваторлар ва унинг ишчи органларидан фойдаланилади. Биринчи ишлов бериш тупроқ ҳолати, намлик шароитига ва тупроқнинг зичланишига қараб ўтказилади. Биринчи культивацияда ўргадаги ишчи органларни ўрнатиш чуқурлиги 8—10 см, чеккадагиларникига эса 5—6 см, кейинги культивацияларга ишчи органлар мос равишда 10—12 ва 5—6 см чуқурликка мўлжаллаб созланади. Қўш қаторлаб экилганда қамров кенглиги 30—35 см, якка қаторлаб экилганда эса чигит устига ёпилган плёнкалар кенглигига мос равишда созланади. Экиш схемаси 2 қаторли ёки 1 қаторли бўлишдан қатъий назар гўза қатор ораларига ишлов беришда энг чеккадаги органлар гўздан 10—12 см узоқлиқда жойлаштирилиб, ҳимоя майдони қолдирилади. Бу ҳимоя майдони плёнкаларга зарар етказмайдиган, унинг устига тупроқ тушурмайдиган даражада бўлиши керак. Умуман, мазкур тадбирни ўта эҳтиёткорлик билан сифатли бажариш керак. Культиватор органлари плёнкани суриб юбормаслиги, уни устига тупроқ тушурмаслиги ва шикастлаб қўймаслиги даркор.

Янги технологияда қатор ораларига ишлов бериш жорий усула нисбатан 3—4 маротаба кам ўтказилади. Культивацияда нобуд бўлмай қолган ёки плёнкани гўза ўсиб чиқсан тешикларида пайдо бўлган бегона ўтлар кўл билан олиб ташланади. Ягана қилишда қўш қатор экилганда биттадан, якка қатор экилганда иккитадан

бўлиқ кўчатлар қолдирилади. Мазкур майдонларда кетмон чопифи умуман ўтказилмайди. Плёнкани фўза ўсиб чиққан уя тешикчалари ҳар доим тупроқ билан берк ҳолатда туриши лозим. Акс ҳолда плёнка остидан ўсиб чиққан бегона ўтлар тез ривожланиб плёнкани кўтариши, йиртиши ҳамда плёнка остидаги ҳарорат ва намлик пасайишига олиб келиши мумкин.

Фўзанинг ўсишини бошқариш чоралари. Чигитни плёнка остига экилган майдонларда фўза қулай тупроқ шароитида бўлғанлиги туфайли ривожланиш босқичлари ҳам оддий усулга нисбатан тез ўтади. Фўза барвақт гуллаб тезда ҳосилга киради. Шунинг учун ўсимликларни ўшиш ва ривожланиши бошқариб борилиши керак. Жорий усулда асосан қўлланиладиган фўзани қўлда чепиш ўрнига кимёвий препаратлар «Со-же-ан», Пикс, Устикс препаратларидан фойдаланилади.

Бу препаратлар бўгин қисқартирувчи ва ўсимликни тез ишланувчи препаратлар ҳисобланади. «Со-же-ан» вегетация даврининг икки хил муддатида қўлланилади. Биринчи муддат фўза шоналашда ҳар гектарига 45 грамм ва кейингиси фўза тўла ҳосилга кирганда 90 грамм жами гектарига 150 грамм сарфланади.

Пикс ва Устикс препаратлари вегетация даврида асосан икки маротаба сепилади. Биринчиси ҳар бир фўза тўла гулга кириб, ўсимликда ўртача 1—1,5 та қўсаклар ҳосил бўлганда гектарига 1,0 кг миқдорда сепилади.

Иккинчиси оммавий ҳосил тугиш даврида, яъни биринчи маротаба сепилгандан 12—15 кун кейин гектарига 0,5 кг препарат сепилади.

Кучли ўсув хусусиятига эга бўлган фўза навларида, шунингдек, ўшиш жараёни устунлик қилаётган пайкалларда ушбу препаратларнинг сарфи гектарига 2,0 кг га етказилиши мумкин. Бу препаратлар ўз вақтида ёки белгиланган меъёрда сепилмаса фўзанинг ўсмай қолиши ёки ғовлаб кетишига олиб келиши мумкин. Натижада ҳосилдорликка таъсир этади.

Саволлар: 1. Плёнка остига чигит экишнинг афзаллиги нималардан иборат?

2. Пленка остига чигит экиш жараёни қандай бажарилади?
3. Ғұзани ўғитлаш тартиби қандай бўлади?
4. Ғұзани сугориш тартибини айтиб беринг.
5. Қатор ораларига ишлов беришнинг тартибини изоҳланг?

36-§. БУҒДОЙ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Буғдой асосий озиқ овқат экинидир. Унинг ионини жаҳондаги 70 фоиз аҳоли истеъмол қиласди. Саноат учун хомашё беради. Дон чиқиндилари, сомон чорва молларига озуқадир.

Дони таркибида 13,9—16,0% оқсил, 77,4—79,8% углеводлар, 2,0—2,1% ёғ, 1,9% кул ва 2,3—2,4% тўқима бор. Сомонида 0,22 озуқа бирлиги мавжуд.

Буғдойдан ун, ёрма, макарон, кондитер маҳсулотлари, спирт ва бошқалар тайёрланади.

Айниқса, кейинги йиллари (1993 йилдан бошлаб) мамлакатимизда дон етиширишга катта эътибор берилмоқда. Ялпи ҳосилни 6,0—6,2 млн. тоннага етказиши устида жадал иш бошланган. Шундан энг кўпини буғдой ҳосили ташкил қиласди. Кузги буғдой сўнгги йилларда сугориладиган ерларда ҳам кенг миқёсда етиширилмоқда.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Буғдойнинг аниқ ватани маълум эмас. Лекин эрамиздан 6—7 минг йиллар илгари Кавказорти, Озарбайжон, Украина, Туркманистон, Туркия, Эрон, Сурғия ва Ироқда экилгани маълум. Хитойда эрамиздан 3 минг йиллар олдин экилган.

Морфологияси. Буғдойнинг 24 та тури мавжуд. Шундан 2 тури экиласди:

1. Юмшоқ буғдой.
2. Қаттиқ буғдой.

Юмшоқ буғдой кузги ва баҳорги бўлади. Дони оқ ва қизил рангда, қаттиқ буғдой деярли баҳорги ҳисобланади. Оқ рангли бўлади.

Буғдой ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликдир. Илдизи попуксизмон сочоқ бўлиб, 100—120 см чуқурликкача етади. Асосий қисми (75—90%)

ерга юза (20—15 см) жойлашган. Поясининг ичи ғовак, сомонли, бўғинлардан иборат. Бўйи 80—120 см келади. Бир ўсимликда пояси 1—158 та бўлади. Барги узун (30—40 см) пластинкадан иборат. Қини билан поя бўгинига бириккан. Гули икки жинсли, бошоқ шаклида жойлашган меваси бир уруғли дондан иборат. 1000та донининг вазни 35—45 г (6-расм).

Биологияси. Бугдой ўсиш ва ривожланиш даврида бир неча фазаларни ўтади:

1. Ургунинг униши.
2. Майсалаш.
3. Туплаш.
4. Найга чиқиши.



6-р а с м. Бугдойнинг тузилиши

- I. Юмшоқ бугдой донининг орқа томонидан (1), олд томонидан (2), кесилган ҳолатидаги (3) кўриниши, юмшоқ бугдой етилган бошогининг ён томонидан (4), юз томонидан (5) кўриниши. Қўлтириқсиз юмшоқ бугдой бошоги (6).
- II. Қатиқ бугдой донининг орқа томонидан (7), олд томонидан (8), кесилган ҳолатидаги кўриниши (9), қатиқ бугдойнинг етилган бошогининг ёз томонидан (10), ён томонидан (11) кўриниши.
- III. Бугдой бошоги ўзагининг иккита бошоқчаси билан ён (12) ва ёз (13) томонидан кўриниши, бугдой бошогининг иккита бошоқча қобиқлари, бешта гуллари билан (14) кўриниши, бугдой бошоқчасининг ички гул қобиги уругча оғизчаси, учта чангдони ва иккита пуфакчаси (лодикулалар) билан (15) кўриниши, чангчи түгунча (16), бугдой барғи бир қисмининг тилча ва қулоқчалари билан кўриниши (17), бугдойнинг бошоқ олган пояларининг кўриниши (18).

5. Бошоқ чиқариш.

6. Пишиш (сутсимон, мумсимон ва тўла пишиш).

Үрганинг униши. Бунинг учун сув, ҳаво ва иссиқлик зарур. Буғдой униб чиқиши учун уруғ вазнига нисбатан 50—55% сув, 1—3°С ҳарорат талаб қиласди. Куртакдан униб чиқсан оналик поя одатда рангсиз қалпоқча билан қопланган бўлади. Униб чиқиш муддати 6—14 кунга тўғри келади.

Майсалаш. Ниҳол ер бетига униб чиққач, майсалаш бошланади. Биринчи кўкариб чиқсан барг 6—14 кунда ўзининг ўсишини тўхтатади, бир ҳафталар ўтгач — иккинчи ва яна шунча ўтгач навбатдаги учинчи ва тўртинчи барглар пайдо бўлади. Бу вақтда 25—30 кун ўтади. Бу майсалаш даври бўлади.

Туплаш. Буғдойда 3—4 та барг ҳосил бўлгандан кейин қўшимча илдиз ва поялар пайдо бўла бошлайди. Буни туплаш фазаси дейилади. Туплаш даврида битта асосий поядан бир нечта поялар ҳосил бўлади (3—20 та). Бу даврда илдизлар 50—60 см чуқурликка етади.

Маҳсулдор поялар сони 1 м² да 500—800 та бўлса юқори ҳосил олинади.

Найга чиқиши. Поялар ва уларнинг бўғинлари чўзила бошлайди. *Найга чиқиши* деб биринчи бўғиннинг тупроқдан 5 см кўтарилишига айтилади. Шундан бошлаб жадал ўса бошлайди, 5—7 та бўғин ҳосил қиласди.

Бошоқ чиқариш. Охиригина бўғиннинг барг қинидан бошоқ чиқа бошлайди. Бошоқлаш даврида ҳам ўсимлик жадал ўсади. Шунинг учун озиқ элементлари ва сувга талабчан бўлади. Баҳорги буғдой майса ҳосил қилгандан тики бошоқ чиқазгунча 50—60 кун, кузги буғдой баҳорда ўса бошлагандан бошоқлагунча 60—70 кун ўтади.

Гуллаш. Бошоқ чиқаргач 6—8 кундан кейин гуллай бошлайди. Сўнг ўз-ўзидан чангланади. Ҳаддан ташқари иссиқ ва қуруқ ҳаво, ёғингарчиликлар чангланишга салбий таъсир қиласди. Бошоқ аввало ўрта қисмидан гуллай бошлайди ва чангланади. Шунинг учун дони йирик ва бўлиқ бўлади. Ҳавонинг ҳарорати 15—20°С бўлгандага гуллаш жадал ўтади.

Пишиш. Биринчи сут пишиш даври бошланади. Бунда пастки 1—2 та барги сарғаяди, дон шаклланади. Уни құл билан эзилганды сут сачрайди. Бу муддат 10—12 күн давом этади, сув миқдори 50% га яқын бўлади, мумсимон пишиқлик даврига ўтганда юмшоқ бўлади. Сув миқдори 25% ни ташкил қилиб барглари қурий бошлайди. Поялари сарғаяди, шу пайтда дони озиқ моддаларга бой бўлади, бу давр 6—8 күн давом этади. Тўла пишиқлик даври бошланганда барг ва поялар қурийди. Дон тўла етилган бўлади, намлиги эса 9—26% ни ташкил қиласи.

- Саволлар:**
1. Буғдойнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Буғдой морфологияси деганда нима тушунилади?
 3. Буғдойнинг биологиясини изоҳланг.
 4. Буғдой уруғи ҳарорат қандай бўлганда униб чиқади?
 5. Буғдойнинг майсалаши, туплаши, найга чиқиши, бошоқ чиқариши, гуллаши, пишиши деганда нималар тушунилади?

37-§. КУЗГИ БҮФДОЙ

Кузги буғдой баҳорда экилганга нисбатан кўп фойдалидир. Аввало ҳосилдорлиги 20—30% ошиқ бўлади. Баҳорда бажариладиган ишлар ҳажмини камайтиради. Кузги, қишки ва эрта баҳорги ёғин-сочинлардан самарали фойдаланиб сугоришга бўлган талабни бирмунча камайтиради.

Кузги буғдой пастроқ ҳароратда ҳам униб чиқаверади ва бемалол ўсиб ривожланади.

Кузги буғдой баҳоргига нисбатан барвақт ўсади ва ривожланади. Тезроқ ва қўпроқ органик модда тўплайди, илгарироқ пишиб етилади (10—12 кун). Ҳосилни илгарироқ йиғиштириш ва ўрнига такрорий эқинларни кулагай муддатларда экиб олиш учун имкон яратилади.

Кузги буғдойнинг ривожланиши икки даврга бўлинади. Биринчиси экишдан бошлаб, то совук тушган кунларгача. Иккинчиси эрта баҳорда кўкаришга бош-

лагандан, токи пишгангача (2—3 ой). Бошқа вақтда, яъни қишида ўсимлик уйқуга кетади. Қишида совуқ уриш хавфи ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун ўсимликлар чиниқтирилади. Баданида ҳаддан ташқари кўп сув бўлмаслиги лозим. Кам сувлик ҳам шу оқибатга олиб келади. Баданда сув кўп бўлганда, музлаш рўй беради. Натижада тўқималар ўлади. Қишки уйқуга кетишдан олдин азотли ўғит бериш ярамайди, ўсимлик жадал ўсади, уйқуга кетиш кечикади. Натижада совуқ уради. Фосфорли, калийли ўғитлар анча совуққа чидамлигиги оширади. Кузги буғдой 17—18°C совуқликка чидай олади. Агар қалин қор билан қопланган бўлса, ҳатто 30°C совуққа ҳам чидайди. Совуққа чидамли бўлишда уруг экиш чуқурлиги ҳам аҳамиятга эга. Илдиз қанча юза жойлашса, шунча совуққа чидамсиз бўлади. Одатда 3—4 та ён поялар чиқариб тўпланган майсалар совуққа яхши чидайди. Айнан шу жараён туплашнинг бошланиши ҳисобланади. Бунинг учун 5°C ҳарорат кифоя. Агар ҳарорат 10—12°C бўлса туплаш жараёни яхши ўтади.

Биологияси. Баҳорда ҳарорат 5°C бўлганда буғдой ўса бошлайди. Ундан 30—35 кун ўтгач поялар чўзилиб найча чиқа бошлайди. Ҳарорат 15—16°C бўлганда 20—35 кун ўтгач бошоқлайди. Бу даврда ҳарорат 18—20°C бўлса бошоқлаш анча яхши кечади. Бошоқ чиқаргач 2—3 кундан кейин гуллайди ва бу давр 6—12 кун давом этади, гуллаш даврида ҳарорат 20—24°C бўлса айни муддао ҳисобланади. Гул тутунча чангланиб бўлгач дон шаклланади. Бу муддат 15—16 кун давом этади. Бу пайтда поя ва барглар ўсишдан тўхтайди, озиқ элементлар донга қараб оқади. Сўнгра доннинг пишиш даври бошланади. Бунда ҳарорат 22—25°C бўлгани маъқул ҳисобланади.

Кузги буғдойнинг вегетация даври 250—260 кунга, фойдали ҳарорат йиғиндиси 1500—1700°C га teng. Транспирация коэффициенти 400—500.

Экиладиган навлари:

Безостая—1

Сурхан — 5688

Сете церрос—66

Красноводопадская—210

Тезпишар нави	Интенсив нави
Бахт нави	Санзор—85
Унумли бугдой нави	Леукурум—3
Овиачик—65	Грекум—439

Етиштириш технологияси. Кузги бугдойни экиш учун ер танлаш мұхим ақамиятта эга. Иложи борича ўз оиласыга мансуб әқинлардан кейин әкілмаслығи лозим. Лалмикор ерларда эса шудгорлаб қүйилған майдонларда әкілса яхши натижа беради. Банд шудгор, айниқса, унда дүккакли әқинлар әкілған бўлса, айни муддао бўлади.

Ўғитлаш. Буғдой озуқа элементларига талабчан. У 1 ц қуруқ модда тўплаш учун 3,7 кг азот, 1,3 кг фосфор ва 2,3 кг калий сарфлайди. Экишдан олдин ўтмишдош әқинларга эътибор берилған ҳолда ҳар гектарга 30—40 т гўнг, 60—70 кг фосфор, 70—80 кг калий ва 30 кг азот солинади. Вегетация даврида азот билан озиқлантирилади. Бу иш эрта баҳордан қор кетиши биланоқ бошланади ва 2—3 муддатда ўтказилади. Ўгитларнинг йиллик миқдори қуйидагича белгиланади: ўғитлашни, айниқса, азот моддаси беришни кечкитириб бўлмайди. Энг кечки муддати бошоқлашнинг бошланишига тўғри келади. Акс ҳолда буғдой ғовлаб кетади, ётиб қолади, кеч пишади.

Тупроқни ишлаш. Буғдой әкиладиган майдонлар аввало яхшилаб текисланади. Органик ва минерал ўғитлар сепилгач 22—28 см чуқурликда ҳайдалади. Бунда ўтмишдош әкин турига, бегона ўтларнинг кўп ёки камлигига, тупроқнинг механик таркиби, физик хусусиятларига эътибор берилади. Ер ҳайдалаётганида ҳаддан ташқари қотиб кетмаган бўлиши лозим. Акс ҳолда йирик, палаҳса кесаклар ағдарилиб чиқади. Уларни майдалаш, майин тупроққа айлантириш анча мушкул иш ҳисобланади. Натижада сифатсиз экишга олиб келади.

Бедадан сўнг буғдой әкиладиган бўлса, у ҳолда, бу майдонлар анча барвақтроқ, яъни экиш муддатидан 30—40 кун олдин ҳайдалади. Биринчи ҳайдалганда унинг чуқурлиги 6—8 см бўлиши лозим. Орадан 20—25 кун ўтгач иккинчи марта чуқурроқ қилиб ҳайдалади.

Үнда чуқурлиги 30—32 см бўлгани маъқул. Шундай қилганда беданинг илдиз ва поя қолдиқлари яхши қуриб, бошқатдан кўкариб кетиш қобилиятини йўқотади.

Ҳайдалган ерлар экишдан олдин узун базали агрегат ёрдамида диагонал бўйича юрилиб текисланиб қўйилади.

Зарурат бўлса, экиш олдидан культиватор солиб ёки бороналаб бегона ўтлар йўқотилади. Сўнгра мола босиб, текисланиб экишга киришиллади.

Ургуни экишга тайёрлаш. Ургуни экишдан олдин аввало истиқболли навлари танланади. Сифати текширилади (1000 та ургунинг оғирлиги, тозалиги, намлиги ва бошқалар). Саралангандай ирик ургулар экилса, бақувват ва бир текис кўчатлар олинади. Булар ўз навбатида яхши авж олиб ўсади ва туплайди. Илдизлари ҳам расо бўлиб, бақувват ривожланади, қишки совуқликларга, касаллик ва қурғоқчиликларга чидамли бўлади.

Экишдан олдин ургуни қуёшда 4—5 кун қиздириш ёки маҳсус машиналар ёрдамида 45—48°С иссиқлиқда 2—3 соат қуритиш, унинг чиқиш қобилиятини яхшилайди ва ҳосилни 3—4 ц/га оширади.

Ургуни «Тур» препарати билан ишлаш ҳам ўз самарасини беради ва дон ҳосилни 4—5 ц/га кўпайтиради.

Уруғларни замбуруғ, қаттиқ қоракуя, фузариоз касалликларига, сумқурт, сохта сумқурт ва бошқа ҳашаротларга қарши дорилаш лозим.

Уруғ етиштириш мақсадида унувчанлиги 95 фоиз, тозалиги 99 фоиз бўлган I класс уруғлардан фойдаланилади. Оддий дон олиш мақсадида эса тозалиги 92 ва 98,5 фоиз бўлган II класс уруғлари экилса ҳам бўлаверади.

Экиш. Кузги буғдойни экиш муддатини тўғри белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳаддан ташқари эрта ёки кеч экиб қўйилса салбий таъсир қилади. Эрта экилганда ўсиб кетади, қор босиб ётиб қолади, совуққа чидамсиз бўлади. Кеч экилганда эса майсалар жуда нозик бўлиб туплай олмайди. Совуқ уриши мумкин. Куз-

ги бүфдойни совуқ кунлар бошланишдан 45—50 кун илгари экиш лозим. Бунда 5°С дан юқори бўлган ҳарорат 550—580°С дан ошмаслиги керак. Суткалик ҳарорат 14—17°С бўлса кифоя.

Кузги бүфдойнинг энг яхши экиш муддати 1—15 октябрларга тўғри келади.

Экиш чуқурлиги. Ниҳолларнинг бир текис униб чиқиши, яхши ўсиши, илдизларнинг ҳам яхши ривожланиши, майсаларнинг совуққа чидамлилигига уруғ экиш чуқурлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Кузги бүфдойнинг экиш чуқурлиги 4—5 см бўлса кифоя. Тупроқ намлиги кам, уруглар йирик бўлса бир мунча чуқурроқ (6—7 см) экилади.

Экиш усуллари. Бүфдойни экиш ёппасига 15 см кенглиқда СЗ-3,6, СУК-2,4А маркали сеялкаларда бажарилади. Айрим ҳолларда 6—9 см кенглиқда экувчи СЗУ-3,6, 7,5 см кенглиқда экувчи СЗТ-3,6 ва 22,8 см кенглиқда экувчи СЗС-9 сеялкалари ҳам ишлатилади.

Суфориладиган майдонларда уруғ экиш билан бир вақтда суфориш учун 90 см кенглиқда ва 12—15 см чуқурликда эгатлар очилади. Агар ер қиялик бўлса, у ҳолда эгат кенглиги 60 см олингани маъқул.

Экишнинг яна бошқа усули ҳам мавжуд. Бу пахтадан бўшаган майдонларга кузги бүфдой экиш мўлжалланганда қўлланилади. Агар тупроқнинг намлиги етарли, бегона ўтлардан ҳоли бўлса, тезлик билан (октябрь ойи ичida) НРУ-0,5 маркали ўғитлагич ёки самолётдан уруғ сепилади. Сўнгра 12—14 см чуқурликда култивация юргазилиб уруғлар кўмилади. Борди-ю, ерда нам етишмаса, у қотиб кетган бўлса, уруғ сепишдан олдин ҳар гектарга 500—600 м³ сув сарфлаб енгил суфорилади. Бегона ўтлардан ҳоли қилинади. Бундай экиш усули яхши самара беради. Энг яхши муддатларда экиб улгурилади. Ер ҳайдаш, тупроқни экишга тайёрлаш каби ишлар бажарилмайди, яъни ортиқча харажатлар қилинмайди. Фўзапоялар қишида кўпроқ қор тўплаш, уни учиб кетмаслигига имкон беради. Қаттиқ совуқлардан ҳимоя қилишда ҳам ёрдами тегади.

Парвариш қилиш. Агар уруғлар ниҳоятда бўш ва

қуруқ тупроқларга экиб қўйилган бўлса, уни оғир ғалтакларда бостириб зичлатиш лозим. Шундай қилингандан нам тепага кўтарилади ва ниҳол бир текис олинади, ўсиши ва ривожланиши ҳам тезлашади.

Навбатдаги ишлар бегона ўтларга қарши қурашдир. Бунинг учун буғдойнинг туплаш пайтида 2,4—Д гербицидидан ҳар гектарга 1,5—2,5 кг сарфлаб ишлаш лозим.

Агар намгарчилик кўп бўлиб, куз иссиқ келган бўлса, буғдой 20—25 см дан ошиқ ўсиб кетган бўлса, у вақтда тагидан 15—20 см қолдириб ўрилади ва даладан чиқарилади. Акс ҳолда ўсимликларни босиб, ҳаво ўtkазмай чиритиб нобуд бўлади. Ўриш шундай муддатда ўtkазилиши керакки, совуқ кунлар бошлангунча ўсимликлар яна ўзини ривожланишини ўнглаб олиши керак.

Кузги қилинадиган ишлардан яна ўғитлашдир. Бунда қишки совуқ кунларгача 20—30 кг азот сарфланади.

Далаларда қишда сув тўпланиб ётмаслик чораларини ҳам кўриш лозим. Бунинг учун эгатлар очилиб, пушталар қилинади.

Қишда қорларни учиб кетмаслик чораларини қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ўсимликлар совуқдан сақланади ва кўпроқ нам тўпланади. Бунинг учун ихота дарахтлари экиш керак.

Эрта баҳорда бажариладиган ишлар ўсимликларни озиқлантиришдан бошланади. Ҳар гектарга 60—70 кг азот, 30—40 кг фосфор сепилади. Сўнгра тупроқ юзаси етилиши билан борона юргизилади. Агар ер қаттиқ ва бегона ўтлар кўп бўлса, бу иш икки маротаба бажарилади. Бунда тупроқ юзаси юмшайди, намнинг буғланниши камаяди, бегона ўтлар йўқолади, микроорганизмларнинг фаолияти яхшиланади. Натижада буғдойнинг туплаши, ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Ўсимлик вегетация даврида яна 1—2 марта (бошоқлаш ва гуллашда) ҳар гектарига 50—60 кг азот ўғити билан озиқлантирилади.

Минерал ўғитларни сепиш НРУ—0,5 ўғитлагич агрегати ёки самолёт ёрдамида бажарилади. Бундан таш-

қари дискали бороналар ёрдамида 4—6 см чуқурликка, илдизлар яқынига бериш мүмкін. Бунда борона күндаланғига юргазилади. Бұу усулда үфитдан самарали фойдаланылади.

Сугориш — бу асосий агротехник табдирлардан ҳисобланади. Бириңчи сугориш баҳорда үфитлашдан кейин үтказилади. Вегетация даврида 2—3 марта сугорилади. Бұо бошоқлаш ва гуллаш мұддатларига тұғри келади. Ҳар сафарғи сугориш миқдори гектарига 600—800 м³ ни ташкил қылади.

- Саволлар:**
1. Күзги бүгдойнинг хусусиятларини изохланг.
 2. Күзги бүгдойнинг қандай навлари мавжуд?
 3. Күзги бүгдой қағон ва қандай тартибда әкілади?
 4. Күзги бүгдойни озиқлантириш тартиби қандай?
 5. Күзги бүгдойни қандай парвариш қилинади?

38-§. БАХОРГИ БҮГДОЙ

Баҳорги бүгдой бизнинг мамлакатимизда катта майдонға әкілмайди. Унинг унидан макарон, вермишөл тайёрланади. Айрим ҳолларда бириңчи йили әкіладын бедага құшиб әкілади.

Баҳорги бүгдойнинг пояси паст, бошоғи калта, кам түппланади. Ҳосилдорлик ҳам деярли икки марта кандир. Пишиб етилиши 8—10 кунга кечикади.

Биологияси. Баҳорги бүгдой уруғи 4—5°C да униб чиқади. Майсалар 8—10°C совуққа чидайди. Яхши үсіб ривожланиши учун 20—25°C иссиқлик талаб қылади. Лекин вегетация даврининг иккінчи яримларыда, ҳатто 40°C иссиқлікка ҳам чидайди. Намга талабчан. Барча истеъмол қилинадын сувнинг 5—7 фоизи майса ҳосил қилиш учун, 15—20 фоизи туплаш даврида, 50—60 фоизи найга чиқыш ва бошоқ олишда. 20—30 фоизи доннинг сутсимон пишишида ва 3—5 фоизи доннинг мумсимон пишиқлігіда сарфланади. Айниқса, туплаш ва найга чиқышда нам етарли бўлиши шарт. Акс ҳолда дон пуч бўлиб қолади. Кейинги берилган сувнинг фойдаси кам бўлади. Транспирация коэффициенти 406—415.

Барча озуқа элементларига талабчан. Айниңса, учинчи барг чиқарғандан бошлаб, токи гуллагунча күп озуқа моддалар талаб қиласы. Бу пайтда жуда тез үсади ва жадал қуруқ модда түплайди.

Баҳорги буғдой ёруғлика талабчан, унинг ривожланишини тезлаштиради. Унумдор, шўрланмаган, мадданийлашган, бегона ўтлардан холи тупроқларни ёқтиради.

Баҳорги буғдойнинг вегетация даври 75—115 кунга тўғри келади.

Баҳорги буғдойнинг навлари. Юмшоқ буғдойлар: Саратов-29, Саратов-36, Безенчинская-98, Ленинградка, Московская-35, Скала, Мильтрум, Альбидум-43, Қизил шарқ, Сурхон-5688, Олтин буғдой, Қозоғистон-3, Қозоғистон-126, Кзилбас ва бошқалар. Қаттиқ буғдойлар: Бахт, Харьковская-46, Мелянопус-26, Овиачик-65, Леукурум-3 ва бошқалар.

Етиштириш технологияси. Баҳорги буғдой учун ўз оиласига мансуб бўлган экинлардан ташқариси яхши ўтмишдош ҳисобланади. Айниңса дуккакли, полиз, сабзавот, қатор ораларига ишланадиган экинлардан кейин экилса жуда яхши натижা беради.

Органик ва минерал ўғитлар сепилиб 28—30 см чукурликда кузда шудгор қилиб, текислаб қўйилган ерларга экилади. Ўғитлашнинг миқдори қуйидагича белгиланади: гўнг 15—30 т/га, фосфор ва калий 70 кг/га.

Баҳорда экишдан олдин 30 кг/га азот ўғити сепилади, бороналанади ва молаланади. Бегона ўтлар күп бўлса ёки ер анча зичлашиб қолган бўлса, чизелланади ёки ёппасига культивация қилинади. Сўнгра устидан бороналанади ва молаланади.

Уруғ экишдан олдин тозаланади, сараланади, қўёшда 4—5 кун ёйилиб қиздирилади, касаллик ва ҳашаротларга қарши дориланади.

Баҳорги буғдойни экишга даланинг юзи қуриганда, техника кириб юриш мумкин бўлганда киришилади. Бу муддат жанубий вилоятларда февраль ойининг биринчи ўн кунлигига, марказий вилоятларда феврал-

нинг ўрталарига, шимолда эса учинчи ўн кунлигига түғри келади.

Экиш чуқурлиги 4—6 см, экиш усули кузги буғдойники каби бўлади. Уруғ экиш миқдори ҳар гектарга лалми ерларнинг текислик жойларида 1,5—2,0 млн., тоғ олди майдонларда 2,0—2,5 млн., сугориладиган ерларда эса 4,0—5,0 млн донани ташкил қиласиди.


- Саволлар:**
1. Баҳорги буғдой биологиясини изоҳланг.
 2. Баҳорги буғдойнинг қандай навлари мавжуд?
 3. Баҳорги буғдой қаерларда экилади?
 4. Баҳорги буғдой қандай етиширилади?
 5. Баҳорги буғдой қачон йиғиштириб олинади?

39-§. ШОЛИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Шоли озиқ-овқат, техник, ем-хашак, агротехник ва мелиоратив аҳамиятга эга. Доннинг таркибида 75 фоиз углевод, крахмал, 9,7 фоиз оқсил, 0,5 фоиз мой, 2,2 фоиз тўқима, 0,5 фоиз кул ва 14 фоиз сув бор. Похолида 0,32 озуқа бирлиги мавжуд. Шоли экиладиган майдонларда бегона ўтлар ва шўрланиш камаяди. Шолининг кепаги, похоли чорва молларига озуқа, похолидан папирос қофози, шляпалар тайёрланади. Доннинг куртагидан ёғ олинади, у шам, парафин, совун тайёрлашда ишлатилади.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Ватани Жануби-Шарқий Осиё ҳисобланади. Хитойда, Японияда милоддан 4—5 минг йил илгари, Ўрта Осиёда эса милоддан олдинги II ва III асрларда экилган.

Морфологияси. Шоли фалласимонлар оиласига киради. Илдизи сочоқ бўлиб, 60 см чуқурликка киради. У ҳаво ўтказадиган тўқима (паренхима)дан иборат. Бу тўқима унинг поя ва баргларида ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам сувда ўсишга қарамай кислород доимо етарли бўлади. Пояси сомонли, баландлиги 80—120 см, 10—20 та бўғинлари бор. Ҳар бир ўсимлик 3—5 та бақувват ҳосилли поя бериб туплайди. Барги ланцетсимон, узунлиги 20—30 см. Гули рўвакда жойлашган, рўвакнинг узунлиги 10—30 см, унда 100—300 дон бўла-



7-расм. Шоли:

1—арпа шоли; 2—УзРОС 269;
3—УзРОС 7-13.

ди. 1000 та уругининг оғирлиги 27—40 г. Шолининг 23 тури маълум бўлиб, шундан иккитаси: *ориза сатива* ва *ориза гла-бейма* экилади (7-расм).

Биологияси. Шоли қисқа кунли (куёш ёруғлиги 9—11 соат бўлиши лозим), жуда иссиқсевар ўсимликдир. Уруги 14—15°C иссиқликда, агар 20—25°C бўлса тез (7—3 кунда) униб чиқади. Ниҳоллар — 1°C совуқда ўлади. Вегетация даври 90—14 кун ёки 2200—3200°C фойдали иссиқлик талаб қиласди. Шолининг яхши ўсибирвожланиши учун ҳарорат 25—30°C бўлса кифоя. Доимо сув ичиди ўсади. Транспирация коэффициенти 500—800. Ривожланишнинг майсалаш даврида транспирация коэффициенти 170, туплаш даврида 470, найчалаш даврида 830, гуллаш даврида 1160, сутсимон пишиш даврида 1080, мумсимон пишиш даврида 650 ва тўлиқ пишиш даврида 385 бўлади. Озуқа моддаларига, айниқса, азот, фосфор ва калийга жуда талабчан. Органик моддаларга бой бўлган тупроқларни жуда ёқтиради. Ме-

ханик таркиби оғир, соз, бироз шўрланган тупроқларда, ер ости суви, шағал юза жойлашган ерларда ҳам бемалол ўсаверади.

Шоли ўсиб-ривожланиш даврида бир қанча босқичларни ўтади: ургунинг униши, майсалаш, туплаш, найча чиқариш, рўвак чиқариш, гуллаш, сутсимон, мумсимон ва тўла пишиш.

Ургунинг униб чиқиши учун 10—16 кун талаб қилади. Майсалаш даври 3—4 чин барг чиқаргунча давом этади ёки уруғ униб чиққандан 14—16 кун ўтади. Туплаш даври 25—30 кун давом этади. Найча чиқариш даври 8—9 та барг чиқарганда бошланади ва 25—30 кун давом қилади. Сўнг руваклайди ва гуллай бошлайди. Гуллаш муддати 5—7 кун чўзилади, гуллаш ва чангланиш вақтида ҳавонинг ҳарорати 30°C ва намлиги 70—80 фоиз бўлиши лозим. Рувагининг пастга эгилиши, унинг етилганлигини кўрсатади. Шоли гуллагандан кейин 10—15 кун ўтгач сутсимон пишиқлик, яна 10—12 кун ўтгач мумсимон пишиқлик босқичини ўтади. Гул чангланандан дон пишиб етилгунча 35—40 кун талаб қилади.

Экиладиган навлари:

1. Кечпишар навлари: УзРОС-7—13, Интенсив, Лазур (вегетация даври 125—140 кун).
2. Ўртапишар навлари: УзРОС-59, Авангард (вегетация даври 117—125 кун).
3. Тезпишар навлари: Ўзбекистон-5, Нукус-2 (вегетация даври 105—115 кун).

Булардан ташқари янги навлар районлаштирилмоқда. Толмас, Қорақалпоғистон, Аланга, Жайхун, Машъал, А—19, Гулзор.

Ҳосил этиштириш технологияси. Шоли бир далада 2—3 йилдан ошиқ экilmайди. Алмашлаб экишнинг 7 ёки 8 далали тархи жорий қилинса айни муддао бўлади. Бунда 7 далалиси 2:1:2:2 тартибда бўлади (1- ва 2-дала шоли; 3-мелиоратив дала ва дуккакли экинлар; 4- ва 5-дала шоли; 6 ва 7-дала кўп йиллик ва бир йиллик дуккакли (беда, мош, соя, нўхот, бурчоқ) экинлар. 8 далалиси 2:1:2:3 тартибда бўлади. Бунда шоли 1 дала кўп экилади. Кейинги йилларда 1:3 схема ҳам жорий

қилинган. Бунда 1-дала оралиқ әкінлари ва йиғишириб олгач соя донга әкилади; 2-дала оралиқ әкінлари йиғишириб олгач шоли; 3- ва 4-далаларга шоли әкилади.

Шолини пахта билан навбаттаб әкілса жуда яхши натижада беради. Шоли әкилган далада вилт касаллиги ва бегона үтлар йүқотилади.

Тупроқни ишлаш. Шоли әкиладиган майдонлар яхшилаб текисланади. Органик, минерал үфитлардан гүнг 20—40 т/га, фосфор 150—180 кг/га сепилади. Сүнгра күп қаватли ПД—3—35, ПЯ—3—35 плуглари билан 30 см чуқурликда шудгор қилинади. Бу мұддат октябрь—ноябрь ойларига түғри келади. Баҳорда кунлар исиши билан бороналаб құйилса, бегона үтларнинг тез майсалашыға имкон яратылади. Шу пайтларда ер текислаш ишлари ҳам олиб борылади. Бегона үтларнинг күп-камлигига қараб апрель-май ойининг бошларыда 1—2 марта 12—14 см чуқурликда юза ҳайдалади ёки чизелланади. Поллар олиниб чекларга ажратылади. Буларнинг каттаги ҳар хил бўллади (0,01 дан 5 гектаргача). Ер қанча текис бўлса чеклар шунча катта бўлиши мумкин.

Экиш. Экиш мұддати 10 апрелдан 15 майгача ҳисобланади. Шоли СНР—3,6 ва СЗТ—3,6 маркали сеялкаларда занжирили Т—150, Т—4 тракторларига тиркаб тор қаторлаб 15 см кенгликда 1,5—2,0 см чуқурликка әкилади. Ҳар гектарга сарфланадиган уруғнинг миқдори 5—7 млн. дона белгиланади.

Суғориш. Шоли әкилгач, дарҳол чекларга сув бостирилади. Бунда қуриган үсимлик қолдиқлари юзага қалқиб чиқади ва бурчакларга түпланади. Буларни тезлик билан олиб ташлаш шарт, акс ҳолда яна чўқади ва шолининг кўкариб чиқишига тўсқинлик қиласи. Кўпинча баҳор совукроқ келганда чекларда сувнинг юзасида сув үтлари пайдо бўлади. Буларни ҳам тез йўқотиш керак. Бунинг учун руҳ қукунидан ҳар гектарга 4—6 кг сепиш, кейин сувни 5—6 см қалинликда, ниҳолларнинг униб чиқиши арафасида эса 6—8 см дан оширмаслик лозим. Барг чиқаргач 7—8 кундан сўнг яна сув 20—25 см гача қўтарилади. Бу бегона үтларни йўқотиш

мақсадида қилинади. Бегона ўтлар ўлгач, яна 10—12 см, шоли туплай бошлаган даврда эса 5—7 см қалинликка туширилади. Тұлиқ туплагандан сүнг 10—12 см га құтарилади ва мумсимон пишгунча шундай сақлады.

Үгит беришдан 2—3 кун олдин сув қуиши мутлақо тұхтатилади, сүнг яна сув қуйилади.

Үғитлаш. Органик ва минерал үгитларнинг йиллик миқдори ҳар гектарга қуидаги белгиланади: 20—40 т гүңг, 180—200 кг азот, 150—180 кг фосфор ва 100—160 кг калий. Гүңгнинг ҳаммаси шудгорлашдан олдин сепилади. Фосфорнинг ярми шудгорлашдан олдин ва ярми эрта баҳорда ерни ишлаш вақтида берилади. Калый иккиге бўлиниб, ярми экиш ва ярми туплаш даврида солинади.

Азотнинг 35 фоизи экиш билан бирга, 35 фоизи туплай бошлаганда ва 30 фоизи тұла туплаганда берилади.

Бегона ўтларга қарши кураш. Шолидаги кўп йиллик begona ўтларни йўқотиш учун ҳар гектарга 85 фоизли «Далапон» гербицидидан 40—50 кг 400 л сувга қўшиб шудгорлашдан олдин пуркаш керак. Бир йиллик begona ўтлар учун эса 60 фоизли «Ялан»дан 6—9 кг, 72 фоизли «Ордрам»дан 5—8 кг, 50 фоизли «Сатурн»дан 4—5 кг эрта баҳорда тупроққа аралаштириб қўллаш кифоя.

Шолининг ўсиш даврида эса 30 фоизли «Пропанид» гербицидидан 5—7 кг, 48 фоизли «Базагран» дан 2 кг қўлласа бўлади.

Шолипояларда гербицидлар қўлланғандан кейин ҳам begona ўтлар учраса, қўл билан ўтоқ қилинади. Чеклар атрофи ва йўлкалардаги begona ўтлар уруғламасдан ўриб ташланади.

Хосилни ўриб-йигиштириш. Шоли мумсимон пишгач сув бериш тұхтатилади. Парранда ва чумчуклардан ҳосил сақланади. Шолини йигиштиришга бошоқдаги донларнинг 85—90 фоизи, уруғлик учун эса 95—100 фоизи пишганда киришилади. Бунинг учун чеклар қуриган, текисланган ва комбайнларнинг ишлаши осон бўлиши керак.

Шолини йигиштиришда ЖРС—5 ва ЖРК—5 ўроқларида ўрилиб тўп-тўп қилинади, сўнг 3—4 кундан кечиктирмай СКД—5Р ва СКД—6Р комбайнларида янчид олинади. Тўғридан-тўғри ўриб ва янчид олиш учун СКД—8Р, «Сибирияк», СКД—6, «Колос» ва «Енисей—1200Р», комбайнлари ишлатилади. Шоли асфальт хирмонларга ёйилиб қуритилади, сўнг ЗАВ—50, ЗАВ—100, ЗАВ—20А агрегатлари ёрдамида тозаланиб омборларга жўнатилади.

- Саволлар:**
1. Шолининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изохланг?
 2. Шоли биологияси деганда нима тушунилади?
 3. Ўзбекистонда шолининг қандай навлари етишириллади?
 4. Шолини сугориш тартиби қандай?
 5. Етиширилган ҳосил қандай йигиштириб олинади?

40-§. БЕДА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Беда асосан чорва моллари учун ем-хашак экинидир. Бошқа озуқа экинларига нисбатан тўйимли, витамин ва минералларга бойдир.

Беда пичани таркибида 15,1 фоиз оқсил, 17—22 фоиз протеин, 1,49 фоиз кальций, 0,24 фоиз фосфор, 0,18 фоиз олтингугурт, А, В₁, В₂, Р, Д, витаминлари ва 0,47 озуқа бирлиги бор.

Энг аҳамиятлиги шундаки, тупроқ унумдорлигини оширади, чиринди сифатида тупроқда ҳар гектарга уч йилда 300—800 кг соф биологик азот йигади. Шунинг учун ҳам пахта беда алмашлаб экишда фойдаланилади. Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайди, шўрини камайтиради, бегона ўтларни йўқотишга, пахтанинг вилт касаллигини камайтиришга ёрдам беради.

Келиб чиқиши. Беданинг ватани аниқ эмас, Эрон ёки Ўрта Осиё деб тахмин қилинади. Айрим маълумотларга кўра милоддан 1000 йиллар илгари беда Хоразмда етиширилган.

Морфологияси. Беда дуккаклилар оиласига киради. Унинг 36 тури бўлиб бир ва кўп йиллик ҳисобланади-

лар. Беданинг күп йиллик Медикаго Сатива тури экилади. У жуда бақувват ўқ илдизли, Биринчи экилган йилиёқ 2—3 м, кейинги йиллари 10 м чуқурликка етади. Поясининг баландлиги 30—150 см бўлиб 10—20 бўғиндан иборат. Бир ўсимликдан 3—5 тадан токи 200—300 тагача поя чиқиши мумкин. Барги 3 та думалоқроқ майда баргчалардан, гуллари ҳам кистсимон кўп майда гулчалардан, меваси майда, кўп уруғли дуккаклардан иборат. 1000 дона урганинг оғирлиги 1,8—3,5 г. Илдизларида тугунак бактериялар бўлиб ҳаводан азот мoddасини йигиш хусусиятига эга (8-расм).

Биологияси. Беда узун кунли ўсимлик. Ниҳоллар 5—6°C иссиқлиқда униб чиқади. Майсалари —6°C, эски бедалар —40°C совуққа бардош беради. Икки ва уч йиллик бедалар баҳорда ҳарорат 7—9°C иссиқ бўлганда кўкара боштайди. Яхши ўсиб-ривожланиши учун 25—30°C иссиқлик кифоя. Бир марта ўриб олиш учун 750—800°C фойдали ҳарорат талаб қиласиди. Бир мавсум-



8-р а с м. Ўтлоқи беда:

- I. Ўтлоқи беда (қизил беда): 1—пояси; 2—гул тўғламининг узунасига кесими; 3—узунасига кесилган гули; 4—гул косачаси; 5—уруги (чапла) ҳамда ўнгта бириккан ва битта буш чангига (ўнгда).
- II. Ўтлоқи оқ беда пояси.
- III. Пушти беда пояси ва гултошибарглари (ўнгда).

да 5—7 марта ўриб олса бўлади. Ниҳоллар униб чиққанда 50—60 ўтгач 15—20 та барг кўрсатади ва шоналади. 90—100 кун ўтгач гуллайди. 130—140 кун ўтгач уруги пишиб етилади. Бунинг учун 2000—2200°С фойдали иссиқлик талаб қиласди. Эски бедапоялар баҳорда кўкара бошлагандан кейин 60—70 кунда гуллай бошлади ва биринчи ўрим бошланади. Иккинчи ўрим яна 40—46, навбатдагилари 30—40 кундан кейин ўтказилади. Транспирация коэффиценти 700—900 га тенг.

Экиладиган навлари. Тошкент—1, Тошкент—3192, Тошкент—1728, Тошкент—2009, Тошкент—721, Хоразм—2, Хива жайдариси, Милютин—1774, Аридний.

Беданинг янги яратилган Тошкент—1728 ва Тошкент—2009 навлари ниҳоятда истиқболли ҳисобланади. Улар ўртапишар бўлиб, ҳар гектар ердан 210—240 ц пичан, 5,9—6,3 ц уруғ ҳосили беради. Оқсим миқдори 16,9 фоиз бўлиб, стандартдан 2,5 фоиз кўпdir.

Ҳосилни етиштириш технологияси. Беда икки мавсумда, биринчиси эрта баҳорда, февралнинг охири ва мартнинг бошида, иккинчиси ёзнинг охирида ва августда экилади.

Баҳорда янги экилган бедага қуидаги технология қўлланилади.

Ер танлаш ва тупроқни ишлаш. Беда ўзидан бошқа барча экинлардан кейин экилаверади. Ҳар хил тупроқларда ҳам ўсаверади.

Беда экиладиган майдонлар ер ҳайдашдан олдин кузда текисланади. Сўнгра минерал ўғитлардан ҳар гектарга 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий сепилади. Қўш қаватли ПД—3—3,5, ПД—4—35 маркали плуглар ёрдамида 30—40 см чуқурликда шудгор қилинади. Бу муддат 15—20 ноябрлардан кечик маслиги шарт. Ерлар шудгорланиш биланоқ кетма-кет кузнинг ўзидаёқ П—28А, Д—719, ПА—3, П—4 маркали узун базали тупроқ текислагич юргазилади.

Эрта баҳорда ерга техника воситалари кириш мумкин бўлиши биланоқ нам сақлаш мақсадида борона ўтказилади. Бу тахминан февралнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Экиш олдидан күкариб қолган бегона ўтларни йўқотиш, қатқалоқни бўшатиш, майин тупроқ ҳосил қилиш, ер юзасини яна ҳам текислаш мақсадида борона ва мола юргазилади.

Экиш олдидан уругни «гранозон», «меркуран» ва «ТМТД» препаратлари билан дориланади. Ҳар 2 ц уругга «ТМТД» дан 300—400 г, «гранозон» ва «меркуран»дан эса 150—200 г сарфланади.

Беда уруғини экишдан олдин бегона ўт уруғларидан, айниқса зарпечак (кускута) уруғидан тозаланади. Бунинг учун «Кускута—3» деган электромагнитли машинадан фойдаланилади, майдаланган ва пуч уруғлардан тозалаш учун ош тузи ишлатилади. Бунинг учун 1 л сувга 300 г ош тузи солиб эритма тайёрланади, уруғлар солиниб аралаштирилади. Уларнинг енгиллари сув бетига қалқиб чиқади. Олиб ташлангандан кейин суви силкитилиб 3—5 кун яхшилаб қуритилади.

Уруғнинг тозалиги 95 фоиз, униб чиқиши 80 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Беда уруғини экишдан олдин «Нитрагин» билан ишлаш илдизларнинг азот йиғиш қобилиятини яхшилайди. Ҳосилдорлигини 15—20 фоиз оширади.

Бедани пичан олиш мақсадида экилганда 16—18 кг/га уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 1,5—2,0 см бўлиши керак. Бедага дон экинлари (буғдой, арпа, сули ва бошқалар) қўшиб экилса, ердан жуда унумли ҳосил олинади. Бедага қўшиб экиладиган қоплама экинлар иложи борича сийракроқ бўлиши лозим. Акс ҳолда беданинг ўсиш ва ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади. Бошланғич даврларда улар тез ўсиб бедани босиб қўяди. Туп сонлари камайиб кетади. Натижада ҳосилдорлик кам бўлади. Шунинг учун қоплама экинларнинг уруғлари ҳар гектарга 40—50 кг ошмаслиги керак. Беда экилгандан сўнг 60—90 см кенгликда ва 14—16 см чуқурликда эгатлар очилади. Шўрланган ерларда албатта унинг тузи ювилиб, сўнг беда экилади. Чунки, ниҳоллар шўрни ёқтирумайди ва нобуд бўладилар.

Ўғитлаш. Янги экилган беданинг йиллик ўғит миқдори ҳар гектарга қуйидагича белгиланади: азот 30—35

кг, фосфор 200—250 кг, калий 90—100 кг. Фосфорнинг 100—120 кг, калийнинг 50—60 кг кузги шудгорлашдан олдин, азотнинг ҳаммаси, фосфор ва калийнинг қолган қисми экишдан олдин берилади. Азотга бойроқ бўлган тупроқларда уни қўллаш шарт эмас, чунки беда азот тўплайди. Пахта экинидан кейин бўшаган ерларда беда экилса, фосфорни 30 фоиз ва калийни 50 фоиз камайтириш лозим.

Ўғитлаш НРУ—0,5 агрегати ёрдамида бажарилади.

Суғориш. Ўсимликлар 6—7 та ҳақиқий барг қўрсатганида ва бўйи 10—12 см бўлганда биринчи сув берилади. Навбатдагилар ҳар 12—15 кун оралатиб ўтказилади ва гектарига 700—800 м³ сув сарфланади. Бедага қоплама бошоқли дон экинлари қўшиб экилганда, токи уларни йиғиштургунча 2—3 марта, ундан кейинги ўримлар орасида ҳам 2—3 марта сув берилади. Ер ости суви чуқур, шағал ва қум қатлами юзароқ жойлашса суғориш сони кўпроқ бўлади.

Ҳосилни йиғиштириш. Биринчи йил қоплама экинлар билан қўшиб экилган беда 10—15 фоиз гул қўрсатиши билан (июнь ойларининг охири ва июль ойларининг бошида) ўра бошланади. Агар беда соғ ҳолда экилган бўлса, бу иш анча илгарироқ (20—25 кун) бошланади. Бедадан биринчи экилган йили 2—3 марта ўриб гектаридан 80—100 ц пичан ҳосили олиш мумкин. Кузда энг охирги ўрим 1 ноябрдан кечиктирмасдан ўтказилиши керак. Акс ҳолда келгуси йилда кўкариши ёмон бўлади, кўчатлар сийраклашиб, ҳосил камайиб кетади. Бедани тегидан қиртишлаб (4—5 см) ўрилса тез кўкаради ва юқори ҳосил олинади. Ўрилган беда ерда кўп ётмаслиги, 2—3 кунда тўпланиб, 1—2 кун ичida даладан ташиб кетилиши лозим. Акс ҳолда пичаннинг сифати бузилади. Бедани ўришда Е—302 ўзи юрар ўроқ машина, КС—2,6, КС—1,8 силос ўрадиган комбайн, Е—281, КФН—2,1, КПВ—3 агрегатларидан фойдаланилади.

Ёзда беда етиштириш технологияси. Ёзда (августда) беда экиш учун ҳосилдан эрта бўшаган ерлар (бошоқли, сабзавот, полиз, картошка, маккажӯхори, каноп

ва бошқалар) фойдаланилади. Бунинг учун ерлар ҳар гектарга 650—700 м³ сув сарфлаб ёппасига суғорилади, тупроқ етилгач ҳар гектарга 20—30т гүнг, 100—120 кг фосфор, 70—80 кг калий берилиб қүш қаватли плугларда 35—40 см чуқурликда ҳайдалади, орқасидан диагонал бўйлаб узун базали П—2, 8А ер текислагич юргизилади. Ундан сўнг яна борона ва мола юргизилиб тупроқ юзаси майдаланади ва текисланади. Яна суғорилади, етилгач ҳар гектарга 30—35 кг азот, 100—120 кг фосфор сепиб, сўнг чизелланади, бороналанади ва молаланади. Беда уруғи экишдан олдин албатта 4—5 кун давомида қўёшда ёйилиб қиздирилади, «нитрагин» билан қориштириб ишланади.

Тезлик билан тупроқнинг нами қочмасдан ҳар гектар ерга 16—18кг тоза уруғ сарфлаб С3—3,6 ва С31—3,6 сеялкаларида экиб олинади. Қоплама экинлар (буғдой, арпа, тритикале, жавдар, сули) қўшиб экилса жуда фойдали бўлади. Экиш биланоқ, 60—90 см кенгликда суғориш учун эгатлар очилади. Ниҳоллар тўлиқ униб чиққач, 10—15 кун ичидаги ўсимликларнинг ҳолатига қараб биринчи, яна 18—20 кундан кейин иккичи суғоришни ўтказилади. Шу йили ёқ октябрнинг иккичи ярмида беданинг бўйи 20—25 см, қоплама экинлар эса 50—70 см га етади ва 200—250 ц/га кўк масса ҳосили олинади. Ёзда экилган беда келгуси йили худди икки йиллик беда каби фойдаланилади.

Икки ва уч йиллик бедазорда ҳосил етиштириш технологияси. Икки ва уч йиллик бедалардан юқори ҳосил олиш учун қишида ҳар гектарга 1000—1200 м³ сув сарфлаб суғориб қўйилади. Эрта баҳорда (март) бедапояда диска юргизилади. Бунда беданинг тупланишга яхши шароит яратилади. Агар кўчатлар сийраклашиб кетган бўлса, у ҳолда беда ва қоплама экинлар уруғлардан қўшимча сепиб, устидан борона юргизилиб тупроққа кўмилади. Борона беданинг баргини кемирувчи фитономус ҳашаротини йўқотишда ҳам яхши ёрдам беради.

Биринчи суғориш апрель ойининг охирларига тўғри келади. Навбатдагилари эса ўсимликнинг талабига қараб ҳар 12—20 кунда ўтказилади. Бунда суғориш миқдо-

ри 700—900 м³ га бўлган ҳолда 6—10 марта сугорилади.

Эски бедазорлар бир йилда 5—7 марта ўрим беради. Биринчи ўрим майсалаш бошлангандан кейин 60—65 кун ўтгач (май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб) ўтказилади. Навбатдаги 2 та ўрим ҳар 30—35 кунда, ундан кейингилари эса ҳар 40—45 кунга тўғри келади. Пичан ҳосилдорлиги 180—250 ц/га бўлиши мумкин.

Уруғлик беда етиштириш технологияси. Бедадан уруғ етиштириш учун тупроқни тайёрлаш — пичан олиш учун экиладиган беданикига ўхшашибўлади.

Уруғлик беда кенг қаторлаб 60—70 см кенглика, гектарига 4—5 кг уруғ сарфлаб СОН—2,8; СЗТ—3,6 маркали сеялкаларда экилади. Уруғлик беда соф ҳолда экилгани ёки иккинчи йилги иккинчи ўримдан сўнг қолдирилгани маъқул. Агар биринчи йили ўрим олиш мўлжалланса, у вақтда беданинг қалинлиги ҳар 1 м²га 50—70 тупдан ошмаслиги лозим. Уруғлик бедани биринчи ўғитлашда ҳар гектарга 30—35 кг азот, 100—150 кг фосфор ва 60—70 кг калий, келгуси йиллари эса 100—120 кг фосфор, 60—70 кг калий берилади.

Биринчи ўримгача 800—1000 м³ га сув сарфлаб 2—3 марта, ҳаммаси бўлиб 4—6 марта сугорилади. Уруғлик бедани бегона ўтлар, ҳашаротлар ва касалликлардан сақлаш юқори уруғ ҳосили гаровидир. Бегона ўтларни йўқотиш учун экишдан олдин қуидаги гербицидлардан бирини ишлатиш керак: ҳар гектарга «Эптам»—3 кг, «Трефлан»—1 кг, «Эрадикан»—5 кг. Беда 2—3 барг кўрсатганда эса «Керб» 50 фоиз (пропизамид)дан 3—7 кг ёки «Кербмикс—Б» («Пропизамид» 30 фоиз + «Диурон» 32 фоиз)дан 4—5 кг сарфланади. Зарпечакка қарши курашиш учун биринчи ёки иккинчи ўримни туғаллаш биланоқ бедапоя «ДНОК» (40 фоизли) 10—15 кг, «Нитрафен» (60 фоизли) 40—60 кг ёки «натрий пентахлорфеноляти» (92 фоизли) 13—20 кг сарфланиб ишланади. Баъзи ўлмай қолган бегона ўтларни гуллашгача етказмай қўлда ўтоқ қилинади.

Фитономус ҳашаротига қарши эрта баҳорда майсалар кўкара бошлагандан «ГХЦГ» (50 фоиз) гамма-изо-

мер парашогидан гектарига 0,6—0,8 кг, «дилор»дан 2,5 кг ишлатилади. Трипс, шира ва бошқаларга қарши «метафос» (30 фоизли) 1,6—3,3 кг, «карбофос» (50 фоизли) 0,2—0,6 кг, «фосфамид» (40 фоизли) 1 кг, «антио» (25 фоизли) 2 кг, «фозалон»дан 2,5 кг 600 л сувга қўшиб ишлатилади. Аслида касалликлардан ҳоли бўлиш учун уруғни экиш олдидан ҳар 1 тоннасига «гранозан» ёки «симазиндин» дан 2 кг, «ТМТД» (50 фоизли) 1,5 кг сарфлаб дорилаш керак. Бегона ўтлар, зарпечак ва ҳашаротларни йўқотишнинг яхши усусларидан яна бири механик кураш чорасидир. Бунда беда йигиштирилиб олингач бедазорларда К—2,4 маркали олов пурковчи культиваторни юргизишидир. Бунда заҳарли моддалар ишлатилмаган ҳолда ҳосилдорлик 1,5—2,0 марта ошади. Яна ҳам кўпроқ ҳосил йигиштириш мақсадида бедазорларга, унинг гуллаётган пайтларида кўпроқ чанглатишни ташкил қилиш учун ҳар гектарга 10—15 та асалари уяси жойлаштирилса айни муддао бўлади. Ҳосилдорлик анча ошади.

Беда уруғини унинг дуккакчалари 40—75 фоиз сарғайганда йигиштиришга киришилади.

Бунинг учун ЖСК—4А; ЖРБ—4,2; ЖНУ—4; Е—301; КПС—5Г ўроқ машиналари ишлатилади. Уруғлик бедани ўриш ва янчиш эрталаб барвақт ва кечки салқин вақтларда бажарилади. Ўрилган беда далада 3—4 кун қуригач СК—5 «Нива» комбайн билан уруги янчиб олиниади.

- Саволлар:**
1. Беданинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Ўзбекистонда беданинг қандай навлари етиштирилади?
 3. Бедани озиқлантириш тартиби қандай?
 4. Беда етиштириш технологиясининг хусусиятларини изоҳланг?
 5. Уруғлик беда қандай етиштирилади?

41-§. ҚАНД ЛАВЛАГИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Қанд лавлаги таркибида 16—20 фоиз шакар моддаси бўлиб, ундан асосан шакар ва спирт олинади. Чиқиндиси эса чорва молларига тўйимли озуқа ҳисобланади. Қанд лавлагининг 100 кг илдизида 25 кг озуқа бирлиги, 1,2 кг протеин бўлса, унинг шунча миқдоридаги хомида нисбатан 8 кг ва 0,9 кг бор. Қанд лавлаги ҳосилнинг 35—50 фоизни барг ташкил қиласи, чорва молларига кўк озуқа, силос сифатида фойдаланади. Бунинг 100 кг таркибида 20 кг озуқа бирлиги ва 2,2 кг протеин мавжуд.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Қанд лавлагининг ватани Туркия ва Эрон. Ҳозир унинг экин майдони жаҳонда 8 млн. гектардан кўпроқ. Европа мамлакатларида экиласи, Украина ва Россияда 3 млн. атрофида. Ўзбекистонда қанд олиш мақсадида экила бошланди. Озуқа экини сифатида 4—5 мингга майдонга экилмоқда.

Ўзбекистон шароитида қанд лавлагидан 800—900 га ц ҳосил етиштиурса бўлади.

Морфологияси. Қанд лавлаги шўрагуллilar оиласига киради. Икки йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон (илдизнинг ўзи мева ҳисобланади), ўқ илдизи 2,0—2,5 м

чуқурликка етади, ёнига эса 40—50 см тарқалади. Барглари узунроқ юраксимон бўлади. Биринчи йили фақат қалин барг кўрсатади, иккинчи йили поя, гул кўрсатади ва уруғ беради. Поясининг бўйи 1,5 м гача бўлади. Гули четдан шамол ёки ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Гуллаш муддати 20—40 кун давом этади. Илдиз меваси 75% сув ва 25% қуруқ моддадан ташкил топган (9-расм).

Биологияси. Лавлаги



9-расм. Қанд лавлагининг умумий кўриниши

иссиқ севар ўсимлиқ, ҳарорат 12—15°C бўлганда униб чиқади. 20—25°C да яхши ўсиб ривожланади. Ҳаммаси бўлиб вегетация даврида 2200—2700°C иссиқлик талаб қиласди. Узун кунли, ёруғлик севувчи экиндир. Вегетация даври 1-йили 160—170 ва 2-йили 100—130 кун. Транспирация коэффициенти 240—400. Лавлагининг ўсишини 3 даврга бўлиш мумкин:

1. Илдиз ва ниҳолларни пайдо бўлиши.
2. Барги ва илдиз мевасини ўсиши.
3. Жадал шакар тўплаши.

Бунда ҳар бир поғонани ўтиш учун 50—55 кун талаб қиласди.

Экиладиган навлари. Кубань ярим дурагайи—19. Белоцерков ярим дурагайи—1. Қирғизистон ярим дурагайи—18, Рамоновский — 08, Белоцирков ярим дурагайи—2 ва бошқалар.

Хосил етиштириш технологияси. Лавлагини барча экинлардан кейин экилаверади. Айниқса, беда ва бошқа дуккакли экинлардан сўнг экилса айни мудда бўлади. Уни бир майдонда қайта экилмагани ва бошқа илдиз мевали, тугунак меваликлардан ҳам кейин экилмагани маъкул.

Тупроқни ишлаш. Тупроқни асосий ва экиш олдиндан ишлаш худди бошқа экинлар қаби (пахта, канон, маккажӯҳори, картошка) бажарилади. Қанд лавлаги организатори ва минерал моддаларга анча талабчан. Унинг йиллик миқдори ҳар гектарга қўйидагича белгиланади: чириган гўнг 49—50 т, азот 100—120, фосфор 120—150 ва калий 60—70 кг. Гўнг, фосфор ва калийнинг ҳаммаси кузги шудгордан олдин берилади. Азот ўғити эса 30 кг экиш билан бирга, қолган қисми иккига бўлиниб, биринчи ва иккинчи суғоришдан олдин ишлатилади.

Қанд лавлагини экиш муддати март ойи ҳисобланади. Экиш усули якка қаторлаб 60—70 см кенгликда бўлади. Уруғ сарфлаш миқдори ҳар гектарига бир уруғлилардан 20—22 кг, кўп уруғлилардан эса 25—28 кг ташкил қиласди. Экиш чуқурлиги 3—4 см. Кўчатлар қалинлиги бир уруғлиларда 50—60 минг ва кўп уруғлиларда 100—120 минг туп бўлиши лозим.

Экиш СТХ—4, СЧХ—4, СПЧ—6, СХУ—4 ва СОН—2,8 сеялкаларида бажарилади.

Қанд лавлагининг кўкариб чиқиши анча суст бўлиб, 15—20 кун талаб қиласди. Ундан ташқари вегетация даврининг бошида яна 25—30 кун секин ўсади. Шунинг учун қатқалоқ ва бегона ўтлардан сақлаб туриш зарур. Ердан ниҳоллар кўкариб чиққач 12—15 кун ўтказиб юза (6—8 см чуқурликда) культивация ўтказилади. Сўнг ягона, кетмон чопиги ва ўтоқ қилинади. Орқасидан иккинчи марта (16—18 см чуқурликда) культивация, биринчи озиқлантириш ва биринчи суфориш ўтказилади. Бунда қатор оралари етилгач, қотиб кетмасдан (5—7 кун ичидан) учинчи культивация (20—22 см чуқурликда) кетмон чопиги ва ўтоқ қилинади. Биринчи озиқлантиришдан 25—27 кун ўтгач, иккинчи озиқлантириш ва иккинчи суфориш ташкил қилинади. Ҳар суфориша 5—7 кун ўтказиб культивация юргазилади. Бундан кейин ўсимликнинг ҳолатига қараб ҳар 20—25 кунда, сентябр ойида эса бир марта суфорилади. Ўсимликларнинг барги қалин ўсиб қаторлар ораси бекилиб қолганда (августда) культивация қилиш тўхтатилади. Кейинчилик йирик бегона ўтлар қўл билан юлиб ташланади.

Вегетация даврида ҳаммаси бўлиб 4—5 марта культивация, гектарига ҳар сафар 800—1000 м³ сув сарфлаб 6—8 марта суфорилади.

Ҳосилни йиғишириш. Қанд лавлагининг ҳосилини 10—30 октябрларда йиғишириб олинади. Шу вақтда унинг пастки барглари сарғайиб тўкила бошлайди. Бу эса техник пишганликдан дарак беради. Лавлагини илдиз мевасини йиғиширишга киришдан олдин, аввало барглари ўрилади. Буни кўк ҳолда молларга озуқа сифатида бериш мумкин ёки сомон ва қуруқ ўсимликлар поя-баргларига қўшиб силос тайёrlаса ҳам бўлади.

Кейин ковлашга осон бўлиши учун қатор оралари 10—12 см чуқурликда культивация қилиниб бўшатилади.

Лавлагини ковлашда КС—6Б, РКС—6, РКС—4, БМ—6А, БМ—4А машиналари ёки КСТ—3А, КС—3, КС—6, ККГ—1,4 ва бошқа комбайнлар ишлатилади.

Уруғли лавлаги етиштириш. Лавлагидан юқори сифатли уруғлик тайёрлаш учун аввало унумдор, физикавий хусусиятлари ўта яхши бўлган, иложи борича қумлоқроқ ерлар танланса мақсадга мувофиқ бўлади. Айнан шу талабга жавоб бериши учун беда ва бошқа дуккакли экинлардан кейин экилса кутилган натижани беради.

Уруғлик учун экилган лавлагининг етиштириш технологияси деярли оддий лавлагиникига ўхшаш бўлади. Фарқи шундаки, кўчат сони ҳар гектарга 100—200 минг туп бўлиб, оддий лавлагига нисбатан икки марта кўпроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, келгуси йили уруғликка экиладиган илдизмеваларнинг диаметри 8 см дан ошмаслиги лозим. Агар ундан йирик бўлса ВПУ—4 машинаси билан экиш қийинлашади. Бундан ташқари уруғлик кўп сарфланади. Минерал ўғитлар ва сув камроқ берилиши лозим. Шундай қилганда лавлаги тўлиқ пишиб етилади. Қишида яхши сақланади. Кўкариш қобилияти ҳам юқори бўлади.

Уруғлик лавлагини ковлаб олинганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур. Зарар етказмаслик, баргларидан тозалаб, саралаб тезлик билан кўмиб қўйиш керак.

Бир гектардан олинган ҳосил келгуси йили уруғликка экиш учун 4—5 га ерга етади. Ёки ҳар гектарга 70—80 минг туп тўғри келади.

Экиш баҳорда жуда барвақт (февраль — март ойининг бошларида) ўтказилади. Илдиз мевалари чуқурроқ экилиб усти 2—3 см қалинликда тупроқ билан кўмилади.

Қиши унчалик совуқ бўлмаган Ўзбекистон шароитида лавлаги уруғи тайёрлашнинг бошқача усули ҳам бор. Бунинг учун эртаги экинлардан бўшаган майдонларга лавлаги уруғи қадалади ва такрорий экинлар етиштиришда амалга ошириладиган агротехник тадбирлар қўлланилади. Кузгача лавлаги анча етилиб қолади. Уни ковлаб олинмайди, устига 3,6—3,5 см тупроқ тортиб кўмиб қўйилади. Лекин барги қўриниб туриши керак. Эрта баҳорда тупроқ очилади. Бунинг учун борона тишлари тепага, қаратилган ҳолда диоганал бўйича юргизилади. Вегетация даврида 3—4 марта культива-

ция, 2—3 марта кетмөн чопиғи ва бегона ўтларни ўтоқ қилинади. Икки марта озиқлантирилади (биринчиси янги барглар күкариб чиққач, иккінчиси гуллаш даврида) ва 3—4 марта ҳар гектарга 700—800 м³ сув сарфлаб сугорилади.

Гуллаш олдидан чеканка ўтказилади.

Уруғ 30—40 фоиз пишиб етилганда йиғиштиришга киришилади. Бу иш құлда ўриб олиш ёки дон комбайнлари ишлатиш билан бажарилади. Құлда ўрилганда кичикроқ түп қилиб бүшроқ боғланади. Унинг 4—5 та боғини бир-бириға сұяб тик қўйилиб қуритилади. Сўнгра комбайнларга солиб янчид олинади. Хирмонга ёйилиб яна қуритилади ва тозалаб олинади.

- Саволлар:**
1. Қанд лавлагининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Қанд лавлагининг морфологик ва биологик хусусиятларини изоҳланг?
 3. Қанд лавлаги етиштириш технологиясининг тартиби нималардан иборат?
 4. Қанд лавлаги ҳосили қандай йиғиштириб олинади?
 5. Уруғли лавлаги қандай етиштириллади?

42-§. МАККАЖЎХОРИ

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Маккажўхоридан ун, крупна, крахмал, сироп, спирт, қофоз, картон, мой, сут кислотаси, сирка, глицерин ва бошқа 200 хилдаги маҳсулотлар олинади. Асосан ундан инсонлар учун озиқ—овқат, чорва моллари учун ем-хашиб, концентрат озуқа сифатида фойдаланилади.

Маккажўхорининг дони 1,38 озуқа бирлигига teng. Унинг таркибида 9—12 фоиз оқсил, 4—8 фоиз ёғ, 65—70 фоиз углевод бор. Донининг ўсиш нуқтасида ҳатто 40 фоиз ёғ борлиги аниқланган.

Маккажўхоридан силос ҳам тайёрланади. Унинг таркибида 1—18 фоиз куруқ модда, 0,2—0,3 фоиз ёғ, 0,4—0,7 фоиз оқсил, 6—10 фоиз крахмал, 4,0 фоиз қанд бор. Силоснинг 100 кг да 28,2 кг озуқа бирлиги мавжуд.


Маккажүхори қуруқ пояси (сұтаси йиғишириб олингандан кейинги пояси) чорва молларига озуқа си-фатида ишлатилади. Унинг таркибида 85—86 фоиз қуруқ модда, 1,0—1,3 фоиз оқсил, 18—20 фоиз крахмал, 1,7 фоиз қанд, 0,45 фоиз кальций, 0,30 фоиз фосфор, 0,26 фоиз магний бор. Ҳар 100 кг поя таркибида 37 кг озуқа бирлиги мавжуд.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Маккажүхорининг ваттани Америка қытъасидаги Перу ва Мексикадир. У ми-лоддан 400 йиллар илгари пайдо бўлган. Кейинчалик XV асрда Европага ва XVI асрда Африка, Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиёга тарқалган.

Морфологияси. Маккажүхори галласимонлар оиласига киради. Илдизи сочоқ бўлиб 2—4 м чуқурликка етади. Поясининг баландлиги 0,5—6, 0м, диаметри 2—7 см бўлиб 10—24 бўғимдан иборат. Бундан ташқари яна 3—4 та бачка поялари ҳам бўлиши мумкин. Барги ланцетсимон бўлиб, узуналиги 10—24 см ташкил қила-ди. Бир ўсимликнинг ўзида ҳам оталик гули (рувак) ва оналик гули (сўта) мавжуд. Оталик гулидан 20 млн донагача уруглик, оналик сұтасида эса 500—1500 донагача гул бўлади. Аслида маккажүхори четдан чангланувчи ўсимлик ҳисобланади. 1000 та урганинг вазни 35—500 г келади (10-расм).

Биологияси. Маккажүхори кўкариб чиқиши учун ўз массасига нисбатан 44—45 фоиз сув сингдириб олиши керак. Иссиқлик эса 10—12°С дан пат бўлмаслиги ло-зим. Ниҳоллар—3°С совуққа чидайди, 23—25°С иссиқ-лиқда яхши ўсиб ривожланади. Гуллаган пайтида ис-сиқлик 30—35°С дан ошиб кетса сўта яхши чанглан-майди, натижада ундаги дон сийрак бўлади. Вегетация даври 90—160 кун. Иссиқ ва ёруғликни севади. Лекин сувни кам сарфлайди. Транспирация коэффициенти 174—260 га тенг. Ҳар хил тупроқда ўсаверади.

Маккажүхори униб чиққач 30—35 кун секинроқ ўса-ди. Биринчи бўғин пайдо бўлгач ўсиш тезлашади. Рувак чиқазган пайтда ҳар куни 12—15 см ўсади. Рувакнинг гуллари очилиб бўлгач, поя ўсишдан тўхтайди. Сўта-нинг гуллари чангланиб бўлгач 15—20 кундан сўнг



10-р а с м. Маккажўхори:

1—умумий кўриниши; 2— рўвак ва бошоқчаси (chanгчи гул тўплами);
3—сўтаси (уругчи гул тўплами).

донлар сутсимон пишади. Ундан 35—45 кун кейин мумсимон (дүмбүл) пишади, яна 5—10 кун ўтгач түлик пишиқлик даврига киради.

Маккажүхори гуллашгача 10 кун олдин, гуллаб бўлгач 20 кун кейин, яъни 1 ой ичида 75 фоиз органик модда тўплайди. У вегетация (ўсув) даврида 1800—2000°C (тез пишар навлари учун)дан токи 2300—2600°C (ўрта ва кеч пишар навлари учун) гача фойдали ҳарорат талаб қиласди.

Экиладиган навлари. Югославия гибриди БЦ—6661, Улуғбек, Ўзбекистон тезпишари, Ўзбекистон—100, Ўзбекистон оқ тишлisisи, ВИР—338 ТВ. 1991 йилдан бошлаб эса Молдавия—425 МВ дурагайи, Ўзбекистон—306 МВ, Луг—630 МВ навлари тарқалган.

Етиштириш технологияси. Маккажүхорини беда, фўза, каноп, картошка, полиз ва дуккакли экинлардан кейин экилса яхши натижা беради. Ҳеч вақт маккажүхорини ўрнига қайтиб яна маккажүхори экилмайди. Худди шу каби ғалла экинларни жўхоридан кейин ҳам экиш тавсия қилинмайди.

Тупроқни ишлаш. Кузда ер ҳайдаш қўш қаватли плугларда, 30—35 см чуқурликда 15 октябрдан 15 ноябргача ўтказилади. Орқасидан тезлик билан 11—2,8А кенг базали ер текислагич билан текислаб қўйилади.

Илк баҳорда тупроқни ишлаш бороналаш билан бошланади. Бу тупроқда нам сақлаш мақсадида ўтказилади. Ишнинг бажарилиши март ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Экишдан бир кун илгари ёки айнан шу куни тупроқ яна ишланади. Борди-ю бегона ўтлар қалинроқ бўлса, унда тупроқ юзаси диска культивация ёки чизель билан ишланади. Агар бегона ўтлар кам, тупроқ унчалик зичлашмаган бўлса, фақат борона ва мола юргизилса бўлади.

Ўғитлаш. Маккажүхорини ўғитлашнинг йиллик миқдори ҳар гектарга қуйидагича белгиланади: гўнг 20—30 т, азот 200—220 кг, фосфор 120—150 кг, калий 90—100 кг. Гўнгнинг 100 фоизи, фосфор 70 фоиз ва калий 100 фоиз шудгорлашдан олдин берилади. Биринчи марта — ўсимлик 3—4 та барг кўрсатганда азотнинг 40

фоизи ва фосфорнинг қолган қисми ишлатилади, иккинчи марта гуллаш олдидан азотнинг қолган 60 фоизи берилади.

Экиш. Экиладиган уруғлар яхши сараланган бўлиши керак. Экишдан илгари 4—5 кун уруғлар асфальт хирмонларга юқа ёйилиб қуёш нурида қиздирилиши лозим. Сўнгра ҳар 1 т уруғга 1,5 кг «граназон» ёки 1,5—2,0 кг «ТМТД» препаратидан сарфланаб дориланади. Экиш муддати март ойининг охириги ўн кунлиги ва апрель ойининг биринчи ярмига тўғри келади.

Экиш бир қаторли қилиб, қатор оралари 60 ёки 90 см кенгликда СПЧ—6, СКУ—4 ва СЧХ—4 сеялкаларидаги бажарилади. Қўш қаторлаб 70—20 см усулида ҳам экса бўлади. Бунда СОН—2,8 сеялкасидан фойдаланилади. Экиш чуқурлиги 4—5 см, дон олиш мақсадида экилганда ҳар гектарга 25—30 кг, силос олиш учун эса 35—40 кг уруғ сарфланади. Шундан дон учун ўсимликлар қалинлиги 60—65 минг, силос учун 75—80 минг тупни ташкил қиласи.

Парвариш. Ниҳоллар кўкариб чиққунгача мабодо қатқалоқ пайдо бўлса, занжирли тракторлар ёрдамида ротацион мотига ёки енгил бороналар тиркаб, далани қўндалангига юргизилади. Ўсимлик 2—3 та чин барг чиқаргач ягона қилинади. Сўнгра культивация бошланади.

Маккажўхори қатор орасини ишлаш паҳтаники каби бажарилади. Ҳаммаси бўлиб 3—4 марта культивация ўтказилади. Бу иш ўсимликнинг бўйи 120 см етгунча давом этади, кейин тўхтатилади.

Агар бегона ўтлар мавжуд бўлса 1—2 марта кетмон чопиги ўтказилади ва ўтоқ қилинади.

Маккажўхори дон учун экилганда тупроқ шароити, ўсимликларнинг талабига қараб, ҳар сафар гектарига 800—1000 м³ сув сарфлаб 4—6 марта сугорилади. Биринчи ва иккинчи сугориш, биринчи ва иккинчи озиқлантиришдан кейинроқ ўтказилади. Ҳар бир сугориш орасида 25—27 кун ўтади. Маккажўхори айниқса рувак чиқараётган ва гуллаётган даврда сувга талабчан бўлади. Шуни ҳисобга олиб, ҳар 15—16 кунда сугоришга тўғри келади.

Ҳосилни йиғиштириш. Силос тайёрлаш учун дони думбил пишганда йиғиштирилиб олинади. Шу пайтда күк пояларнинг намлиги 65—70 фоиз бўлиб, энг кўп органик модда тўплайди. Силос сифати ҳам жуда яхши бўлади. Маккажўхори донга йиғиштирилганда, унинг дони 70—73 фоиз тўла пишган бўлиши керак. Қолган қисми мумсимон пишиқлик даврида бўлади.

Маккажўхорини силосга йиғиштирилганда Е—302 ўзи юрар косилка, КС—2,6, КС—1,8 силос ўрадиган комбайн, Е—281, КФН—2,1 ва КПВ —3 агрегатларидан фойдаланилади.

Дон ҳосилини йиғиштириш эса Херсон—7, Херсон—200, қайта жиҳозланган СКЗ, СК—4 комбайнларида бажарилади. Ажратилган сўталар асфальт хирмонларга ёйилиб қуритилади. Сўнгра НКП—3 агрегати билан янчиб олинади.

- Саволлар:**
1. Маккажўхорининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Маккажўхорининг морфологик ва биологик хусусиятлари деганда нималар тушунилади?
 3. Ўзбекистонда маккажўхорининг қандай навлари экилади?
 4. Маккажўхори етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирларга нималар киради?
 5. Етиштирилган ҳосил қандай йиғиштириб олинади?

43-§. СОРГО (ЖҮХОРИ)

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Сорго озиқ-овқат, ем-хашак ва супурги экинидир. Африка, Ҳиндистон ва Фарбий Осиё мамлакатларида нон сифатида фойдаланилади. Крупа тайёрлаш, спирт, крахмал олиш мумкин. Молларга комбикорм, силос, пичан, ўт уни тайёрланади. Айниқса кўк ҳолда молларга кўпроқ едирилади.

100 кг донида 119, кўк массасида 23,5, силосида 22,0, пичанида 49,2 озуқа бирлиги бор. Донида 5 фоиз протеин, поясида 10—15 фоиз, ширасида 24 фоиз қанд бўлади. Ундан турли ичимликлар тайёрлашда, конфет-

ларни ичига қиём сифатида солиб ишлатилади. Баъзи турларидан супурги тайёрланади.

Сорго сувсизликка жуда чидамли, шўр ерларда ҳам ўсоверади. Қалин ўсганлиги, кўп ўримли бўлганлиги учун ерларни бегона ўтлардан тозалайди. Илдизлари ниҳоят яхши ривожланган бўлиб, унинг ҳисобига кўпгина органик модда тўпланади.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Соргонинг ватани Африка, Ҳиндистон, Хитой бўлиб, милоддан 3 минг йил илгари экилиб келинган. Ўрта Осиёда эса 2,5 минг йил илгари мавжуд бўлган.

Морфологияси. Сорго фалласимонлар оиласига киради. Унинг 50 дан ортиқ бир йиллик ва кўп йиллик турлари бор. Бизда 3 тури: оддий сорго, қўқон жўхори, судан ўти экилади.

Илдизи сочоқ бўлиб, 2 м чуқурликка, 60—90 см ён томонига тарқалади. Поясининг баландлиги 2—7 м га етади. Ҳар бир ўсимликда 10—25 та ланцетсимон барги бўлади. Гули рувакларга жойлашган. Ўз—ўзидан чангланади. Оталиги ҳам, оналиги ҳам битта рувакда бўлади. 1000 та уруфининг оғирлиги 15—45 г бўлиб, оқ, сариқ, қўнғир рангларда бўлади. Битта рўвакда 1600—3500 та дон бўлади.

Биологияси. Сорго иссиқсевар ўсимлик. Иссиқлик ва шўрга чидамли, 10—12°C да униб чиқади. 1—2°C со-вуққа чидайди, 30—33°C да яхши ўсади ва ривожланади. Бутун вегетация даври учун 2250—2500°C фойдали ҳарорат талаб қиласди. Тупроққа талабчан эмас. Транспирация коэффициенти 200—250. Лекин сернам бўлса яхши ўсиб ривожланади, юқори ҳосил тўплайди. Кам сув бўлганда пояларида глюкозид (захарли модда) кўпайиб кетади. Ниҳоллар 8—15 кунда униб чиқади, 25—30 кун секин ўсади. Униб чиққандан кейин 1 ой ўтгач, туплай бошлайди, 1,5 ой ўтгач найча, 2 ой ўтгач рўвак чиқаради. Ундан 7—10 кун ўтгач гуллайди. Пишшиб етилиши учун ҳаммаси бўлиб 80—120 кун талаб қиласди.

Экиладиган навлари. Қандлик жўхори, Ўзбекистон паканаси, Санзар, Тошкент оқдонлиси, Ўзбекис-

тон—5, Ўзбекистон—18, Оранжевое—160, Вахш—10 ва бошқалар.

Ҳосил етиштириш технологияси. Сорго баҳорда асосан беда, гўза каноп, сабзавот, полиз, картошка, дондуккакли ва бошқа экинлардан кейин экилади. Оралиқ экинларидан (жавдар, тритикале, сули, ранс, перко, бурчок ва бошқалар) сўнг ҳам экиш мумкин. Лекин соргони ўзидан, маккажўхоридан, дон-гalla экинларидан сўнг экмаслик керак. Сорго етиштириш учун ер танлаш, кузги ишларни ўтказиш, ўғитлаш, уларнинг миқдори ва муддатлари, баҳорда экиш олдидан бажариладиган ишлар барчаси маккажўхориники каби бўлади. Соргонинг уруғи майда бўлганлиги учун экиладиган тупроқ ниҳоятда текис ва майнин бўлиши керак.

Экиш. Соргони экиш усули икки хил бўлади:

1. Якка қаторлаб 60 см кенглиқда.
2. Кўш қаторлаб 70+20 см кенглиқда.

Энг яхши экиш муддати 1—30 апрель ҳисобланади. СОН—2,8 сеялқаси билан экилади. Уруғ миқдори 8—14 га/кг бўлиб, 3—4 см чуқурликка экилади. Ниҳоллар униб чиққач, ўсимликлар қалинлиги ҳар гектарга 400—700 минг тупни ташкил қиласи. Кейинги ўримларда эса туплаш, қўшимча поялар пайдо бўлиш ҳисобига, унинг сони 1,0—2,5 млн. га етади.

Парвариш қилиш. Вахш 10 навли кўп ўримли сорго тўлиқ униб чиққандан кейин 10—12 кун ўтгач, 8—10 см чуқурликда культивация ўтказилади. Иккинчиси эса 3—4 та барг ҳосил қилганда 12—14 см чуқурликда бажарилади. Уруг олиш мақсадида экилган бўлса, ўсимликлар ораси 5—7 см қолдириб ягона қилинади. Бегона ўтларни кетмонда чопиб ёки ўтоқ қилиб йўқотилади. Кўк масса олиш мақсадида экилган бўлса, бу ишларни бажариш шарт эмас. Иккинчи культивация ўтказилиши биланоқ, орқасидан минерал ўғитлар билан биринчи марта озиқланитирилади ва биринчи марта сугорилади. Орадан 15—16 кун ўтгач, яна сугорилади. Шу пайтда сорго рўвак чиқаради. Бу кўк масса тайёр бўлганидан дарак бўлиб, биринчи ўримга киришиш мумкин. Ўрим тугаллангач, культивация қилиш, ўғит-

лаш ва иккинчи марта суғориш ўтказилади. Йиллик ўғитлаш нормаси қўйидагича: гўнг 20—30 га/ т, азот 300—350, фосфор 200—250, калий 100—120 кг/га. Шундан гўнгнинг ҳаммасини, фосфор ва калийнинг ярмисини, кузда шудгорлашдан олдин сепилади. Экиш билан бир вақтда 30 га/кг азот ва 30 га/кг фосфор берилади. Вегетация даврида биринчи озиқлантирилганда 80—100 га/кг азот, иккинчисида 70—80 га/кг азот, қолган фосфор ва калий ишлатилади. Учинчи ва тўртинчи озиқлантиришга нисбатан 70—80 ва 60—700 га/кг азот сарфланади. Биринчи ўримдан кейин иккинчи ва учинчиси орасида 28—30 кун, тўртинчисида 30—35 кўк ва бешинчисида 40—45 кун талаб қиласиди. Ҳар сафар 700—900 га м³ сув сарфлаб 9—10 марта суғорилади.

Ҳосилни йиғишириш. Соргони кўк масса учун ўриб йиғишириш, худди маккажӯхорини силосга йиғишириш каби бўлади.

- Саволлар:**
1. Соргонинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Соргонинг ватани қайси давлат?
 3. Соргонинг биологик ҳусусиятларига нималар киради?
 4. Сорго қандай парвариш қилинади?
 5. Ўзбекистонда соргонинг қандай навлари экилади?

44-§. ДОНЛИ-ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Донли-дуккакли ўсимликларга горох, нўхот, фасоль, ловия, мош, чечевица, вика, вигна ва бошқалар киради. Бу ўсимликлардан таркибида оқсил моддаси бўлган дон олиш мумкин. Уруғида 25% (нўхот), 34% (соя) оқсил моддаси бўлади. Донли-дуккакли ўсимликларни донидан инсон ва чорвачилик учун сифатли озуқа модда сифатида кенг миқёсда фойдаланилади. Похолнинг таркибида ҳам оқсил модда кўп бўлганлиги сабабли чорва учун сифатли озуқа ҳисобланади.

Дуккакли ўсимликлар етиштирилганда тупроқда азотнинг миқдори 50—150 кг/га ортиши мумкин. Шу

сабабли дуккакли ўсимликлардан сўнг экин экилган ерларда ҳосилдорлик нисбатан юқори бўлади. Дуккакли ўсимликлар пояси қўқ ҳолатда бўлганда дала ҳайдалиб юборилса тупроқ таркибида озуқа моддаларнинг миқдори кескин ортади.

Дуккакли ўсимликларни баҳорда, ёзда ва ҳаттоки кузда (горох) асосий экинлар билан қўшиб экиш мумкин ва йил давомида 2 маротаба ҳосил олиш мумкин. Ўзбекистон шароитида дуккакли ўсимликлар учун маҳсус майдон ажратиш шарт эмас. Уларни маккажӯхори, оқжӯхори, шоли, картошка, резавор экинлар учун ажратилган ерларга экиш мумкин. Горохни маккажӯхори, оқжӯхори билан қўшиб экилса 1 гектар ердан 80—100 ц дон, озуқа ёки 140 ц озуқа бирлигига тенг маҳсулот, 1500 кг оқсил моддаси олиш мумкин. Донли дуккакли ўсимликлар (вигна, горох, соя, мөш) кўпинча маккажӯхори, оқжӯхори, сули, арпа билан қўшиб экилади.

Ўзбекистонда донли-дуккакли ўсимликлар нисбатан кам экилади. Нўхот асосан лалмикор ерларда, горох лалмикор ва суфориладиган ерларда етиштирилади. Мөш, ловия асосан суфориладиган майдонларда етиштирилади.

Донли-дуккакли ўсимликлар дуккаклилар оиласига мансуб бўлиб морфологик белгилари бир-бирига ўхшаб кетади. Илдизи тўғри ўсади, кучли ривожланган. Илдизида туганаклар бўлиб, уларда азотни боғловчи (ўзлаштирувчи) микроорганизмлар яшайди. Шуни алоҳида тъкидлаш лозимки, ҳар бир дуккакли ўсимликлар гуруҳининг илдизида ўзига хос туганакларда яшайдиган микроорганизмлар тоифаси мавжуд.

Пояси тик (нўхот, соя), ёнбошлаб (горох) ўсади, яхши шоҳлайди. Барглари мураккаб, ҳар хил шаклда ва ривожланган. Гултожиси барг қинида битта ёки бир нечтадан жойлашган. Меваси дуккак, иккита қобигидан иборат бўлиб, ичida биттадан бир нечтагача дони бўлади. Ҳосил етилганда қобиглар очилиб кетади ёки ёпиқ туради. Дуккакларнинг пишиши гуллашига ўхшаш поянинг пастидан юқорисига қараб навбат билан содир бўлади.

Донли-дуккакли ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиш даври нисбатан қисқа — 70—100 кун. Горох, чина иссиққа кўп талабчан эмас, совуққа нисбатан чидамли. Мош, вигна, фасоль, соя совуққа чидамсиз, иссиқликда яхши ўсади. Горох, хашакли дуккаклилар, соя намликка талабчан, нўхот, чина қурғоқчиликка чидамли.

Донли дуккаклилар шўрланган тупроқларда ёмон ўсади, фосфорли ва калийли ўғитларга талабчан. Мош, горох ва бошқа дуккаклилар маккажўхори, оқжўхори, кузги бошоқлилар, баҳорги арпа, сули, эртаги резавор экинлардан кейин экилади. Соя, вигна баҳорда ва ёзда маккажўхори, оқжўхори билан қўшиб экилади. Кўк озуқа сифатида горохни ёз давомида бир неча маротаба ўзини ёки сули ва арпа билан қўшиб экиш мумкин.

- Саволлар:**
1. Донли-дуккакли ўсимликларга нималар киради?
 2. Донли-дуккакли ўсимликлар қандай экинлар билан қўшиб экилади?
 3. Донли-дуккакли ўсимликлар қандай майдонда етиштирилади?
 4. Донли-дуккакли ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиш даврини айтиб беринг.

45-§. СОЯ

Халқ ҳўжалигидаги аҳамияти. Соя озиқ-овқат, техникавий озуқабоп экин ҳисобланади. Донидан 300 хил маҳсулот тайёрланади. У тўйимлилиги жиҳатидан гўштга тўғри келади. 1 кг дондан 8 л сут тайёрлаш мумкин. Донидан сут порошоги, тухум порошоги, мой, маргарин олинади, сир, консервалар, ун, кондитер маҳсулотлари тайёрланади. Доннинг таркибида 33—52 фоиз оқсил, кўк массасида 4—5 фоиз оқсил мавжуд. 1 кг донда 1.31, пичанда 0.51, похолида 0.32 ва кўк массасида 0,21 озуқа бирлиги мавжуд, 100 кг соя донида 32—45 кг, кўк массасида 3,5 кг, похолида 5,3 кг протеин бор.

Чорва моллари учун соядан ем, кунжара, широт, пичан, кўк поя, силос, похол ва бошқалар тайёрланади.

ди. Унинг пичанида 15 фоиз оқсил, 5 фоиз ёғ, 39 фоиз углевод 7,2 фоиз кул, 22 фоиз тўқима бўлади. Кунжарасида 47 фоиз оқсил борлиги аниқланган. Сояни кўк ўғит сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Соя ўзидан кейин тупроқда ҳар гектарга 50—120 кг биологик азот тўплайди. Бундан кейин экилган пахта, каноп, макка, жўхори, бугдой, шоли, сабзавот, полиз, картошка ва бошقا экинлар яхши ҳосил беради.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Соянинг ватани Марказий Осиё ҳисобланади. Ҳозир жаҳоннинг кўп мамлакатларида экилади. Ўзбекистонда ҳозирча соянинг майдони жуда кам (3—4 минг.га). Соянинг дон ҳосилдорлиги ҳар гектарга 30—35 ц ва кўк масса 250—300 ц ташкил қиласди.

Морфологияси. Соя бир йиллик ўсимлик бўлиб, дуккаклилар оиласига киради. Ўқ илдизли, 60—100 см чуқурликка етади. Пояси тик ўсади, буйи 40—150 см. Барги уч қўшалоқ, дони пишиб етилганда чатнаб тўкилиб кетиши мумкин. Пояси сертук, гуллари ўзидан чангланади, ранги оқ пушти тусда. Дуккаги узунчоқ бўлиб, унда 1—5 та дон бўлади. Дони юмалоқ, овалсимон сарикроқ, яшилроқ, қорамтири тусда бўлиши мумкин. 1000 та дона уруғининг вазни 140—193 г (11-расм).

Биологияси. Соя иссиқсевар бўлиб 12—14°C да униб чиқади. Ниҳоллар 2—3°C совуқда чидайди. Ўсиб ривожланиш учун 18—25°C ҳарорат етарли ҳисобланади. Вегетация даври 100—130 кун. Сувга талабчан, лекин сувсизликка ҳам чидайди. Транспирация коэффициенти 500—600. Қисқа кунли, ёргуликка талабчан. Механик таркиби енгил, шўрланмаган тупроқларда яхши ўсади.

Экиладиган навлари. Ўзбекистон—2, Ўзбекистон—6, Дўстлик, Орзу ва бошқалар.



11-расм. Соя:
1—ёш ўсимлиги; 2—етилган ўсимлиги; 3—уруғлари.

Ҳосил етиштириш технологияси. Сояни асосий ва тақрорий экин сифатида экилади. Ўтмишдошлар барча экинлар бўлиши мумкин. Лекин тақрорий галла, сабзовот ва бошқа эртанги экинлардан бўшаган ерларга экилади. Асосий экин сифатида кўпроқ дон олиш учун баҳорда, кўк масса учун эса баҳорда ва ёзда ҳам экилса бўлаверади.

Тупроқни ишлаш маккажӯхориники каби бажарилади.

Ўғитлаш. Соя ўсимлиги айниқса, фосфор ва калийга талабчан бўлади. Лекин ўсишга бошлишида бироз азот ўғитга ҳам муҳтожлик сезилади. Минерал ўғитларнинг йиллик миқдори ҳар гектарга қўйдагича белгиланади: азот 30—40, фосфор 60—80 ва калий 80—100 кг. Азот экиш билан бирга, фосфор ва калий шудгорлаш ёки экишдан олдин берилади.

Экиш. Тупроқнинг ҳарорати 12—14°C бўлганда экилса, 6—7 кунда униб чиқади. Бу муддат 10—15 апрелларга тўғри келади. Агар оралиқ экинларидан бўшаган ерга экилса 15 майгача тўғри келади. Тақрорий экин сифатида 1—10 июндан кечикмаслик лозим. Соя биологик хусусиятларига кўра маккажӯхори ва соргога ўхшаш. Уларнинг экиш муддатлари ҳам бир вақтга тўғри кела-ди. Шунинг учун ҳам уларни қўшиб экилса бўлаверади.

Соянинг экиш усули бир қаторли 60 ёки 70 см кенгликда, ўсимликлар ораси 5—6 см бўлади. Экиш учун СПЧ—6 м, СОЯ—28 ёки чигит сеялкалар ишлатилади. Уруф сарфлаш миқдори гектарига 350—400 минг дона ёки 60—65 кг белгиланади. Экиш чуқурлиги 5—7 см. Уруф экишдан олдин албатта ТМТД 80% «пригаматли» билан дориланган бўлиши шарт. Бунда 1 т уруф учун 4 кг препарат 5 л сувга кўшиб ишлатилади.

Экинни парваришлаш. Соя ердан тўлиқ униб чиққач 7—10 кун ўтказиб қатор оралари ишланади. Бунда саёз (8—10 см чуқурликда) культивация юргизилади. Бегона ўтларга қарши «трефлан» гербицидидан фойдаланса бўлади. Ҳар гектарга 4 кг сарфлаб ниҳоллар пайдо бўлгунча сепиш лозим. Бундан кейин яна 1—2 мар-

та ёки ўсув даврида ҳаммаси бўлиб 3—4 марта культивация ўтказилади.

Суғориш. Соя гуллай бошлиётган ва дон олаётган пайтда жуда намга чанқоқ бўлади. Бутун вегетация даври 3—6 марта суғориш мумкин. Бунда ер ости сувларининг жойлашиши ҳисобга олинади. Биринчи суғориш ўсимлик 3—4 та баргча чиққандা, иккинчиси гуллаш олдидан, учинчиси ёппасига гуллаганда ва тўртинчиси дуккакларининг шаклланайтган пайтида, бешинчиси эса доннинг етилиш даврида ўтказилади. Сояни суғориш миқдори гектарига ҳар сафар 700—900 м³ бутун вегетация даврида эса 3500—4500 м³ ташкил қиласи.

Ҳосилни йигиштириш. Соя кўк масса ёки пичан учун гуллаган даврда, дон олиш мақсадида эса дуккаклари 85—90 фоиз қорамтир тусга кирганда ўрилади. Ўриш ЖБА—3,5 жаткасида бажарилади. Бундан 3—4 кун ўтгач СК—4 СКПР—4 ва СКД—5Р комбайнлари билан янчичиб олинади.

- Саволлар:**
1. Соянинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 3. Соянинг биологик хусусиятларини изоҳланг?
 4. Соя етиштириш технологияси деганда нималар тушунилади?
 5. Соя ҳосили қандай йигиштириб олинади?

46-§. КАРТОШКА

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Картошка аҳамияти жиҳатидан буғдой, шоли ва маккажўхоридан қолишмайди. Ундан 200 хилдан кўп маҳсулотлар тайёранади. Асосан инсонлар учун озиқ-овқат ҳисобланади (12-расм).

Таркибида 25 фоиз қуруқ модда, шундан 14—22 фоиз крахмал, 1,4—3,0 фоиз оқсил, 0,8—1,5 фоиз қанд, 1 фоиз тўқима, 0,2—0,3 фоиз ёғ ва 0,8—1,0 фоиз кул ташкил қиласи. Бир қанча витаминлар (В, В₁, В₂, РР, А) мавжуд. Картошкадан спирт, крахмал, глюкоза, каучук ва бошқалар олинади. Унинг 1 т тугунагидан 112 л спирт олса бўлади.



12-р а с м. Кartoшканинг умумий кўриши.

Картошка ҳосил олиш учун экилганда унинг тугунак меваларидан фойдаланилади.

Илдизи калта, сочоқ бўлиб тупроқقا юза жойлашади. Кечки пишарлариники эса чуқурроқ, (150 см) етади.

Пояси асосан тик ўсади. Кейинчалик вегетация даврининг охирида бироз эгилиб қолади. Унинг баландлиги 30—150 см бўлади. Ҳар тупда 4—15 тагача поялар бўлиши мумкин.

Барглари бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлади. Ҳар бир барг бандидан бир нечта жуфт ён баргчалар ўсиб чиқади (13-расм).

Картошканинг гуллари ҳар хил узунликда жойлашган тўпгуллардан иборат. У ўзи-ўзидан чангланади. Янги нав яратишда уруғларидан фойдаланилади.

Биологияси. Картошка ёргусевар ўсимлик. У нишлаши учун 7—8°C иссиқлик талаб қиласди. 18—20°C яхши ўсиб-ривожланади, 28°C дан ошганда мева тугиши ёмонлашади. Эртапишар навлар учун 1000—1400°C, кечки пишарлар учун 1400—1600°C иссиқлик талаб қилинади.

Картошкани эртаги, ўртаги ва кечки қилиб экилади. Эрта пишарлари 55—60 кунда, ўрта пишарлари 80—100 кунда ва кечпишарлари 125—140 кунда етилади. Барглари 1—2°С совуқда ўлади.

Транспирация коэффициенти 300—450.

Картошка унумдор, бўш, қумоқ тупроқларда жуда яхши ўсади ва юқори ҳосил беради. Шўр, зичлашган, ер ости суви ниҳоятда яқин (60—80 см) бўлган тупроқларни ёқтирамайди.

Экиладиган навлари. Картошканинг навлари эртапишар, ўрта пишар ва кечпишарлиги билан бир-биридан жуда катта фарқланади. Вегетация даври, тугунакларнинг йириклиги, ҳосилдорлик сифати, касалликларга чидамлиги ҳам ҳар хилдир.

Ҳосилни етиштириш технологияси. Картошка ниҳоятда ер танлайди. У қумоқ, физикавий хоссалари яхши, гумусга бой, унумдор тупроқларга талабчан. Бедапоя бузилгандан сўнг биринчи ва иккинчи йили полиз сабзавот карам бодринг ва бошқалардан сўнг экилса юқори ҳосил олиш мумкин. Алмашлаб экишда картошканинг салмоги 25—30 фоизини ташкил қилиши лозим. Уни бир ерга қайта экиш ярамайди, касалликларга чалинади, ҳосил камайиб кетади.



13-р а с м. Картошка баргларининг хиллари:

1—сийрак барги; 2—ўртача барги; 3—зич барги.

Ўғитлаш. Картошканинг йиллик ўғитлаш миқдори күйидагида бўлади: гўнг 50—60 т/га, азот 150 —200 фосфор, 100—150 ва калий 60—90 кг/га. Булардан гўнгнинг ҳаммасини, фосфор ва калийнинг 80 фоизини ерни хайдашдан олдин, азот ва фосфорнинг 20 фоизини экиш билан бирга берилади. Қолган азотни ўсув даврида иккига бўлиб озиқлантирилади. Биринчи сида 30 фоиз картошка ердан униб чиққандан кейин ва иккинчисида 50 фоиз гуллари ғунчалаш пайтида берилади.

Тупроқни ишлаш. Тупроқни кузда шудгор қилиш деярли пахтаникига ўхшаш бўлади. Иложи бўлса плуглар олдига норальник жойлаштирилади. Кўп йиллик ўтлар сероб бўлса, 4 кг/га «Далапон» гербицидидан 600 л сувга қўшиб пуркалади.

Шудгор текислангач, дарҳол 70—90 см кенгликада пушта олиб қўйилади бунда картошкани баҳорда барвақт экишга имкон туғилади.

Экиш. Картошка экишдан олдин сараланган, бир тугунақнинг оғирлиги 50—80 г бўлиши керак. Ундан йирик бўлса, кесиб экилади. Чириш юз бермаслиги учун ТМТД препарати билан дорилаб экилади. Картошка экишдан 15—20 кун олдин нишлатишга қўйилади. Бунинг учун 15—17°C иссиқ ва ёруғ жойларда юқа қилиб ёйиб қўйилади. Экиш СН—4Б сеялкасида 20 февралдан 20 мартача бажарилади. Тошкент вилоятида 1—10 марта тўғри келади.

Ҳосилни йиғишириб олиш. Картошка ҳосилининг йиғиширишдан олдин палаги ўриб олинади. Махсус КАН—2 ёки КСТ—1,4 маркали картошка ковладиган машиналар билан йиғишириб олинади.

- Саволлар:**
1. Картошканинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Картошканинг морфологик ва биологик хусусиятларини изоҳланг?
 3. Картошка етиширишда қандай агротехник тадбирлар амалга оширилади?
 4. Картошка ҳосили қандай йиғишириб олинади?

47-§. РАПС

Халқ хўжалигидаги аҳамияти. Рапсдан кўп мақсадда фойдаланиш мумкин. Ундан ёғ олинади, чорва молла-рига озуқа экини ҳисобланади, тупроқ унумдорлигини ошириш учун сидерат экини сифатида фойдаланилади. Қалин ўсганлиги туфайли бегона ўтларни босиб ўлдиради ва ҳоказо.

Рапс доннинг таркибида 35—50 фоиз ёғ, 23—30 фоиз оқсил, 20—23 фоиз углеводлар, 5—6 фоиз тўқима, 4—5 фоиз минерал моддалар мавжуд. Озуқа бирлиги 1,4—2,0 га тенг. Унинг 1 кг донида 180—200 г ҳазм бўладиган протеин моддаси бор. Донидан ёғ олингач, ундан қолган кунжара ва шроти чорва моллари учун ниҳоятда тўйимли озуқадир.

Рапснинг 1 ц кўк массасида 10—16 кг қуруқ модда, 10—16 кг озуқа бирлиги, 2 кг протеин, 0,5—0,7 кг шакар, 3—8 г каротин, 2,5—4,8 кг тўқима, 0,2—0,3 кг кальций, 0,04—0,05 кг фосфор мавжуд.

Рапс Ўзбекистонда асосан кузда оралиқ экин сифатида экилади. Рапс асаларичиликнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Келиб чиқиши ва тарқалиши. Рапснинг ватани маълум эмас. Лекин Хитойдан келиб чиқсан деган тахминлар бор. Сабаби рапс аслида Хитой карами билан супереца ўсимлигининг чатиштириш йўли билан олинган. Экин сифатида милоддан 400 йиллар илгари экилган. Бизга Европа мамлакатларидан келган.

Морфологияси. Рапс бир йиллик ўсимликdir. Унинг бўйи 170—300 см бўлиб, диаметри 1—5 см ни ташкил қиласи. Ўқ илдизи 180—250 см чуқурликка етади, диаметри эса 0,8—5 см бўлади. Барглари йирик овал шаклида, узунлиги 60—90 см келади. Битта ўсимликда 25—100 та барг бор. Гули тубсимон бўлиб, унда 8—90 гача гулчалар мавжудdir. Гуллаш муддати 16—42 кун давом этади. Битта ўсимликда 500 тагача гул тўплами бўлади. Рапснинг дони юмшоқ, майда бўлиб, унинг 1000 тасини вазни 3—6 г келади. Битта ўсимлик 500 тагача уруғ беради (14-расм).



14-р а с м. Күзги рапс

1—үсимлигининг умумий кўриниши;
2—мева шохи.

уради. Баҳорда февраль ойларидан бошлаб иссиқлик 2°C дан кўтарилигач барг чиқара бошлайди. Сўнгра $10-25$ кун ўтгач поя чиқариб бўйига ўса бошлайди, $20-40$ кун ўтгач гуллай бошлайди. Бу муддат $15-25$ кун давом этади. Бундан $50-70$ кун ўтгач уруғ пишиб етилади.

Вегетация даври $240-250$ кун бўлиб, шундан $80-90$ куни совуқ кунларга тўғри келади.

Рапс тупроқда намнинг етарли бўлишини хоҳлайди. Уруғи униб чиқиши учун ўз оғирлигига нисбатан $50-60$ фоиз сувни кўпроқ талаб қиласди.

Рапснинг транспирация коэффициенти $680-720$. Рапс элементларга бой бўлган табиий унумдор тупроқда яхши ўсади. Лекин деярли ҳар хил тупроқда ўсаверади, ўта шўрланган ва ботқоқланган ерларни ёқтирмайди.

Рапс ёруғ севувчи үсимлиkdir. Фотосинтез жадал ўтади ва бир суткада 1m^2 юза ҳисобига $10-12$ г қуруқ органик модда тўпланади. Бу жавдар, маккажӯхори ва нўхот үсимликларига нисбатан 2 марта кўп.

Биологияси. Рапс соvuқقا чидамли, юқори ҳароратга талабчан эмас. Уруғининг уна бошлиши учун 1°C дан юқори ҳарорат кифоя. Ҳарорат $8-10^{\circ}\text{C}$ бўлганда майсалар $8-10$ кунда, $15-20^{\circ}\text{C}$ бўлганда эса $3-5$ кунда униб чиқади. Тўлиқ униб чиқиши учун $60-90^{\circ}\text{C}$ ҳарорат талаб қиласди. Рапс $16-26^{\circ}\text{C}$ соvuқقا, қор тагида эса $30-35^{\circ}\text{C}$ соvuқقا чидайди.

Ниҳол униб чиқсандан кейин бир ойлар чамасида $20-25$ см ўсади.

Қишида баргларини соvuқ

Экиладиган навлари. Рапснинг навлари 200 дан кўпроқдир. Лекин бизнинг мамлакатда кўк масса етишириш учун энг истиқболлилари қуидагилар ҳисобланади: тез ўсувчан (ўта тезпишар), Проминъ, Краснодар—3 (ўртапишар) ва Ника (кечпишар).

Ёғ олиш мақсадида донида заарли эрун ва глюкоzinолат кислоталари 4 фоиздан ошиқ бўлмаган қуидаги навлар экилади: Краснодар—3, ВЭМ, Проминъ, Кубан, Эввин (Агат), Салют, Шпат, Хонқа ва бошқалар.

Рапсдан кўк масса етишириш технологияси. Рапс экиш учун алоҳида ер танланмайди. Асосий экинлардан бўшаган ерларга оралиқ экин сифатида экилади.

Экиш учун ерни тайёрлаш худди бошқа кузги экинларники каби бажарилади. Дала ниҳоятда текис, майин тупроқли бўлиши шарт.

Экиш. Кўк масса етишириш мақсадида рапс асосан ёппасига экилади. Бунда СЗТ—3,6 ва СЗА—3,6 сеялкаларидан фойдаланилади. Уруғи жуда майда бўлганлиги ҳисобга олиб, уни меъёрида экиш учун ҳар 1 кг га 12—15 кг аммофос ўгитидан ёки 20—25 кг қум кўшиш лозим.

Уруғ сарфлаш миқдори ҳар гектарга 8—10 кг ҳисобида бўлади.

Экиш муддати августнинг иккинчи ярмидан октябрнинг иккинчи ярмигача давом этади. Августда экиладиган рапсдан икки марта ҳосил олинади. Уруғ экиш чуқурлиги 1,5—2,0 см рапс экилгач 7—10 кундан кечикмай униб чиқиши лозим. Бунинг учун дарҳол суғориш зарур.

Парвариш қилиш. Рапсни органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилса ниҳоятда юқори ҳосил етишириш мумкин. Уларнинг йиллик миқдори ҳар гектарга: гўнг 20—30 т, азот 150—180 кг, фосфор 60—80 кг, калий 50—60 кг қилиб белгиланади. Гўнг, фосфор ва калийли ўғитларнинг ҳаммасини қўшиб кузда экишдан олдин берилгани маъқул. Азотли ўғитлар эса баҳорда икки муддатда: биринчиси — ўсимлик кўкара бошлиши биланоқ, иккинчиси — 20—25 кун ўтгач берилади.

Август ойида экилган рапс, то кўк массага йиғишириб олингунча, 3—4 октябрда экилган бўлса 1—2

марта суғорилади. Ҳар сафарги суғориш миқдори гектарига 700—800 м³ ни ташкил қиласы. Охирги суғориш ҳосилни йиғиширишдан 15—20 кун илгари ўтказилиши керак.

Ҳосилни йиғишириш. Августда әкілган рапс ердан униб чиққач 52—55 кунда ўриб олинади (15—20 октябрь). Бу майдонлардаги рапс баҳорда яна ўсиб ҳосил беради (25 март—10 апрель). Октябрда әкілгандан эса фақат баҳорда (10—25 апрель) бир марта ўриб олинади. Күк ҳолида молга едириш учун рапс гул күрсата бошлаганда, силос бостириш, талқон тайёрлаш учун эса тұлық гуллаганда ўрилади.

Рапсни ўриб-йиғишириб олишда КИК—1,4 агрегати ва КС—1,8 «ВИХРЬ» силос комбайнидан фойдаланилади.

Бир марта ўриб олинганда ҳар гектардан 300—400 ц ва иккى марта 600—700 ц күк масса йиғишириб олинади. Бу тахминан 50—100 ц озуқа бирлигига тенг келади.

Рапсдан дон етиштириш технологияси. Жуда күп мамлакаттарда рапс асосан ёғ олиш маңсадида әкілади.

Рапс дони етиштириш учун асосий әкинлардан октябрь ойида бұшаган, үзининг оиласига мансуб әкинлар әкілмаган, унумдор ерлар ажратылади.

Тупроқни әкишга тайёрлаш худди кузги әкинларға тайёрлашга ўхшашидир. Фақат дала юзаси ниҳоятда текис ва майнин тупроқ бұлиши шарт.

Әкиш. Әкиш мұддати 1—15 октябрьга, уруғ сарфлаш миқдори ҳар гектарға 4—5 кг, әкиш чуқурлиғи 1,5—2,0 см га тұғри келади. Уруғ әкишдан олдин қүёшда ёйиб 5—7 кун қиздирілади. Әкіладиган уруғ сифатли I ёки II класста мансуб ва тозалиғи 97—100 фоиз бўлиши керак.

Әкиш усуллари — бир қаторли 60 см, қўш қаторли 48—12 см ва 70—20 см кенгликда бўлади. Бундай әкишда СОН—2,8 сабзавот сеялкасидан фойдаланилади.

Тез мұддатда ниҳоллар олиш ва тұлық кўчат олиш учун тупроқ намланади. Рапсдан иккى марта ҳосил — бир марта күк масса ва иккинчи марта дон йиғишириб олса бўлади.

Үгитлаш. Дон учун экилган рапснинг йиллик үгитлаш миқдори ҳар гектарга 30—40 т гүнг, 100—120 кг азот, 70—90 кг фосфор ва 50—60 кг калийни ташкил қиласи, экиш олдидан ҳамма гүнг, фосфор ва калийни берса бўлади. Ўсув даврида эса азот үгитини иккига бўлиб (биринчиси кўкариш ва иккинчиси гуллаш даврида) берилади.

Парваришлаш. Баҳорда кўкара бошлиши билан культивация ўтказилади. Сўнгра азот үгити билан озиқлантирилади, ягана қилинади, бегона ўтлар йўқотилади. Ҳар гектарга 700—800 м³ сув сарфлаб 2—3 марта суғорилади. Ҳашорат ва касалликлардан сақлаш учун шона кўрсатиш даврида 35 фоиз ёки 50 фоизли «тиодан» препарати сепиб ишланади.

Донни йигиштириш. Рапс донини йигиштириш анча мушкул. У бир вақтда пишиб етилмайди. Олдин пишганлари қобиги ёрилиб, тўкилиб кетади. Шунинг учун дон қопчиғларининг 75 фоиз сарғайганида йигиштиришга киришиш лозим. Бунинг учун ЖСК—4, ЖСБА—3,5, ЖВН—6, ЖРБ—4,2 ва бошқа жаткалардан фойдаланиб ўриб ташланади. Ўрилганда илдиз бўғизидан 20—25 см юқорироқ қолдирилади. Шунда поялар тезроқ қурийди. Қуриган поялар тўп-тўп қилиб йигиштирилади. Сўнг СК—5, «Нива» ва бошқа комбайнларда янчидан олинади. Бунинг учун доннинг намлиги 15 фоиздан ошмаслиги лозим. Комбайнлар герметик бекитилиши шарт, акс ҳолда дон кўп тўкилиб нобуд бўлади. Ундан ташқари донни қобигидан тўлиқ ажратиш ва кўпроқ ҳосил олиш мақсадида комбайнлар секинроқ — ҳар соатига 5—6 км юриши керак.

Дон янчидан олингач, намлиги 15 фоиздан пастга тушунча қуритилади. Сўнгра тозалашга киришилади. Бунинг учун ОВП—20 ёки СМ—4 машиналаридан фойдаланилади.

- Саволлар:**
1. Рапснинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
 2. Рапснинг биологик хусусиятларини изоҳланг?
 3. Рапсдан кўк масса етиштириш технологияси нималардан иборат?
 4. Рапсдан дон етиштириш технологияси таркибига нималар киради?
 5. Етиштирилган дон қандай йигиштириб олинади?

48-§. МАХСАР

Халқ хұжалигидаги аҳамияти. Донининг таркибида 25—32 фоиз мой бор. Бунинг мойидан асосан инсонларга озиқ-овқат ва техникавий мақсадда фойдаланилади.

Махсар пистаси паррандаларга жуда севимли ва түйимли овқат ҳисобланади. Унинг кунжараси бироз аччикроқ бўлади. Шунинг учун молларга кам-роқ миқдорда берилади. Махсар кунжарасининг 100 кг ва 44 озуқа бирлиги бор.

Морфологияси. Махсар бир йиллик үсимлик бўлиб, мураккабгуллилар оиласига мансубdir. Илдизи ўқ илдиз, 2 м чукурликка кетади. Пояси туксиз, сершоҳ, бўйи 90 см гача етади. Барги бандсиз, тиканчалар билан тугайди. Гули тўпгулли, диаметри 1,5—3,5 см келадиган саватчалардан иборат. Ҳар тупида 5—10 тагача саватча бўлади. Гули найчасимон, сариқ ёки тўқ сариқ рангли, 5 та бўлинган гултожиси бор. Махсар четдан чангланади. Меваси писта, қийин чақилади, чунки пўсти қаттиқ. Пистаси пишганда ерга тўкилмайди. 1000 дона уруғнинг вазни 20—50 г келади (15-расм).



15-р а с м. Махсар үсимлигининг умумий кўрининиши

Биологияси. Махсар иссиқсевар үсимлик. Ердан униб чиқиши учун тупроқнинг ҳарорати 10—12°C бўлиши лозим, 25—30°C да яхши ўсиб ривожлана-

ди. Майсалари 5—6°С совуққа чидайди. Намга талабчан эмас, күрғоқчиликка чидамли. Шунинг учун лалми ерларда бемалол ўстириш ва яхши ҳосил олиш мүмкін. Тупроққа талабчан эмас, ҳатто шұрланған ерларда ҳам ўсаверади, фақат кислотали ва ботқоқ тупроқтарни ёқтирамайди.

Экиладиган навлари. Максарнинг лалмикор ерларга районлаштирилган «Милютинли» нави мавжуд.

Етиштириш технологияси. Ўтмишдош сифатида махсарни кузги ва эртаги, баҳорги экинлардан кейин экилса яхши натижә беради.

Тупроқни ишлаш ҳам оддий, бошқа экинларники каби бажарилади. Максар лалми ерларда эрта баҳорда бир қаторли қилиб 45 ёки 50 см кенгликда ҳар гектарға 15—18 кг уруғ сарфлаб экилади. Экиш чуқурлиги 5—6 см бұлса кифоя. Максар униб чиққач күндаланғ бороналанади, яганаланади, 3—4 марта культивация қилинади, иккінчи культивация билан ҳар гектарға 60—80 кг азот, 40—50 кг фосфор ва 40—50кг калий ўғити береб өзиқлантирилади. Йирик бегона ўтлардан тозаланади, 2—3 марта сугорилади.

Ҳосилни йиғишишириш. Махсарни йиғишишириш учун унинг барглари қуриб тұқила бошлаганда, яъни дони тұлық пишганда киришиләди. Тұғридан-тұғри дон комбайнларда йиғишишириб олса бўлади. Баъзи ҳолларда машиналарда ўриб ташланади ва қуригач комбайнлар ёрдамида янчыб олинади. Йиғишишириш ишларини енгиллаштириш ва пояларни тезроқ қуритиш мақсадида ўсимликларни 25—30 см баландроқдан ўрилади.

Саволлар:

1. Максарнинг халқ хұжалигидаги аҳамиятини изоҳланг?
2. Максар морфологиясини изоҳланг?
3. Максар қандай етиштириләди?
4. Етиштирилган ҳосилни йиғишишириб олиш тартиби қандай?

V б о б. АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

1. ТУПРОҚНИ АНАЛИЗГА ТАЙЁРЛАШ

Тупроқнинг муҳим таркибий қисмини аниқлаш ва айрим хоссаларини ўрганишдан олдин у анализга тайёрланади. Бунинг учун олинган тупроқнинг ҳаммаси тоза қофоз устида ёйилган ҳолда қуритилади, ундаги йирик кесакчалар бармоқ билан эзиб майдаланади. Сўнгра ундан тарозида 500—1000 г тортиб олиб, газ ва сув буғлари бўлмаган жойда (очик ҳолда қолдириш мумкин эмас) сақланади. Шу тартибда тайёранган тупроқ намунаси яна 2—3 кун қуритилади, ундаги илдизчалар, ҳар хил қўшилмалар ажратиб олинади ва уларнинг оғирлиги алоҳида аниқланади. Тупроқ яхши қуриганидан кейин чинни ҳовончада ёғоч ёки резина қалпоқли чинни дастача ёрдамида эҳтиётлик билан туйилиб, кесакчалари майдаланади. Бунда тупроқдаги механикавий зарралар парчаланиб кетмаслиги керак. Сўнг ундан анализ учун ўртacha қилиб тупроқ тайёранади.

Бунинг учун тупроқ брезент ёки фанер устига ёйилиб, ундаги тош, илдиз ва бошқалар ажратиб олинади. Сўнгра йирик кесакчалари қўл билан майдаланади. Анализ учун ўртacha тупроқ намунасини олиш учун брезентдаги тупроқ яхшилаб аралаштирилади. Шундан кейин қўл ва чизгич билан бир текис қилиб яссоланади. Сўнгра у бир неча катакчаларга ажратилади. Бу катакчаларнинг ҳар биридан оз миқдордан тупроқ олиниб, уларнинг оғирлиги 300—600 г га етказилади. Бу тайёранган тупроқдан турли анализлар учун ўртacha намуна олиниб, у маҳсус элаклардан ўтказилади. (Масалан, тупроқ чириндиси учун 0,25 мм ли, механикавий анализ учун 1 мм ли элакдан ўтказилади.)

Эланган тупроқ намунаси оғзи яхши бекитиладиган шиша банкачада сақланади. Бундай сақланган тупроқнинг таркиби ва бошқа хусусиятлари ўзгармайди.

Ажратиб олинган йирик механикавий зарралар, илдизчалар ва бошқа қўшилмаларнинг тупроқда нисбатан фоиз миқдори пропорция йўли билан топилади. Масалан, анализ учун олинган 1000 г (100 %) тупроқда 15 г механикавий зарра, 5 г илдиз ва 1 г қўшилма бўлганда уларнинг фоизи тубандагича бўлади:

$$\frac{15 \cdot 100}{1000} = 1,5\%; \quad \frac{5 \cdot 100}{1000} = 0,5\%; \quad \frac{1 \cdot 1000}{1000} = 0,1\%.$$

Тупроқ таркибидаги нитрат бирикмалари ва аммиак миқдори аниқланмоқчи бўлса, олинган тупроқ қуриб қолмасдан тезда анализ қилинади. Тупроқ қутилса, ундаги аммиакнинг бир қисми газ ҳолида ажратиб чиқиши, қолган қисми эса оксидаланиб нитратга айланиши мумкин. Структураси аниқланмоқчи бўлган тупроқ намунасининг донадорлиги бузилмаслиги учун у майдаланмай анализ қилинади.

2. ТУПРОҚНИНГ НАМЛИГИНИ АНИҚЛАШ

(Термостатда қуритиш усули)

Тупроқ намлиги — абсолют қуруқ тупроқнинг оғирлиги ёки ҳажмига нисбатан фоиз билан ифодаланганди сув миқдоридир.

Ишлаш тартиби:

1. Номерланган алюмин бюкс станкаларнинг оғирлиги аниқланади.
2. Бурғи ёрдамида намлик аниқланадиган қатламлардан тупроқ намунаси олинади.
3. Олинган тупроқдан тахминан 30—35 г (0,01 г аниқликда) алюмин бюкс стаканга солиниб оғирлиги аниқланади.
4. Нам тупроқ солинган алюмин бюкс стаканлар термостатга 105°C иссиқликда 5—6 соат қуритилади. Кейин эксикаторда 2—3 соат совитилади. Оғирлиги аниқланади.
5. Яна 1—2 соат қуритилади. Оғирлиги ўзгармаса демак тупроқ мутлақо қуруқ ҳисобланади.

Тупроқ намлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = \frac{(a - b)}{(b - c)} \cdot 100,$$

бу ерда: W — тупроқ намлиги, фоиз (%) ҳисобида; a — нам тупроқ билан стаканнинг оғирлиги, г; b — қуруқ тупроқ билан стаканнинг оғирлиги, г; c — стаканнинг соғ оғирлиги, г.

Олинган натижалар 1-жадвалга ёзилади.

I-жадвал

Тупроқ номи	Қаттам, см	Стакан, N	Нам тупроқ билан стакан оғирлиги, г	Қуруқ тупроқ билан стакан оғирлиги, г	Бүш стакан оғирлиги, г	Буғланган сув миқдори, г	Тупроқ намлиги, %

3. ТУПРОҚНИНГ ҲАЖМ МАССАСИНИ АНИҚЛАШ

Табиий ҳолда сақланган маълум ҳажмдаги соғ қуруқ тупроқ оғирлигининг шундай ҳажмга бўлган нисбати тупроқнинг ҳажм массаси дейилади ва $\text{г}/\text{см}^3$, $\text{т}/\text{м}^3$ бирлигига ифодаланади.

Ишлаш тартиби:

1. Maxsus пўлатдан (ёки темирдан) ясалган ҳалқа олинади. Унинг ҳажми $pR^2 \cdot h$ формула ёрдамида аниқланади.
2. Ҳалқанинг $r = 3,14$ га teng, R — ҳалқа радиуси, h — Ҳалқанинг ички томонидаги баландлиги, см.
3. Ҳалқанинг ҳажми ва оғирлиги аниқлангандан кейин текшириладиган тупроқ қатламига ҳалқанинг ўтқир томони билан унинг табиий ҳолатини бузмасдан аста-секин киритилади. Ҳалқа тупроққа киритилаётганда тупроқдан ошиб кетмаслиги керак.
4. Тупроқдан ҳалқа пичноқ ёрдамида кесиб олинади. Ҳалқадаги тупроқнинг икки томони ҳам ҳалқа билан баробар бўлиши керак.
5. Ҳалқа билан тупроқни оғирлиги аниқланади.
6. Ҳалқадаги тупроқ намлиги аниқланади.

Тупроқ ҳажм массаси қуйилдаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{(P - C) \cdot 100\%}{(100 + W) \cdot V},$$

бу ерда: Q — тупроқнинг ҳажм массаси, г/см³ ҳисобида;

P — ҳалқа билан тупроқ оғирлиги, г;

C — ҳалқанинг соғ оғирлиги, г;

W — тупроқ намлиги, %;

V — ҳалқанинг ҳажми, см³.

Олинган натижалар 2-жадвалга ёзилади.

2-жадвал

Тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги, см	P, г	C, г	W, %	V, см ³	Q, г/см ³
	0—10					
	10—20					
	20—30					
	30—40					
	40—50					
	0—50					

4. ТУПРОҚНИНГ СОЛИШТИРМА МАССАСИННИ АНИҚЛАШ

Маълум ҳаждаги тупроқ қаттиқ қисми оғирлигининг шундай ҳаждаги сув оғирлигига бўлган нисбати тупроқнинг солиштирма оғирлиги дейилади ва г/см³ бирлигига ифодаланади. Тупроқнинг солиштирма оғирлиги унинг минерал ва кимёвий таркибиға боғлиқ бўлади. Масалан, чириндига бой бўлган тупроқларда 2,35—2,40 г/см³, чириндиси кам тупроқларда эса 2,70—2,75 г/см³га тенг.

Тупроқнинг солиштирма оғирлигини аниқлашда Н.А.Качинскийнинг «пикнометр» усулидан фойдала-

нилади. Бунда тупроқ томонидан сиқиб чиқарилган сув миқдори билан белгиланади.

Ишлаш тартиби:

Хажми 10 мл бўлган пикнометрнинг ярмигача дистирланган сув қўйилади. Сувдаги ҳавони сиқиб чиқариш учун 20—30 минут секин қайнатилади. Сўнгра пикнометр сув билан уй температурасигача совутилади, бўғзидаги белги чизиқчача дистирланган сув қўйилади. Шундан кейин пикнометрдаги сув бошқа идишга қўйиб олинади. Майдалангандан ва диаметри 1 мм ли элакдан ўтказилган тупроқдан 10 г тортиб олинади. Бу тупроқ эҳтиётлик билан чангитиб юбормай, пикнометрга солинади. Унинг бўғзига ёпишиб қолган тупроқ заррачалари бошқа идишга қўйилган дистилланган сув билан ювиб туширилади. Пикнометрга солинган сув билан тупроқ аралашмаси 10 минут қайнатилади. Сўнгра уй температурасигача совутилади, унинг бўғзигача дистилланган сув қўйилади. Пикнометрнинг суви ва тупроқ билан оғирлиги аниқланади. Тупроқнинг солиштирма массаси қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta = \frac{P}{(A + P) - C},$$

бунда: Δ — тупроқнинг солиштирма массаси, г/см^3 ;

A — пикнометрнинг сув билан оғирлиги, г ;

P — аниқлашга олинган тупроқнинг оғирлиги, г ;

C — пикнометрнинг сув ва тупроқ билан оғирлиги, г .

Олинган натижалар 3-жадвалга ёзилади.

3-жадвал

Тупроқ номи	Қатлам чуқурлиги, см	Аниқлашга олин. туп. оғирлиги, г	Пикнометр		Тупроқнинг солиштирма массаси, г
			Сув билан оғирлиги, г	Сув ва туп. билан оғир., г	
Бўз тупроқ	0—20 20—40 40—60				
Бўз тупроқ	0—20 20—40 40—60				
Кумли тупроқ	0—20 20—40 40—60				

5. ТУПРОҚНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИНИ ТАХМИНИЙ (ДАЛА) УСУЛДА АНИҚЛАШ

(*А.Ф. Вадюнина усули*)

Тупроқнинг қаттиқ қисми тог жинслари, минераллар ва органик моддалардан иборат. Бу заррачалар механик элементлар дейилади. Ҳар хил катталикда бўлган минерал заррачаларнинг фоиз ҳисобидаги нисбати тупроқнинг **механик таркиби** дейилади.

Механик элементлар диаметри 1 мм дан катта бўлса **тупроқ скелети**, ундан кичик бўлса **мелкозем** дейилади. Мелкозем ҳам иккига бўлинади. Диаметри 0,01 мм дан катта бўлганлари **физик қум**, ундан кичиклари эса **физик лой** дейилади.

Тупроқнинг механик таркибини дала шароитида аниқланганда унинг гранулометрик таркибига (донадорлигига) изоҳ берилади. Шунга асосланган ҳолда яроқлилиги аниқланади.

Тупроқнинг гранулометрик таркибини аниқлашда тахминий усулдан фойдаланиш мумкин. Бунда тупроқ кафтда ишқаланганда сезилиши, тупроқнинг қуруқ ва нам ҳолати, нам тупроқнинг кафт орасида юмалоқлашиш даражаси эътиборга олинади.

Ишлаш тартиби:

3—4 г тупроқ идишда сув қуйиб аралаштирилади, қуюқ лой ҳолатига келтирилгач кафт орасида ишқаланади ва диаметри 3 мм бўлган чўзиқ (шнур) шаклга келтирилади. Сўнгра чўзилган лой қофоз устига қўйилиб, ҳалқа шаклига келтирилади. Шунда у сочилиб кетади, ёрилади ёки текис ҳалқа шаклида сақланиб қолади. Шу кўрсаткич асосида тупроқларни механик таркиби аниқланади (4-жадвал).

4-жадвал

Лой ҳалқанинг (шнур) ҳолати	Тупроқнинг механик таркиби	0,01 мм дан кичик бўлган заррачалар миқдори, %
Чўзиқ шакл ҳосил бўлмайди	қум	0—10
Чўзиқ ҳолат белгилари мавжуд	қумлоқ	10—20
Чўзиқ шакл кафтда ишқаланганда бўлинниб кетади.	енгил қумоқ	20—30
Чўзиқ шаклдаги лойдан ҳалқа ясалганда очилиб кетади.	ўрта қумоқ	30—45
Ҳалқа ҳосил бўлади, лекин ёрилган ерлари мавжуд.	огир қумоқ	45—60
Ҳалқа текис, ёрилмайди.	соз	60—80 дан кўп.

6. ТУПРОҚ ЧИРИНДИСИНИ (ГУМУСНИ) И.В.ТЮРИН УСУЛИДА АНИҚЛАШ

Тупроқдаги гумус миқдорини аниқлашда И.В.Тюрин таклиф этган усул амалиётда кенг қўлтанилади.

Бу усул тупроқдан углеродни $(CO_2)_4$ 0,4 мл олтингугурт кислотаси билан 1:1 нисбатда эритилган калий бихромат ($K_2Cr_2O_7$) эритмаси иштирокида тўлиқ оксидланишга ва қолдиқ хромантингидридини мор тузи билан титрлашга асосланган.

Ишиш тартиби:


- Даладан келтирилган, қуритилган тупроқдан 50—60 г олиниб, қўлда майдаланади. Унда учрайдиган йирик ва майда илдиз қолдиқлари териб ташланади (лупа ва пинцет ёрдамида), чинни ҳавончада чинни даста билан майдалаб, 0,25 мм кўзли элакдан ўтказилади. Шу ҳолда тайёрланган тупроқ намунасидан гумусни аниқлаш учун 0,2—1,0 г миқдорда (тупроқда гумус моддасининг кўп ёки озлигига қараб) аналитик тарозида тортиб олинади.

- Тортиб олинган тупроқ намунаси 100 мл ҳажмли ко-

poly redmat
нуссимон колбага солинади ва унга 10 мл, 0,4n $K_2Cr_2O_7$ эритмаси бюретка ёрдамида секин-аста томчилатиб қўйилади.


3. Колба оғзига маҳсус тайёрланган ёки кичик ҳажмдаги воронка совуткич қўйилади ва усти берк электроплиткада 5 минут (қайнай бошлагандан кейин 5 минут) қайнатилади, кейин совутилади. Шу билан бир вақтда оксидловчи эритмадан ($0,4nK_2Cr_2O_7$) 10 мл миқдорда бюреткада 100 мл ли конуссимон колбага қўйиб олиниади. Унга майдаланганди шиша ёки пемзадан озгина солиб, юқоридаги тартибда қайнатилади ва совутилади.

Қайнатиш мобайнида қўйидаги реакция содир бўлади:




4. Совутилган колбага унинг совутгичини дистилланган сув билан чайиб, колбадаги суюқлик ҳажми 25—30 мл гача етказилади.

5. Колбага 3—5 томчи индикатор томизилади ва 0:2 N Мор тузи эритмаси:



билин қўнғир ранг яшил рангга ўтгунча титраланади. Бунда қўйидаги реакция содир бўлади:



Титрлашга сарфланган МОР тузи эритмасининг ҳажми аниқланади.

Тупроқдаги гумус миқдори қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X = \frac{(a - b) \cdot 0,0010362 \cdot K \cdot 100}{H}$$

бу ерда: X — тупроқдаги гумус (чиринди) моддасининг миқдори, %;

a — калий бихромат ва сульфат кислотаси аралашмасига сарф бўлган Мор тузи эритмасининг миқдори, мл;

b — тупроққа қўйилган ва уни оксидлашдан ортиб қолган хром аралашмасига сарф бўлган Мор тузи эритмасининг миқдори, мл; 0,0010362 — 1 мл 0,2 N Мор тузи эритмаси шу миқдордаги гумусга ёки 0,006 г углерод миқдорига баравар (г ҳисобида) бўлади;

$K = 1,02$ — қуруқ тупроққа нисбатан ҳисоблаш коэффициенти; H — анализга олинган тупроқ намунасининг миқдори, г.

Олинган натижалар 5-жадвалга ёзилади.

5-жадвал

Тупроқ номи	Горизонт, см	Анализга олин. туп. намунаси оғир., г	Мор тузининг сарфи, мл			Гумус миқдори, %
			Хром аралаш. титрлашга	Туп ва хром. аралаш.	Гумус оксидлашга	

7. КАБАЕВ УСУЛИ БИЛАН ДАЛА НАМ СИФИМИНИ АНИҚЛАШ

Ишлеш тартиби:

- 1 метргача бўлган чуқурликнинг ҳар 10 см қатламидан тупроқ намунаси олилади (тахминан 100—150 г).
- Олинган тупроқ намунасидан 40—50 г олиб хона температурасида қуриллади. Сўнгра қуруқ тупроқнинг диаметри 0,25 мм ли элақдан ўтказилади.
- Эланган тупроқдан 5 г олиб уни фарфор идишга солинади.
- Олинган тупроқни фарфор идиш тагига текис қилиб солинади.
- 5 мл ли пипеткада дистирланган сув олиб, секин-аста тупроқ сувга тўйгунча томчилатиб қуйилади, токи.

6. $TNC = \frac{C \cdot 100}{P}$ формуладан тўла нам сифим миқдори фоиз ҳисобида аниқланади.

7. TNC ни ўзгармас коэффициентга кўпайтириб даланинг нам сифими топилади:

$$DNC = TNC \cdot K$$

бунда: C — тупроқнинг устига қуйилган сув миқдори, мл;
 P — олинган қуруқ тупроқнинг оғирлиги, г;

$K = 0,43$ — коэффициент, тўла нам сифимини DNC га айлантириш учун ишлатилади.

Олинган натижалар 6-жадвалга ёзилади.

6-жадвал

Тупроқ номи	Қатлам чүкүрлиги, см	Тупроқ оғирлигі, г	Кетгап сув сарғи, мл	THC, %	DHC, %

8. СУВЛИ СҮРИМ ВА УНИ ТАЙЁРЛАШ

Тупроқдаги сувда эрийдиган, ўсимликлар учун зарарлы тузларни сувли сүрим тайёрлаш ва анализ қилиш натижасыда аникланади. Бунда тузларнинг умумий миқдори, нормал карбонатлар ҳосил қилувчи ва умумий ишқорийлик, хлорид, сульфат анионлари, кальций, магний катионлари ва бошқалар аникланади.

Сувли сүрим тайёрлаш тартиби:

Тупроқ намунаси 1 мм ли әлакдан ўтказилади ва ундан техник тарозида 50 г ўлчаб олинади. Уни 500 мл ҳажмли колбага солинади ва устига 250 мл дистилланган сув қуйилади (тупроқ ва сув 1:5 нисбатда). Тупроқ ва сув аралашмаси 5 минут давомида чайқатилади. Белгиланган вақт ўтгандан кейин иккинчи колбага оддий фильтр орқали сузилади. Фильтр орқали сузиб олинган эритма сувли сүрим дейилади.

Сузиб олинган сувли сүрим тиниқ ва тоза бўлиши керак. Агар сүрим лойқа ёки хира бўлса, у яна қайта фильтрга қуйилади. Тиниқ томчи туша бошлагандан бошлаб сувли сүримнинг ҳаммаси фильтрдан ўтказилади. Сувли сүримнинг ранги ҳар хил типдаги тупроқларда ва бир тупроқнинг ҳар хил қатламларида оч сарикдан (гумуснинг кўп ёки камлигига қараб) рангсиз ҳолатгача бўлиши мумкин.

Сувли суримни анализ қилиш натижасида сувда эрувчан тузларнинг умумий миқдори, хлор, сульфат ионлари ва бошқалар аниқланади.

Куруқ қолдиқни аниқлаш тартиби:

Тупроқ таркибидаги сувда эрийдиган минерал, органик бирикмаларнинг умумий миқдори **куруқ қолдиқ** дейилади. Куруқ қолдиқ сувли сўримнинг бир қисмини чинни идиш (пиёлача) да буғлатиш йўли билан аниқланади.

Сувли сўримдан 20—25 мл олиб қуритилган ва оғирлиги маълум бўлган чинни пиёлачага солинади. Сўнгра пиёлача сувли буглатгич устида суви бутунлай қуругунча қолдирилади. Ундан кейин пиёлача қуруқ қолдиқ билан термостатда 105°C иссиқда қуритилади ва эксикаторда 2 соат чамаси совитилади.

Куруқ қолдиқли пиёлачанинг оғирлиги аналитик тарозида аниқлангандан кейин, қуруқ қолдиқнинг фоиз миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K\% = \frac{(a-b) \cdot E \cdot 100 \cdot K}{M \cdot H} ,$$

бу ерда: $K\%$ — қуруқ қолдиқ (сувда эрувчан тузларнинг миқдори), %;

a — косачанинг қуруқ қолдиқ билан биргаликдаги оғирлиги, г;

b — косачанинг соғ оғирлиги, г;

E — сувли сўримнинг умумий ҳажми — 250 мл;

100 — ошириш коэффициенти;

K — гигроскопик намлик учун константа — 1,02;

M — буғлатиш учун олинган сувли сўрим ҳажми, мл;

H — тупроқ оғирлиги, г.

9. ТУПРОҚЛАРНИНГ ФОВАКЛИГИНИ, ҚАТТИҚ, СУЮҚ, ГАЗСИМОН ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШ

Фоваклик деб, табиий тузилишга эга бўлган ва тупроқ ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобидаги ҳамма бўшликлар йиғиндисига айтилади.

Фоваклик тупроқларнинг механик таркиби, донадорлиги ва зичлик даражасига қараб ўзгаради. Фовак-

ликни умумий ва капилляр хилларига ажратиш мумкин.

Умумий ғоваклилик тупроқнинг ҳажм массаси (dV) ва солиширма массаси (d) кўрсаткичлари ёрдамида ҳисобланади:

$$P_{ym} = \frac{d - dV}{D} \cdot 100\%. \quad (1)$$

Бу кўрсаткични барча қатламлар бўйича 7-жадвалдан фойдаланиб ҳисобланг. Масалан, типик бўз тупроқнинг (ТБТ) 0—16 см ли қатлами учун:

$$P_{ym} = \frac{2,57 \cdot 1,23}{2,57} \cdot 100\% \text{ бўлади.}$$

Шу жадвал натижаларидан фойдаланиб, тупроқнинг қаттиқ ҳолатдаги ҳажмини (ТКХХ), аэрация ғоваклилигини (2) формула бўйича ҳисобланг ва жадвалнинг мувофиқ келадиган катакларига ёзинг.

$$P_{aer} = P_{ym} - O_w. \quad (2)$$

Ҳажм намлиги (O) массага нисбатан фоиз ҳисобидаги намликни (5—катақ) ҳажм массасига (2-катақ) кўпайтириш йўли билан топилади, яъни:

$$12,4\% \times 1,23 = 15,25\% \text{ ёки } 15,3\% \text{ бўлади.}$$

Бунда аэрация ғоваклилиги $P_{aer} = 52\% - 15,3\% = 36,7\%$ га teng бўлади. Тупроқнинг қаттиқ ҳолдаги ҳажми:

$$(TKXX) = 100\% - P_{ym} = 100\% - 52\% = 48\% \text{ бўлади.}$$

Ҳамма олиб борилган ҳисоблашлар типик бўз тупроқнинг 0—16 см қатламига (2-тупроқ кесмасига) тегишилдири. Сиз бошқа тупроқларнинг ҳамма қатлами учун шунга ўхшаш ҳисобларни бажариб, 6, 7, 8 ва 9-катақларни тўлдиришингиз зарур.

Типик бўз тупроқнинг 0—16 см қатлами мисолида жадвални тўлдириш тартибини келтирамиз. 6-катақка 3 ва 5-катақлар кўпайтмаси натижалари ёзилади.

8-катақка P_{aer} (2) formulанинг ҳисоблаш натижалари ёзилади. Бунда умумий ғоваклиқдан (7-катақ) ҳажм

намлиги (6-катақ) ажратилади, яъни $52,5 - 15,3 = 37,2$ бўлади.

9-катақ кўрсаткичи (ТКХХ) 100% дан (бузилмаган тупроқ тузилишининг ҳамма ҳолатдан) умумий ҳажмини айириб ташлаш йўли билан топилади, яъни $100 - 52,5 = 47,5 \%$ (бошлангич материаллар жадвалда берилган).

7-ж а д в а л

Машгулотни бажариш учун маълумотлар ва олинган натижалар

Турли гупроқ кесими	Тупроқ қатлами қалинлиги, см	Ҳажм массаси, г/см ³	Солишиштирма масса, г/см ³	Массага нишб. % хисоби-даги намлик миқдори	Тупроқ ҳажминга инсбатан % хисобида аниқланган физик хоссалари кўрсаткичлари			
					Ҳажм намлиги, Ов	Фоваклик, Р _у	Аэрация Р _а	Тупроқ қаттиқ ҳолатининг ҳажми
1	2	3	4	5	6	7	8	9
2	0—16	1,23	2,57	12,4	15,3	52,7	37,2	47,5
	16—30	1,32	2,77	14,3				
	30—55	1,31	2,75	15,2				
	55—100	1,27	2,74	16,4				
	100—155	1,29	2,75	17,5				
	155—200	1,27	2,75	18,2				
3	0—28	1,34	2,71	16,2				
	28—40	1,51	2,74	17,8				
	40—60	1,48	2,73	19,2				
	60—80	1,47	2,75	20,4				
	80—100	1,49	2,73	21,6				
	100—170	1,46	2,71	22,2				
4	0—30	1,27	2,75	13,4				
	30—50	1,40	2,70	15,7				
	50—60	1,26	2,75	16,0				
	60—80	1,26	2,73	16,8				
	80—100	1,29	2,73	17,3				
	100—150	1,38	2,75	18,7				
5	0—20	1,30	2,70	14,6				
	20—45	1,49	2,71	15,2				
	45—65	1,40	2,72	15,8				

1	2	3	4	5	6	7	8	9
	65—90 90—100 100—165 165—200	1,38 1,49 1,45 1,43	2,70 2,71 2,71 2,72	16,3 16,9 17,4 18,0				
15	0—20 20—40 40—50 50—70 70—100	1,27 1,34 1,43 1,51 1,53	2,70 2,73 2,74 2,75 2,78	15,2 16,7 17,8 19,7 20,8				
16	0—25 25—50 50—70 70—100 100—160 160—200	1,38 1,49 1,45 1,43 1,34 1,45	2,69 2,69 2,72 2,73 2,74 2,75	16,6 17,8 18,6 18,8 19,4 21,4				
41	0—10 10—30 30—50 50—80 80—100 100—150	1,18 1,28 1,36 1,42 1,58 1,66	2,48 2,49 2,56 2,62 2,66 2,68	12,4 12,3 13,4 14,6 15,2 16,4				
7	0—7 7—18 18—30 30—50 50—70 70—100 100—120	1,43 1,44 1,42 1,45 1,64 1,68 1,65	2,74 2,75 2,75 2,73 2,71 2,75 2,72	14,2 16,4 17,2 18,4 19,0 19,5 19,8				
8	0—9 9—20 20—45 45—100 100—150	1,35 1,30 1,42 1,37 1,25	2,60 2,70 2,71 2,75 2,77	15,6 16,4 18,2 19,6 21,2				
9	0—20 20—32 32—60 60—100 100—160	1,40 1,42 1,33 1,37 1,36	2,71 2,73 2,72 2,71 2,70	15,8 16,4 17,2 19,4 21,6				

1	2	3	4	5	6	7	8	9
10	0—20 20—40 40—50 50—70 70—100	1,29 1,35 1,38 1,35 1,40	2,70 2,71 2,72 2,71 2,70	17,5 17,1 17,3 18,2 19,1				
43	0—10 10—30 30—50 50—100 100—130	1,22 1,25 1,36 1,50 1,58	2,48 2,48 2,52 2,57 2,64	17,0 16,5 17,5 17,0 18,2				
44	0—16 16—33 33—55 55—75 75—100	1,03 1,28 1,34 1,36 1,39	2,30 2,31 2,40 2,47 2,48	14,0 14,8 15,9 18,2 19,0				
46	0—18 18—45 45—55 55—85 85—100	1,03 1,19 1,28 1,32 1,33	2,52 2,56 2,60 2,64 2,69	15,8 16,4 17,2 18,4 19,2				

10. ТУПРОҚДАГИ ЧИРИНДИ ВА ТУЗ ЗАХИРАЛАРИНИ АНИКЛАШ

Тупроқ таркибидаги чиринди, сувда эрийдиган туз ва бошқа моддаларнинг миқдори унинг ҳолатини белгиловчи мухим кўрсаткичлар ҳисобланади. Чириндинг миқдори асосида тупроқнинг унумдорлик дарајаси, тузларнинг миқдорига қараб шўрланиш даражаси ва улар билан боғлиқ бўлган агротехник, агромелиоратив тадбирларнинг таркиби, меъёри ва ўтказиш даври белгиланади. Тупроқ таркибидаги чиринди, туз ёки бошқа моддалар миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M = 100 \cdot h \cdot d \cdot W,$$

бунда: M — чиринди, туз захираси т/га;

M — тупроқ оғирлигига нисбатан чиринди, тузнинг фоиз ҳисобидаги миқдори;

h — тупроқ қатламининг қалинлиги, см;

d — тупроқнинг ҳажм массаси, $\text{г}/\text{см}^3$, $\text{т}/\text{м}^3$

Масалан, 0—2 см қатлам (тупроқ кесими 127)да тузлар захираси қуруқ қолдиқ бўйича тонна ҳисобида қўйидагича бўлади:

$$M = 100 \cdot 0,02 \cdot 1,14 \cdot 5,54 = 12,63 \text{ т/га.}$$

8-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида тупроқ таркибидағи чиринди ва туз захираларини ҳисобланг.

8-жадвал

Тупроқдаги чиринди ва туз захираларини ҳисоблаш
учун бошлангич маълумотлар ва олинган натижалар

Тупроқ кесими	Тупроқ қатламининг қалинлиги, см	Ҳажм массаси, $\text{т}/\text{см}^3$	Қуруқ қолдиқ, %	Чирин- ди	Туз ва чиринди захиралари, т/га	
					Қуруқ қолдиқ бўйича	Чирин- ди
1	2	3	4	5	6	7
127	0—2	1,14	5,54	2,55		
	2—7	1,18	4,90	2,00		
	11—21	1,23	4,58	1,50		
	45—58	1,27	2,73	1,00		
	80—100	1,32	2,03	0,80		
128	0—4	1,16	1,82	2,35		
	4—14	1,21	1,12	2,05		
	20—30	1,28	4,69	1,50		
	30—50	1,24	1,78	1,10		
	90—100	1,36	0,54	0,80		
129	0—5	1,19	3,03	2,37		
	5—15	1,23	4,00	2,06		
	21—31	1,27	2,83	1,56		
	34—44	1,32	1,17	1,12		
	60—70	1,37	5,35	1,10		
	85—100	1,42	0,67	0,79		
130	0—8	1,20	4,33	2,30		
	8—18	1,18	4,46	2,00		
	28—38	1,24	3,44	1,55		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

1	2	3	4	5	6	7
130	65—75 90—100	1,35 1,44	3,81 1,04	1,10 0,75		
134	0—20 20—40 50—70 90—100	1,25 1,32 1,35 1,41	1,29 1,41 1,33 1,66	2,00 1,55 1,15 0,80		
135	0—20 20—40 45—65 80—100	1,24 1,23 1,34 1,32	0,34 1,58 1,70 1,66	1,95 1,45 1,10 0,75		
136	0—15 30—50 50—73 73—100	1,19 1,28 1,23 1,30	1,32 0,80 1,09 1,65	1,95 1,70 1,15 0,90		
137	0—20 20—45 45—72 72—100	1,21 1,32 1,1 1,45	1,48 1,51 0,62 1,38	1,97 1,46 1,10 0,90		
150	0—12 12—22 22—65 65—100	1,20 1,24 1,35 1,32	0,11 0,07 0,06 1,51	2,00 1,98 1,10 0,90		
151	0—10 10—30 30—40 40—70	1,22 1,22 1,30 1,33	0,15 0,38 1,64 0,75	2,05 1,56 1,45 1,10		
152	0—20 20—40 40—60 60—100	1,92 1,30 1,28 1,28	0,16 0,34 1,28 1,20	1,95 1,40 1,10 0,80		
163	0—20 20—40 40—70 70—100	1,24 1,34 1,38 1,40	0,20 0,93 1,11 1,30	1,95 1,70 1,15 0,90		

11. СУГОРИШ ВА МАВСУМИЙ СУГОРИШ МЕЬЁРИНИ ҲИСОБЛАШ

Суғориш меъёри деб, бир марта суғориш учун керак бўладиган сув миқдорига айтилади. *Мавсумий суғориши* эса, маълум экинни ўсиб ривожланиши давомида суғориш учун сарфланадиган сув миқдорининг умумий йифгиндисидир.

Суғориш меъёрини ҳисоблаш учун 3 та кўрсаткични билиш керак. Уларга дала нам сифими (ДНС), маълум экин учун тупроқдаги ўсимлик ўзлаштира оладиган намликтининг пастки чегараси ва сув билан тўйинтириладиган қатлам қалинлиги киради.

Ғўзани суғориш учун бажариладиган ҳисоблашни кўриб чиқамиз. Ғўзанинг яхши ўсиши, ривожланиши учун суғоришни тупроқдаги дала нам сифими (ДНС)-нинг 70% дан кам бўлмаган намликда бошлаш лозим. Тупроқдаги ДНСнинг миқдори (100%) ва бошлангич намлик (70%), орасидаги фарқ суғориш меъёрини ташкил этади. Тупроқдаги ДНС уларнинг механик таркибига қараб ҳар хил бўлганлиги учун суғориш меъёри ҳам ҳар хил бўлади.

Суғориш меъёри қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = (A - B) \cdot h + K,$$

бунда: W — суғориш меъёри, $\text{m}^3/\text{га}$;

A — тупроқнинг маълум қатлами учун тўғри келадиган ҳажм фоизидаги (%) ўртача дала нам сифими (ДНС);

B — қатламдаги суғоришдан олдинги ўртача намлик (ДНС га нисбатан 70% ҳисобида);

h — тупроқнинг намланиши керак бўлган қатлам қалинлиги, см;

K — суғориш вақтида буғланишга сарф бўладиган сув миқдори (у W дан 5—10% ҳисобида олинади), $\text{m}^3/\text{га}$.

Тупроқларнинг механик таркибга қараб дала нам сифими фоиз ҳисобида қўйидагича бўлади.

- а) құмлоқ тупроқтар — 12—15%;
- б) енгил құмоқ тупроқтар — 15—18%;
- в) ўртача құмоқ тупроқтар — 18—22%;
- г) оғир құмоқ тупроқтар — 22—25%;
- д) соз тупроқтар — 25—28%.

Агар А массаса 20% ҳисобида, ҳажм масаси $1,3 \text{ г/см}^3$ бўлса, у ҳажмига нисбатан $A \cdot dv = 20 \cdot 1,3 = 26\%$ бўлади.

Бу вақтда В ни топиш учун

$$\begin{array}{lcl} 100\% & - & 70\% \\ 20\% & - & B(x) \end{array} \quad B(x) = \frac{26 \cdot 70}{100} = 18,2\%$$

$$(A - B) = 26 - 18,2 = 7,8\% \text{ бўлади.}$$

70 см ли тупроқ қатламини намлаш учун сугориш меъёри $W = 100 \cdot 0,7 \cdot 1,3 \cdot 7,8 = 710 \text{ м}^3/\text{га}$ га тенг бўлади. Буғланишга сарф бўладиган 10% ни ҳисобга олганда жами сугориш меъёри $W = 710 + 54,6 = 764,6 \text{ м}^3/\text{га}$ ни ташкил этади.

Бунда 54,6 $\text{м}^3/\text{га}$ — буғланишга сарфланган 10% намлик миқдори.

12. ШЎР ЮВИШ МЕЪЁРИНИ АНИКЛАШ

Шўр ювиш меъёри деб, тупроқ қатламидаги туз миқдорини ўсимликлар учун зарарсиз даражага келтиришга сарфланадиган сув миқдорига айтилади. Ювиш меъёри аниқ ҳисобланиши керак. Агар у кам кўрсатилса, тупроқ тузлардан чала ювилишига олиб келади. Агар кўп кўрсатилса, ортиқча чучук сув сарфланади ва зарарли тузлар билан бирга озуқа элементлари ҳам ювилаб кетиши натижасида тупроқнинг унумдорлиги камайиб кетади.

Шўр ювиш жараёни тупроқ эритмасини сиқиб чиқариш ва уни пастга қараб ҳаракатланувчи сув оқими-нинг оқизиб кетишидан иборат.

Ювиш меъёри, тупроқнинг шўрсизланиш даражаси, ювиладиган қатламнинг чуқурлиги билан аниқланади. Тупроқнинг бошланғич шўрланиш даражаси унинг

хили, механик таркиби, структураси, сув ўтказувчанлиги, ер ости сувининг чуқурлиги ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ.

Шўр ювиш меъёри В.Р. Волобоев формуласи ёрдамида ҳисобланади. Икки хил тупроқнинг шўр ювиш меъёрини бу формуладан ва жадвал маълумотларидан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин.

$$M = 10000 \text{ m}^2 \cdot h \cdot \alpha \cdot \lg \left(\frac{S_6}{S_{\text{км}^2}} \right),$$

бунда: M — шўр ювиш меъёри, $\text{m}^3/\text{га}$;

h — тупроқнинг ювиладиган қатлам қалинлиги, м;

α — ювиладиган тупроқнинг кимёвий ва механик таркибига боғлиқ бўлган туз бериш қобилияти (0,62—3,30 гача);

S_6 — тупроқнинг ювиладиган қатламидағи дастлабки туз миқдори (массага нисбатан фоиз ҳисобида);

$S_{\text{км}^2}$ — тупроқда шўр ювишдан кейинги туз миқдори (массага нисбатан фоиз ҳисобида).

Ювилгандан кейин қолиши мумкин бўлган туз миқдори: хлоридли шўрланиш — 0,2%; сульфатли-хлоридли — 0,3%; Сульфатли-натрийли — 0,4%; сульфатли, натрийли, калцийли — 1,0%. Булар ювилгандан кейин қолиши мумкин бўлган туз миқдори. Масалан, агар ювиладиган қумоқ тупроқнинг 1 метрли (h) қатлами $a = 0,72$ м тенг бўлса, сувда эрувчан тузлар миқдори (б— куруқ қолдик) 3% ни ташкил этади. Хлор иони 0,964% бўлганда тупроқнинг шўрланиш турини пропорция орқали аниқлаш керак:

Бунда куруқ қолдик: 3% — 100%

Хлор ион: 0,964% — x

$$x = \frac{0,964 \cdot 100}{3} = 32,8\%,$$

яъни, куруқ қолдиқда нисбатан хлор иони 32,8% ни ташкил этади. Демак, тупроқ сульфат, хлоридли шўрланишга эга. Ювишдан кейин қолиши мумкин бўлган туз миқдори куруқ тупроқ массасига нисбатан 0,3% ни ташкил этади.

Шұр ювиш меъёри қуйидаги формула ёрдамида аниқланады:

$$M = 10000 \cdot h \cdot a \cdot \lg \left(\frac{S_6}{S_{\text{кмб}}} \right),$$

бунда: $\lg \left(\frac{\text{куруқ қолдик} - 3\% S_6}{\text{к.м.б. туз миқдори} - 0,3\% S_{\text{кмб}}} \right) = \lg 10 = 1.$

$$M_{\text{юв.м.}} = 10000 \cdot 1 \cdot 0,72 \cdot \lg \left(\frac{3\%}{0,3\%} \right) = 7200 \text{ м}^3/\text{га}.$$

Демек, тупроқ сульфат хлоридли шүрланишга эга бўлса, уни ювиш учун ерга $7200 \text{ м}^3/\text{га}$ сув бостириш керак.

9-жадвала

Ювиладиган қатламдаги куруқ қолдик миқдори, %	Хлор миқдори, %	Куруқ қолдик таркиби бўйича тупроқлар хили			
		Хлоридли (40—60% гача)	Сульфат- хлоридли (25—40% гача)	Сульфат- натрийли (10—25% гача)	Сульфат- натр. кальций. (0—10% гача)
1. Механик таркиби бўйича енгил тупроқлар					
0,2—0,5	0,001	$\alpha=0,62$	$\alpha=0,72$	$\alpha=0,82$	$\alpha=1,18$
0,5—1,0	0,033	$\alpha=0,62$	$\alpha=0,72$	$\alpha=0,82$	$\alpha=1,18$
1,0—2,0	0,068	$\alpha=0,62$	$\alpha=0,72$	$\alpha=0,82$	$\alpha=1,18$
2,0—3,0	0,964	$\alpha=0,62$	$\alpha=0,72$	$\alpha=0,82$	$\alpha=1,18$
2. Механик таркиби бўйича оғир қумоқ ва соз тупроқлар					
0,2—0,5	0,001	$\alpha=1,22$	$\alpha=1,32$	$\alpha=1,42$	$\alpha=1,78$
0,5—1,0	0,033	$\alpha=1,22$	$\alpha=1,32$	$\alpha=1,42$	$\alpha=1,78$
1,0—2,0	0,068	$\alpha=1,22$	$\alpha=1,32$	$\alpha=1,42$	$\alpha=1,78$
2,0—3,0	0,964	$\alpha=1,22$	$\alpha=1,32$	$\alpha=1,42$	$\alpha=1,78$
Формулаладиги сонларнинг логарифмик қиймати					
$\lg 1 = 0$		$\lg 8 = 0,96$		$\lg 15 = 1,22$	
$\lg 2 = 0,3$		$\lg 9 = 0,98$		$\lg 16 = 1,16$	
$\lg 3 = 0,49$		$\lg 10 = 1$		$\lg 17 = 1,20$	
$\lg 4 = 0,67$		$\lg 11 = 1,17$		$\lg 18 = 1,25$	
$\lg 5 = 0,68$		$\lg 12 = 1,18$		$\lg 19 = 1,29$	
$\lg 6 = 0,81$		$\lg 13 = 1,20$		$\lg 20 = 1,32$	
$\lg 7 = 0,90$		$\lg 14 = 1,21$			

13. ТУПРОҚ ТУЗИЛИШИНИ ЎРГАНИШ. ТУПРОҚ ЧУҚУРИ ВА УНГА ЖОЙ ТАНЛАШ

Тупроқ чуқури ўз вазифасига кўра 3 хил бўлади:

1. Асосий чуқур (разрез);
2. Ярим чуқурчча;
3. Чуқурчча.

Асосий чуқур тупроқ типларини аниқлаш учун қазилмалар ва тупроқ қалинлиги хилма-хиллигининг ҳаммасини ўз ичига олиши керак. Унинг чуқурлиги тупроқ ҳосил қилувчи жинсларга ва жараёнига қараб 150 см дан 300 см гача бўлиши мумкин.

Ишлаш тартиби:

1. Ярим чуқурчча асосан тип ва типчаларни ажратишида уларнинг чегарасини аниқлаш учун қазилади. Унинг чуқурлиги 75—150 см бўлади.
2. Чуқурчча 25—75 см қазилиб, тупроқларнинг тип, типчаларини, уларнинг тарқалиш чегараларини аниқлаш учун қазилади.

Чуқур қазиш техникаси.

Далада чуқур қазиш учун ҳамма талабларга жавоб берадиган жой танланиб, узунлиги 150—200 см, кенглиги 60—80 см, чуқурлиги 150—300 см қилиб тўғри тўртбурчак шаклида қазилади (ер ости сизот суви яқин ерларда сизот суви чиққунча, ер ости суви чуқур ерларда эса 3 м ва ундан ортиқ қилиб қазилади).

Чуқурнинг қуёшга қараган девори тик ва силлик, унга қарама-қарши томони эса зинапоя қилиб қазилади. Чуқурнинг деворини албатта қуёшга қаратиб қазиш керак. Бундай чуқурда тупроқ қаватлари бир-биридан осон ажратилади, шунингдек, янги яралмаларнинг, ўсимлик ва ҳайвон изларининг жойланиши ва намлиги аниқ кўринади. Бунинг учун чуқурнинг деворига тупроқ тушмаслигини ҳисобга олиш лозим. Чунки, чуқурнинг бу томонидан тупроқнинг генетик қатламлари (горизонтлари), морфологик белгилари аниқланиб, на-муналар олинади.

Топографик асоснинг масштабига ва текширишнинг

мақсадига мувофиқ 1—2,5—10 ёки 10—15 гектар ерга битта чуқур қазилади. Қазилган чуқурлар картага туширилиб номер қўйиб борилади. Далада бир неча хил тупроқ борлиги аниқланса, жойнинг рельефига қараб, ярим чуқур ёки чуқур қазиш билан тупроқ хиллари орасидаги чегара топилади.

Қазилган тупроқ чуқури ва айрим қатламларининг морфологик белгиларини изоҳлашда қўйидагилар инобатга олинади: тупроқ генетик қатламларининг қалинлиги, ранги, намлиги, механикавий таркиби, ўсимлик қолдиқлари (илдизлар), донадорлиги, тузилиши, янги яралмалар, қўшилмалар, кейинги қатламга ўтиши.

Мисол тариқасида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида тарқалган субориладиган бўз тупроқ қатламининг тузилиши келтирилган.

A₁ горизонт 0—32 см. Чириндили ҳайдалма қатlam, оч сур-сарғиш тусли, ўрта қумоқ таркибли, йирик кесакчали, қуруқ ҳолдаги ғовак қовушмали, ўсимликлар илдизининг қолдиқлари ва чувалчанг йўллари учрайди.

A₂ горизонт 32—65 см. Чириндили қатлам, оч сур тусли, оғир қумоқ таркибли, ўрта кесакча структурали, бир оз нам ва зичланган, чувалчанг йўллари ва ўсимлик илдизлари учрайди. Қатламнинг қуий қисмida фишт парчалари ва карбонат бирикмалари учрайди.

В горизонт 65—153 см. Ўтuvчи қатлам, оч сур тусли, қумоқ таркибли, ноаник структурали, ўртача намли, ўртача зичланган, қовушмали, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари кам учрайди.

С горизонт 153—200 см. Тупроқ ости қатлам, сур-қўнғир, қумоқ таркибли, структурасиз, ўртача намли, бир оз зичлашган, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари оз миқдорда учрайди. 200 см дан пастки қисми лёсс ёт-қизиқларидан иборат. Сизот сувлар жуда чуқурда.

Тупроқнинг морфологик белгиларини (10-жадвал) ўрганишдан ташқари, дала кундалик дафтарига тупроқнинг дала шароитида ўрганиш жараёнида олинган маълумотлар қўйидаги тартибда маҳсус дафтарга ёзилади:

Дала кундалик дафтарининг намунаси

Дала кундалик намунаси.....
№.....
Текширувчи.....
Вақт.....
Географик ҳолат.....
Рельеф.....
Микрорельеф.....
Ўсимлик ва экинлар.....
Вижиллаш чуқурлиги.....
Янги яралма чуқурлиги.....
Гипсли катлам чуқурлиги.....
Илдизлар чуқурлиги.....
Нам қатлам чуқурлиги.....
Темир оксид чуқурлиги.....
Сизот сувлар чуқурлиги ва шўрлиги.....
Шўрланиш.....
Ботқоқланиш.....
Тупроқ она жинси.....
Тупроқ типи ва хили.....
Олинган намуналар чуқурлиги (см).....

10-жадвада

Тупроқнинг қатлами (горизонти) расми	Қалинлиги (горизонти)	
	Белгиси	Қалинлиги

14. ТУПРОҚ ХАРИТАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Дехқончилик маданияти мавжуд ер захираларидан тўғри фойдаланишни тақозо этади. Бунинг учун мазкур ҳудудда тарқалган тупроқларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш зарур. Тупроқ хоссаларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда мева ва экин турлари далаларга жойлаштирилади, алмашлаб экиш тартиби, агротехник ва агромелиоратив тадбирлар таркиби ва меъёри белгиланади.

Тупроқлар ҳолатини маҳсус гуруҳ мазкур хўжаликда ишилаётган мутахассислар — ер тузувчи, агроном, мелиоратор, гидротехниклар билан ҳамкорликда ўрганиди.

Тупроқни ўрганиш учун дастлаб паст-баландликни назарда тутган ҳолда 1,5—2,0 м чуқурликда кесим (тупроқ чуқури) қазилади. Маҳсус дала дафтарига тупроқ қатламигининг тузилиш ва ташқи кўриниши батафсил ёзилади, генетик қатламлардан намуналар олинади. Бир вақтнинг ўзида тупроқ эритмасининг реакцияси, темир оксидларининг мавжудлиги, карбонатларининг таъсири, туз қолдиқлари ўрганилади. Тупроқ кесими ковланган чуқурликни мазкур тупроқ типига тўлиқ мос келишига ишонч ҳосил қилиш учун унинг атрофида қўшимча ярим чуқур (100 см гача) ва чуқурчалар (50 см гача) ковланади. Мазкур ҳудуднинг топографик асосида қабул қилинган — 1:10000 масштабли тупроқ харитасини тузиш назарда тутилганда ўртача 15 гектар майдондан битта чуқур қазилади.

Олинган маълумотлардан фойдаланиш топографик асосда дастлабки (дала) тупроқ харитаси тузилади. Унда далаларда қазилган тупроқ чуқурларининг рақами белгиланиб, аниқланган тупроқ турларининг кўринишлари ифодаланади. Ундан кейин харитада ўрганилган тупроқ турлари ва кўринишларининг ҳудудий чегаралари белгиланади. Натижада ер тузиш харитасининг топографик асосида ўрганилаётган ҳудуд тупроқларининг тарқалиш ҳолати шаклланади.

Топографик харитадаги ётиқликни ифодаловчи чизиклар ажратилган тупроқларининг ҳудудда тарқалиш чегарасини аниқлашга ва уларни харитага жойлаштиришга имкон беради.

Тупроқ чуқурларидан олинган намуналар (туман, фермер деҳқон хўжалиги номи, тупроқ чуқурлиги, рақами, намуна олинган қатлам, муддати, муаллиф) маҳсус лабораторияларда қутилилади ва таҳлил қилинади. Дала ва лаборатория шароитида олинган маълумотлар асосида ўрганилган ҳудуднинг тупроқ харитаси тузилади. Бунинг учун қуйидагилардан фойдаланилади:

1. Далада тайёрланган (дастлабки) харита.
2. Тупроқнинг барча хоссаларини (механик таркиби, кимёвий, физик хоссалари, ташқи кўриниши) изоҳловчи тасниф.
3. Ўрганилаётган ҳудуд тупроқлари ҳақидаги мавжуд маълумотлар.

Тупроқ харитаси ётиқлиги кўрсатилган янги топографик харитага қора рангда шартли белгиларни ифодалаб чизилади. Хаританинг четида шартли белгилар кўрсатилади. Тайёрланган харитадан нусха кўчирилиб, унга олдин тайёрланган рангли шартли белгилар қўйилади. Тупроқ харитасига тупроқнинг унумдорлик, маданийлашгандик даражасини изоҳловчи картограммалар илова қилинади.

Тайёрланган харита ва картограммаларга тушунтириш хати ёзилади. Унда ўрганилган ҳудуднинг географик ўрни, иқлим шароити, ўрганиш масштаби, тупроқ чуқурликлари ва олинган намуналар сони, ташқи кўриниш изоҳи (таснифи, тупроқ ҳосил бўлиш шароити, тупроқ турларининг тавсифи, уларнинг табиий ва агро ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича гурухлари), тупроқларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, эрозияга қарши кураш, унумдорлигини оширишга оид тадбирлар кўрсатилади.

Шўрланган, ботқоқланган, қийин ўзлаштирилдаган тупроқларни фойдаланишга тайёрлашдан олдин тупроқ харитасига қўшимча ҳудуднинг тупроқ-мелиоратив харитаси тузилади. Унинг асосида тупроқларнинг ҳолатини яхшилашга йўналтирилган, гидротехник, агромелиоратив ва агроиктисодий ечимлар таркиби ва меъёри, мелиоратив жараёнларни ердан фойдаланиш даврида ўзгариши башорат қилинади.

Шунинг учун тупроқ-мелиоратив харита ҳудуд тупроқларининг ўзига хос хусусиятлари (шўрланиш, ботқоқланиш даражаси), геоморфологик ва гидрогеологик шароитларини ифода этиши шарт. Тупроқ-мелиоратив харита ва унга тушунтириш хати гидрогеологлардан ҳудуднинг геоморфологияси, шўрланиш даражаси (2 м қатламнинг), ер ости сувларининг чуқурли-

ги, шүрланиш даражаси, тури, гидрогеологик районлаштиришга оид маълумотлар олингандан сўнг тайёрланади.

Тупроқ-мелиоратив харита тайёрланганда ўрганилаётган тупроқлар бир хил гидротехник ва агротехник тадбиrlар қўлланиладиган мелиоратив гуруҳларга ажратилади.

15. ХЎЖАЛИК ХАРИТАСИНИ ЧИЗИШ ВА ЎРГАНИШ

Тупроқларни минтақалар, вилоятлар ёки туманлар миқёсида ўрганиш учун биринчи навбатда айrim хўжалик харитаси ва картограммасини амалий машгулотда чизиш (нусха кўчириш) ва ўрганиш зарур. Бунда тупроқларнинг агрономик, агро ишлаб чиқариш тавсифига қараб гуруҳларга ажратиш ва тупроқ бонитировкасига аҳамият берилади.

Машгулот давомида талабалар алоҳида хўжалик тупроқ харитасидан нусха кўчириш ва шартли белгиларни жойлаштиришни ўрганидилар. Тупроқ харитасини ўрганишда унинг масштабига, тайёрланган вақтига (йил) эътибор берилади. Харитада ажратилган тупроқ типлари, типчалари ва бошқа таксономик бирликлари, уларни ифодалаган белгилар батафсил ўрганилади.

Тупроқларни харита бўйича хўжаликда тарқалишини ўрганиш жараёнида, аниқланган тупроқларни қайси ер турида, ҳудуднинг геоморфологик элементида (нишаблигига) жойлашганлиги аниқланади.

Тупроқ харитасидаги ётиқликларга ва ҳудуднинг геоморфологик тузилишига (паст-баландлигига) қараб тупроқларнинг жойлашиши ва рўйхати тузилади.

16. ТУПРОҚДАГИ ОЗУҚА МОДДА ВА ТУЗЛАР МИКДОРИНИ ИЗОҲЛОВЧИ КАРТОГРАММАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Машгулот жараёнида талабалар тупроқдаги сувда эрувчан туз ва озуқа моддаларни изоҳловчи шартли белгиларини кўрсатган ҳолда картограммалардан нусха

күчирадилар. Картограммани ўрганишда биринчи навбатда қайси кўрсаткич (туз, озуқа модда) бўйича тузилганига аҳамият берилади, шартли белгилари ўрганилади. Сўнгра мазкур кўрсаткич бўйича хўжаликдаги тупроқларнинг агро ишлаб чиқариш хусусиятлари ўрганилади. Натижада:

- а) хўжаликдаги тупроқларнинг картограмма бўйича умумий ҳолати аниқланади. Масалан, тупроқларнинг шўрланиши ўрганилганда кам, ўрта ёки кучли шўрланган ерлар майдони (га ёки % миқдорда) ажратилади;
- б) ўрганилган кўрсаткичларни (туз, озуқа модда) хўжалик ҳудудининг қайси қисмларида кўп тарқалганилиги аниқланади;
- в) хўжалик ҳудудидаги тупроқларнинг айрим кўрсаткичлари (туз, озуқа модда) бўйича картограмма ва тупроқ хариталари тузилади.

17. ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ

(Тупроқ сифатини баҳолаш)

Тупроқни бонитировкалаш — тупроқнинг ишлаб чиқариш қобилиятини таққослаш йўли билан баҳолаш демакдир. Бинобарин, у қишлоқ хўжалик ўсимликларини ўстиришга лаёқатлик даражасини ифодалайди.

Тупроқнинг бонитировка балини аниқлашда унинг айрим белгиларини бир-бирига таққослаб кўриш, улардан қайси бири фойдали ёки зарарли эканини ажрата билиш керак. Сўнгра тупроқнинг ўртача бонитировка бали ва шкаласи тузилади.

Тупроқ асосан юз балли система асосида баҳоланаади. Умуман, ҳамма хусусиятлари энг яхши бўлган тупроқларга 100 балл берилади. Аксинча, хусусиятлари ёмон ва ёмонлашаётган тупроқлар эса кам балл билан баҳоланади.

Тупроқ қанча юқори белгили ёки юқори классли бўлса, у шунчалик сифатли ҳисобланади, ва аксинча, сифатсиз, паст синфли тупроқ бўлиши ҳам мумкин.

Тупроқни бонитировка қилишда 11-жадвалдан фойдаланилади.

11-жада

Тупроқнинг бонитировка шкаласи

Бонитет синфи	Бонитет бали	Тупроқнинг сифат белигиси
X IX VIII	91—100 81—90 71—80	Энг яхши тупроқ Яхши тупроқ Яхши тупроқ
VII VI V	61—70 51—60 41—50	Сифат жиҳатидан яхшироқ Ўртacha тупроқ Ўртачароқ тупроқ
IV III II	31—40 21—30 11—20	Ўртacha паст сифатли тупроқ Ёмон тупроқ Энг ёмон тупроқ
I	1—10	Деҳқончиликда фойдаланилмайдиган ерлар

Тупроқнинг бонитировка балини аниқлашда тупроқнинг механикавий таркиби, тупроқ харитаси дала ва лаборатория маълумотларига асосланади. Ундан ташқари, гектаридан олинадиган ўртacha ҳосил, ҳайдалма қатламнинг агро ишлаб чиқариш гурухлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Масалан, тўқ тусли бўз тупроқлардаги 4% миқдоридаги чиринди 100 балл ҳисобланганда, типик бўз тупроқнинг 2% миқдордаги чириндиси қўйидагича бўлади:

$$Б = \frac{2 \cdot 100}{4} = \frac{200}{4} = 50 \text{ балл}$$

Тупроқни бонитировка қилиш қўйидагича бажарилади:

1. Тупроқнинг шундай белгиларини аниқлаш лозимки у қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилига таъсир этсин. Шунингдек, уларнинг таъсири даражасини ҳам кўрсатиб ўтиш керак.

2. Тупроқнинг бонитировка шкаласини тузиш, тупроқни белгиларига кўра синфларга ажратиш (баллари), шунингдек, ҳамма тупроқларни бонитировка сис-

темаси асосида ўлчов белгилари ва қишлоқ хўжалик ўсимликлари ҳосилини белгилаши шарт.

Тупроқнинг хусусиятига кўра бонитировка бали тупроқнинг механикавий таркибиага, сув хоссалариага, она жинсига, шўрланиш даражасига ва ҳар бир ажратилган тупроқ турчасига қараб қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$B = \frac{Z_{\Phi} \cdot 190}{Z_m},$$

бунда: B — тупроқнинг бонитировка бали;

Z_{Φ} — маълум бўлган белгилар (чиринди, азот, фосфор, калий ва бошқалар);

Z_m — тупроқдаги маълум бўлган максимал ва оптинал белгилар ҳамда уларнинг миқдори, белгиланган 100 балл ҳисобида.

Масалан, агар яхши тупроқдан (100 балли) олинадиган ҳосил 20 ц/га, аниқланмоқчи бўлган тупроқдан 15 ц ҳосил олинади десак, унда бу ернинг бали қўйидагича бўлади:

$$B = \frac{Z_{\Phi}}{Z_m} \cdot 100 = \frac{15}{20} \cdot 100 = 75 \text{ балл бўлади.}$$

18. ТУПРОҚНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ

Тупроқ қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Уни баҳолашда олинадиган ҳосил ва сарфланган маблағдан ташқари, соғ фойда олиш, жойнинг шаҳар ёки транспорт йўлига яқин-йироқлиги, хўжаликнинг асосий тармоғи, таркиби ва бошқа омиллар инобатга олинади.

Қўйидаги маълумотлар асосида хўжалик ҳудудидаги ерлар баҳоланади:

- ерни иқтисодий баҳолаш шкаласи;
- тупроқлар сифатини ифодаловчи маълумотлар;
- ерларнинг (далаларнинг) рўйхати (сўнгги 2—3 йилда);
- тупроқларнинг бонитировка баллари.

Хўжалик ҳудудидаги далалар текширилиб, маълумотлар таҳлил қилингандан сўнг тупроқларнинг сифатига қараб харитада чегаралари белгиланади. КартоGRAMMA, агрокимё хариталари аниқланади.

Хўжалик бўйича мавжуд тупроқларнинг ўртача баҳоси қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$B = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n},$$

бунда: B — хўжалик бўйича тупроқларнинг ўртача аниқланган баҳоси;

B_1, B_2, \dots, B_n — тупроқнинг агро ишлаб чиқариш хиллари (гуруҳлари) шкаласи бўйича иқтисодий баҳоси (12-жадвал);

P_1, P_2, \dots, P_n — тупроқ хилларининг умумий майдони, га.

12-жадвал

Қишлоқ хўжалик тармоқларини иқтисодий баҳолаш шкаласи

Ерни иқтисодий баҳолаш гуруҳи ва ин-тервали	Технологик шароити	Намлик шароити	Тупроғи	Ернинг сифат баҳоси (балл)	Ерни иқтисодий баҳолаш (сўм/га)
1 3600—400	20 гектардан ортиғи текислик	Ер ости сувлари чучук	Чимсиз, карбонатли, ўртача механикавий таркибли, яхши маданийлаштирилган	81—100	3600—100
	Механизациядан фойдаланиш учун қулай	Ер заҳ босмаган, шўрламаган	Маданийлашган, ўртача механикавий таркибли тупроқ	81—100	3600—4000
10 б 100—200	Рельефи: текислик, тошлоқ,	Рельефи: текислик, тошлоқ,	Ботқоқ, маданийлаштирилмаган	10 гача	100—200

	механи- зациядан фойдала- ниш қийин	механи- зациядан фойдала- ниш қийин			
			Ривожланмаган	3	100

Агар ҳар хил горизонтта ва хусусиятта эга бўлган тупроқлар бир хил бонитет балига эга бўлса — бир хил иқтисодий баҳоланади. Хусусиятлари бир хил, лекин шароитлари ҳар хил бўлса — алоҳида баҳоланади.

Россия Федерациясидаги қишлоқ хўжалиги иқтисоди ИТИ таклиф этган усул бўйича тупроқнинг қийматини (ернинг) қуидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$B = \frac{D \cdot 100}{D_{100}},$$

бунда: B — тупроқдан олинган ялпи ҳосил ёки соф даромадни баҳолаш бали;

D — 1 гектар тупроқдан олинган умумий маҳсулот ёки соф фойда, сўм;

D_{100} — қабул қилинган 100 баллга нисбатан умумий маҳсулот ёки соф фойда.

Масалан, энг яхши тупроқ сифатида тўқ тусли бўз тупроқни олсанк, чизиқли дастурлаш асосида гектаридан 200 минг сўм фойда олинди деб топилса, ерни иқтисодий баҳолаш тубандагича бўлади:

$$B = \frac{B \cdot 100}{D_{100}} = \frac{200000}{5} = 4 \text{ минг сўм/га.}$$

Агар баҳолаш шкаласи 100 балл бўлиб, умумий маҳсулот нархи 300 сўмга тўғри келса, фойда 100 сўм бўлади. Бунда умумий маҳсулот бўйича 1 балл 3 сўм турса, тоза фойда 1 сўмга тўғри келади.

19. АЛМАШЛАБ ЭКИШ

Алмашлаб экиш — бу қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосда навбатлаб экишдир. Бунда алмашлаб экиш далаларидаги экинлар маълум даврда юқори

агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўрин алмашлаб чиқадилар.

Алмашлаб экиш схемаси деб, маълум гуруҳ экинларининг тартиб билан ўрин алмашишига айтилади.

Алмашлаб экиш ротацияси деб, экинларнинг белгиланган муддатда барча далаларда экилиб чиқишига айтилади.

Алмашлаб экиш схемалари.

1. Пахта-беда алмашлаб экиш 8 далали 3:5 (беда:пахта) ва 9 далали 3:6 схемалари кам ҳосилли, кучли, шўрланган, оч тусли ва типик бўз тупроқ, тақир тупроқларда ва чорвачилиги ривожланган хўжаликларда жорий этилади. 10 далали 3:7 схема унумдор, шўрланмаган, тўқ бўз тупроқ ва ўтлоқи бўз тупроқларда жорий қилинади.

2. Пахта-беда-буғдой (дон) схема: 3:4:3 (беда:пахта: буғдой).

3. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни таъминловчи алмашлаб экиш схемалари: 1:3:4 ва 1:3:5 (мелиоратив дала: беда:пахта).

4. Шоли алмашлаб экиш схемалари: 2:4 (дуккакли экинлар:шоли), 2:3:1:3 ва 2:4:1:3 (дуккакли экинлар:шоли: мелиоратив дала:шоли).

5. Лалмикор дехқончиликда алмашлаб экиш схемалари: 1:2 (шудгор:дон), 1:2:1:1 ва 1:2:1:2 (шудгор:дон:қатор ораси ишланадиган экинлар:дон), 5:2:1:2 (беда:дон:шудгор:дон).

6. Озуқа экинларини алмашлаб экиш схемалари: 2:1:1:1:1:1:1:1:1:1:1:1 (беда: жавдар: бурчоқ билан қўшиб экиласди ёки сорго силосга экиласди: маккажӯҳори: дон: соя донга, уни йиғиштириб олгач маккажӯҳори ва уни йиғиштириб олгач оралиқ экинлар: маккажӯҳори донга, арпа донга, уни йиғиштириб олгач оралиқ экинлари: лавлаги: маккажӯҳори силосга ва уни йиғиштириб олгач оралиқ экинлар).

13-жадвал

Алмашлаб экишнинг 3:4:3 схемасига ротация жадвалини тузиш

Йиллар	Далалар номи									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Алмашлаб экишга ўтиш муддати										
2001	Б ₁ к	Д	Д	Д	Д	F	F	F	F	F
2002	Б ₂	Б ₁ к	Д	Д	Д	F	F	F	F	F
2003	Б ₃	Б ₂	Б ₁ к	Д	Д	Д	F	F	F	F

Биринчи ротация											
2004	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	D	D	F	F	F	
2005	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	D	D	F	F	
2006	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	D	D	F	
2007	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	D	D	
2008	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	D	
2009	D ₂	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	D	
2010	D ₃	D ₂	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	B ₁ к	
2011	B ₁ к	D ₃	D ₂	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	B ₂	
2012	B ₂	B ₁ к	D ₃	D ₂	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	B ₃	
2013	B ₃	B ₂	B ₁ к	D ₃	D ₂	D ₁	F ₄	F ₃	F ₂	F ₁	

Эслатма: Б₁к — беда биринчи йили ва қоплама экинлари;

Б₂ — беда иккинчи йили;

Б₃ — беда учинчи йили;

F — гўза (пахта);

Д — дон (буғдой).

Бу схема 10 далали бўлиб, шундан 6 даласига гўза экилган, бунда 10 дала 100 фоиз бўлса, 6 дала — x. У ҳолда:

$$x = \frac{6 \cdot 100}{10} = \frac{600}{10} = 60\% \text{ гўза},$$

$$x = \frac{3 \cdot 100}{10} = \frac{300}{10} = 30\% \text{ беда},$$

$$x = \frac{3 \cdot 100}{10} = \frac{300}{10} = 30\% \text{ буғдой}.$$

Масала: Алмашлаб экишнинг бошқа схемалари учун ҳам ротация жадвалини тузинг ва ундаги экиладиган экинлари қанча фоизни ташкил қилишини аниқланг.

20. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ ОЛИШ УЧУН ТУПРОҚҚА СОЛИНАДИГАН ЎГИТ МЕЬЁРИНИ ҲИСОБЛАШ

Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш жараёнида олинадиган ҳосилнинг шаклланиши учун тупроқдаги камчил озуқа моддалар ўғит солиш орқали тўлдирилади. Улар органик ва минерал ҳолатда бўлади. Ўғитлар таркибидаги озуқа моддалар сувда эрийдиган минерал туз шаклида бўлади. Минерал тузлар таркибida ўсимлик учун зарур ва таъсир этувчи модда бўлади. Уларнинг миқдори ўгитнинг турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, аммиакли селитрада (NH_4NO_3) ўсимликка таъсир этувчи азотнинг (N) миқдори 33–34%, суперфосфатда ($\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$) фосфорнинг (P_2O_5) миқдори 14–20%, хлорли калийда (KCl) калийнинг (K_2O) миқдори 52–60% ташкил этади.

Режалаштирилган ҳосилни олиш учун тупроққа солинадиган ўғит миқдори агрокимёвий картограммалар асосида белгиланади. Уни аниқлаш учун тупроқ таркибидаги сувда эрийдиган (ҳаракатчан) озуқа моддаларининг миқдорини, уларни ўсимлик истеъмол қилиш даражаси (коэффициенти) ва миқдорини билиш зарур. Субориладиган дехқончилик миңтакасида бир тонна ҳосил шаклланиши учун ўсимликлар тупроқдан қуидаги миқдорда озуқа моддаларни истеъмол қиласи (14-жадвал).

14-жадвал

Айрим ўсимликлар тупроқдаги озуқа моддаларни истеъмол қилиши

Ўсимликлар	Ҳосил	Ўсимликка таъсир этувчи модда, кг		
		Азот	Фосфор	Калий
Кузги буғдой	Дон	30–40	11–15	20–30
Шоли	Дон	35–42	12–15	15–38
Маккажӯхори	Дон	35–40	15–20	45–50
Беда	Хашак	25–27	6–7	14–16
Ғўза	Пахта	60	30–40	60
Помидор	Сабзавот	2,5–2,7	0,4–0,5	3,5–3,8

Тупроққа органик ва минерал ўғитлар бир вақтда солинадиган бўлса, режалаштирган ҳосилни олиш учун ҳар бир озуқа модда (азот, фосфор, калий) миқдори қуийдаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H_{\text{тзм}} = \frac{100 \cdot B - P \cdot K_n - D_o \cdot C_o \cdot K_o}{K_y},$$

бунда: $H_{\text{тзм}}$ — таъсир этувчи модда миқдори;

B — ҳосил шаклланиши учун сарфланадиган озуқа модда, кг;

P — тупроқдаги ўсимлик ўзлаштирадиган озуқа модда миқдори, кг/га;

K_n — тупроқдаги озуқа моддаларининг ўсимликлар ўзлаштириш коэффициенти, % (60—70);

D_o — тупроққа солинадиган органик ўғит миқдори, т/га;

C_o — 1 тонна органик ўғитдаги озуқа модда миқдори, кг;

K_o — органик ўғитлардаги озуқа модданинг ўсимликлар ўзлаштириш коэффициенти, % (50—60);

K_y — минерал ўғитлардаги озуқа модданинг ўсимликлар ўзлаштириш коэффициенти, % (20—50).

Олинган натижалар асосида ўғитлар (аммиакли селитра, суперфосфат ва бошқалар) миқдори қуийдаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H_{\text{ұғит}} = \frac{H_{\text{тзм}} \cdot 100}{T_{\text{тзм}}},$$

бунда: $H_{\text{ұғит}}$ — тупроққа солинадиган ўғит миқдори, кг/га;

$H_{\text{тзм}}$ — таъсир этувчи модда ҳисобидаги ўғит миқдори, кг/га;

$T_{\text{тзм}}$ — ўғит таркибидаги таъсир этувчи модда, %.

Топшириқ: Тупроққа органик ўғит солинмаганда режалаштирилган ҳосилни олиш учун зарур бўлган минерал ўғитлар миқдорини ҳисобланг.

Ҳисоблаш учун маълумотлар: Аммиакли селитра таркибида 34% азот; суперфосфат таркибида 20% фосфор; хлорли калий таркибида 60% калий мавжуд.

Режалаштирилган ҳосилдорлик: бүгдой — 60 ц/га, шоли — 80 ц/га, маккажұхори — 70 ц/га, ғұза — 40 ц/га.

П — тупроқдаги ўсимлик үзлаштириладиган озуқа модда = 20 кг/га.

K_o — озуқа моддалардан фойдаланиш коэффициенти = 60%.

$D_o C_o K_o = 0$ га тенг (органик үғит солинмайды).

K_y — үғитдеги озуқа моддалардан фойдаланиш коэффициенти = 50%.

Мисол. Күзги бүгдойдан 60 ц/га ҳосил олиш учун тупроққа солинадиган минерал үғитлар миқдорини ҳисобланғ:

1. Аммиакли селитра учун:

$B = 6$ тонна (60 ц/га) · 30 кг (1 тонна ҳосил учун азот истеъмоли) = 180 кг/га.

$$H_{\text{азот}} = \frac{100 \cdot 180 - 20 \cdot 60 - 0}{50} = 336 \text{ кг/га};$$

$$H_{\text{үғит}} = \frac{336 \cdot 100}{34} = 988 \text{ кг/га}.$$

2. Суперфосфат учун:

$B = 6$ тонна (60 ц/га) · 15 кг = 90 кг/га.

$$H_{\text{фосфор}} = \frac{100 \cdot 90 - 20 \cdot 60 - 0}{50} = 156 \text{ кг/га};$$

$$H_{\text{үғит}} = \frac{156 \cdot 100}{20} = 780 \text{ кг/га}.$$

3. Хлорли калий учун:

$B = 6$ тонна · 20 кг = 120 кг/га.

$$H_{\text{калий}} = \frac{100 \cdot 120 - 20 \cdot 60 - 0}{50} = 216 \text{ кг/га};$$

$$H_{\text{үғит}} = \frac{216 \cdot 100}{60} = 360 \text{ кг/га}.$$

Кўрсатилган тартибда шоли, маккажўхори ва ғўзадан режалаштирилган ҳосилни олиш учун тупроққа солинадиган ўгитлар меъёрини ҳисобланг.

21. УРУГНИНГ ЭКИШГА ЯРОКЛИЛИГИ ВА МЕЬЁРИНИ АНИҚЛАШ

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш кўп жиҳатдан экиладиган уруғлик сифатига боғлиқ. Экишга йирик, сараланган, тозаланган, униб чиқиши қобилиятли, 1000 дона уруғнинг оғирлиги юқори бўлган, районлаштирилган уруғлар тавсия қилинади. Дехқончиликда экилиши керак бўлган уруғларнинг сифатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Уруғлик сифатини аниқлаш учун намуна олиш.

Дон экинларининг 200 центнери бир партия ҳисобланади. Ҳар партиядан камида 5 жойидан шуп ёрдамида намуна олинади. Намуна олишда уруғликларнинг йириклигига эътибор берилади. Масалан, дон экинларидан (буғдой, арпа, жавдар) 1000 г, майда уруғлик экинларидан (загир, наша) 500 г, кўп йиллик ўт экинлардан (беда) 250 г, рапс, горчица ва перколардан 50 г намуна олинади.

1000 дона уруғ оғирлигини аниқлаш.

1000 дона уруғ қанча оғир бўлса, ўсимликнинг униб чиқиши ҳам шунча тезлашади, ниҳоллар бақувват ўсади, юқори ҳосил олинади.

1000 дона уруғнинг оғирлигини аниқлаш учун тозаланган уруғдан, унинг намлигини ҳисобга олмаган ҳолда ҳар бири 500 тадан иккита намуна санаб олинади. Сўнгра бу намуналар 0,01 г аниқлик билан техник тарозида тортилади. Уларнинг фарқи 3% дан ошмаса, у ҳолда икки намуна оғирлиги қўшилиб, арифметик йўл билан ўртачаси топилади. Агар орасидаги фарқ 3% дан ошса, у ҳолда тажриба яна қайтарилади. Аниқланган маълумотлар 15-жадвалга ёзиб қўйилади:

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

15-ж а д в а л

№	Экинлар	Ургунинг сони, дона	Ургунинг оғирлигиги, г			
			1-наму- на	1-на- муна	Уму- мийсі	Үрта- часи
1	Бұғдой	500				
2	Шоли	500				
3	Маккажұхори	500				
4	Пахта	500				
5	Беда	500				
6	Рапс	500				

Ургунинг экишга яроқлилигини аниқлаш.

Ургун экишга яроқлилигини қуйидаги формула би-лан аниқланады:

$$X = \frac{A}{B} \cdot 100$$

бунда: X — ургун экишга яроқлилиги, %;

A — ургунинг тозалиги, %;

B — ургунинг униши, %.

16-ж а д в а л

Ургулук сифаты

№	Экинлар	Класс	Асосий экин- нинг уруги, %	Чиқин- ди, %	1 кг уруғда, дона		Униб чиқи- ши, %
					Бошқа экин- лар уруги	Шундан бегона ұтлар уруги	
1.	Бұғдой	1	99	1	10	5	95
2.	Маккажұхори	1	99	1	0	0	96
3.	Шоли	1	99	1	10	5	95

17-жадвала

Уруғ экиш мөйёри

№	Экинлар	Уруғ экиш мөйёри		1000 дона уругнинг оғирлигиги, г
		1 га ерга млн. дона	1 га ерга, кг	
1.	Кузги бүгдой	3—4		41
2.	Шоли	6—7		38
3.	Маккажӯхори	0,05—0,07		320
4.	Сорго	0,7—0,8		14
5.	Соя	0,3—0,4		210
6.	Беда	5—6		5

Уруғни экиш мөйёри унинг 100 % экишга яроқлигини ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги формула билан белгиланади:

$$H_x = \frac{H_t \cdot A \cdot 100}{X} ,$$

бунда: H_x — ҳақиқий экиладиган уруғ мөйёри, кг/га;
 H_t — тавсия қилинадиган соф уруғ миқдори, млн.
 дона/га;

A — 1000 дона ургнинг оғирлиги, г;

X — уруғнинг экишга яроқлилиги, %.

Топшириқ: Маккажӯхорининг тавсия қилинган уруғ экиш мөйёри ҳар гектарга 70 минг дона, 1000 дона уруғнинг оғирлиги 320 г., экишга яроқлилиги — 92%.

Шуларга асосланган ҳолда ҳар гектар ерга экиладиган ҳақиқий уруғ мөйёрини аниқланг.

Ечиш:

$$H_x = \frac{H_t \cdot a \cdot 100}{X} = \frac{70 \cdot 320 \cdot 100}{92} = 24,3 \text{ кг/га.}$$

22. ЎСИМЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАРНИНГ ТАҚВИМИЙ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ

Ўзбекистон Республикаси ер юзида жойлашишига кўра, асосан, икки хил географик ҳудуд —пасттекисликлардан иборат бўлган чўл минтақаси ҳамда тоғ олди ва тоғликлардан иборат бўлган чўл-дашт минтақасидан ташкил топган. Уларнинг иқлим шароити, рельеф тузилиши, ўсимликлар олами ва тупроқларининг тарқалиши маълум қонуниятларга асосланган. Шуни назарда тутган ҳолда республика ҳудуди шимолий, марказий ва жанубий тупроқ-иқлим минтақаларига ажратилган. Дехқончиликни ташкил этиш, асосий экинларни жойлаштириш, амалга ошириладиган агротехник ва технологик жараёнларнинг таркиби, меъёри ва ўтказиш даврлари мазкур минтақаларнинг тупроқ-иқлим, тупроқ-мелиоратив ва бошқа шароитларни инобатга олиб табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларни режалаштириш мақсадида ҳар бир хўжалик ҳудудида экиладиган асосий экинларга монанд агротехник тадбирларнинг тақвимий таркиби, меъёри ва даврлари жорий йилнинг 1 сентябригача тайёрланади.

Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида талаба намуна сифатида кўрсатилган марказий (Тошкент вилояти, Фарғона водийси) минтақа мисолида ўрганиб чиқиб, жанубий (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари) ва шимолий (Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм вилояти) минтақалар учун аниқлайдилар.

Бунинг учун кузги ишлар марказга нисбатан жанубда 15—20 кун кейин, шимолда 10—15 кун олдинроқ, баҳордаги ишлар эса аксинча жанубда 15—20 кун илгари ва шимолда 10—15 кун кейинроқ бошланишини ҳисобга олиш лозим. Ўсув даврида бажариладиган ишлар ҳам ҳудди баҳордаги ишлар каби амалга оширилади.

**23. ПАХТА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БҮЙИЧА
ТАКВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР
РЕЖАСИННИ ТУЗИШ**

18-жада

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Ўқариқларни кўмиш	15.10—10.11		
2.	Далани ғўзапоялардан тозалаш ёки уни майдалаш	15.10—10.11		
3.	Далани текислаш	16.10—11.11		
4.	Далага органик ва минерал ўғитлар сепиш (ҳар гектарга 36—40 т гўнг, 100—120 кг фосфор ва 50—60 кг калий солинади).	17.10—12.11		
5.	Кузги шудгорлаш (кўш қаватли плугларда 30—40 см чуқурликда)	17.10—12.11		
6.	Шудгор юзасини текислаш	13—20.11		
Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш				
7.	Нам тўплаш мақсадида эрта баҳорда бороналаш	1—10.03		
8.	Чигит экиш олдидан молалаш ва бороналаш	5—20.04		
9.	Чигит экиш (ҳар гектарга 30 кг азот ва 30 кг фосфор ҳам солинади)	6—21.04		
Ўсиш даврида бажариладиган ишлар				
10.	Тупроқ қатқалогини юмшатиш			
11.	Биринчи юза культивация ўтказиш (6—8 см чуқурликда)	24.04—5.05		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

12.	Яганалаш	24.04—11.05		
13.	Биринчи кетмөн чопиги ва ўтоқ қилиш	11.05—24.05		
14.	Иккинчи культивация (14—16 см чуқурликда) билан бирга биринчи озиқлантириш (ҳар гектарга 100—110 кг азот ва 80—100 кг фосфор солинади)	25.05—5.06		
15.	Сугориш учун ўқариқ очиш	25.05—5.06		
16.	Биринчи сугориш (ҳар гектарга 800—1000 м ³ сув сарфланади)	25.05—6.06		
17.	Учинчи культивация (16—18 см чуқурликда)	2—12.06		
18.	Иккинчи кетмөн чопиги ва ўтоқ қилиш	3—19.06		
19.	Иккинчи озиқлантириш (ҳар гектарга 100—110 кг азот ва 50—60 кг калий солинади)	20—27.06		
20.	Иккинчи сугориш (ҳар гектарга 800—900 м ³ сув сарфланади)	20—30.06		
21.	Тұртингчи культивация (18—20 см чуқурликда) ва сугориш учун әтат очиш	25.06—6.07		
22.	Учинчи сугориш (ҳар гектарга 800—900 м ³ сув сарфланади)	10—20.07		
23.	Чеканка	15—25.07		
24.	Бешинчи культивация (18—20 см чуқурликда) ва сугориш учун әтат очиш	16—26.07		
25.	Тұртингчи сугориш (ҳар гектарга 900—1000 м ³ сув сарфланади)	24.07—4.08		
26.	Йирик begona ўтларни йүқотиши	28.07—8.08		
27.	Бешинчи сугориш (ҳар гектарга 900—1000 м ³ сув сарфланади)	10—20.08		
28.	Олтингчи сугориш (ҳар гектарга 700—800 м ³ сув сарфланади)	30.08.—10.09		

Пахта теримида бажариладиган ишлар				
29.	Үқариқларини күмиш	9—12.09		
30.	Дефолияция килиш	10—15.09		
31.	Дала четларини теримга тайёрлаш	25.09—6.10		
32.	Биринчи машина терими	26.09—11.10		
33.	Иккинчи машина терими	12—20.10		
34.	Тўкилган пахталарни териш	12—30.10		

**24. СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА КУЗГИ БУГДОЙ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАҚВИМИЙ
ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

19-жадвага

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5

Кузда бажариладиган ишлар ва экиш

1.	Ҳосилдан бўшаган ерларни текислаш	25—30.09		
2.	Сугориш учун калта ўқариқлар очиш ёки поллар қилиш	1—10.10		
3.	Ёппасига бостириб сугориш (ҳар гектарга 700—800 м ³ сув сарфланади)	2—12.10		
4.	Ўқариқларни кўмиш	7—17.10		
5.	Органик ва минерал ўғитлар сепиш (ҳар гектарга 20—25 т гўнг, 80—90 кг фосфор, 50—60 кг калий солинади)	8—18.10		
6.	Ер ҳайдаш (28—30 см чуқурликда)	9—19.10		
7.	Молалаш ва бороналаш	10—20.10		

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

8.	Экиш (экиш усули 15—18 см кенгликда ёппасига бажарилади. Урұғ сарфлаш миқдори ҳар гектарға 160—180 кг. Экиш билан бир вақтда 90—120 см кенгликда суғориш әттегілер очилади. Экиш чуқурылғы 4—5 см)	12—22.10		
9.	Суғориш учун үқариқтар очиш	12—22.10		
10.	Биринчи суғориш (ҳар гектарға 700—900 м ³ сув сарфланади)	12—22.10		
11.	Құчатларнинг тұлиқлигини аниқлаш	1—10.11		
12.	Құчати кам майдонларға урұғ сепишиш ва күмиш	2—11.11		

Ұсиш даврида бажариладиган ишлар

13.	Үқариқтарни күмиш	18—27.02		
14.	Биринчи озиқлантириш (ҳар гектарға 100—110 кг азот берилади) Бир вақтда бороналаң үфіт күмілади ҳамда бегона ўтлар йүқтелілади.	20—28.02		
15.	Үқариқтарни очиш	22.02—1.03		
16.	Иккінчи суғориш (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	22.02.—2.03		
17.	Үтоқ қилиш	5—17.03		
18.	Иккінчи озиқлантириш (ҳар гектарға 60 кг азот солиналади)	20—30.03		
19.	Учинчи суғориш (ҳар гектарға 800—900 м ³ сув сарфланади)	10—20.04		
20.	Қийтос ғуллаган пайтда отда юриб арқон тортиб құшимча чанглатиши	20—30.04		
21.	Тұртқынчи суғориш (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	5—15.05		

Хосилни йигиштириш				
22.	Үқариқларни күмиш, далаларни комбайнларнинг ишлаши учун тайёрлаш.	20.06—10.07		
23	Хосилни ўриб-йигиштириш	25.06—15.07		
24	Донни асфальт хирмонга ёйиб куритиш	25.06—20.07		
25	Сомонини даладан ташиб чиқариш	26.06—16.07		
26	Донни тозалаш	1—25.07		

**25. МАККАЖҮХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
БҮЙИЧА ТАҚВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР
РЕЖАСИННИ ТУЗИШ**

20-жадвада

№	Бажариладиган ишларининг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Үқариқларни күмиш. Дала юзасини текислаш	16—25.10		
2.	Органик ва минерал ўғитлар сепиши (ҳар гектарга 30 т гүнг, 100 кг фосфор ва 90 кг калий солинади)	17—26.10		
3.	Шудгорлаш (кўш қаватли плугларда 35—40 см чукурликда)	18.10—17.11		
4.	Шудгорланган майдонларни текислаш	19.10—19.11		
Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш				
5.	Нам сақлаш мақсадида бороналаш	10—15.03		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

6.	Экиш олдидан молалаш ва бороналаш	3—9.04		
7.	Экиш (ұар гектарға 30 кг азот ва 30 кг фосфор берилади. Уруғ экиш миқдори 25—30 кг. Экиш усуллари бир қаторли 70 см ва кенг қаторли 90 см. Экиш чуқурлиги 6—7 см)	4—10.04		

Ұсиш даврида бажарыладын ишлар

8.	Тупроқ қатқалогини юмшатиш учун күндалангига бороналаш	9—15.04		
9.	Үқариқтарни очиб яна күмиш	21—26.04		
10.	Биринчи культивация (6—8 см чуқурликда)	22—27.04		
11.	Яганалаш	25—30.04		
12.	Иккінчи культивация (16—18 см чуқурликда)	5—10.05		
13.	Кетмөн чопиғи ва ұтоқ қилиш	7—14.05		
14.	Биринчи озиқлантириш (ұар гектарға 100 кг азот ва 60 кг фосфор солинади). Суфориш учун әтат очиши	20—26.05		
15.	Үқариқтарни очиши	20—26.05		
16.	Биринчи суфориш (ұар гектарға 900—1000 м ³ сув сарфланади)	21—27.05		
17.	Үқариқтарни күмиш	26.05—2.06		
18.	Учинчи культивация (18—20 см чуқурликда)	27.05—3.06		
19.	Ұтоқ қилиш ва бачкиларни юлиш	1—10.06		
20.	Иккінчи озиқлантириш (ұар гектарға 80 кг азот ва 60 кг қалий солинади). Суфориш учун әтат очиши	18—25.06		
21.	Үқариқтарни очиши	18—25.06		

22.	Иккинчи сугориш (ҳар гектарга 800—900 м ³ сув сарфланади)	19—26.06		
23.	Учинчи сугориш (ҳар гектарга 700—800 м ³ сув сарфланади)	5—10.07		
24.	Тұртінчи сугориш (ҳар гектарга 700—800 м ³ сув сарфланади)	20—25.07		

Хосилни йигиштириш

25.	Үқариқларни күмиш, далаларни комбайнлар ишлаши учун тайёрлаш	18—25.08		
26.	Комбайн билан сұталарни йигиштириш	20—30.08		
27.	Пояларни йигиштриш ва даладан ташиб чиқыш	20—30.08		
28.	Сұталарни асфальт хирмонда ёйиб қуритиш	20.08—5.09.		
29.	Сұталарни янчиш	25.08—10.09		

**26. ШОЛИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БҮЙИЧА
ТАҚВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР
РЕЖАСИННИ ТУЗИШ**

21-жадәл

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддаты		
		Марказий вилояттарда	Жанубий вилояттарда	Шимолий вилояттарда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Ер ҳайдашдан олдин үқариқларни күмиш ва далаларни текислаш	15—30.10		
2.	Шудгорлаш	16.10—16.11		
3.	Шудгорлашда ҳосил бўлган ариқларни күмиш	20.10—20.11		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш				
4.	Экишдан олдин ўғитлаш (ҳар гектарга 100 кг азот, 160 кг фосфор ва 100 кг калий солинади)	12—22.04		
5.	Минерал ўғитларни бороналаб тупроққа аралаштириш	14—24.04		
6.	Экиш (ҳар гектарга 220—250 кг уруғ сарфланади. Экиш усули ёп-пасига бўлиб, қаторлари кенглиги 15—18 см, чуқурлиги 4—5 см)	15—25.04		
7.	Чек олиш	17—27.04		
8.	Ўқариқлар очиш	18—26.04		
9.	Биринчи сув қувиш (12—15 см қалинликда)	19—29.04		
10.	Сув юзасида тўпланган хашакларни олиб ташлаш	22—30.04		
Ўсиш даврида бажариладиган ишлар				
11.	Доимий сув сатҳини сақлаб туриш	19.05—20.06		
12.	Биринчи ўтоқ қилиш	1—10.06		
13.	Биринчи озиқлантириш (ҳар гектарга 80 кг азот солинади)	5—15.06		
14.	Иккинчи ўтоқ қилиш	25—30.06		
15.	Иккинчи озиқлантириш (ҳар гектарга 80 кг азот солинади)	2—10.07		
16.	Учинчى ўтоқ қилиш	20—30.07		
Ҳосилни йигиштириш				
17.	Ўқариқларни кўмиш, далаларни комбайнлар ишлаши учун тайёрлаш	4—25.09		
18.	Шолини ўриш	6—16.09		
19.	Шолини янчиш	12—30.09		

20.	Донни асфальт хирмонларда ёйиб қуритиш	12.09—5.10		
21.	Поҳолни даладан ташиб чиқиш	15.09—10.10		
22.	Донни тозалаш	18.09—10.10		

**27. ҚАНД ЛАВЛАГИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
БҮЙИЧА ТАҚВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР
РЕЖАСИННИ ТУЗИШ**

22-жадвада

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Ўқариқларни кўмиш ва дала юзасини текислаш	13.10—13.11		
2.	Органик ва минерал ўғитлар сеппиш (ҳар гектарга 40—50 тонн, 120—130 кг фосфор ва 60—70 кг калий)	14.10—14.11		
3.	Шудгорлаш (қўш қаватли плугларда 35—40 см чуқурликда)	15.10—15.11		
4.	Шудгор юзасини текислаш	16.10—16.11		
Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш				
5.	Нам сақлаш мақсадида бороналаш	10—15.02		
6.	Экишдан олдин молалаш ва бороналаш	5—10.03		
7.	Экиш (ҳар гектарга уруғ экиш микдори 20—25 кг, ўғит микдори 30 кг азот. Экиш усуслари бир қаторли 60—70 см. Экиш чуқурлиги 3—4 см)	6—15.03		

Ұсиш даврида бажарыладыган ишлар

8.	Тупроқ қатқалогини юмшатыш	5—15.04		
9.	Үқариқтарни очиб ва күмиб күйиш	6—16.04		
10.	Биринчи культивация (6—8 см чукурликда)	20—25.04		
11.	Ягоналаш	20—30.04		
12.	Иккинчи культивация (16—18 см чукурликда)	25.04—5.05		
13.	Кетмөн чопиғи ва ұтоқ қилиш	25.04—6.05		
14.	Биринчи озиқлантириш (ҳар гектарга 50 кг азот берилади). Суғориши учун әттегі очиши.	1—7.05		
15.	Биринчи суғориши (ҳар гектарга 800—900 м ³ сув сарфланади)	5—15.05		
16.	Учинчи культивация (20—22 см чукурликда)	11—21.05		
17.	Кетмөн чопиқи ва ұтоқ қилиш	13—23.05		
18.	Иккинчи озиқлантириш (ҳар гектарға 40 кг азот берилади). Суғориши учун әттегі очиши.	25—31.05		
19.	Иккинчи суғориши (ҳар гектарға 800—900 м ³ сув сарфланади)	27.05—5.06		
20.	Тұртинги культивация (14—16 см чукурликда). Суғориши учун әттегі очиши.	3—11.06		
21.	Учинчи суғориши (ҳар гектарға 800—900 м ³ сув сарфланади)	15—24.06		
22.	Йирик ұтларни ұтоқ қилиш	20—30.06		
23.	Тұртинги суғориши (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	10—20.07		
24.	Бешинчи суғориши (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	1—10.08		
25.	Олтинги суғориши (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	25.08—5.09		

26.	Еттинчи сугориш (ҳар гектарга 600—700 м ³ сув сарфланади)	25—30.09		
Ҳосилни йигиштириш				
27.	Ўқариқларни кўмиш	15—20.10		
28.	Лавлагининг баргини ўриш	15—21.10		
29.	Культивация қилиш (10—12 см чуқурликда)	16—22.10		
30.	Лавлагини ковлаш	17—30.10		

**28. ЭРТАНГИ КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
БЎЙИЧА ТАҚВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР
РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

23-жадвада

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Ўқариқларни кўмиш	16—24.10		
2.	Ер юзасини текислаш	17—25.10		
3.	Органик ва минерал ўғитлар сепиш (ҳар гектарга 50—60 т гўнг, 120 кг фосфор, 80 кг калий)	17.10—10.11		
4.	Шудгорлаш (кўш қаватли плугларда 35—40 см чуқурликда)	17.10—17.11		
5.	Шудгор юзасини текислаш	20.10—19.11		
6.	Эгатлар олиш (70 см кенгликда)	21.10—20.11		
Баҳорда бажариладиган ишлар ва экиш				
7.	Уругликни 50—80 г катталикада саралаб нишлатишга қўйиш (бу иш экишдан 15—20 кун олдин,			

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

	15—17°C иссиқликда ёйиб куритиш	10—20.02		
8.	Экиш (усули 70x25—30 см тартибда, 6—8 см чүкүрликда, ҳар гектарига 3,5—4,5 т уруғ сарфланади, 70—72 минг туп күчтөн бүләди. 30 кг азот, 30 кг фосфор берилади).	1—10.03		
Үсүс даврида бажарыладын ишлар				
9.	Биринчи культивация (униб чиққунга қадар 16—18 см чүкүрликда, 10—12 см ҳимоя зонаси қолдирлади) ва бир йўла енгил борона ўтказилади	1—5.04		
10.	Иккинчи культивация (униб чиққач 22—24 см чүкүрликда, 16—18 см ҳимоя зонаси қолдирлади)	25—30.04		
11.	Биринчи кетмон чопиги ва бегона ўтларни йўқотиш	26.04—7.05		
12.	Биринчи озиқлантириш (ҳар гектарга 70—80 кг азот берилади)	30.04—10.05		
13.	Ўқариқларни очиш	30.04—10.05		
14.	Биринчи суғориш (ҳар гектарга 600—700 м ³ сув сарфланади)	30.04—11.05		
15.	Иккинчи суғориш (ҳар гектарга 600—700 м ³ сув сарфланади)	10—19.05		
16.	Ўқариқларни кўмиш	16—24.05		
17.	Учинчи культивация (22—24 см чүкүрликда, 20—22 см ҳимоя зонаси қолдирлади)	17—24.05		
18.	Иккинчи кетмон чопиги ва бегона ўтларни йўқотиш	17—20.05		
19.	Иккинчи озиқлантириш (шонага кириш пайтида ҳар гектарга 60 кг азот берилади)	25.05—5.06		

20.	Үқариқларни очиш	26.05—6.06		
21.	Учинчи сугориш (ҳар гектарга 400—500 м ³ сув сарфланади)	26.05—6.06		
22.	Үқариқларни күмиш	2—10.06		
23.	Тұртингі культивация (22—24 см чуқурликда, 20—22 см ұмоя зонаси қолдирилади)	2—11.06		
24.	Үқариқларни очиш	5—15.06		
25.	Тұртингі сугориш (ҳар гектарга 400—500 м ³ сув сарфланади)	6—16.06		
26.	Йирик бегона ўтларни юлиш	10—20.06		
27.	Бешинчи сугориш (ҳар гектарга 400—450 м ³ сув сарфланади)	15—25.06		

Йигишириш ишлари

28.	Үқариқларни күмиш ва далани ұсил йигиширишга тайёрлаш	21—30.06		
29.	Пояларни ўриш.	22—30.06		
30.	Картошкани кавлаб олиш	22—30.06		

**29. СОРГО ДОНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БҮЙИЧА
ТАҚВИМИЙ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР РЕЖАСИНІ
ТУЗИШ**

24-жадәл

№	Бажарыладынган ишларнинг номи	Бажарылыш муддаты		
		Марказий вилояттарда	Жанубий вилояттарда	Шимолий вилояттарда
1	2	3	4	5
Кузда бажарыладынган ишлар				
1.	Үқариқларни күмиш ва далани текислаш	14.10—14.11		
2.	Органик ва минерал ўғитлар сепиши (ҳар гектарга 30 т гүнг, 100 кг фосфор ва 50 кг калий)	15.10—15.11		

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР

3.	Шудгорлаш (құш қаватли плуг-ларда 30—35 см чүкүрликда)	16.10—16.11		
4.	Шудгор юзасини текислаш	18.10—18.11		
Баҳорда бажариладиган ишлар ва әкиш				
5.	Нам сақлаш мақсадыда бороналаш	8—13.03		
6.	Әкишдан олдин молалаш ва бороналаш	8—15.04		
7.	Әкиш (ұар гектарға 30 кг азот, 30 кг фосфор солинади. Уруғ әкиш міндері 8—10 кг. Әкиш усуллари бир қаторлы 60 см ва құш қаторлы 70+20 см. Әкиш чүкүрлиги 3—4 см)	9—16.04		
Үсиш даврида бажариладиган ишлар				
8.	Бириңчи культивация (6—8 см чүкүрликда)	23—28.04		
9.	Ягоналаш (үсимликлар орасы 4—5 см қолдирилади)	6—11.05		
10.	Иккінчі культивация (14—16 см чүкүрликда)	7—11.05		
11.	Кетмөн чопиғи ва бегона ўтларни йүқотиши	7—12.05		
12.	Бириңчи озиқлантириш (ұар гектарға 80 кг азот ва 60 кг фосфор солинади) ва бир вақтда сугориши учун эгат очиш	12—17.05		
13.	Ұқарықтарни очиш	12—17.05		
14.	Бириңчи сугориши (ұар гектарға 900—1000 м ³ сув сарфланади)	13—18.05		
15.	Иккінчі сугориши (ұар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	27.05—3.06		

16.	Үқариқтарни күмиш	4—10.06		
17.	Күк пояни биринчи ўриб-йигишириш	5—11.06		
18.	Учинчи культивация (18—20 см чукурликда)	6—12.06		
19.	Иккинчи озиқлантириш (ҳар гектарға 80 кг азот, 50 кг фосфор ва 50 кг калий солинади) ва бир вақтда сугориш учун эгат очиш	11—16.06		
20.	Үқариқтарни очиш	12—17.06		
21.	Учинчи сугориш (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	12—18.06		
22.	Тұртинги сугориш (ҳар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	27.06—3.08		
23.	Йирик бегона ўтларни юлиш	2—8.07		
24.	Үқариқтарни күмиш	3—8.07		
25.	Тұртинги культивация (18—20 см чукурликда)	3—9.07		
26.	Учинчи озиқлантириш (ҳар гектарға 60 кг азот берилади)	9—14.07		
27.	Үқариқтарни очиш	9—15.07		
28.	Бешинчи сугориш (ҳар гектарға 600—700 м ³ сув сарфланади)	10—16.07		
29.	Олтинги сугориш (ҳар гектарға 600—700 м ² сув сарфланади)	1—6.08.		
30.	Үқариқтарни күмиш	24—28.08		
31.	Жаткалар билан ўриб-ётқизиш	25—30.08		
32.	Донли рұвак қисмини кесиб олиш	25—30.08		
33.	Асфальт хирмонга ёйиб қуритиш	25.08—5.09		
34.	Пояларни даладан чиқариш	26.08—2.09		
35.	Донни янчыб олиш	1—10.09		
36.	Донни қуритиш	1—15.09		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

37.	Донни тозалаш	6—20.09		
38.	Бешинчи культивация (18—20 см чукурликда)	27.08—3.09		
39.	Түртнинчи озиқлантириш (ҳар гектарга 60 кг азот солинади)	1—5.09		
40.	Үқариқларни очиш	1—6.09		
41.	Еттинчи сугориш (ҳар гектарга 700—800 м ³ сув сарфланади)	2—8.09		
42.	Саккизинчи сугориш (ҳар гектарга 600—700 м ³ сув сарфланади)	20—26.09		
43.	Үқариқларни күмиш	8—18.10		
44.	Кўк пояни ўриб-йигишириш (кўк конвейр қилинади)	10—20.10		

**30. БАҲОРДА БИРИНЧИ ЙИЛИ ЭКИЛАДИГАН БЕДА
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ТАҚВИМИЙ
ЙИЛЛИК БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

25-жадвага

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Бажарилиш муддати		
		Марказий вилоятларда	Жанубий вилоятларда	Шимолий вилоятларда
1	2	3	4	5
Кузда бажариладиган ишлар				
1.	Үқариқларни кўмиш	15.10—15.11		
2.	Ғузапояни майдалаш ёки далани ундан тозалаш	16.10—16.11		
3.	Далани текислаш	17.10—17.11		
4.	Чизеллаш, бороналаш ва бегона ўтлардан тозалаш	17.10—17.11		
5.	Органик ва минерал ўгитларни сепиш (ҳар гектарга 25—30 т гўнг, 100—120 кг фосфор, 50—80 кг калий солинади)	18.10—18.11		

6.	Шудгорлаш (құш қаватли плуг-ларда 35—40 см чуқурликда)	19.10—19.11		
7.	Шудгор юзасини текислаш	20.10—20.11		

Баҳорда бажарыладын ишлар ва әкиш

8.	Нам сақлаш мақсадыда бороналаш	20—25.02		
9.	Үгитлаш (ұар гектарға 30—35 кг азот, 100—120 кг калий солиданади)	9—14.03		
10.	Әкиш олдидан бороналаш ва молалаш (бунда бегона үтлар йүқотилади, ер юзаси майин қилиб текисланади)	10—15.03		
11.	Әкиш (ұар гектарига беда уруғидан 16—18 кг сарфланади. Әкиш чуқурлігі 1,5—2,0 см. Құп ҳолларда ұар гектарға беда уруғига 40—50 кг арпа, жавдар, сули, бүгдей, тритикале ёки бошқа әкинлардан бири құшиб әкілади)	11—16.03		
12.	Суғорыш учун әгатлар очиши (60—90 см көңгілікта, 12—14 см чуқурликта)	12—17.03		

Үсүв даврида бажарыладын ишлар

13.	Биринчи суғорыш (ұар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	1—10.05		
14.	Иккінчи суғорыш (ұар гектарға 800—900 м ³ сув сарфланади)	25.05—5.06		
15.	Учинчى суғорыш (ұар гектарға 800—900 м ³ сув сарфланади)	2—30.06		
16.	Биринчи ўрим	1—10.07		
17.	Пичан йигиштириш	4—14.07		
18.	Пичанни боғлаш	5—15.07		
19.	Пичанни ортиб жүнатыш	5—15.07		

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

20.	Тұртинги сугориш (хар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	10—15.07		
21.	Бешинчи сугориш (хар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	1—5.08.		
22.	Иккінчи ўрим	7—15.08		
23.	Пичанни йигиштириш	11—19.08.		
24.	Пичанни боялаш	11—19.08		
25.	Пичанни ортиб жұнатыш	12—20.08		
26.	Олтинги сугориш (хар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	18—23.08		
27.	Еттинги сугориш (хар гектарға 700—800 м ³ сув сарфланади)	10—15.09		
28.	Учинчи ўрим	20—27.09		
29.	Пичанни йигиштириш	24—30.09		
30.	Пичанни боялаш	24—30.09		
31.	Пичанни ортиб жұнатыш	24—30.09		
32.	Саккизинчи сугориш	25—30.09		
33.	Тұртинги ўрим (күк конвейр қилинади)	20—30.10		

АДАБИЁТЛАР

1. Асосий қишлоқ хұжалик әқинларини парваришилаш ва маҳсулот етишириш бүйіча намунавий технологик карталар. 1999—2005 й. Үз.К.С.Х.В. Т., 1999.
2. Х.Атабаева ва бошқалар. Үсимликтүнөслик. Т., 2000.
3. М.Баходиров, А.Расулов. Тупроқшүнөслик. Т., 1975.
4. Бобохұјаев, П.Узоқов. Тупроқшүнөслик. Т., 1995.
5. З.И.Зауров. Деңқончиликдан лаборатория ишлари ва амалий машғулоттар. Т., 1979.
6. Ш.С.Зокиров. Ландшафтшүнөслик асослари. Т., 1994.
7. А.Кашкаров и др. Орошаемое земледелие аридной зоны. Т., 1984.
8. Мелиоратив тупроқшүнөслик ва деңқончилик фанининг “Мелиоратив тупроқшүнөслик қисмидан лаборатория машғулотлари”. Услубий құлланма. Т., 2000.
9. Х.Мирахмедов, М.Мирюнусов. Тупроқшүнөсликден амалий машғулоттар. Т., 1976.
10. О.Рамазонов, Э.Зиямухаммедов. Тупроқшүнөслик ва геоботаника асослари. Маърузалар түпнама. Т., 2000.
11. О.Рамазонов. Тупроқшүнөслик ва деңқончилик. Маърузалар түпнама, Т.2001
12. О.Рамазонов, М.Махмудова. Деңқончилик ва үсимликтүнөслик. Т., 2001.
13. О.Рамазонов, Н.Абдурахмонов. Ландшафтшүнөслик асослари. Т., 2001.
14. “Тупроқшүнөслик ва деңқончилик” фанидан услубий құлланма. Т., 2000.
15. В.М.Чупахин. Основы ландшафттоведения. М., 1989.
16. В.М.Чупахин, М.В.Андрин. Ландшафты и землеустройства. М., 1989.
17. Р.К.Құзиев. “Тупроқшүнөслик” курсидан 1-йүкв дала амалиёти бүйіча услубий құлланма. Т., 1996.
18. Х.Юлдашев. Үсимликтүнөслик маңыздылықтарынан технологиясы. Т., 1984.
19. Энциклопедия по хлопководству. 1—2 том. Т., 1985.
20. О.Юсупбеков. Научные основы интенсификации орошаемого земледелия с использованием полимерных материалов. Авт.докт.-диссерт. Т., 1998.
21. О.Юсупбеков и др. Почтоведение и земледелие. Методические указания. Т., 1999.
22. О.Юсупбеков. Оптимизация управления факторами орошаемого земледелия. Научный журнал. №3 (26), 2002.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-----------------	---

I б о б. ЛАНДШАФТШУНОСЛИК

1-§. Ландшафтлар. Уларнинг тузилиши ва шакллантирувчи омиллар	4
2-§. Ландшафтлар таснифи. Антропоген ландшафтлар, уларнинг таснифи	10
3-§. Ер сатҳида ландшафтларнинг миңтақавийлиги	15
4-§. Ер тузиш ишларини лойиҳалашда ландшафт таркибини ўрганиш	19
5-§. Ер тузиш ишларини лойиҳалашда ландшафтнинг хилма-хиллигини инобатта олиш ва башорат қилиш	25
6-§. Ландшафт ҳолатини ўрганиш ва муҳофаза қилиш	30
7-§. Давлат ер кадастри ва ландшафтларни ҳолатини баҳолаш	33
8-§. Ердан фойдаланишини режалаштириш ва лойиҳалаш тизимини ташкил этиш	38

II б о б. ТУПРОҚШУНОСЛИК

9-§. Тупроқ ҳосил булиш жараёни. Асосий омиллар ва шароитлар	44
10-§. Тупроқнинг морфологик белгилари, тузилиши ва механик таркиби	48
11-§. Тупроқнинг умумфизик ва физик-механик ҳоссалари	51
12-§. Тупроқ коллоидлари. Тупроқнинг сингдириш қобилияти	54
13-§. Тупроқнинг органик қисми. Тупроқ унумдорлиги	58
14-§. Тупроқ эритмаси, унинг таркиби ва реакцияси	59
15-§. Тупроқнинг иссиқлик ва ҳаво ҳоссалари, уларни бошқариш	62
✓16-§. Тупроқнинг сув ҳоссалари ва сув тартиби	66
17-§. Тупроқ ва ўсимликларнинг ер юзида тарқалиши қонуниятлари	70
18-§. Ўзбекистон тупроқлари, уларнинг ҳусусиятлари, таснифи ва тарқалиши	74
19-§. Шўрланган тупроқлар, пайдо булиш сабаблари ва унумдорлигини ошириш чоралари	79
20-§. Қийин ўзлаштириладиган тупроқлар ҳоссалари, унумдорлигини ошириш тадбирлари	84
21-§. Тупроқ эрозияси. Ҳосил булиш сабаблари ва олдини олиш чоралари	87

22-§. Тупроқ сифати ва қийматини баҳолаш	91
23-§. Тупроқ карталари ва картограммалари	95

III б о б. ДЕҲҚОНЧИЛИК.

24-§. Декончиллик тизими ва қонулари	98
25-§. Органик ва минерал ўтитлар	101
26-§. Бегона утлар тавсифи, таснифи ва кураш чоралари	107
27-§. Тупроққа ишлов бериш	112
28-§. Уруг ва уни экиш	116
29-§. Алмашлаб экиш. Тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти	120
30-§. Усимликларни сугориш	124

IV б о б. ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

31-§. Усимлик органларининг тузилиши ва уларнинг асосий функциялари	130
32-§. Усимликларнинг яшаш шароитлари	133
Ўзбекистонда экиладиган асосий ўсимликлар биологияси ва агротехникаси	
33-§. Гуза	141
34-§. Пахтани етиштириш технологияси	145
35-§. Плёнка остига чигит экиш	150
36-§. Бугдой	156
37-§. Кузги бугдой	159
38-§. Баҳорги бугдой	165
39-§. Шоли	167
40-§. Беда	172
41-§. Қанд лавлаги	180
42-§. Маккажӯхори	184
43-§. Сорго(жухори)	189
44-§. Доңли-дуккақли усимликлар	192
45-§. Соя	194
46-§. Картошка	197
47-§. Рапс	201
48-§. Маҳсар	206

V б о б. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

1. Тупроқни анализга тайёрлаш	208
2. Тупроқ намлигини аниқлаш	209
3. Тупроқнинг ҳажм массасини аниқлаш	210
4. Тупроқнинг солиштирма массасини аниқлаш	211
5. Тупроқнинг механик таркибини таҳминий (дала) усулда аниқлаш	213
6. Тупроқ чириндисини (гумусни) И.В.Тюрин усулида аниқлаш	214
7. Кабаев усули билан дала нам сифимини аниқлаш	216
8. Сувли сурим ва уни тайёрлаш	217
9. Тупроқларнинг говаклигини, қаттиқ, суюқ, газсимөн ҳолатини хисоблаш	218

10. Тупроқдаги чиринди ва туз захираларини аниқлаш	222
11. Сугориш ва мавсумий сугориш мөйөрүнің ҳисоблаш	225
12. Шур ювиш мөйөрүнің аниқлаш	226
13. Тупроқ тузилишини ўрганиш. Тупроқ чукури ва унга жой танлаш	229
14. Тупроқ харитаси, уннинг таркиби	231
15. Ҳужалик харитасини чизиш ва ўрганиш	234
16. Тупроқдаги озуқа модда ва тузлар миқдорини изоҳловчи картограммаларни ўрганиш	234
17. Тупроқ бонитировкаси	235
18. Тупроқны иқтисодий баҳолаш	237
19. Алмашлаб экиш	239
20. Режалаштирилган ҳосилни олиш учун тупроққа солинадиган уғит мөйөрүнің ҳисоблаш	242
21. Уругни экишга яроклилiği ва мөйөрүнің аниқлаш	245
22. Үсимлик маҳсулотлари етиштириштада амалга ошириладиган ишларнинг тақвимий режасини тузиш	248
23. Пахта етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	249
24. Сугориладиган ерларда кузги бугдой етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	251
25. Маккажӯҳори дони етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	253
26. Шоли етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	255
27. Қанд лавлаги етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	257
28. Эртанги картошка етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	259
29. Сорго етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	261
30. Баҳорда биринчи йили экиладиган беда етиштириш технологияси бўйича тақвимий йиллик бажариладиган ишлар режасини тузиш	264
Адабиётлар	267

**Рамазонов Обид
Юсупбеков Одил**

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА ДЕҲҚОНЧИЛИК

Олий ўқув юртлари учун дарслик

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент -- 2003

Муҳаррир *A. Баҳромов*
Бадиий муҳаррир *Г. Шоабдурахимова*
Рассом *B. Куликов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳих *H. Охунжонова*

Теришга берилди 02.07.2003. Босишига рухсат этилди: 15.08.2003.
Бичими $84 \times 108^1/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 14,28. Нашриёт-хисоб табоги 15,96. Адади 1000 нусха. Буюрт-
ма № 5214. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**